

МАШҲУРЛАРНИНГ СЎНГГИ ЛАҲЗАЛАРИ



ҲАЗРАТИ ОДАМ

Намруд • Қорун • Нерон • Цезарь • Архимед • Искандар • Абраха • Абу Жаҳл • Аҳмад Ибн Ҳанбал • Имоми Аъзам Абу Ҳанифа • Имом Ғаззолий • Баҳоуддин Нақшбанд • Салоҳиддин Айюбий • Мавлоно Жалолиддин Румий • Роман Диоген • Алпарслон • Низомулмулк • Нингизхон • Усмон Ғозий • Султон Мурод II • Ёзув Султон Салим • Султон Сулаймон Қонуний • Шайх Шомил • Иоганн Вольфганг Фон Гёте • Папа Иоанн Павел Иккинчи • Ёсир Арофат • Энтони Куинн • Али Иззатбегович • Рональд Рейган • Булент Эжевит • Саддам Ҳусайн • Наполеон • Мустафо Камол • Маҳатма Ганди • Муссолини • Адольф Гитлер • Мендерес, Зўрлу, Пўлатхон • Мендереснинг қатл жараёни • Троцкий • Мао Цзе Дун • Ленин • Максим Горький • Тургут Узал • Николай Чаушеску • Андреас Папандреу • Азиз Несин • Жавҳар Дудаев • Алпарслон Туркеш • Малика Диана

МАШҲУРЛАРНИНГ

СЎНГТИ ЛАҲЗАЛАРИ



Таржимон ва нашрга тайёрловчилар:

**Комил Муҳаммад
Элмира Мадаминова**

“...Очкўзни маҳрум, дунёпарастни ғамгин кўрдим. Энг яхши савол-жавобни кишининг ўз нафси билан ҳисоблашишида, оқилни охиратга, жоҳилни дунёга интилишда кўрдим...”

Шайх Нажмиддин Кубро

“Машҳурларнинг сўнгги лаҳзалари”

“Машҳурларнинг сўнгги лаҳзалари” деб номланган ушбу китоб ўз вақтида дунёни кўрқув ҳамда ҳайратга солган айрим машҳур тарихий шахслар: саркардалар, давлат арбобларию президентлар, қолаверса маликаю шахзодалар ҳаётининг сўнгги лаҳзалари ҳақида ҳикоя қилади.

УЎК 94(100)(092)
КБК 63.3г(0)

Q. NAVOIY NOMIDAGI
QIRDARIYO VILOYATI AKM

INV № 2023/4-190

ISBN 978-9943-8221-8-4

© “ZUKKO KITOBXON”
нашриёт-матбаа уйи, 2022

Илк инсон ва илк Пайғамбар

ҲАЗРАТИ ОДАМ

Башарият ва пайғамбарларнинг биринчиси бўлмиш Ҳазрати Одам алайҳиссалом қарийб минг йил умр кўрган эди. Жаноби Ҳақ тарафидан умри поёнига етаётгани маълум қилинганда у зот шундай деди:

“Эй Раббим! Душманам Иблис қиёматга қадар ҳаёт экан, мени бу аҳволда кўриб, шубҳасиз хурсанд бўлади ва масхара қилади.”

Аллоҳ таоло унга: “Эй Одам! Сен қайтадан жаннатга кирасан. У эса дунёда қолади. Қиёматга қадар дунёга келиб-кетажак жон инсонлар ададича ўлим азобини тортиб, хорликда ўлим топади. Унинг ажали кечикишининг сабаби шудир”, дея буюрди.

Имтиҳон вақти якунига етаётганда, қиёмат лаҳзасида Иблис ҳам ўлим шаробидан тотади. Ҳазрати Одам алайҳиссалом учун шайтоннинг қай тарзда ўлим топиши қизиқ эди. Жаноби Ҳақдан Иблиснинг қандай ўлим топишини билдиришини сўради. Бунга жавобан Аллоҳ таоло Иблиснинг қай ҳолда ўлим топишини англата бошлады. Ҳазрати Одам алайҳиссалом узоқ дош бера олмади ва “Ё Раб! Етар!” – деди. У зот барча саволларига жавоб олганди. Бу дунёдаги вазифасини ҳам тамомлаган эди. Жаноби Ҳақ амрларини ёйган эди. Ортида Яратганнинг

амрларини ўз ўрнига қўйиб, Аллоҳ розилиги учун яшайдиган уммати бор эди. Ҳаётидан ҳузурли ва масъуд эди. Мана шундай ҳаловат ва саодат ичида жон таслим этди.

Авлодлари Ҳазрати Одам алайҳиссаломни Абу Қубайс тоғига дафн этдилар. Икки йилдан сўнг эса Момо Ҳаво волидамиз ҳам вафот этди. Уни ҳам Ҳазрати Одам алайҳиссаломнинг ёнига дафн этдилар. Қиёмат тонгида қайта тирилгунларига қадар шу маконда ёнма-ёндирлар.

Пашшага енгилган “худо”

НАМРУД

Биргина ушоқдек пашша сабаб Намруднинг ҳаловати йўқолган эди. У қаёққа борадиган бўлса, пашша ҳам у билан борар, бурнига, юзига, кўзига қўнар, найзасини Намруднинг танасига санчиб-санчиб қочарди. Қанча ҳаракат қилса ҳам пашшани ушлай олмас, ҳатто бу ишга бутун сарой сафарбар этилган эди. Эшик ва деразаларни маҳкам беркитиб қўйишар, аммо пашша ичкарига киришга муваффақ бўлаверарди. Намруд бир неча кундан бери уйқу нималигини унутган эди.

Илоҳлик даъвосини қилган Намруд бир пашша сабабли не кўйларга тушмади, дейсиз?

У тарихдаги энг жаббор ва золим ҳукмдор бўлиб, устига-устак илоҳликка ҳам даъво қиларди. Бойлиги, мулки, сарвати уни талтайтириб юборган, ҳадсиз ғурурга тобе қилган эди.

Қурфоқчилик юз берган вақтларда ундан емак сўраб келганларга: “Раббингиз ким?” дея савол берар, “Сен” деб

жавоб бермаганларга ҳеч нарса бермас эди. У шу йўл билан барчани ўзига тобе қилиб олган эди.

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом инсонларни ўз қўллари билан ясаган бутларига сиғинишдан қайтариб, Жаноби Ҳаққа иймон келтиришга даъват этардилар. Бу эса Намруднинг ҳаддан зиёд жаҳл отига минишига сабаб бўлганди. У Ҳазрати Иброҳимни ҳузурига чақириб: “Қани айт-чи, сенинг Раббинг ким? Сен кимга итоат этасан?” дея сўради. Бунга жавобан Ҳақнинг элчиси Иброҳим алайҳиссалом шундай деди:

“Менинг Раббим шундай Зотдирки, У ҳам ҳаёт, ҳам ўлим бахш этади, Ҳаёт бермоқ ҳам, уни қайтиб олмоқ ҳам фақатгина Унга хосдир.”

Бу гапни эшитган Намруд қаҳ-қаҳ отиб кулди ва шундай деди:

“Шу ҳам ишми? Мен ҳам ҳаёт бахш этишим ва ўлдиришим мумкин. Модомики, шу ишларни қилиш билан худо бўлинадиган бўлса, у ҳолда Раб менман!”

Бу сўзларни айтиб, Намруд икки одамни келтирттирди, бирини ўлдирди ва иккинчисини омон қолдирди. Кейин кибрланиб:

“Мана, мен ҳам ўлдирдим ва ҳаёт бердим. Шундай экан, раббингиз менман!” – деди.

Бу ҳолни кўрган Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом шундай деди:

“Менинг Раббим Аллоҳ қуёшни шарқдан чиқаради. Қани сен ғарбдан чиқариб кўр-чи?! Агар ҳақиқатан ҳам Раб бўлсанг, бу ҳам қўлингдан келса керак?!”

Бу далил олдида Намруд сўз топа олмай, жим бўлиб қолди.

Намруд Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломга сўз-у ман-тиқ билан бас кела олмаслигини тушуниб, уни гулханда ёқишга фармон берди. Аммо олов Аллоҳнинг изни билан Иброҳим алайҳиссаломни куйдирмади.

Мана шундай худоликни даъво қилиб, аллоҳ таолонинг Пайғамбарини гулханга отиш даражасида ёвузлашган Намруд кичкина бир пашша олдида ожиз қолаётган эди.

Намруд сарой бўйлаб хонадан хонага қочар, пашшадан кутулиш учун турли усулларни синаб кўрар, аммо пашша ундан нари кетмас эди.

Барча хизматкорлар Намруднинг атрофида парвона бўлар, уни пашшадан ҳимоя қилишга уринардилар. Аммо кутилмаганда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ҳодиса юз берди: қўлланган барча тадбирларга қарамай пашша Намрудга яқинлашиб, унинг бурнига кириб кетди. Намруднинг бурнига кириб олган пашша бориши мумкин бўлган нуқтагача борди ва ўша ерда айлана бошлади. Шу ондан эътиборан Намрудда мудҳиш бош оғриғи бошланди. Миясида кезиб юрган пашша уни тамоман ҳаловатдан айирди. Нима қилишини билмай қолган фиръавн хизматчиларига бошига уришни амр эта бошлади. “Уринг! Уринг!” деб бақирар, пашшанинг миясига бераётган азобидан тарсаки оғриғини сезмас эди. Бошига ҳар зарба тушганида “Кучлироқ уринг! Янада кучлироқ!” дер эди. Қон оқа бошлаганига қарамай, бошига урдиришда давом этарди. Бунга ҳам қаноат қилмаган Намруд бошини деворга урар эди.

Ҳеч нарса фойда бермас эди. Намруд ҳушини йўқотди. Пашша эса ҳамон унинг миясида “сайр” қилиб юрарди. Кўп ўтмай, Намруд тўлғана-тўлғана жон берди.

Ушоққина пашша илоҳлик даъво қилган Намруднинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди...

Дунёси билан мағрурланган

ҚОРУН

Қоруннинг мол-дунёси, бойлиги ортиб боргани сари ғурури ҳам ҳакалак отар эди. Атрофга кибр билан боқар, ўз қавмига ҳам паст назар билан қарар эди.

Бани Исроилдан бўлган Қорун жуда бой эди. Ҳазинаси шу қадар кўпайиб кетгандики, олтину жавохирлар сақланадиган сандиқ ва хоналарнинг калитларини олиб юриш учун ҳам кучли йигитлардан ташкил топган хизматчилар жамоаси керак бўларди.

Аввалига Ҳазрати Мусо алайҳиссаломга иймон келтиргандек бўлди, бироқ бойлиги ортиб боргани сари йўлдан оза бошлади. Ҳатто ўз қавмининг зарарига бўлса ҳам фиръавн билан ҳамкорлик қилишдан тап тортмаганди.

Қавмининг ёши улуғ инсонлари унга тез-тез насиҳат қиларди: “Эй Қорун, молингга мағрурланиб қувонма. Чунки Аллоҳ мол-дунё туфайли мағрурланганларни севмас! Аллоҳ сенга эҳсон қилган нарсалар билан закот ва садақа бериб, охиратга ҳозирлан ва бу дунёдан кетаётганда насибанг биргина кафан бўлишини асло унутма. Зеро, сен бу дунёда боқий эмассан. Аллоҳнинг қулларига молингдан эҳсон қил. Ер юзида фасод чиқарма. Зеро Аллоҳ бузғунчилик қилганларни севмайди” (“Қасос” сураси 77).

Қорун қавмдошларининг насиҳатларига қулоқ солмас, фақир ва муҳтожларга асло ёрдам бермас, молининг закотиға қунт қилмасди.

Қорун: “Бу бойликларга ўзим эришганман, улар тўлиғича менга тегишли. Бошқаларнинг нима ҳаққи борки, мен уларга эҳсон қилсам”, дер эди.

Молу мулкни ўзиники деб билган Қорун ҳазрати Мусонинг ҳам насиҳатларини тингламас эди. Устига-устак, унга қарши чиқишни бошлади.

Бир сафар ҳазрати Мусо алайҳиссаломга нисбатан чиркин бир тухмат тошини отганида, Мусо алайҳиссалом сажда қилган ҳолда Қорунни мол-мулкига қўшиб ҳалок этишини сўраб, Жаноби Ҳаққа ёлворди.

Тонгда Бани Исроил Қоруннинг кўшкidan асар ҳам қолмаганини кўриб, ҳайратга тушди.

Кучли зилзила натижасида Қорун ва унинг қариндошлари барча мол-мулки билан ер остига кирган эди. Шундай қилиб, дунёнинг энг бой одамидан ҳеч бир из қолмагани. Сароймонанд кошоналари ва беҳисоб хазиналари ерга чўкканди.

Ҳашамат ва бойлиги билан мағрурланган Қоруннинг кошонаси ўрнида қум зарраларини кўрган Бани Исроил шундай деди:

“Демак, Аллоҳ ўзи истаган қулининг ризқини мўл, маишатини бардавом қилади; истаганининг ризқини камроқ беради. Унинг ҳикматиға шубҳа қилинмас. Агар Жаноби Ҳақ бизга лутф этмаганида бизни ҳам ер ютиши мумкин эди. Демакки, кофирлар асло омонлик топмаслар” (Қасос сураси, 82).

Завқланиш учун номдор шаҳарга ўт қўйган

НЕРОН

Рим мойчирокдек ёнарди. Халқ кучли қўрқув ичида шаҳар ташқарисига қочиб чиқишга уринарди. Шаҳар ташқарисидаги тепаликда бунёд этилган муҳташам саройдан манзарани томоша қилиб турган Рим императори асло хафа бўлганга ўхшамас эди. Ёнида турганларга ёнаётган шаҳарни кўрсатиб: “Қандай ажойиб манзара! Шундай эмасми?” – дер эди.

Халқ бош кўтариши мумкинлигини сезган Нерон уларга сабоқ бериб қўйишни истаганди. Аммо ёнғин бутун Римни вайрон қилишини ҳисобга олмаганди. Нима бўлганда ҳам у ҳеч қандай пушаймонликни ҳис этмади. Аксинча, лирани қўлига олиб чаларкан, ўзича “тенгсиз санъат асари” ижро этаётган эди.

Нерон ўн йилда Империянинг мутлақ ҳукмдорига айланди. У тарихда энг номдор диктатор бўлиб қолиш учун не-не ишлар қилмади, дейсиз...

Онаси Агриппина ўғли учун, яна ҳам тўғрироғи ўзига Рим бошқаруви сари йўл очиш мақсадида император Клаудиусга турмушга чиққан эди. Нерон асранди ўғил сифатида саройга кириб келган ва кейинчалик ўгай синглиси — императорнинг кизи Октавиага уйланган.

Нерон онаси билан бирга давлат бошқарувини қўлга киритиш учун турли режалар тузади. Аввало, император-

нинг ҳақиқий ўғли ва вориси Британникуснинг мавқеини туширишга эришди. Ўзига ҳалал бериши мумкин бўлган сиёсий арбобларни давлат бошқарувидан узоқлаштирдилар.

Онаси императорни заҳарлаб ўлдиргач, Нерон ўзини императорлик учун ягона даъвогар сифатида кўра бошлади. У империя қўшинларини аллақачон ўз томонига оғдириб олган эди. Шу тарзда сенат ҳам унинг императорлигини тасдиқлашга мажбур бўлиб қолган эди. Шундай қилиб, Нерон 17 ёшида Рим императори, деб эълон қилинди.

Нероннинг онаси ўғлини қўғирчоқдек ўйнатиб, асл ҳокимиятни ўз қўлида тутиш ниятида эди. Император ҳам бошида ўзини шундай тутди, аммо ими-жимида барча муҳим нуқталарга ўз одамларини жойлаштирди.

Бутун ҳокимият тасмаларини қўлига олганини ҳис қилган Нерон энди бирма-бир рақибларини йўқ қилишни бошлади. Ўғай укаси Британникусни, собиқ императорнинг қизи бўлган биринчи рафиқасини, зулмига қарши чиқадиған ҳеч ким қолмаганига ишонч ҳосил қилгандан кейин эса ўз онасини ҳам ўлдиртирди. Римда қийноқ ва зулм даври бошланди.

Нерон ҳаддан зиёд бузуқликка тобе эди. Яқинлари билан кеча-кундуз тинмай маишат қиларди. Ётиб еганга тоғ ҳам дош бермаганидек, императорлик хазинаси узоққа бормади. Нерон аввалига ҳийла йўли билан халқнинг молини шила бошлади. Солиқлар ҳаддан зиёд ошиб кетди.

Сенат раиси Виндех бошчилигида мухолиф гуруҳ шакланган эди. Ушбу гуруҳнинг меҳнатлари самараси ўлароқ бирма-бир, ўлканинг турли ҳудудларида бўйсунмаслик ҳаракатлари кўриниш бера бошлайди. Испаниянинг умумий волийси Гальбанинг ҳам бу ҳаракатга қўшилган

нини эшитган Нерон даҳшатга тушади. Энди ҳар тарафдан исён ҳақидаги хабарлар кела бошлади. Африка легионлари ҳам ҳукмдорга қарши бош кўтарди.

Сенат Неронни халқ душмани, деб эълон қилиш учун ўзида жасорат топди. Буни кўрган Нерон ўзини тутиб қолиши мумкин бўлган ҳеч қандай сабаб қолмаганини ҳис қилди ва кийимини алмаштирган ҳолда Римдан қочиб кетди.

Озодликка эришган қуллардан бири ўз вақтида уни мислсиз қийноққа солган Нероннинг қочиб чиққанини кўради ва изидан тушади. Нерон энди омон қолганига ишонган паллада собиқ қули унинг қаршисига чиқади. Қулнинг қўлидаги қилични кўрган Нерон даҳшатга тушиб, унга ёлвора бошлайди. Барча бойлигини бериш ҳақида ваъдалар беради. Қулнинг оёқларига йиқилади. Аммо собиқ қули уни эшитишни ҳам истамайди ва қиличи билан золим Рим ҳукмдорини бўлаклаб ташлайди.

Нероннинг ўлганини эшитганда халқ ҳали ғазабдан тушмаган эди ва улар бор аламларини унинг Колизей яқинида қўйилган ҳашаматли ҳайкалидан олди. Тош ҳукмдор қисқа фурсатда парчалаб ташланди ва ундан бирор бўлак ҳам қолмади...

Халқнинг елкасини босиб, юксалишни истаган диктатор

ЦЕЗАРЬ

Цезарь ўша кун ҳам катта дабдаба билан сенатга кириб келган ва бутун сенатни юқоридан кўриб туриш учун мослаб қурилган баланд олтин тахтига ўтирган эди. Эгнida ҳар доим кийиб юрадиган қимматбаҳо либоси бор

эди. Сенат кўриши лозим бўлган масалалар ва қабул қилиниши керак бўлган қарорларни маълум қилгач, тахтига ястаниб ўтирганча бироздан сўнг бошлайдиган “парламент ўйини”ни томоша қилишга ҳозирланди.

Цезарь халқ мажлисидан иқболга элтувчи поғона сифатида фойдаланган эди. Миллоддан аввалги 101 йилда Римда дунёга келган Цезарь ёшлик чоғлариданоқ ҳокимиятга кўз тиккан маданиятли, ақлли ва популист эди...

Римда сиёсий ҳокимият сари йўл қўшин қўмондонлигидан ўтишини биларди. Шу сабабли турли йўллар билан Испания Прокуратори этиб тайинланишига эришганди.

Кўлга киритган энг кичик ғалабаларини ҳам пропаганда орқали катталаштириб кўрсатишни биларди. Галия ва Италияни ишғол этгангандан кейин шуҳрати янада ортди.

Цезарь ҳеч қачон иккинчи даражали шахс бўлишни истамас, бошқарувни ёлғиз амалга оширишни хоҳларди. Бунинг учун олдида иккита тўсиқ бор эди. Сенат ва Помпей. Ҳокимиятга куч билан эмас, халқнинг истаги билан келгандек кўринишни истар эди. Диктаторлигини эълон қилмай туриб, халққа буни қабул қилдиришни истарди.

Қисқа фурсатда барча рақибларини мағлуб этди ва ўйиндан чиқарди. Рим императори Сулланинг ўлиmidан сўнг эса бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Унинг дастлабки амалга оширган иши кетма-кет кўзлаган мақсадига етказадиган қонунларни чиқариш ва шу қонунлар билан жуда кўп ваколатларга эга бўлиш бўлди. Ўзининг умрбод консул бўлиши ҳақидаги қонунни сенатга тасдиқлатган ва миллоддан аввалги 49 -йилда давлат раҳбари бўлганидан кейин эса диктаторлигини эълон қилган эди.

Энди қонунларни ўзи ёзар, муассасалардаги таркибий ўзгаришларни ўзи амалга оширад, сенаторлар рўйхатини ҳам ўзи тузарди. Император бўлгани учун қўшиннинг бош қўмондони ҳам ўзи эди.

Шунингдек, сенатга тасдиқлатган бир қонуни билан чексиз ваколатларга эга бўлганди. Уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш, олийнасаблик унвонини бериш, юксак лавозимларга тайинлаш, вилоятлар бошқарувига аралашиб, қонун кучидаги қарорлар чиқариш, сенатни истаган вақт йиғиш каби ваколатларга эга бўлди.

Зарб этилган барча пулларга ўз суратини бостирди. Йилнинг бир ойига (Жулиус – Июл) ўз номини берди. Мамлакатнинг ҳар тарафига ўз ҳайкалини ўрнатди.

Ҳақиқий халқ иродасини амалга оширувчи раҳбар бўлиш ваъдаси билан ҳукумат бошига келган Цезарь тарихдаги энг буюк диктаторлардан бири бўлиб чиқди. Истаса, қўғирчоқ қилиб ўйнатган сенатини тарқатиб ҳам юбориши мумкин эди. Бу ишдан ўзгача завқ оларди у.

Мамлакатдаги аҳолининг аҳволи билан иши ҳам йўқ эди. Ҳолбуки, аҳоли катта муаммоларга дучор бўлаётганди. Давлатнинг иқтисодий ҳолати борган сари ёмонлашиб борарди. Цезарь ўзича барча муаммоларнинг ечимини топган: кўнгилхушлик... Телбанамо томошалар ташкил этиб, халқнинг муаммоларини унуттиришга ҳаракат қила бошлади. Аммо бефойда... Халқ орасида турли ҳаракатлар бошланган эди.

Цезар 44 - йилнинг 15 март санасида сенатга келганда бу воқеаларни ўйлаган ва нима қилишни режалаштирган эди. Ҳар доимгидек шикоятчиларни ва ўзига қарши чиққанларни йўқ қилишга тушди.

Айни вақтда рақибларни қандай йўллар билан гумдон қилиш кераклигини ўйларди. У кўзга мил торттириш, қўл ва оёқларидан тўртта отга боғлаб, отларни тўрт тарафга ҳайдаш орқали маҳкумни бўлаклаб ташлаш, арвалар орқасига боғлаб, судратган ҳолда парча-парча қилиш каби усуллардан зериккан, янги усуллар топиш керак эди. Шундай усулки, ҳеч ким унга қарши чиқишга жасорат топа олмасин, ҳамманинг кўзида кўрқув бўлсин...

Хаёлга чўмиб турар экан, ўзига яқинлашаётган одамларни кўриб, эс-ҳушини тўплади. Бир гуруҳ сенатор у тарафга келарди. Қизиқ, нима керак буларга?

Цезарь уларнинг қўлидаги яланғоч ханжарларни кўрганда кўрқувдан бўзариб кетди. У дод солишни истар, аммо тили лол эди. Қўлларини олдинга чўзиб, зарбаларга чап беришга ҳаракат қилди. Кўзларида ялиниш зоҳирланди. Бу Цезарнинг сўнгги ҳаракатлари бўлди. Ханжарлар ўт сочгандек кетма-кет санчила бошлади. Тиғлар қайта ҳавога кўтарилганда ранглари ўзгарган, қип-қизил эди...

Республикачилар томонидан тузилган яширин ташкилот суиқасдчилари қаҳр билан ханжарларини санчарди. Цезарь типирчилар, қутилишга уринарди. Остидаги тахт ва устидаги ҳашамдор либоси қип-қизил рангга бўялди.

Цезарь чўккалаб қолди. Айни шу вақтда танасига санчилиш учун ҳавога кўтарилган қиличнинг соҳибини кўрди: бу унинг никоҳсиз туғилган ўғли Брут эди. Цезарь никоҳсиз муҳаббатнинг жазосини бу дунёдаёқ кўраётган эди. Уни ўзини ханжарлаётган одамлар орасида кўриб, инграб юборди. “Сен ҳамми, Брут?” Брут ҳатто уни эшитмади ҳам. Қилични ғазаб билан санчди.

Цезарнинг катта-катта очилган кўзлари шифтга термулди. 35 марта тиғ зарбаси еган танаси гўшт уюмига айланиб қолган эди.

Сенатда Римликлар ўйлашга жасорат этолмайдиган ҳодиса юз берганди. Айтгани-айтган, дегани-деган бўлган диктатор оёқлар остида жонсиз ётарди.

Босқинчи аскарнинг қиличи остида ҳаёт билан вилолашган

АРХИМЕД

Римликлар шовқин-сурон билан шаҳарга кирганида ёнбошлаб ётган Архимед ерга чизган шакллари ҳақида ўйлаётганди. Римлик аскарларнинг ҳайқириқлари, аҳоли солаётган дод-у фарёд уни хаёл уммонидан чиқара олмаган эди. Зотан у, бирор масала устида ўйлашни бошлаганда бутун дунёни унутарди.

Ёшлигида Евклид (Эвклид)дан таълим олиш учун Искандарияга кетган, ватанига қайтганидан сўнг ўзини физика ва риёзиёт (астрономия)га бағишлаган эди. Тунни кунга улаб, шу билан машғул бўларди.

Эллипс, парабола ва гиперболанинг марказлари атрофида айланиши билан юзага келадиган геометрик жисмларни ўрганган, катта рақамларни осонлик билан топишга ёрдам берадиган услуб ишлаб чиққанди.

Оғир жисмларни осонлик билан юқорига олиб чиқувчи мосламалар, паланга ва тишли ғилдиракларни кашф этганидан сўнг, унинг номи қисқа фурсатда бутун мамлакатда шухрат қозонди. Унинг “Менга таянч нуқтасини

кўрсатинг, ерни ўқидан чиқариб юбораман” деган сўзларни тилларда дoston бўлди.

Айниқса, сув зичлиги ҳақидаги қонунни кашф этгани жуда қизиқ бўлган. Бир кун ҳаммомда ювинаётганда тоғоранинг сув устида сузиб юрганини кўриб, “Топдим! Топдим!” дея бақирганча ташқарига югуради. Ҳукмдор томонидан ўзига вазифа қилиб берилган “заргарнинг олтин тожга кумуш қўшган ёки қўшмаганини” қандай қилиб аниқлаш усулини топганди. Соф олтиннинг зичлиги билан кумушнинг зичлиги фарқ қилади. Шундай қилиб, айна микдордаги олтин ва тожни сувга солиб кўриш орқали тожнинг сохта ёки тоза олтиндан ясалганини аниқлаш мумкин эди.

Архимед шаҳар римликлар томонидан батамом ишғол этилган паллада янги бир математик масала устида бош қотираётган эди. Қўлидаги чўп билан тупроққа чизган шакллариға ўзгариш киритар, янги шакллар чизар, бироз тин олиб, яна тупроқ устида турли ҳисоб амалларини бажарарди.

Ерга юзтубан ётиб олган Архимеднинг ўзига эътибор ҳам бермаганини кўрган римлик аскар унга мурожаат қилди: “Ҳей, сен, тур ўрнингдан!”

Архимед уни эшитмади ҳам... Римлик аскар шу сўзларни бир неча бор такрорлаб жавоб ололмагач, ғазаб билан Архимед томонга юрди.

Архимед фақатгина ўзи чизган шаклларни бир жуфт оёқ босганини кўргандагина ўзига келди ва бошини кўтариб, римлик аскарға қаради. Кейин яна диққатини шакллари ва ҳисобларига қаратди. Шу билан бирга “Чизмаларимни бузма” дея аскарға таъна қилди.

ган эди. Қадрдон дўсти Клитни (Қора Клит – Искандарнинг дўсти ва саркардаси. Граник жангида Искандарни ўлимдан қутқариб қолган. Бақтрия сатрапи бўлган – таржимон изоҳи) ҳам сархуш пайти ханжарлаб ўлдирганди.

Мана энди 33 ёшли Искандар май сабабли тиришиб ётибди. Энди хаёлида на тахт бор ва на тож... Танасидаги санчиқлар барҳам топишидан бошқа ҳеч нарсани истамасди.

Хизматкорлар, қўмондонлар ва табиблар кўплаб мамлакатларни тобе қилган Искандарнинг ҳолатини ибрат кўзи билан кузатиб турардилар.

Искандар 20 ёшда тахтга ўтиргач, тезлик билан мақсадлари сари интила бошлаганди. Унинг кўзи янада юқориларга қадалган, энг юксак даражада ҳирсли, ғурурли эди. Милоддан аввалги 334 йилда Эрон устига юриш қилиб, форсларни мағлуб этди. Мисрни эгаллагандан сўнг Ҳиндистонга бостириб кирди. Энди унинг ҳар бир сўзи қонун эди. Бир амри билан шаҳарлар яксон бўлар, инсонлар қиличдан ўтказиларди. Искандарнинг севимли машғулотларидан бири қўлга киритган ҳудудларида саройлардан бошқа барча биноларни ер билан яксон қилиш эди. Айниқса, ўзига қарши чиққанларга асло ачинмас ва ҳаммасини ёппасига қатл этарди.

Император бўлганидан бери ёнида юрган айрим давлат амалдорлари унга фақатгина Диоген (синоплик Диоген, Диогенес – юнон файласуфи. Инсонда ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаслиги кераклиги ҳақидаги ғояни илгари сурган. Табақаланишга қарши чиққан, – таржимон изоҳи) бўйин эзмаганига гувоҳ бўлгандилар.

Дунё молига эътиборсиз бўлган Диоген бир бочканинг ичида яшарди. Кунларнинг бирида Искандар унинг

олдига бориб: “Бирор тилагинг борми?” деб савол беради. Диогеннинг жавоби Искандарни бутунлай лол қилиб қўяди. Диоген “Қуёшни тўсма, бошқа нарса керакмас!” деган ва ҳукмдорга орқасини ўгириб, уйкуга кетганди.

Искандар шаҳарда мағрурланиб кезиб юрган вақтларда Диоген куппа-кундуз куни қўлида чироқ кўтариб айланар ва бунинг ҳикматини сўраганларга “Одам изла-япман, одам!” дея жавоб берарди.

Диогендан бошқа ҳеч бир кимса Искандарга қарши чиқишга жасорат тополмаган ва ҳаммаси елкаларида қўрқоқлик тамғасини кўтариб, Искандарга хизмат қилишган. Унинг султонлиги ҳадсиз муддатда давом этишини ўйлаб, ваҳимага тушганлар. Аммо, мана: дунёни забт этган инсон кўз олдиларида тиришиб ётарди.

Одамлари бир неча марта Искандарга кун-у тун шароб ичишни тўхтатиши кераклиги ҳақида сўзлашга уриндилар, бироқ ҳар сафар ҳали сўзларини якунламай туриб, таъна тошлари остида овозлари ўчириларди...

Искандар роппа-роса икки кеча-икки кундуз азоб чекиб, миллоддан аввалги 323 йилда 33 ёшида оламдан ўтди.

Каъбани вайрон қилиш учун келаётганда Абобил қушларига дуч келган

АБРАҲА

Ҳабаш султонлигидаги Яман волийси бир неча кундан бери ҳаловатини йўқотган. Ғазаб кўзини кўр қилган волий саройнинг у бошидан бу бошига бориб келарди. Қайта-қайта “Вайрон қиламан, кўриб қўясанлар” деб такрорларди.

Яман волийси Абраҳа Ашрам христиан эди. Араб қабилаларининг Каъбани тавоф этишлари, бу муқаддас бинога ҳурмат кўрсатишлари, ҳаж мавсумида Каъба томон оқиб боришлари-ю зиёрат қилишларини кўриб, эсдан оғай дерди. Охири “Каъбадан ҳам кўркамроқ” бино қурдираман!” деган ва ўша вақтга қадар мисли кўрилмаган черков қурдиришни бошлаганди. Ниятини Византия императори ва Ҳабаш султониға маълум қилган, улардан ҳам катта миқдорда ёрдам олган эди. Византия императори Абраҳага оқ, қирмизи, сариқ ва қора рангли мармарлар юборганди.

Абраҳа мармардан қурдирган черковини олтин ва қумуш билан безатган, эшикларини олтин лавҳлар билан қоплатган, устига катта ёқут жойлаштирган эди. Черковни қуриб битказгандан кейин Ҳабаш султониға мактуб юбориб: “Ҳукмдорим! Сиз учун Санода (Сано – Яман пойтахти – тарж.) ўхшаши йўқ бўлган черков бунёд этдим. Арабларнинг ҳаж йўлини шу тарафга бурмагунча асло тўхтамайман”, деганди.

Абраҳа тўрт тарафга хабарчи юбориб, черковнинг таърифини таратди ва энди одамларнинг черков сари оқиб келишларини умид билан кута бошлади. Аммо барча умидлари пучга чиқди. Ҳеч ким келмади, ҳеч ким кетмади. Устига-устак, Нуфейл исмли араб тун вақти кета туриб, черков атрофини ифлос қилиб кетди. Айнан мана шу ҳодиса Абраҳани ақлдан озар даражада жаҳллантирди. “Араблар буни одамларни Каъбадан юз ўгиришга ундаганим учун қилдилар. Мен ҳам уларнинг Каъбасини ер билан яксон қиламан!” деб қасам ичди.

Абраҳа бу даҳшатли қарорни қабул қилгач, Ҳабаш султониға мактуб йўллаб, ундан Маҳмуд лақабли фили-

ни сўради. Ҳабаш султони ҳайбатидан қўрқиб олди-
ҳеч ким яқинлаша олмайдиган улкан филини Абраҳага
юборди. Абраҳа кўп сонли қўшинни ҳозирлаб, дабдаба
билан йўлга чиқди.

Абраҳанинг Каъбани бузиб ташлаш учун йўлга чиққа-
ни ҳақидаги хабар ҳар тарафга ёйилди. Баъзи араб қа-
билалари Абраҳага итоат изҳор қилдилар, баъзилари ку-
рашдилар, аммо мағлубиятга маҳкум бўлдилар.

Абраҳа Тоиф ва Макка орасидаги Алмугаммисга етиб
келгач, айғоқчиларини Маккага юборди. Асвад бин Мақ-
суд қўмондонлигидаги айғоқчилар гуруҳи Макка осто-
насиғача борди ҳамда Қурайш ва бошқа қабила вакил-
ларининг молларини тортиб олди. Шунингдек, Қурайш
улуғи ва Ҳазрат Пайғамбаримизнинг бобоси Абдулмут-
талибнинг ҳам икки юз туясини қароргоҳга ҳайдаб кетди.

Бу паллада Маккадаги қабилаларнинг оқсоқолла-
ри маслаҳат учун тўпланган ва бир қарорга келган эди:
“Урушмаймиз!” Аниқроқ қилиб айтганда, улар урушадиган
аҳволда эмасдилар. Жангга киргудек бўлсалар, Абраҳа-
нинг қўшини барчаларини қиличдан ўтказарди.

Абраҳа Маккага элчи юборди. Элчига шундай деган-
ди: “Бор! Бу мамлакатнинг раҳбарини топ. Унга: “Ҳукмдо-
рим айтдики, мен бу ерга сизлар билан жанг қилгани кел-
мадим. Фақатгина ўша Байтни бузиш учун келдим! Агар
менга қарши чиқмасангиз, сизнинг қонингизни тўкишимга
асос кўрмайман,” деб айт!”

Элчи Маккага келди ва Абдулмутталибни топиб,
Абраҳанинг сўзларини етказди. Абдулмутталиб шундай
жавоб берди:

“Аллоҳ номига қасамки, биз ҳам у билан урушишни истамаймиз. Зотан бунга кучимиз ҳам етмайди. Аммо бу Аллоҳнинг уйидир. Уни вайронликдан ёлғиз Аллоҳ ҳимоя қила олади. У ўз муқаддас байтини муҳофаза этмаса, бизда Абраҳани бу ниятдан қайтара оладиган куч ва қувват йўқдир”.

Шундан сўнг Абдулмутталиб Абраҳанинг элчиси Хуната билан бирга қўшин қароргоҳига борди. Жавоҳирлар билан безатилган тахтида савлат тўкиб ўтирган Абраҳа ҳайбатли нуроний Абдулмутталибни қаршисида кўриб, бир лаҳза ҳайратда қолди. Уни ўзидан пастга ўтқозишни муносиб кўрмади. Шу билан бирга тахтининг ёнбошида ўтиришини ҳам истамас эди. Охири бир қарорга келди. Тахтидан тушди ва кўрпачага ўтирди, Абдулмутталибни ҳам ёнига ўтқазди. Бирор истаги бор ёки йўқлигини сўради. Абдулмутталиб:

“Аскарларинг икки юз туямни олиб қўйган эди. Истагим — туяларимни қайтариб олиш”, — деди.

Абраҳа бу гапларни эшитиб, ҳайрат билан шундай деди:

“Сени илк бор кўрганимда кўзимга улуғ одам бўлиб кўрингандинг. Аммо сўзлай бошлашинг билан эътиборимдан тушдинг! Мен сен ва аждодларингни саждагоҳи бўлган Каъбани вайрон қилиш учун келарканман, сен уни менга ташлаб қўйиб, аскарларим тортиб олган 200 туянгдан гапиряпсанми?”

Абдулмутталиб: “Мен фақатгина туяларнинг эгасиман. Байтнинг ҳам албатта, ўз эгаси бор! Уни ҳимоя қиладиган Удир!” — деди.

Абраҳа ғурурланиб, ўрнидан турди: “Уни ҳимоя қилиш учун менга қарши чиқадиган куч йўқ!” деди. Абдулмутталиб сокин товушда шундай деди:

“У ёғи мени қизиқтирмайди. Мана сен, мана У!”

Бу суҳбатдан сўнг Абраҳа Абдулмутталибга туяларини қайтариб берди. Абдулмутталиб туяларни олдиға солиб, Маккага қайтди. Туяларини Аллоҳ учун қурбонликка атаб, белги қўйди ва уларни қўйиб юборди. Қурайшликларга бўлиб ўтган суҳбатни сўзлаб берди. Ҳаммага Маккани тарк этиб тоғларга, тепаликларга чиқишларини тайинлади. Аҳоли Маккани тарк этганидан сўнг, Каъбага борган Абдулмутталиб, Каъба эшигининг ҳалқасига ёпишди ва шундай деди:

“Илоҳий! Ҳатто бир қул ҳам ўз уйини, жойини ҳимоя қилади. Сен ҳам бу ердан жой олган, даҳлсизлиги хафв остида қолганларни ҳимоя қил! Уларнинг кучлари сенинг қудратинг устидан ғолиб кела олмас.

Агар сен уларни бизнинг Қибламиз билан яккама-якка қолдирсанг ҳам, сен билгувчиरोқсан, бу ҳам бир ҳикматга эгадир.

Улар мамлакатларидан аскарлар, ҳатто филлар билан келди. Сенинг Байтингга сиғинган халқингни ўз тузумлари билан таламоқ учун келдилар. Сенинг қудратинг ҳақида ўйлаб кўрмадилар”.

Шундан сўнг Абдулмутталиб ҳам бошқа маккаликларнинг ёнига кетди. Шаҳарда ҳеч зоғ қолмади. Ҳамма тоғлардан макон топган ва ўша ердан Маккага қараб турарди. Хавотир билан воқеанинг давомини кутардилар.

571 йил муҳаррам ойининг 17 - санаси, якшанба куни Абраҳа қўшини билан Макка томон юрди. Бу орада йўлда Абраҳага қарши чиққанлар сафида бўлиб, охирда асир тушган Нуфейл бин Ҳасамий Маҳ-

муд исми филнинг ёнига келиб, қулоғига шивирлади: “Маҳмуд! Соғ ва саломатлигингда келган еринга қайтиб кет! Сен Аллоҳ дахлсиз қилган мамлакатдасан!” Нуфейл шундай дея қочганича у ердан узоқлашди. У кетганидан сўнг фил ерга чўкиб олди. Уни оёққа турғазиш учун калтакладилар, бошига урдилар, учли ёғоч суқиб бурнини қонатдилар, аммо жойидан қўзғата олмадилар. Бошини Яманга, Шомга ва шарққа томон бурганида жадал юрар, аммо бошини Маккага бурмоқчи бўлсалар, яна чўккалаб оларди.

Баъзи аскарлар фил билан овора бўлиб турганида, кутилмаганда осмондан уларнинг устига номаълум жисмлар бостириб келаётган эди. Денгиз тарафдан учиб келаётган бу жисмлар қалдирғочга ўхшаш Абобил қушлари эди. Жаноби Ҳақ томонидан юборилган бу қушларнинг ҳар бири тумшуғида битта, оёғида иккитадан тош олиб келишаётган эди. Бу тошлар нўхатдан кичик, ясмиқдан каттароқ эди.

Қушлар аскарларнинг устига етиб-етмай оёқлари ва тумшуқларидаги тошларни ташлай бошлади. Тошлар келиб теккан аскар ўша ондаёқ ўлим топарди. Буни кўрган аскарлар ваҳимага тушиб, ҳар ёққа қоча бошладилар. Аммо қаёққа қараб қочсалар ҳам тошлар келиб уларни топар ва типирлаб жон таслим қилардилар. Ҳамма ваҳимага тушиб, Абраҳани унутиб қўйди. Абраҳа даҳшатдан қотиб қолган эди. Қочишни истар, аммо жойидан қимирлай олмасди. Тиззаларида мадор йўқ эди. Унга ҳам битта тош келиб тегди. Абраҳа аскарларига ўхшаб дарров ўлим топмади. Танаси тирноқ катталиги даражасида парчаларга бўлиниб, тўкилишни бошлади. Ҳар бир парча тўкилганда ортидан яра, йиринг ва қон оқарди. Одамлари уни шу

ҳолда (ўзи черков қурган) Саного қадар олиб келди. Йўлда келгунча Абраҳанинг бутун танаси парча-парча бўлган, ундан фақатгина юраги жойлашган кичик қисм қолган эди. Охири юрагининг устидаги терилар ҳам тўкилди. Бутун танаси кўчиб тушган бўлишига қарамай, юрагида ҳамон қон айланарди. Даҳшатли бу манзарани кузатиб турган одамлар юрагининг ҳам секин-секин парчаланганини кўрди... Улар жасаддан қолган парчаларни дафн этишди.

Абраҳанинг аскарлари Абобил қушлари отган тошлар натижасида нобуд бўларкан, Маҳмуд исмли филга ҳеч нарса бўлмаган эди. Жаноби Ҳақ Каъба устига юришни рад этгани учун уни муҳофаза этганди. Филбоннинг эса икки кўзи ожиз, оёқлари шол бўлиб қолганди. Шу ҳолида Макка кўчаларида судралиб юриб, тиланчилик қилишни бошлади. Аммо ҳамма ундан юз ўгирган эди. Шу ҳолатда қашшоқлик ва муҳтожликда жон берди.

Жаноби Ҳақ Абраҳанинг аскарларини Абобил қушлари воситасида йўқ қилганидан сўнг бир сел юборди. Сел ҳабашийларнинг жасадларини ювиб кетди, денгизга тўкди.

Жаноби Ҳақ “Фил” сурасида бу ҳодисадан шундай хабар беради:

“Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Роббинг фил соҳибларини нима қилганини билмадингми? Яъни, албатта, яхши биласан.

Уларнинг макр-у ҳийласини зое кетказмадимми?

Ва уларнинг устига тўп-тўп қушларни юбормадимми?

Лойдан пиширилган тошлар отадиган.

Бас, уларни қурт еб ташлаган ўсимликка ўхшатиб юбормадимиз?”

(Суранинг маъно таржимаси Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг “Тафсири Ҳилол” китобларидан олинди – *тарж.*)

Асрлар мобайнида куфрнинг рамзи бўлиб келаётган

АБУ ЖАҲЛ

Бадр жангининг энг шиддатли палласи эди. Мужоҳидлар сафидан ўрин олган Афра Хотуннинг етти ўғлидан икkitаси ҳали жуда ёш бўлган Муоз ва Муаввиз нигоҳлари билан кимнидир изларди. Излаганлари энг ҳаддидан ошган мушрик Абу Жаҳл эди. Абу Жаҳлнинг мусулмонлар бошига солган азоб ва қийноқларидан хабардор эдилар. Ҳазрати Сумайяни (р.а.) шаҳид қилган, Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам етакчилигидаги саҳобаларга турли-туман ҳақорат ва маломатлар етказган бу сурбет мушрикни топиб, ўлдиришга қарор қилгандилар.

Қаҳрамон ака-укалар Бадр арслонларидан бўлмиш Абдураҳмон ибн Авфни (р.а.) кўриб, ёнига бориб:

“Амаки, Абу Жаҳлни танийсизми?” – деб сўради. Абдураҳмон ибн Авф (р.а.): “Ҳа, танийман. Нима қиласизлар уни?” – деди. Муоз шундай деди:

“Аллоҳга сўз бердим. Абу Жаҳлни кўрган заҳотим унга ҳужум қиламан. Ё уни ўлдираман, ё бу йўлда шаҳид бўламан!”

Муаввиз ҳам айнан шу сўзларни такрорлади. Абдурахмон ибн Авф бу икки баҳодирнинг сўзлари қаршида ўз тақдирини белгилади ва улар билан бирга жанг майдонини кузата бошлади. Бирдан Абу Жаҳлни кўриб қолди. Чиркин қиёфага эга Абу Жаҳл етмиш ёшда бўлишига қарамай қўлида қилич тутиб, у ёқдан бу ёққа югурарди. Бир гуруҳ мушриклар унинг атрофини ҳалқа қилиб ўраб, унга кўз-қулоқ бўлиб турардилар. Абдурахмон ибн Авф қўли билан Абу Жаҳлга ишора қилиб: “Мана, сизлар излаётган Абу Жаҳл”, – деди.

Ҳазрат Муоз ва ҳазрат Муаввиз тилларида такбирни такрорлаб, ўша тарафга югуриб кетди. Бу вақтда бошқа саҳобалар ҳам Абу Жаҳлни излаётган эдилар. Айниқса, муҳожирлар Маккада ўзларига энг оғир азиятлар етказган Абу Жаҳлни қўлга тушириб, қилмишлари учун бадал тўлатишни истарди.

Абу Жаҳл куфр ва зулмнинг тимсолига айланиб қолганди. Мусулмонларга нисбатан қилинган ҳақорат ва қийноқларнинг барча-барчасида унинг қўли бор эди. Айниқса, Ҳазрат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши уюштирилган ҳужумларнинг кўпига ташкилотчилик қилганди. Ўзи ҳам бир неча бор Набийимизни (с.а.в.) ўлдиришга ҳаракат қилган. Бир сафар “Валлоҳи, Муҳаммадни саждада кўрсам, бўйнидан босаман ва бурнини ерга ишқаб қўяман”, дея қасам ичди. Айни шу паллада Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб келиб, Масжиди Ҳарамда намоз ўқий бошладилар. Буни кўрган Абу Жаҳл тезлик билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томон юрди, аммо қандай тез кетган бўлса,

шундай тез қайтиб келди. Унинг нега бундай қилганига тушунмай, сабабини сўраганларга шундай жавоб берди:

“Мен кўрган нарсани сизлар кўрмадингизми? Валлоҳи, у билан орамизда оловли жарлик пайдо бўлди”.

Муҳожирлар бу воқеаларга гувоҳ бўлдилар. Шу сабабдан Бадр жангининг энг қизғин палласида тинмай Абу Жаҳлни излар, у билан тўқнашишни истардилар. Ансор йигитлар ҳам муҳожир қардошларидан бу золим мушрикнинг қилмишлари ҳақида эшитган эди. Шу сабаб, уларнинг ҳам асосий нишони Абу Жаҳл эди.

Ансорлардан Ҳазрат Муоз ибн Амр ибн Жамуҳ (р.а.) ҳам Абу Жаҳлни излаётганлардан бири эди. Жанг бошланганидан бери уни қидирарди. Охири уни топган ва қулай фурсат билиб, у томон интилаётганди.

Ҳазрат Муоз ва ҳазрат Муаввиз Абу Жаҳл томон отилган паллада Муоз ибн Амр улардан олдинроқ ҳаракат қилди ва олдинга интилиб, Абу Жаҳлнинг оёғига қиличи билан зарба берди. Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима эса қиличи билан Ҳазрат Муознинг қўлини яралади. Ҳазрат Муознинг қўли ингичка терига осилган ҳолда силкиниб турарди. Ҳазрат Муоз узоқ вақт қўлини орқага ташлаб, бир қўлда жанг қилди. Охири қўли ўзига халақит беравергач, оёғи билан босиб, қўлининг қолган қисмини узиб ташлади...

Ҳазрати Муознинг яраланганини Арфа Хотуннинг ўғиллари кўрди. Абу Жаҳл атрофидаги одамларини янада зич жойлаштириб олмасидан олға интилди. Абу Жаҳлга ҳужум қилиб, икки ёндан қилич солди. Қиличлари билан кетма-кет зарба берди. Якунда Абу Жаҳл отидан ерга қулади. Икки ака-ука уни ўлди деб ўйлаб, у ердан узоқлашдилар.

Шу аснода Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Абу Жаҳлни сўрадилар. “Қизик, Абу Жаҳлга нима бўлди? Ким бориб билиб келади?” дедилар.

Саҳобалар бориб, жасадлар орасидан уни қидирдилар, аммо тополмадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай буюрдилар:

“Изланг! Менинг у ҳақида айтар сўзим бор. Агарда сиз унинг жасадини таний олмасангиз, тиззасидаги жароҳат изига қаранг. Бир кун у билан Абдуллоҳ бин Жудъанинг зиёфатида бирга эдик. Мен гавда жиҳатидан ундан каттароқ эдим. Давра тиқилинч бўлганда уни туртдим. Қўлим икки тиззасининг устига тушди. Тиззаларидан бири яраланди ва жароҳатнинг изи тиззасидан кетмади”.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини эшитган ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) қайтадан Абу Жаҳлни излашга тушди. Ниҳоят топди. Ер билан бир бўлиб ётган Абу Жаҳл инграб ётарди. Ёнига бориб “Абу Жаҳл сенмисан?” деди. Кейин бўйнини оёғи билан босди. Абу Жаҳл бир вақтлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан қилмоқчи бўлган ишни энди Абдуллоҳ ибн Масъуд унинг ўзига қилаётган эди.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд:

“Эй Аллоҳнинг душмани, ниҳоят Аллоҳ сени хор ва шармисор қилди, кўрдингми?” – деди.

Жон талвасасидаги Абу Жаҳл ҳамон худбин, ҳамон куфрида собит эди.

“Эй кўчманчи! Жуда баланддан келяпсан. Бир буюк одамнинг қавм-қабиласи томонидан ўлдирилиши янгилик эмасдир! Сен менга бугун ғалаба ва музаффарият

қайси тарафда бўлганини айт” деган Абу Жаҳлга Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд шундай жавоб берди:

“Нусрат ва ғалаба Аллоҳ ва унинг Расули томонидадир”.

Бу сўзлардан Абу Жаҳл ғазабланиб кетди. Даҳшатли қиёфаси янада чиркинлашди. Дудуқлана-дудуқлана шундай деди:

“Муҳаммадга айтки, ҳозирга қадар унинг душмани эдим. Энди душманлигим яна бир карра ортди”.

Бу унинг сўнгги сўзлари эди. Зеро, Ибн Масъуд бу йўлдан озган мушрикни қайта гапиришига йўл қўймади. Золимнинг боши ҳавога учди. Танадан жудо қилинган бошни олиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келтирди: “Мана, Аллоҳнинг душмани Абу Жаҳлнинг боши”, – деди.

Абу Жаҳлнинг ўлими мушрикларни ғазаблантирган бўлса, мусулмонлар орасида севинч тўлқинларини вужудга келтирган эди. Жаноби Пайғамбаримиз:

“Қулларига мадад берган, динини устун қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин! Бу умматнинг фиръавни мана бу...”, дедилар.

Абу Жаҳлнинг ўлими айна вақтда ғалабанинг белгиси эди. Етакчисиз қолган мушриклар учун ягона чора қолганди – қочиш. Чекинмаганлар эса асир олинди.

70 нафар мушрик шу майдонда ўлим топди. Абу Жаҳлнинг бошсиз танаси ҳам мушрикларнинг мурдалари орасида эди.

Зиндонни писанд этмаган

АҲМАД ИБН ҲАНБАЛ

Шахсан халифа Муътасимнинг ўзи қабул қилган ва халқ орасида ёйишга уринган тушунча мўминларнинг қалбини ларзага солди. Кимсан Ислом халифаси бундай сўзни қандай қилиб тилга олиши мумкин? Халифа Маъмундан кейин Муътасим ҳам Қуръони Каримнинг тўқима эканлигига ишонган эди. Устига-устак, у вазиятни янада чигаллаштирган ва ўлканинг тўрт тарафига шундай хабар юборди: “Барча олимлар сўроқ қилинади, ким “Қуръон тўқима эмас” дейдиган бўлса, дарҳол боши танидан жудо қилиниб, Бағдодга юборилади!”

Бу ботил фикрга биринчи бўлиб қарши чиққан одам Имом Аҳмад ибн Ҳанбал бўлди. Қуръонни “Маҳлуқ”, яъни Аллоҳнинг каломи эмас, аксинча У яратган оддий нарсалардан бири эканлиги ҳақидаги бу уйдирма иддаони шиддат билан рад этган ва: “Қуръон маҳлуқ эмас! Аллоҳнинг сифатлари каби Ундандир ва У биландир!” деган эди.

Халифанинг буйруғини эшитган талабалари ва аҳоли Аҳмад Ҳанбалга: “Ҳаётингиз ҳафв остида. Қалбан ишонмасангиз ҳам тил учида улар айтган нарсани таъкидласангиз бўлмайдимиз?!” деб ёлворарди.

Тўрт ҳақ мазҳабдан бири бўлган Ҳанбалий мазҳабининг имоми Аҳмад ибн Ҳанбал уларга шундай жавоб берди:

“Асло! Олимлар ҳақиқатни сўзлашдан чекинадиган бўлсалар, жоҳиллар яна не-не ишлар қилади? Олимлар Ҳақни тасбит ва эълон қилиш вазифасини адо этмоқлари лозим!”

Хибсга олиниб, Бағдодга халифанинг ҳузурига юборилган Аҳмад ибн Ҳанбал халифанинг юзига тик қараб, ҳақиқатни айтиб ҳайқиради. Бундан қаттиқ ғазабланган Муътасим буюк олимнинг қамчиланишини ва зиндонбанд этилишини амр этади. Аҳмад ибн Ҳанбал аёвсиз қамчиланади.

Қамчи зарблари остида ҳушини йўқотган буюк олим зиндонга ташланади. Йигирма саккиз ойга яқин вақт зиндонда ётган Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ўз бошига тушган воқеалар ҳақида сўраганларга шундай жавоб берарди:

“Аллоҳ йўлида бир марта “Йўқ” дейишим учун мени қамчилаганларга Аллоҳдан ҳидоят сўрайман”.

Зиндонда улуғ мужтаҳиднинг саломатлигига зиён етган эди. Озодликка чиққанидан сўнг касаллиги кучаяверди. Шунда ҳам талабаларга дарс беришни қанда қилмасди, вақти-вақти билан аҳолига насиҳат ҳам қиларди.

Аҳмад ибн Ҳанбал ҳижрий 241 йилда дучор бўлган қийноқларининг асоратлари сабаб ҳаётдан кўз юмди. Унинг вафоти бутун Ислом оламини қайғуга солди. Ҳамма унинг номини ҳурмат ва муҳаббат билан ёд этди.

Қамчи зарбалари остида вафот этган

ИМОМИ АЪЗАМ АБУ ҲАНИФА

Етмиш ёшли буюк олимнинг ҳар куни қийноқларга дучор этилаётгани мамлакатнинг тўрт тарафида овоза бўлди. Ҳамма бу ҳодисага қарши эди. Бу қандай юз берди? Исломнинг нурли йўлини кўрсатган бу азиз зотга бундай даҳшатли муносабат нима учун лойиқ кўрил-

ди? Унинг айби нима эди? Мавқе-мақомни қабул қилмаслик айбмиди? Ҳар тарафда шу ҳақда баҳслар борарди.

Имом Шофийнинг “Бутун инсоният фикҳда Абу Ҳанифанинг талабасидир” деган сўзлари билан таърифланган бу буюк Ислом олими зиндонда, унга ҳар куни юз қамчи уришни бошлаган эдилар. Қайта-қайта халифа Абу Жаъфар Мансурнинг таклифи – Бош қозилик вазифасини қабул қилишини таъкидлардилар. Абу Ҳанифа эса уларга: “Ноҳақ қарор чиқарганларнинг, зулм қилганларнинг амрига бўйсунмайман!” дерди.

Халифа Абу Жаъфар Мансур зулм билан ҳукмфармон бўлган ҳукмдорлар каби олимларнинг нуфуздан фойдаланишни, улардан ўз мақомига қарши уюштирилган ҳужумларда қалқон сифатида фойдаланишни истарди.

Аббосий халифаси нима қилиб бўлса ҳам Абу Ҳанифани Бағдод қозилигига тайинлашни, шу тариқа халқнинг ўзига нисбатан бўлган салбий муносабатини бир қадар камайтиришни ният қилган эди. Аммо халифа Имоми Аъзамни яхши билмасди. Қайси султон бўлса ҳам, ким бўлса ҳам ҳар доим ҳақиқатни сўзлаган ва ҳаммага тўғри йўлни кўрсатган Абу Ҳанифа умри давомида Ҳақнинг хотирини барча мавқе ва мақомлардан баланд кўрган ва уни ҳеч нарсага алмаштирмаган эди. Ҳақни ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо қилишдан ҳам тап тортмаслигини кўп бора намоён этган эди. Шунга қарамай, халифа Абу Жаъфар бир гапда туриб олганди.

Абу Ҳанифа ўзига қилинган зулмларга қарамай, ҳукмдорларни яна тўғри йўлга даъват этар, ноҳақлик ва зулмдан воз кечишларини, адолат билан юрт сўрашни тавсия қиларди.

Охир-оқибат Абу Ҳанифани қийноққа солаётганлар ҳам қилмишларидан уяла бошладилар. Аммо жасорат топиб, халифадан қийноқларни тўхтатишга буйруқ беришини сўрай олмасди. Ниҳоят, Абу Жаъфарнинг эътиборли одамлари воситасида бу хабар етказилди. Мансур юмшаш ўрнига баттар ғазабланди. Шунчалик қийноққа қарамасдан Абу Ҳанифанинг таклиф этилган мавқе ва мақомни рад этиши нафсониятига тегди. Абу Ҳанифанинг тез-тез уни огоҳлантиришини, ҳақиқатларни баланд овозда юзига айтишини ва тухфаларини қабул қилмаганини ёдга олди. Нима учун рад этганини сўраганда Абу Ҳанифа шундай жавоб берганди:

“Сиз менга ўз мулкингиздан эмас, байт-ул молдан, яъни мусулмонларнинг молидан, хазинадан совға жўнатдингиз. Бу молларда эса менинг ҳаққим йўқдир”.

Ўша суҳбатда такроран қозиликни таклиф қилганида Имоми Аъзамдан шундай жавоб олганди:

“Мен бу вазифага лойиқ эмасман. Сизнинг атрофингизда бир гуруҳ малайларингиз борки, эҳсону икромингизга муштоқ бўлиб турибдилар. Ўшалардан бирини танланг!”

Мансур бу сўзлардан ғазабини босолмай: “Ёлғон сўз-лаяпсан, сен бу ишга лойиқсан”, дея бақирганида буюк фиқҳ олимининг жавобини эшитиб, орқасидан қамчи егандек бўлди:

“Мана, ҳозир сиз ҳам менинг ҳукмимни тасдиқладингиз. Агар мен ёлғон гапираётган бўлсам, бир ёлғончи одамнинг бошқози бўлиши жоизми? Агар тўғри гапирган бўлсам, қози бўлолмаслигимни тан оляпман, қабул қилмаганим маъқул!”

Халифа Мансур бу жавоб билан мот бўлди ва ақлу мантиқ билан бас келолмаслигини англаб, қийноқларга мурожаат қилганди.

Қийноқлар кундан-кунга ортиб бораётган бир вақтда Абу Ҳанифа Жаноби Ҳаққа шундай ёлворди: “Аллоҳим, қудратинг билан мендан уларнинг ёмонликларини узоқ тут!” Бу дуодан бир неча кун ўтиб, Абу Ҳанифа қамчи зарбаларининг таъсири остида шаҳид бўлди.

Ҳужжат ул-Ислом

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ

Юксак савияли асарлар ёзиш билан бирга уйининг олдида барпо этилган бинода талабаларга таълим бераётган Имом Ғаззолий сўнгги вақтларда узлуксиз ҳолда охираат ҳақида сўзлай бошлаганди.

Ўша кун ҳам оқшомга қадар талабаларига дарс бериб, хуфтон намозидан сўнг яна улар билан узоқ суҳбат қурди, иймон ҳақиқатларидан сабоқ берди.

Туннинг катта қисмини ибодат билан ўтказди. Озгина ухлаб олгач, уйғониб, бомдод намози учун таҳорат олди.

Намозини адо этганидан сўнг, яқинларидан кафанлигини олиб келишларини сўради (Кафанини анча аввал тайёрлаб қўйганди). Яқинлари ҳайратда қолдилар. Ўша вақтга қадар Ҳужжат ул-Ислом ҳеч бундай буйруқ бермаганди. Бир ҳикмати бордир, дея дарҳол истагини бажардилар. Имом Ғаззолий кафанни қўлига олиб, ўпиб пешонасига сурди. Кейин шундай деди:

“Эй менинг Раббим ва Маликим, амринг бош устига!”

Бу сўзларни эшитган яқинлари, талабалари буюк олимнинг фоний дунёдан боқийга кўчиш вақти келганини ҳис қилиб, кўзёши тўқа бошладилар. Имом Ғаззолий эса кафанни қўлидан қўймай қиблага қаради. Ояти Карималар ўқиди, такбир айтди, калимаи тавҳидни давомли шаклда такрорлай бошлади. Сўнгра саждага боргандек юзини ерга қўйди. Яқинлари бир муддат кутиб турдилар, ҳеч қандай ҳаракат кўринмагач, Хужжат-ул Исломни ўрнидан турғазмоқчи бўлдилар. Буюк олим руҳини Раҳмонга таслим этганини кўриб, йиғлаб юбордилар.

Тилида Лафзуллоҳ (Аллоҳнинг сўзи – **тарж.**) билан боқий оламга сафар қилган Имом Ғаззолий ўзидан номини абадиятга муҳрлайдиган беш юздан зиёд асарни мерос қилиб қолдирди.

Орифлар шоҳи

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

Умрини Қуръон ҳақиқатларини изоҳлаш билан ўтказган Шоҳи Нақшбанд (Муҳаммад Баҳоуддин) ҳазратлари хасталангач, яқинларини, талабаларини ёнларига чақириб, рози-ризолик олдилар.

Шоҳи Нақшбанднинг бетоблигини эшитган узоқ-яқиндаги талабалари, муридлари ҳам Қасри Орифон сари шошилдилар. Ўзларига Исломнинг нурли йўлини кўрсатган зоти шарифни зиёрат қилиб, ризолик сўрардилар. Шоҳи Нақшбанд ҳазратлари келганларга насиҳатлар қиларди.

Қуръон дарслари билан шогирдларининг иймон қувватига эришишини таъминлаган Шоҳи Нақшбанд ҳазратлари бу фоний дунёда ортида қолувчилар билан видолашарди.

Ўз даврининг буюк олимларидан сабоқ олиб улғайган Шоҳи Нақшбанд ҳазратлари ҳам илм, ҳам тасаввуф соҳасида камолга етгандан сўнг, талабаларга сабоқ бериш, одамларга насиҳатлар қилиш билан дин хизмати-га киришди. Шоҳи Нақшбанднинг ўзгача хислати бу кароматларини сир тутиши эди.

“Кароматни сир сақлаш, ҳеч кимга кўрсатмаслик буюкроқ кароматдир. Асосийси, Ҳақнинг ризосини ихлос билан муҳофаза этмоқдир,” дер эди. Аммо кўпгина талабалари унинг кароматларига гувоҳ бўлган. Ҳозир Шайхларининг бош тарафида ўтириб, унга Икромии Илоҳий ўлароқ берилган кароматлари ҳақида ўйлардилар.

Бир сафар талабаси йўлда кетаётиб, қишлоқ одами билан баҳслашиб қолганди. Шоҳи Нақшбанд ҳазратларининг ёнига келганида, шайхнинг унга эътибор қаратмаганини ва юзини ўгирганини кўриб, сабабини сўраганида шундай жавоб олганди:

– Сен бир мўмин қардошининг кўнглини оғритмадингми?

Толиб ўша онда хатосини англади. Шоҳи Нақшбанд ҳазратлари: “Бор, ундан рози-ризолик ол. Йўқса мендан илтифот кўрмайсан,” дея танбеҳ берганларидан сўнг, бориб қишлоқлик одамни топган, унинг кўнглини қанча олишга уринса ҳам бунга муваффақ бўлолмаганди. Чор-ночор ортга қайтиб, бўлган воқеани сўзлаб берганида, бу сафар

Шоҳи Нақшбанд ҳазратлари ўзлари қишлоқлик одамни излаб топдилар ва унга: “Талабам йўл қўйган хатони ўз айбим деб биламан. Мендан рози бўл!” – дедилар. Қишлоқлик одам минг истиҳола билан рози эканлигини баён қилганида ҳазрат талабадан кўпроқ қувонгандилар.

Яна бир сафар бошқа бир талаба билан сафарга чиққанларида кеч-қоронғига қадар йўлда қолиб кетдилар. Талаба қўрқувга туша бошлаганини кўрган шайх унга тасалли беришга уриндилар, тасалли кор қилавермагач, орадан озгина вақт ўтиб, ёнларида бир ёруғлик жилоланди. Бу ёруғлик уларни манзилларига қадар кузатиб борди.

Шоҳи Нақшбанд ҳазратлари ётган тўшакнинг атрофига тўпланган талабалари ва яқинларининг ҳаммаси унинг ана шундай кароматларига гувоҳ бўлгандилар. Унинг сўнги онлари бошқа кароматларидан кўра анча ибратли эди.

Шоҳи Нақшбанд ҳазратлари охират оламига кетиш вақтлари яқинлашганини ҳис этиб, атрофдагиларга қараб: “Қуръони Каримни ўқинг!” – дедилар. Талабалари Қуръони Каримни ўқий бошладилар. Ўзлари эса давомли шаклда калимаи шаҳодат айтмоқда эдилар. Буни кўрган талабалари кўз ёшларини тутиб туролмадилар.

Талабалар “Ёсин” сурасини ўқиётганида Шоҳи Нақшбанд ҳам ояти карималарни такрорлардилар. Суранинг қоқ ўртасига келганида бир лаҳзада хонанинг нурга тўлганини кўрдилар. Бир-бирларига ҳайрат ичра боқиб, нигоҳларини Шоҳи Нақшбанд ҳазратларининг муборак юзларига қаратдилар. Шоҳи Нақшбанд ҳазратларининг боқий оламга сафар қилганини кўриб, нурларга бурканиб, абадий оламга йўл олган устодлари ортидан кўз ёш тўкдилар.

Қуддусни озод этган қаҳрамон

САЛОҲИДДИН АЙЮБИЙ

Қуддус имоми Шайх Мурод Афанди Салоҳиддин Айюбийнинг ёнига борганида унинг давомли тарзда такбир айтаётганини кўрди.

Салоҳиддин Айюбий Шайх Мурод Афандини кўриб, ётоғини тўғрилашга ҳаракат қилди, аммо қимирлай олмади. Доим уламога ҳурмат билан қараган, унинг илм билан шуғулланиши учун зарур шароитни ҳозирлаб берганди. Умри поёнига етаётганини ҳис қилиб, завжасига: “Ҳожа Афандига хабар юборинг, келиб Қуръони Карим ўқисин... Мен Ҳақ йўлига равона бўламан”, – деди.

Эҳтиромга сазовор шарқ султонининг хасталиги ҳаммани чуқур изтиробга солганди.

Шиа Фотимийларининг ҳукмронлигига якун ясаб, бутун Ислом оламининг эътиборини қозонган Салоҳиддин Айюбий Мисрдан ташқари яна кўплаб ҳудудларни ҳукмронлиги остида бирлаштирганди. Яман, Ҳижоз, Сурия, Ливан ва Фаластин каби ҳудудлар унинг байроғи остида ягона давлат ҳолига келди. Салоҳиддин Айюбийнинг мақсади Иттиҳоди Исломга (Ислом бирлиги) эришишни таъминлаш эди. Ўзини Ислом хизматчиси деб билар ва Ислом оламининг турли хил масалаларини ҳал этиш учун курашишни энг муҳим вазифа ҳисобларди.

Ислом мамлакатларида бирликни таъминлагандан сўнг, Салибчилар устига юриш қилди ва 1187 йил 5 июль санасида салибчиларнинг кўп сонли қўшинини тор-мор

этиб, Қуддусни 88 йиллик тобеликдан қутқарди. Бу ғалабаси билан фақатгина Ислом оламининг эмас, бутун дунёнинг эътирофига сазовор бўлди. Чунки салибчилар Қуддусни ишғол этганида минглаб бегуноҳ одамларни, ҳатто жонзотларни ҳам қиличдан ўтказган бўлсалар-да, Салоҳиддин Айюбий христианларга зарар етказмади ва уларнинг ҳақ-хуқуқларини поймол қилмади.

Учинчи Салиб юришлари учун тўпланган қўшинни мағлубиятга учратган Салоҳиддин Айюбий тарихдан муносиб ўрин олди.

Дунёни лол қолдирган қаҳрамон энди ҳаётининг сўнгги лаҳзасини яшаётган эди:

«Мендан рози бўлинг!» — дея барча яқинлари, қўмондонлари, давлат амалдорлари, уламолар билан видолашган Салоҳиддин Айюбийнинг аҳволи барчани таъсирлантириб юборди. Хонага йиғилганлар кўзёшини яшира олмасди. Фақатгина Шайх Мурод Афанди ўзини тутиб турди. Қуръони Карим ўқишни тўхтатиб, Салоҳиддин Айюбийнинг бош тарафига келди ва васият қилиши лозимлигини айтди. Салоҳиддин Айюбий шундай деди:

— Менинг васиятим уммати Муҳаммаднинг саодат ва ҳузурини тилашдир, бошқа истагим йўқ.

Кейин қўли билан ишора қилиб, яна Қуръон ўқишни сўради. Шайх Мурод Афанди инсон руҳиятининг энг чуқур нуқталарига қадар етиб боровчи фасоҳатли овози билан ўқишни бошлади. Қуръони Карим ўқилган сари Салоҳиддин Айюбийнинг юз ифодаси ўзгариб борар, хасталик туфайли юзида намоён бўлган асоратлар секин-аста йўқолаётган эди. Шу онда Ислом қаҳрамони паст овозда нимадир деганини эшитдилар. У шаҳодат калимасини

айтаётганди. Калимани тугатган заҳоти танасидаги барча ҳаётий белгилар йўқолди. Боқий оламга рихлат қилди...

Масжидларда тўпланиб, хавотир ичида хабар кутиб турган аҳоли муаззинларнинг салот ўқиганини эшитиб, вазиятни англадилар. Бутун аҳоли уларнинг фараҳли истиқболи учун курашган ҳукмдорнинг ортидан кўзёш тўкарди.

Жума куни ўқилган жаноза намозида маҳшарий жамоат тўпланди. Тобутнинг устига кўплаб жанглarda султонга ҳамроҳ бўлган байроқ ўрнатилганди. Худди Салоҳиддин Айюбий қўшиннинг бошида туриб, қўлида байроғини тутган кўйи ҳужум олдидан қўшиннинг олд сафларини назорат қилаётгандек эди...

Марҳумни тупроққа топшираётганларида қўмондонларидан бири Маҳмуд Хон қўлидаги қиличини ҳавода ўйнатиб, шундай деди:

— Эй жамоати Муслимин! Кўриб қўйинг, ҳукмдоримизнинг бор-йўқ бойлиги мана шу қиличдан иборат эди!

Улкан мамлакатларни фатҳ этган буюк ҳукмдор асло мол-дунёга ружу қўймаган, бор-йўғини дину давлатга хизмат қилиш йўлида сарфлаган, бу дунёни тарк этаркан, ўзи билан биргина кафанини олиб кетган, ўзидан шу қиличдан бошқа ҳеч нарса қолдирмаганди...

Қалблар султони

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Мавлононинг хасталанганини эшитган узоқ юртлардаги талабалари ва аҳоли Кўниёга оқиб кела бошлади. Зиёратчилар умри давомида Анадўлига Ислом нуруни

ёйиш учун ҳаракат қилган бу Муоз муршидни сўнгги бор зиёрат қилиб, дуосини олишни истардилар.

Зиёратга келганлар Мавлонога шифо тилаб, вақт ўтказардилар. Бунни кўрган Мавлоно уларга шундай жавоб берарди:

— Тилаган шифойингиз энди ўзингизники бўлсин. Севмиш ва севилмиш ўртасида қилдан нозик толадек бир нарса қолди. Нур нурга етиб боришини истамайсизми?

Мавлоно ўлимга Шаби арус, яъни “тўй куни” дея таъриф берган ва у билан юзма-юз бўлаётганидан хурсанд эди. Ўлимнинг йўқлик эмас висол, яъни мингларча аҳбоб билан кўришиш ва улар билан бирга бўлиш учун васила эканлиги ҳақида сабоқ берган Мавлоно ҳазратлари сўнгги ониди лисони ҳоли билан ўлимга жуда гўзал таъриф бермоқда эди. Айни дамда у бу дунёда қолдираётганидан кўпроқ нарсага эришар, қабр эшиги ортидаги дўстлари билан дийдорлашиш имконига эга бўларди.

Яқинлари, талабалари ва ёнида тўпланган инсонларга қараб, шундай васият қилди:

— Сизга ички ва ташқи оламингиз билан Аллоҳга тақво қилишингизни васият қиламан. Шунингдек, кам овқат ейишни, кам ухлашни, кам гапиришни, гуноҳларингиз туфайли изтироб чекишни, рўзада бардавом бўлишни, намоз ўқишни, шаҳватлардан воз кечишни, инсонларга зарар етказмаслик лозимлигини эслатиб ўтай. Бетайин, назари пастларнинг суҳбатидан қочинг ва фақатгина солиҳ инсонлар билан бирга бўлинг. Инсонларнинг хайрлиси инсонларга фойда келтирадиганидир. Сўзларнинг хайрлиси эса кам ва маъноли бўлганидир.

Мўғул балоси туфайли умидсизлик жарлиги остонасига бориб қолган инсонларга умид маёғи бўлган ва Анадў-

лида бирдамлик бузилишига маънан қаршилиқ кўрсатган Мавлоно Румий ҳазратлари омонатини топширишдан олдин ояти Карималар ўқиди. Бир дам қўллари билан узоқларга ишора қилиб, шундай деди:

— Дўстларимиз ўша тарафдан туриб бизни чорлашмоқда. Наилож, борамиз.

Кейин эса бироз қийналиб, калимаи тавҳид айтган Мавлоно сукутга чўмди. Унинг ҳолати уйқуга кетган инсонни эслатарди. Руҳи тани эса қафасидан чиқиб, боқий оламга йўл олганди.

Мавлоно ҳазратларининг жанозасига бутун Кўниё аҳолиси тўпланди. Улар билан бир сафда Анадўлидан келган мингларча инсон жанозада дохил бўлди.

Мавлоно Румий ҳазратлари вафот этган ҳижрий 672 йил абжад ҳисоби билан “Ибрат” сўзига тўғри келади. Шу сўзнинг икки марта қўлланиши, яъни “Ибрат, ибрат” сўзлари мос келувчи ҳижрий 1344 (милодий 1925) йилга мос келади. Ўша йил ичида Мавлоно ҳазратларининг ҳам қабри бўлган мақбараларнинг ёпиб қўйилганини эсласак, “ибрат” сўзи билан нима назарда тутилганини англагандек бўламиз.

Жалолиддин Румий ҳазратларининг сағанаси устида қабарик шаклда ёзилган сатрлар мавжуд. “Маснавий”дан бир қанча байтлар ҳам ўрин олган бу сатрлар зиёратчиларга ҳаётий сабоқлар бермоқда.

Бу байтларнинг бир қанчасида мазмун шундай:

“Мен вафот этганимда, тобутимни елкалар узра сузганини кўрганингда, менда бу дунёнинг бирор дарди қолди деб ўйлама!

Менинг ҳолимни кўриб йиғлама! Афсус, афсус, дод, дема. Агар шайтоннинг тузоғига тушадиган бўлсанг, ана

ўша ҳақиқий афсус, дод дейиладиган ҳолат бўлади. Афсус, дод, афсус, дейиш ўша ҳолат учун мосдир.

Қабр ҳибсхонага ўхшаб кўринади, аммо аслида у жоннинг ҳақиқий ҳибсдан қутилишидир.

Жанозамни кўрганингда буни “айрилиқ” деб атама. Менинг (Ҳақ ила) дийдорлашим, топишим ўша лаҳзададир. Мени қабрга қўйган вақtlари “Алвидо-алвидо” дема! Қабр Жаннат эшигидаги пардадир!

Жонимни Сен оладиган бўлсанг, ўлим шакар каби тотли неъматдир. Сенинг васлингга етар бўлсам, ўлим жондан тотлироқдир.”

Берган сабоқларининг, ёзган асарларининг таъсири асрлар давомида кучини йўқотмаган Мавлоно ҳазратлари билан суҳбатдош бўлганлар унинг шу сўзларини асло хотирларидан чиқармаганлар: “Вафотимиздан сўнг қабримизни тупроқдан изламанг! Бизнинг мазоримиз орифларнинг қалбададир!”

Византиянинг мағрур императори

РОМАН ДИОГЕН

Мансикерт (Малазгирт)дан қайтган Роман Диоген Токатга етиб келганда олган хабари натижасида гангиб қолди. Хабарга кўра, уни императорликдан маҳрум қилишганди. Тахтга Михаил Дукасни чиқаргандилар. Мансикертга император унвони билан кетган Диоген алал оқибат оддий византияликка айланиб қолганди. У ҳолатни асло ҳазм қила олмасди.

Диоген янги императорга ёзган мактубида: “Мен қўшин-у хазина тўплаш ва Христиан динини юксалтириш учун қўлимдан келган ишни қилдим. Ғайратимда қусур кўрсатмадим. Аскарим оз эмасди ва тайёргарлик жараёнида ҳеч қандай хатога йўл қўйилмади. Шундай бўлса ҳам зафар мусулмонларга ёр бўлди. Бунга ҳеч ким қаршилиқ қила олмаган бўларди. Мен мусулмон ҳукмдорининг қўлига тушганимда менга ҳеч кутмаган даражамда яхши муомала қилди.”

Диоген мактубида Мансикерт жангидан олдинги ва кейинги воқеалар тафсилотини баён қилган.

Икки юз минг кишилиқ катта қўшин билан йўлга чиқди. Сафар олдидан мусулмонлар томонидан фатҳ этилган тупроқларни қайтиб олишини, шунингдек Сурия, Фаластин, Миср ва Ироқни забт этишини айтган, ҳатто бу ерларни шахзодалар ва аслзодаларга тақсимлаб берган эди.

Мағрур Диоген барча масжидларни черковга айлантираман, деганди.

Жанг олдидан Алпарслон юборган элчи сулҳ таклиф қилганида унга захрини сочиб, мағрурланиб шундай деди: “Султонингга айтиб қўй, у билан сулҳ музокараларини Райда ўтказаман, қўшим Исфаҳонда қишлайди ва Ҳамадонни отларим учун оғилхонага айлантираман.”

У ишонч билан шундай деган эди. Энди эса... Императорлиги қўлидан тортиб олинган бечораҳол инсон ҳолига тушиб қолганди. Икки қўли билан бошини чангаллаб, бир воқеани ўйларди. Ўтмишини ва ҳозирги аҳволини... Алпарслоннинг элчиси Сав Тегиннинг жавоби миясида акс-садо бера бошлаганди: “Отларингизнинг Ҳамадонда

қишлашига мен ҳам аминман. Аммо сиз қишни қаерда ўтказишингиз менга қоронғи!”

Сав Тегиннинг сўзлари рўёбга чиққан эди. Византия қўшинининг барча озиқ-овқат, ўқ-дори ва қурол-аслаҳалари билан бирга отлари ҳам Салжуқийлар томонидан тортиб олинган ва катта эҳтимол билан Ҳамадонга олиб кетилганди. Ўзи эса... Ҳа, унинг ўзи кичик бир қалъанинг тош деворларидан паноҳ изларди. Ўз ватандошларидан ҳам қочишга маҳкум эди.

Византиянинг янги императори Диогенга хабар юбориб, қалъани тарк этишини буюрди, Диоген бунга жавобан, мен ҳали ҳукмдорликдан воз кечганим йўқ, деди.

Ҳали Константинополга (ҳозирги Истанбул) қайтмай туриб, ўрнига янги император тайинланганини ҳазм қила олмаган Диоген атрофидаги содиқ аскарлари билан янги императорга қарши чиқди. Аммо барча жангларда ютқазди. У ишонган одамлар янги императорнинг мўл олтин бериш ҳақидаги ваъдасига алданиб, Диогенни асир олдилар.

Ўз одамлари томонидан ҳибсга олинган Диоген қўллари боғлиқ ҳолда Константинополга юборилди. Яланг оёқ, боши эгик ҳолда йўлга тушган Диогеннинг бўйнига сиртмоқ солинган эди ва бир отлиқ аскар уни тортиб борарди.

Диоген бир ўз ватандошларининг, бир Алпарслоннинг ўзига қилган муомаласи ҳақида ўйлаб борарди.

Алпарслон уни ҳақиқий император каби қабул қилган ва ўз ёнидан жой берганди. Ўрталарида бўлиб ўтган суҳбат қулоқлари остида акс-садо бериб турарди.

Алпарслон: “Агар мен сенга асир тушганимда, менга қандай жазо берардинг?” деб сўраганида:

– Душман қандай жазога лойиқ бўлса, шундай жазо берардим. Ё ўлдирардим ёки бўйнингизга сиртмоқ ўтказиб, ғалабамни кўз-кўз қилиш учун шаҳарма-шаҳар айлантирардим, — деганди.

Алпарслон: “Энди сени қандай жазолашимни кутяпсан?” деганида шундай жавоб берганди:

– Мени ўлдиришингиз мумкин. Ғалабангизни кўз-кўз қилиш учун шаҳарларни кездиришингиз ҳам мумкин. Учинчи эҳтимолни айтишим эса шунчаки хомхаёл ва телбалик бўлади.

Алпарслон учинчи эҳтимолни ҳам айтишини сўрагач, шундай деди:

– Мени яна тахтимга қайтарасиз. Шундай бўлган тақдирда сизга дўст бўлиб қоламан, йиллик хирож тўлайман ва сизнинг ноибингиз бўламан. Чорлаган вақтингиз аскарларим билан келиб, хизматингизда бўламан.

Алпарслон Диоген кутмаган, тахмин қилмаган ишни қилди. Уни озод этди. Устига-устак, кўплаб ҳадялар ҳам берган Алпарслон Диогенга тахтини қайтариб берганди, аммо византияликлар тахтни унга раво кўрмагандилар.

Диоген Алпарслоннинг бўйнига солмоқчи бўлган сиртмоқ энди ўзининг бўйнига тақилгани ҳақида ўйлаб борарди. Устига-устак, сўнгсиз ҳақоратларга дучор бўлаётган эди.

Диоген қўллари боғлиқ ҳолда Дукасининг олдига олиб борилди. Дукас аввал Диогенни ҳақорат қилиб, сўнг “Йўқотинг кўзимдан! Бундан кейин роҳиблик қилсин!” – деди.

Диогенни турткилаб-турткилаб олиб чиқиб кетдилар. Аввал сочини кесиб, сўнгра роҳиб ридосини кийдирди-

лар. Қимматбаҳо император либосидан кейин роҳиб ридосини кияркан, Диоген руҳан чўкиб борарди.

Бир вақтлар мағрур Византия императори бўлган Диоген яна ўзи ишонган одамлар томонидан заҳарланди, кейинроқ ҳўкиз аравасига ортиб, Кутаҳяга олиб келинди. Бу вақтда императорнинг янги фармони ҳам Кутаҳяга етиб келганди: “Диогеннинг кўзларига мил тортилсин!”

1072 йилнинг 29 июнида бу буйруқ бажарилди ва Диогеннинг икки кўзига мил тортилди.

Диоген энди тахтга даъво қила олмасди, унинг ягона дарди жонини сақлаб қолиш эди.

Диоген кўзлари кўр бўлганидан сўнг беш ҳафта зулмат ичида, паришон ҳолатда яшади. Ҳар куни мудҳиш изтиробларга асир бўлиб, вақт ўтказди. 1072 йилнинг 4 август куни Диогеннинг жасади шаҳар ташқарисидаги вайроналар ичидан топилди...

Анадўлини Ислом юртига айлантирган мард қўмондон

АЛПАРСЛОН

Мовароуннаҳрда ихтилоф чиқариб, давлатга қарши исён кўтарган Шамсул Малик Тегиннинг устига юриш қилган Алпарслон Малик Тегиннинг энг яқин одами қўлга олингани ҳақидаги хабарни олиши билан бу қалъа қўмондонини дарҳол ҳузурига олиб келишларини буюрди.

Муҳофизлар Юсуф Хоразмий исмли қалъа қўмондонининг қўлларида тутиб, Алпарслоннинг ҳузурига олиб келдилар.

Юсуф Хоразмий бақириб-чақирар, оғзига келган гапни қайтармай айтарди. Алпарслон бу густохона ҳаракатга жазо бўлсин деб, Юсуф Хоразмийнинг қўл-оёқларини боғлашни буюрди. Бу ҳолатдан сўнг Малик Тегин баттар кўпирди. Оғизга олиб бўлмас сўзларни қўллай бошлади. Алпарслоннинг қўмондонлари ва бошқа аскарлари жаҳл билан қиличларини яланғочлаб, бу беадабнинг ҳақдини билдириб қўйишга шайланди. Шунда Алпарслон “Тўхтанг! — деди. — Қўлларини ечинг, унинг жазосини ўзим бераман” — дея ўқ ва ёйини қўлига олди.

Аскарлар Юсуф Хоразмийнинг қўлини ечди. Алпарслон битта ўқ узди. Аммо кутилмаганда ўқ хато кетди. Юсуф Хоразмий бир лаҳзада Алпарслонга ташланди. Алпарслон тахтидан тушиб, қаршилиқ қилишга чоғланганда оёғи тойиб кетди ва мувозанатни йўқотди. Шу лаҳзада Юсуф Хоразмий пичоғини олиб, Алпарслонга санча бошлади. Аввалига шошиб қолган аскарлар тезда ўзларини қўлга олиб, Юсуфга ҳужум қилдилар ва ўша ернинг ўзида уни поралаб ташладилар. Алпарслон қўли билан жароҳатини босганча ўрнидан турди ва чодирига кирди. Атрофини ўраб олган қўмондонларига ва бошқа давлат аъёнларига қуйидаги ибратли сўзларни айтди: “Ҳар доим душман устига юриш қилсам Аллоҳ таолодан ёрдам сўрардим. Кеча эса тепаликнинг устига чиқиб, аскарларим кўплигидан, қўшинимнинг кучлилигидан оёғим остидаги тупроқ чайқалгандек туюлди. Ўз кучимдан ғурурландим. Ўзимга: “Мен дунёнинг ҳукмдориман. Менга ким ҳам бас кела оларди?” дедим. Бугун эса Жаноби Ҳақ энг ожиз қули олдида мени ожиз қилиб қўйди”.

Алпарслон Жаноби Ҳақдан афв тилади, тавба қилди, истиғфор айтди. Давлат аъёнларига насиҳатлар қил-

ди. Вафотидан кейин ўғли Маликшоҳга итоат этишларини васият қилди.

Мўминлар учун Анадўли эшигини очган шонли ҳукмдор боқий оламга кетиш вақти яқинлашгач, дуо қилишни, такбир айтишни бошлади. Вафот этганида барча қўмондонлари ва давлат аъёнлари унинг бошида турдилар. У ерда тўпланганлар зафардан зафарга от сурган бу жаҳонгир султоннинг охирги марта калимаи шаҳодат айтагини эшитдилар. Замонининг буюк қўмондонлари бир лаҳзада кўзёшларига мағлуб бўлдилар.

1072 йилнинг 25 октябрида шахид мақомида боқий оламга риҳлат қилган Алпарслоннинг жасади Марв шаҳрига олиб борилди ва ўша ерда дафн этилди.

Мамлакатни илм билан юксалтирган доно вазир

НИЗОМУЛМУЛК

(Асл исми Ҳасан бўлган бу доно вазир машҳур “Сиёсатнома” асари муаллифи. Салжуқий султони Алпарслон ва унинг ўғли Маликшоҳ даврида бош вазир лавозимида фаолият олиб борган. Оқилона сиёсати учун унга берилган “Низом-ул мулк” – “Давлатнинг низоми” номи билан танилган. Салжуқий давлати тарихидаги энг доно вазирлардан – **тарж.**)

Шиа тарғиботчиларининг барча саъй-ҳаракатлари Салжуқий давлати ҳукми остидаги ерларда натижасиз тугаётганди. Фотимийлар ва Ҳасан Саббоҳ бор кучларини сафарбар этишларига қарамай, уларнинг манфур ғояларига ҳеч ким эргашмади. Номдор вазир Низомулмулкнинг Ис-

фаҳон, Бағдод, Басра, Нишопур, Ҳирот, Балх, Мусул каби марказий шаҳарларда барпо этган мадрасаларида таҳсил олиб улғайган илм аҳли мамлакатнинг тўрт тарафига ёйилиб, Қуръон ҳақиқатларини мўминларга англаган ва уларни Шиа таҳликаси ҳақида огоҳлантириб қўйганди.

Афюн таъсирида мудраган онгларга ҳукмини ўтказган Ҳасан Саббоҳ манфур ғоялари йўлидаги энг катта тўсиқ Низомулмулк эканлигини билар ва уни йўлдан олиб ташлаш учун турли режалар тузарди. Одамлари худди манқуртдек унинг измида эдилар. Уларга истаган ҳар нарсасини буюриши мумкин эди. Низомулмулкни ўлдириш тўғрисида буйруқ олган одами ҳам буйруқни бажаришга сўз берди ва дарҳол йўлга чиқди.

Бу вақтларда Низомулмулк барпо этилаётган янги мадрасалар қурилиши қандай кетаётганини кўздан кечирар, вақти-вақти билан мадрасаларга бориб, дарсларни кузатарди. Шу билан бирга мунтазам тарзда давлат ишларини назорат қилиб турарди.

Низомулмулкнинг ҳузурига кириш қийин эмасди. Чунки у баъзида бозорларда айланиб, халқнинг истак ва талабларини, муаммоларини ўргангани каби, истаган одам исталган вақтда унинг ҳузурига кириб, ўз арзини баён қилиши мумкин эди.

Ҳасан Саббоҳнинг одами ҳам ортиқча қийинчиликсиз Низомулмулкнинг ҳузурига кирди. Ҳеч бир сўз демасдан номдор вазирга яқинлашди ва бир лаҳзада енида яшириб келган заҳарли ханжарини чиқариб, санча бошлади. Дарҳол етиб келган аскарлар бу манфур ғоялар қулига айланган одамни поралаб ташладилар. Аммо улар кеч қолгандилар...

Низомулмулкнинг номи вафотидан кейин ҳам асрлар давомида барҳаёт бўлиб келди. У бунёд этган мадрасалар кейинчалик Ислом давлатларининг таълим тизими учун намуна бўлди. Давлат бошқарувига оид сўзлари, тавсиялари, фикрлари ҳам асрлар давомида мусулмон ҳукмдорлар учун дастуриламал бўлди. Унинг номи ҳар доим яхши гаплар билан ёдга олинди...

ЧИНГИЗХОН ҚАЕРДА ВА ҚАНДАЙ ЎЛГАН?

Чингизхонни ҳижрий 624 йилнинг рамазон ойида (милодий 1227 йил 18 августда) Мўғулистонга кетаётганида етмиш икки ёшида вафот этган, дейишади. Унинг қаерга дафн этилгани эса ҳалигача номаълум. Қаҳри қаттиқ ва мустабид ҳукмдорнинг бутун ҳаёти ҳамда ўлими бир-биридан фарқланувчи турли ривоят ва афсоналарга тўла. Тадқиқотчилар унинг ўлими қандай бўлгани ҳақида ҳам ҳануз бир фикрга кела олишмаган. Айрим манбаларда зикр қилинишича, Чингизхон Танғут давлатига қарши уруш асносида вафот этади. Аммо форс муаррихи Рашидиддин ўзининг “Жомеъ ут-таворих” асарида ёзишича, Чингизхон Танғутнинг пойтахти Чжунсин шаҳрини қамал қилишдан олдин вафот этган. Хитойларнинг “Юан-ши” солномасида келтирилишича, улкан империя йўлбошчиси Танғут устидан қозонилган ғалабадан сўнг ўлган эмиш. Айрим маълумотларга кўра, Чингизхонни ундан қасос олиш фурсатини кутаётган кичик хотини ўлдиради. Васиятига кўра, Чингизхонни ҳеч ким билмайдиган жойга, дарёнинг ўза-

нига кўмишади. Унинг қабрига Чингизхоннинг жасади билан бирга кўплаб хизматкорлар, канизаклар, жуда катта хазиналар ҳам дафн этилган эмиш. Вафотидан сўнг унинг учинчи ўғли Угэдей ворис этиб тайинланади.

Чингизхоннинг ўлимига сабаб бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги фикрлар ҳам бир-бирига зид, турличадир. Ёзувчи Валентина Скляренко “Чингизхон” асарида саркарданинг ўлими сабаблари ҳақида расмий тахминни келтиради: “Чингизхон қулонларни (ёввойи отлар) қувиш чоғида отидан йиқилиб, қаттиқ яраланган ва шундан кейин ўзига келмаган. Кун сайин аҳволи ёмонлашган саркарда Танғут подшоҳлиги устидан зафар қозонгач, вафот этган”.

Хива хони Абулғозийхон Чингизхоннинг шажарасига бағишланган асарида бошқа бир фаразни илгари суради. Унда айтилишича, улуғ саркарда Чжунсинни эгаллаганидан кейин танғутлар қатл қилинган хукмдорининг бевасига уйланишга қарор қилади. Аммо эрининг ўлимига ва мамлакатининг хонавайрон бўлишига сабабчи бўлган Чингизхонга бўйсунитишни истамаган гўзал хотин душманини ўлдирган, кейин жонига қасд қилган: ўзини Хуанхэ дарёсига отиб, чўкиб ўлган.

Тарихчилар кейинчалик саркарданинг ўлим тафсилотларини ҳам ўзгартириб юборишган: баъзилар аёл уни қайчи санчиб ўлдирган дейишса, айримлар тиши билан жон томирини узиб олган, деган тахминни илгари суришган, бошқалари эса сочи орасига яшириб олиб кирган тиғ билан ҳалок қилган, дейишади. Яна шундай манбалар ҳам борки, уларда ҳақиқатга яқинроқ фаразлар ҳам илгари сурилади: эмишки, Чингизхон оғир касалликдан вафот

этган. Ҳақиқатан ёши бир жойга бориб қолган саркарданинг соғлиғини беҳисоб ҳарбий юришлар чоғидаги кўчманчиларча ҳаёт, очин-тўқин қолишлар, етарли дам олмаслик каби омиллар издан чиқарган бўлиши мумкин эди. Рашидиддиннинг юқорида тилга олинган китобида шундай сатрлар бор: “Чингизхон Танғут мамлакати ҳудудида касаллик туфайли вафот этди. У олдинроқ ўғилларига васият қилганида агар ўзи билан бирор кор-ҳол содир бўлса, ўлгани ошкор бўлмаслиги учун буни пинҳон тутиш, уввос солмаслик, йиғламасликни амр этган эди. Унинг васиятига кўра, саркарданинг ўлимини сир тутишди” (“Жомеъ ут-таворих”).

Бошқа бир муаррих Алоуддин Атомалик Жувайний ҳам Чингизхоннинг беморлиги ҳақида ёзиб, Танғут подшоҳлигидаги ёмон иқлим ва Чжунсин қамалида юққан безгакни бунга сабаб қилиб кўрсатган (“Тарихи Жаҳонгушо”). Ҳикоя қилишларича, бемор Чингизхоннинг олди-га ўша пайтдаги машҳур хитой табиби Чан Чунни олиб келишган бўлса-да, у ҳам саркардани даволашда ожиз бўлган. У улуғ жаҳонгирга шундай деган экан: “Мен сизга бор ҳақиқатни айтаман: инсоннинг кучини кўпайтириш, уни турли хасталиклардан даволаш, ҳаётини муҳофаза қилиш учун жуда кўп воситалар мавжуд, аммо уни ўлимдан асраб қоладиган ҳеч нарса йўқ”. Шунда Чингизхон яқин орада ўлишини англаб, ўғилларига васият қилган. Италиян савдогари Марко Поло Осие мамлакатларига саёҳатидан кейин ёзган “Дунё ажойиботлари ҳақида китоб”ида таъкидлаганки, Чингизхон жангларида олган жароҳатларидан касалланиб вафот этган. Бу фараз ҳақиқатга анча яқин, чунки Танғут подшоҳлигига қарши бўлган юришга Чингизхоннинг шахсан ўзи бошчилик қилганди.

Аммо Марко Полонинг китоби ишонарлилигига кўпчилик тадқиқотчилар шубҳа билдиришади.

Чингизхонни чақмоқ уриб ҳалок бўлгани ҳақида ҳам тахминлар бор. Рим Папасининг элчиси Жованни Плано Карпини мўғулларнинг икки хони – Боту ва Куюкхон билан кўришган, уларнинг Сарой-Боту ва Қорақурум шаҳарларида бўлган. Элчининг “Бизлар татар деб атайдиган мўғуллар тарихи” қўлёзмасида айтилишича, яшин уриб ўлгани ҳақидаги фикр илгари сурилади. Бу билан муаллиф Чингизхонни Худонинг Ўзи жазолаган, деган фикрни ўқувчига етказмоқчи бўлади. Чунки қадимий насронийларда чақмоқ уриб ҳалок этиши банданинг қилган гуноҳлари учун илоҳий жазо берилгани белгиси саналган. Нима бўлганда ҳам, юқоридаги тахмин ва фаразларнинг барчасида ҳақиқатнинг айрим зарралари борлигини инкор этиш қийин бўлади.

Жуда кўп мамлакатлар вакиллари Чингизхоннинг қабри бизнинг юртда, деб иддао қилишларига қарамай, қадимшунос ва тарихчилар ҳанузгача унинг қабри қаерда экани ҳақида узил-кесил бир фикрга келишмаган. Айрим манбаларга кўра, саркардани дафн қилиб бўлгандан кейин қабр устида отлар уюрини ҳайдаб юборишган ва юзлаб отлар қабрни текислаб ташлаган. Бошқа тадқиқотчиларнинг ёзишича, Чингизхон мақбараси учун дарё қуйилиш жойи танланган, дафндан сўнг сув уни бағрига олган. “Мўғулларнинг табаррук ёдномалари”да қайд этилишича, “Чингизхоннинг қабрини пинҳон сақлаш мақсадида уни дафн этишда иштирок этган барча одамлар ўлдириб юборилган”.

Чингизхоннинг ҳаёти қонга, қон тўкишга, босқинчилик ва талон-тороғга тўлган эди. Шарқдан Кореядан бошлаб,

ғарбдан Форс минтақасини ўз ичига олган жуда кенг салтанатнинг бошлиғи бўлди. У бу мамлакатини башариятнинг, хоссатан, мусулмонларнинг қирғини эвазига барпо қилди. Чингизхон ўлимидан сўнг атрофдаги ўлкалар худди кучли бўрон тинганидан кейинги бир осойишта ҳолатига келди. Мўғуллар тақрибан Эроннинг ярмигача эгаллаган эди. Жалолиддиннинг мамлакати эса Эрон ва Каспий денгизининг ғарбий минтақаларигача чўзилган эди. Уруш тўхтади ва ҳар иккала тараф эга бўлган жойларидан мамнун эдилар.

Чингизхоннинг вафотидан сал олдинроқ, 1225 йилга келиб, мўғул қўшинларининг асосий қисми Мўғулистонга қайтиб кетади. Жебе нўён ва Субутой баҳодир қўмондонлигидаги мўғул қўшини ғарбда урушни давом эттиради ва Шимолий Эрон орқали Кавказортига бостириб киради. Гуржистон ва Озарбайжоннинг бир қисмини вайрон қилади. Ҳазар денгизи соҳили бўйлаб ҳаракат қилиб, аланлар ерига бостириб кириб, уларни тор-мор келтирди. 1223 йил 31 майда Калка жангида мўғуллар бирлашган рус-қипчоқ қўшинини енгиб, уни Днепр дарёси этагигача қувиб, кейин Ўрта Волгага чекинди. Бироқ Волга-Кам Булғориясида мағлубиятга учраб, Мўғулистонга қайтиб кетди. Бу мўғул отлиқ аскарларининг келгусида ғарбга қилинадиган юришлари олдидан олиб борган бир разведкаси эди, холос. Ўтамиш ҳожи ибн Муҳаммад Дўстийнинг “Ўтамиш ҳожи тарихи” қўлёзма асарида зикр қилинишича, “Чун Чингизхон вилоятларни фатҳ қилди, бир тарафи Бағдод ва бир тарафи Ҳиндистон, бир тарафи Дашти Қипчоқ ва дарёйи Эдил (Волганинг қадимги номи) эрди. Бу вилоятларни тўрт-беш ўғлига бахшиш қилди. Ироқ

вилоятини Ҳалокухонға (набирасига) берди. Ўғодойхонни ўз вилоятинда қўйди. Тўлихонни ўз қошинда сақлар эди. Чифатойхонга Бухоро ва Самарқанд, Хуросон ва Ҳисор вилоятларини берди. Аммо Жўжихон барча ўғлонлариндин улуғроқ эрди, азим лашкар қўшиб Дашти Қипчоқ вилоятига салғаб юборди. Отларингга ем бўлсин, деб Хоразм вилоятини берди. Чун Жўжихон Дашти қипчоқ вилоятингаки, отланган бўлди. Улуғтоғки машҳур турур, анга етишдилар. Бир кун тоғ орасинда ов овлайи чиқиб кетди. Бир бўлак маралкийиклар йўлуқди. Ани қувалаб отарда отдин йиқилиб, бўйни синиб вафот бўлди”.

Чингизнинг вафоти билан мусулмонларнинг ҳаёти яхшиланиб қолмади. Бу даврда ҳам мусулмонлар ўртасидаги ихтилоф, низо, нифоқ, адоват ва бузуқ ахлоқларга асосланган бесаранжом ҳаёт давом этди. Мусулмонлар мўғул саркардаси Чингизхоннинг ўлими оқибатида мўғулларга етган катта мусибат замонидан фойдаланишмади, сафларини бирлаштириб, Ислом ўлкаларини мўғул ҳукмдорлардан озод қилишмади, аксинча ўзлари билан ўзлари овора ҳолда бир-бирлари билан жанг қилишди. Бундай ҳолат фақат Ироқ ва Эроннинг ғарбий минтақаларию ёлғиз Жалолиддин билан Аббосийлар халифаси орасида содир бўлмади, балки бутун ислом оламида юз берди. Ислом оламидаги барча минтақаларда фитна, жанжал, қўзғолонлар авжига чиққан эди. Шом ва Мисрда мусулмон амирлар ўртасида урушлар тўхтамади, сўзлари бир жойдан чиқмади. Ҳолбуки, бу минтақаларнинг ҳокимлари Айюбийлардан бўлиб, улар орасида кучли қариндошлик ришталари бор эди...

УСМОН ҒОЗИЙ

Аскарлар Бурса яқинида жангга кирди. Қўмондон Ўрхон Ғозийнинг олдинги сафда туриб барча ҳужумларда иштирок этаётгани кучларига куч қўшиб, азм-у ғайратини орттирарди.

Ўрхон Ғозийга Сўғутдан келган отлиқнинг шошилини тарзда у билан учрашмоқчи эканлигини етказишганда Усмон Ғозийнинг мард ўғли янги ҳужум ҳозирликларини кўздан кечираётганди. Отасидан хабар келганини тунди. Ёки сафарга чиқаётганида бемор тўшагида ётган отасига, ғозий подшоҳга нимадир бўлдимикан?.. Сўғутдан келган аскар Усмон Ғозий шошилини тарзда ўғлини кўрмоқчи эканини баён қилди.

Ўрхон Ғозий қўмондонларини ғўплади. Бурсани қамал қилишда давом этишларини ва тез-тез ҳужум қилиб, душманни ҳолдан тойдиришларини тайинлади. Улар билан хайрлашиб, тўғри Сўғут сари от солди.

* * *

Бир қанча муддатдан бери хаста ётган Усмон Ғозий туну кун “Ё Раббий, Бурсани фатҳ этишга муяссар айла!” дея дуо қилар ва Бурсадан келадиган қувончли хабарни кутарди. Аҳволи оғирлашганини ҳис қилиб, васиятини айтиш учун ўғлини чақиртирди.

Ўрхон Ғозийнинг Сўғутга етиб келганини ва ҳузурига келётганини эшитган Усмон Ғозий тўшагидан турди.

Ёстикларга суяниб ўтирди. Ўрхон Ғозий ҳурмат билан отасининг қўлини ўпди, хайр дуосини олгандан сўнг қўлини қовуштириб, отасининг буйруғини кутди. Усмон Ғозий барча қуролдошларини, уламо ва қўмондонларни ҳам чақиртирганди. Уларнинг ҳузурида ўғли Ўрхон Ғозийга шундай васият қилди: “Ўғлим, илм аҳлига, солиҳ кишиларга, миллат учун жон фидо этган шаҳидларнинг фарзандларига ҳурмат ва эътибор кўрсат!

Аллоҳни танимаган, топганини шароб учун сарфлаган, зино қилган одамларга давлат ишларида вазифа берма! Агар уларга вазифа берадиган бўлсанг, охиратга юзинг қора ҳолда келасан. Зеро, бундай одамлар Аллоҳнинг ғазабига лойиқ бўлганлари учун ишларида хайр ва муваффақият бўлмайди. Бундайлар халққа ҳусну муомала этмаслар ва пора олишга мойил бўладилар. Мамлакат ва миллат улар туфайли зарар кўради. Билмаган нарсангни билганлардан сўра! Сенга содиқ инсонларнинг кўнглини хуш тут! Аскарларингга мўл-кўл эҳсон бер, зеро эҳсоннинг мукофоти фақат эҳсондир.

Ўғлим, Аллоҳнинг буйруқларига зид иш қилма. Билмаган нарсангни шариат уламосидан сўраб ол. Яхшилаб аниқлаштирмасдан бирор ишни бошлама. Золим бўлма, оламни адолат билан шонлантир. Жиходни тарк этмаслик орқали мени шод эт! Бизнинг маслагимиз Аллоҳ йўли ва мақсадимиз Аллоҳнинг динини ёймоқдир. Шунчаки қуруқ кураш ва жаҳонгирлик даъвоси эмас. Сенга шу ярашади. Ҳар доим одамларга эҳсон беришда қўлинг очиқ бўлсин. Давлат ишларини бенуқсон бажар!

Ўрхон Ғозий билан бирга хонада бўлган давлат аъёнлари бир овулни давлатга айлантириш учун тамал тоши-

ни қўйган шонли ҳукмдорнинг гапларини сўзма-сўз хотираларига муҳрлади.

Усмон Ғозий яна ўғлига алоҳида тайинлаган ҳолда шундай васият қилди: “Ўғлим, Истанбулни оч, гулзор айла!”

Усмон Ғозий Қуръони Карим ўқилишини истади. Тиловат бошланганда хонани уҳровий ҳаво қоплади. Усмон Ғозий ҳам ояти Карималарни такрорларди. Орада бир марта шаҳодат калимасини айтди. Ундан сўнг яна ояти Карималарни ўқишда давом этди ва шу ҳолда руҳини Раҳмонга таслим қилди.

Ўрхон Ғозий дарҳол отасининг васиятини бажариш учун ҳаракатга киришди. Усмон Ғозийнинг васиятидан ҳабар топган Бурса яқинидаги мужоҳидлар кучли азму шижоат билан ҳужумга ўтдилар. Натижада Бурса фатҳ этилди. Византиянинг қаноти қирқилди... Усмон Ғозий ўз васиятига кўра, Бурсадаги “Кумуш гумбаз”га дафн этилди.

Асрлар давомида уч қитъага ҳукмронлик қилган шонли давлатнинг тамал тошини қўйган Усмон Ғозий ҳар доим раҳмат билан ёд этилади. Ғозийлар сардори вафот этганидан кейин қаламга олинган манзума унинг мафкура-сини баён этгани учун катта шуҳрат қозонди, тиллардан тилларга кўчди. Манзумада шундай сўзлар бор эди:

Тақди дин қиличин белига Усмон,

Ғоясидир Исломни ёймоқ Усмон.

Вақтики очилди Ислом эшиги

У эшикнинг калити бўлди Усмон.

Ғазот этдиларки: Аллоҳу акбар.

Солланиб Ислом қиличи кофир узра...
Навбат-ла урилди Аллоҳу акбар.
Қиличлар соясида Ҳақнинг жаннати,
Расулдан бу хабар, Аллоҳу акбар.
Усмон Эртуғрулнинг ўғлисан,
Ўғузхон, Қорахон наслисан,
Ҳақнинг бир камтарин қулисан,
Исломбўлни очу, гулзор айла.

Истанбул фотиҳининг жаҳонгир падари

СУЛТОН МУРОД II

Эдирна саройига чуқур сукунат чўкканди. Султон Мурод II нинг хасталиги ҳақидаги хабар саройга ёйилар-ёйилмас, қайғунинг қўли ҳаловат ёпинчиғини тортиб олганди. Ҳеч ким бир-бири билан гаплашмас, ҳамма кўзларини ерга қадаганча ўйга чўмганди.

Йиллар давомида давлат сарҳадларини кенгайтириб, қўшинни қўша-қўша зафарларга бошлаган, ҳаммага оталарга хос меҳр билан муомала қилган, миллатнинг ҳаловати учун кечани кеча, кундузни кундуз демай ғайрат кўрсатган султон тўшакка ётиб қолганди.

Султон Мурод II аҳволи оғирлашганини ва муолажаларнинг ҳеч қандай таъсири бўлмаётганини кўриб, вази-ятни тушунди. Демак, боқий оламга сафар қилиш вақти келди. Бир ҳафтадан бери намозларини ўтирган ҳолда адо этаётган Султон Мурод II доимий тарзда ёнида

Қуръон ўқитиб турарди. Қуръонни тинглаган сари руҳининг фараҳланганини, барча изтиробларининг тинганини ҳис этарди.

Султон Мурод II оҳиста ўрнидан турди. Эшик олдида тик оёқда кутиб турган Исыҳоқ Пошо билан Ҳамза Бейга: “Олдимга Халил Пошони чақиринг!” – деди.

Даъватни эшитган Халил Пошо дарҳол Султоннинг ҳузурига етиб келди. Султоннинг ранги анча сўлиб қолганди.

“Биласанми, Халил, яна бир сафарга чиқадигандекман” – деди. Халил Пошо шамдек қотиб қолди. Султон жойидан қимирлай олмайдиган даражада хаста эди. Шу аҳволда ҳам янги сафар ҳақида сўзларди. Пошо Султоннинг нимани назарда тутганини тушунмаганди. “Қай томонга, Султоним?” – деди.

Султон Мурод: “Дорул бақога, пошо, дорул бақога! Ҳар фонийнинг охирги манзилига. Ҳозирдан сўнгги ҳозирлигимни кўришим керак”.

Хонадаги пошоларнинг кўзларига ёш тўлди. Варнада, Косовода Султон билан елкама-елка туриб жангга кирган Исыҳоқ Пошо дод солиб, йиғлашдан ўзини зўрға тийиб турарди.

Султон Мурод: “Ўқи, Исыҳоқ, васиятимни ўқи!” – деди. Шундан сўнг, Исыҳоқ Пошо Султон аввалдан ёздириб қўйган васиятини ўқишни бошлади. Васиятнинг кириш қисми айнан мана шундай эди:

“Таваккули ала Ҳалиқи. (Таваккулим Холиқимгадир.)

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим (Раҳмон ва Роҳим бўлган Аллоҳ номи билан)

Кўриш хислатига соҳиб бўлганларнинг кўзларидан ғафлат пардасини кўтарган Аллоҳга ҳамд бўлсин.

Жанобимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, унинг яхши ва гўзал, покиза наслидан бўлганларга салоту салом ёғилсин.

Ундан сўнг, ҳар турли нуқсондан холи бўлган Жаноби Ҳақ улуғ султон, буюк хоқон, умматларнинг иродасига малик, Араб ва Ажам Маликларининг сардори, ғозий ва мужоҳидларнинг ёрдамчиси, кофир ва мушрикларнинг душмани, йўлдан озганлар ва хоинларга қаҳрли, заиф, мискин ва фақир мусулмонларга меҳрли, қуруқлигу денгизларнинг султони, фотиҳ отаси, шаҳид Султон Боязид ўғли Султон Меҳмет ўғли Муродхонни (Жаноби Ҳақ мулки ва салтанатини бардавом айласин) ҳар кимнинг ўлим шарбатини тотилишини ва фақатгина жалол ва икром соҳиб Аллоҳнинг боқий қолишини билишга ва Жаноби Аллоҳнинг: “Сизларни дунё ҳаёти мағрур этмасин, ғурурланманг, ғурур Аллоҳга хосдир” сўзи ҳақида мулоҳаза юритишга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Васият қилгудек нарсаси бор мусулмон кишига васиятини ёзилган ҳолда ҳузурига қўймай икки кеча (бемор бўлиб) ётиб қолиши дуруст эмас», ҳадиси шарифларини биргаликда бажаришга муваффақ этди”.

Кириш қисмидан сўнг Саруҳан вилоятида тўпланган мулкнинг учдан бирини васият этган Султон Мурод II қиймати ўн минг филори бўлган бу мулкнинг қуйидагича сарфланишини таъкидлаганди: “Уч минг беш юз филори Макка аҳолисига ва яна уч минг беш юз филори Пайғамбаримиз яшаган шаҳар — Мадина аҳолисига сарфлансин ва ундан беш юз филори яна шундай Макка аҳолисидан

шога хабар юборди. Давлат аъёнлари Султоннинг вафотини ўн уч кун давомида сир сақладилар. Султон Меҳмеднинг келишини кутдилар. Ёш султон Эдирнага келгач, Султон Мурод II нинг вафот этгани эълон қилинди. Бу хабарни эшитган бутун шаҳар аҳолиси кўзёш тўка бошлади.

Султон Мурод II нинг жасади васиятига мувофиқ Бурсага олиб кетилди. Султон Меҳмед отасининг васиятини ҳарфма-ҳарф адо этди.

Жаҳонгир подшоҳ

ЁВУЗ СУЛТОН САЛИМ

(Ёвуз Султон Салимга лақабидан келиб чиқиб “ёвуз, бераҳм”, дея баҳо бериш ноўрин. Турк тилида “ёвуз” сўзи “ёмон” маъносидан ташқари, “кучли, бақувват, метиндек мустаҳкам” каби маъноларни ҳам англатади. Султон Салим айнан шу сифатларга эга бўлгани учун “Ёвуз” номини олган – тарж.).

Топкапи саройининг боғида Ҳасан Жан билан суҳбат қуриб, янги сафари ҳақида фикрлашган Ёвуз Султон Салим кутилмаганда гапни бутунлай бошқа мавзуга бурди. Елкамга гўё бир тикон қадалиб, азоб бераётгандек, – деди. Ҳасан Жан бир неча кундан бери султоннинг нимадан-дир азоб чекаётганини сезиб турарди, аммо ҳол-аҳвол сўрашга имкон топа олмаётганди.

Ҳасан Жан: “Рухсатингиз билан қараб кўрай, султоним” — деди.

Ёвуз екласидаги чипқонни Ҳасан Жанга кўрсатди. Содик Надим чипқонни кўриб, дарҳол табибга кўрсатишни ва

малҳам суришни тавсия қилди. Ёвуз танасидаги оғриққа қарамай, бу чипқонни аҳамиятсиз тошмадек кўраётганди. “Шу кичгина нарса учун ҳам малҳамми?” - деди.

Ёвуз Султон Салим елкасидаги оғриқ туфайли ўша кеча мижжа қоқмади. Бомдод намозини ўқиб бўлгач, тўғри сарой ҳаммомига кетди. Чипқонни юмшатиб, сиқтириб, йирингини оқизишни ва бу азобдан қутилишни истарди. Шундай қилди ҳам. Аммо оғриқ камайиш ўрнига баттар кучайди.

Режалаштирилган кунда (18 июль 1520 йил) сафарга чиқилди. Аввало, Эдирнага бориб, у ерда тайёргарликни тўлиқ тугатиб, янги сафарга чиқилиши керак эди.

Ҳасан Жан султоннинг аҳволи оғирлашаётганини сезиб, хавотирда эди. Аммо султонга дам олишни таклиф этишга ҳам жасорат топа олмасди.

Ёвуз Чорли яқинларида отаси Султон Боязид II вафот этган ерга келганида ортиқ от устида юра олмаслигини ҳис қилиб, қароргоҳ қуришни буюрди.

Ўтови Ҳумоюн дарҳол барпо этилди. Ёвуз Султон Салим Ҳасан Жан билан бирга чодирга кириб, ундан елкасига қарашини сўради. Ҳасан Жан султоннинг елкасига боқар-боқмас юрагини бир алам куйдириб юборганини ҳис қилди. Шонли жаҳонгирнинг орқаси қонга бўялган эди. Дарҳол табиб чақирди. Келган табиб ярага қараб, унинг шерпанжа деб аталадиган чипқон эканлигини айтди. Даволаш мумкин эди. Аммо чипқон эзилган ва газак олиб кетганди.

Табиблар ярага малҳам суриб боғладилар. Аммо вақт ўтган сари султоннинг аҳволи яхшиланиш ўрнига янада

оғирлашиб борарди. Кунлар, ҳафталар ўтган бўлса ҳам султоннинг аҳволида ижобий ўзгариш кузатилмади.

Ўвуз Султон Салим 1520 йил 22 сентябрь кунининг илк соатлариданоқ аҳволининг ҳар кунгидан кўра анча ёмонлашганини ҳис этди. Ҳар доим султоннинг бошида турган Ҳасан Жан ҳам вазиятни англаганиди.

Ўвуз Ҳасан Жанга қараб: “Ҳасан Жан, аҳвол қандай?” – деб сўради.

Ҳасан Жан ҳақиқатни яширишни лозим топмай, жавоб берди: “Султоним, Жаноби Ҳаққа хайрихоҳлик кўрсатиб, Аллоҳ билан бўлиш замони келди!”

Ўвуз Султон Салим: “Бизни шунча йилдан бери танир ва билар эдинг. Жаноби Ҳаққа хайрихоҳлигимизда бирор қусур кўрдингми?” деганида, Ҳасан Жан шундай жавоб берди:

– Аллоҳ сақласин, бирор лаҳза зикри Раҳмондан ғофил қолганингизни кўрмадим. Лекин ҳозир бошқа вақтлардан фарқли вақт бўлгани учун эҳтиётан бу сўзни айтишга жасорат топдим!

Зотан “Бу дунё бир султон учун кенг, икки султон учун торлик қилади” деган ва Илоҳий Калиматуллоҳ мафкура-си билан йўлга отланиб, буюк зафарлар қозонган, Ислом бирлигини таъминлашга катта ҳисса қўшган Ўвуз Султон Салим боқий дунёга сафар қилиш вақти келаётганини бир неча кун аввал англаган эди.

Ҳасан Жанга: “Сураи Ёсин тиловат қил!”– деди.

Ҳасан Жан босиқ оҳангда Қуръон ўқий бошлади. Ўвуз ҳам ояти Карималарни такрорларди. Ўвуз Султон Салим

руҳиятида хотиржамлик ҳис этди. Ҳасан Жандан яна бир марта “Ёсин” сурасини ўқишини сўради. Иккинчи ўқишда ҳам ояти Карималарни такрорлаб турди. “Саломун кавлан мин Роббиррахим” оятини ўқиркан, руҳини Раҳмонга таслим этди. Ҳасан Жан ояти Кариманинг давомини ўқиркан, султоннинг жўр бўлмаганини кўриб, бошини кўтариб қаради ва севимли ҳукмдорининг омонатини топширганини сизди. Ҳасан Жан йиғлаб юборди, аммо тезда ўзини қўлга олди. Шаҳзода Сулаймон етиб келгунга қадар вазиятни аскарлардан сир сақлаши лозим эди.

Ҳасан Жан воқеани фақатгина хосхонабоши Сулаймон оғага айтди. Тушга яқин султондан хабар олиш учун келган Вазири Аъзам, Пири Меҳмед Пошо Ўтови Ҳумоюнга кириб, воқеадан хабардор бўлди. Кекса вазир кўзёшларини тутиб туrolмай, йиғлаб юборди.

Пири Меҳмед Пошо бир тарафдан шаҳзода Сулаймонни пойтахтга даъват этиш учун одам юбориб, бир ёндан эса Девонни тўплади ва ҳеч нарса юз бермагандек йиғилиш ўтказиб, кенгаш аъзоларига аскарларга ҳеч нимани сездирмасликни тайинлади. Табибларга эса гўё яхши муолажа қилганлари учун мукофот берилди.

Меҳмед Пошо шаҳзода Сулаймоннинг Доруссаодатга етиб борганини билгандан сўнг вазиятни аскарларга баён қилди. Яничарлар кулоҳларини (яничарлар бош кийими – тарж.) ерга ирғитиб йиғлай бошладилар. Барчалари биргаликда зафардан-зафарга бирга от сурган султонидан айрилгани учун маҳзун эдилар. Аскарларнинг кўзёши Истанбулга келгунга қадар тинмади.

Ёвуз Султон Салимнинг жасади келтирилаётганини эшитган аҳоли йўлларни тўлдирганди. Ҳамма кўзёш тўкар-

ди. Султон Сулаймон Қонуний отасининг тобутини шаҳар ташқарисида кутиб олди ва тобутнинг ёнбошида юрди.

Ёвузнинг тобути Фотиҳ масжидига келтирилди. Юз минглаб истанбулликлар иштирок этган жаноза намозидан сўнг, ҳозир мақбараси жойлашган ерга дафн этилди. Кейинчалик Султон Сулаймон отасининг номи билан аталувчи масжид ва қабрининг устига мақбара бунёд этди.

Кўп ва хўб зафарларга эришган ҳукмдор

СУЛТОН СУЛАЙМОН ҚОНУНИЙ

Давлатнинг шонига шон қўшган ҳукмдор, хаста ва кексалигига эътибор бермасдан сафарга чиқишга қарор қилди. Келишувга хиёнат қилиб, Эрделга кўз олайтирган Олмонияга сабоқ бериб қўйиш лозим эди. Шундай сабоқ бериш лозим эдики, қулай фурсат кутиб турган бошқа Европа давлатларининг ҳавойи истакларига чек қўйилсин! Кунларни тунларга улаб, давлатни ҳар жиҳатдан дунёнинг энг буюк мамлакатига айлантириш учун ҳаракат қилаётган султон шундай фикрда эди.

Табиблар султоннинг сафарга чиқиш ҳақидаги қарорини эшитиб, хавотирга тушдилар. Уни бу фикрдан қайтариш учун қилган барча ҳаракатлари зое кетди, насиҳатлар кор қилмади. Султон: “Ҳар кўргулик тақдири Илоҳийдандир!” дер, кутилган натижага эришиш учун ўзининг ҳам қўшин билан бирга бориши лозимлигини таъкидларди.

Барча тайёргарликлар поёнига етган эди. Султон сафарга чиқиш учун буйруқ берди. 1566 йилнинг 1 май куни муҳташам маросим билан Истанбулни тарк этди-

лар. Султон Сулаймон Қонуний ўзининг сўнгги ўн учинчи сафарида аравага минган ҳолда илк бора аҳолининг олдига шу ҳолда чиққанди.

Қонуний бу ўзи учун сўнгги сафар эканлигини ҳис этиб турарди. Йўлга чиқишдан икки кун аввал ўғли шахзода Салим II га хитобан ёзган васиятномаси ҳамда иккита камар ва жавоҳирлар билан безатилган катта қутини саройнинг кекса арбобларига топширган эди.

Белградга етиб борганларида Қонуний Истанбулдан олиб келинаётган тахтини ўша ерда қолдиришни буюрди ва шундай деди: “Балки Султон Салимхонга насиб этар!”

Бу сўзларни эшитган баъзи давлат аъёнлари кўз ёшини тутиб тура олмади. Бу Султоннинг сўнгги сафари эканлигига ишора этганини тушунгандилар.

Қўшин Зигетвар яқинига келганида Қонунийнинг хасталиги ортди. Узоқ йиллар қўшиннинг олд сафида туриб, зафар ортидан зафарга эришган жаҳонгир султон шу аҳволида ҳам бир дам бўлсин истироҳат олишни ўйламас, қамал учун қилинаётган тайёргарликларни шахсан ўзи назорат қиларди.

Оппоқ соқол, нуроний қиёфаси билан от устида қаддини тик тутиб турган Қонуний 1566 йил 6 август куни тўпчилар бўлимига ўт очишни буюриш билан қамални бошлади.

Қалъани мудофаа қилаётган аскарларнинг бошида Можар наслидан бўлган Зриний бор эди. У етарли даражада тажрибали эди. Қалъада керакли миқдорда озиқ-овқат ва ўқ-дори захирасини ҳозирлаб қўйганди. Бу та-рафлама қалъани босиб ололмасликларига амин эди.

Кунлар ўтган сари Қонунийнинг аҳволи оғирлаша борди. Бу орада ташқи қалъа забт этилган эди.

Қонуний энди намозларини ўтирган ҳолда ўқирди. Бу ҳолат унинг яқинлари учун янгилик бўлганди. У бу вақтга қадар намозларини қолдирмас, бундай ҳолда ўқимасди. Аммо хасталик унинг ёқасидан маҳкам тутганди.

Қонуний Сокулли Меҳмед Пошо аскарларининг олд сафида туриб, ҳужумларда иштирок этаётганини билгач, уни дарҳол ёнига чақиришни буюрди. Сокуллига хитобан вафот этгудек бўлса, унинг қўшинга бошчилик қилишини исташини, шунингдек, таҳликали вилоятларга боришини тавсия этиб, шундай деганди:

“Минбаъд сен ўзлигингни йўқотма, умри дину давлат ва низоми адлу интизоми салтанат бобида қойиму доим бўлгин. Шунингдек, нуридийдам Салим Хонимни, аскари Исломни ва сени Аллоҳга топширдим.”

Сокулли хатти ҳумоюнни қўлига олган заҳоти Подшоҳнинг ёнига шошилди.

Султон Сулаймон Қонуний 1566 йил 7 июль куни тонгга яқин кўзларини очди. Бир муддат тўпларнинг гумбурлашига қулоқ тутди. Сўнгга ёнидагиларга қараб: “Бу оташда ёнгур қалъа ҳали ҳам олинмадими? Бу қалъа менинг юрагимни ёқмоқда. Истагим – унинг ўзи ҳам оташ ичида қолсин” — деди.

Боши тарафда турган Сокулли Меҳмед Пошо билан ҳакимбоши Қайсунийзода Бадриддин Меҳмед Чалабий бошларини эгиб, сукутга чўмди. Шу аснода подшоҳнинг такбир айтгани қулоққа чалинди. Султоннинг қиёфасида бутунлай ўзгача нуронийлик ва латофат зоҳир бўлганди. Вазиятни биринчи бўлиб англаган одам ҳакимбоши бўлди. “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун” деди. Шу онда чодирдаги давлат аъёнлари йиғлай бошлади.

Ўзини қўлга олган Сокулли Меҳмед Пошо чодирдагиларга Шаҳзода Салим тахтга ўтириб, “Хумоюн қўшини”нинг бошқарувига етиб келгунга қадар султоннинг вафоти сир сақланиши лозимлигини тайинлади. Ундан сўнг бошқа вазирларга ҳам хабар юбориб, Ўтови Хумоюнга келишларини буюрди.

Вазирларнинг иштирокида подшоҳ чодирда ювиб, кафанланди. Жаноза намози ўқилди ва вақтинча ётоғининг остига дафн этилди.

Сокулли шаҳзода Салимга хабар жўнатди. Айки дамда Кутаҳяда бўлган шаҳзода Салим дарҳол Доруссаодат сари йўлга тушди.

Қонунийнинг вафотидан кўп ўтмай, ички қалъани эгаллаш билан Зигетвар батамом фатҳ этилди.

Шаҳзода Салим Истанбулга етиб келиши билан тахтга ўтириш маросими ўтказилди. Янги султон отасининг майитини олиб келиш учун йўлга чиқди ва отасининг жасадини Истанбулга келтирди.

Султон Сулаймон Қонунийнинг вафоти бутун Ислом оламини чуқур қайғуга солди. Истанбул йўллари одамлар билан тўлиб-тошди. Маҳшарий жамоат билан жаноза намози ўқилди ва ҳозирги мақбарасига дафн этилди.

* * *

Қонунийнинг дафн маросимидан аввал уламо орасида султоннинг бир васияти мунозарага сабаб бўлди.

Масала бундай эди: Султон Сулаймон Қонуний хасталангач, Абуссууд Афандини ёнига чақириб, унга бир сандиқ топширган ва вафот этадиган бўлса шу сандиқ билан дафн этилишини васият этганди.

Қонунийнинг вафоти ҳақида эшитган уламо Иломда буюм билан кўмиш жоиз эмаслигини таъкидлаганида Абуссууд Афанди сандиқни очишни таклиф этди ва бутун уламонинг кўз олдида сандиқ очилди. Сандиқнинг ичи султон Сулаймон умри давомида чиқарган фармонлари учун берилган фатволар билан тўла эди. Буни кўрган Абуссууд Афанди кўзёшларини тута олмай, шундай нола қиларди:

“Сулаймон, сен ўзингни қутқардинг, биз нима қилармиз энди?”

Қонуний сафарга чиқишдан аввал ёзиб қолдирган васиятномасида ўғли Салимга хитобан шундай деганди: “Менинг жонимдан севган, икки кўзимнинг нури бўлган Салим хоним. Бу икки камар ва бир жавоҳирли сандиқни вақф учун атагандим. Коинот фахри бўлган Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пок руҳи учун.

Буларни сотиб, Жиддага сув келтир. Фарзандлик бурчингни бажариб, бу васиятни рўёбга чиқар. Саройдаги барча оғалар ва бутун хизматчилар шоҳиддир. Сен менинг ҳуснихатимни танийсан. Бу ашёлар меники эмас, Жаноби Пайғамбаримизникидир. Умид қиламанки, қийматига яраша нарҳда сотасан.

Аллоҳ бу сафарни муборак айлаб, Расули ҳурматиға кўнглингиз хуш ҳолда қайтишни муяссар айласин.”

Султон Сулаймон Қонуний ортга қайта олмади, бу дунё меҳмонхонасини тарк этиб кетди. Аммо қилган хизматлари туфайли унинг номи эзгу сифатлар ила ёд этилажак, ҳеч қачон унутилмас.

Ҳаёти жангда кечган баҳодир

ШАЙХ ШОМИЛ

1870 йилнинг ҳаж мавсумида Маккаи Мукаррамага сафар қилган ўн минглаб мўмин жуда хурсанд эди. Ҳам Арофатга чиққан кунлари жума кунига тўғри келгани учун “Ҳожи Акбар”га айланар, ҳам номини йиллар бўйи тилдан қўймай келганлари Ислом қаҳрамони шайх Шомилни кўрар эди.

Каъбаи Муаззамани тавоф этган ҳожилар бир-бирларидан “шайх Шомил қаерда?” деб сўрарди. Маҳшар майдонидагидек тирбандлик ҳосил бўлиб кетгач, назоратчилар одамларга бу шонли мужоҳидни кўриши учун уни Каъбанинг томига олиб чиқишдан бошқа чора топа олмадилар. Шу тарзда ўн мингларча мўмин Шайх Шомилни кўрди.

Ихлоснинг мукофоти

Жаноби Ҳақ Илоҳий Калиматуллоҳ учун ихлос билан курашган қулларининг севгисини мана шундай шаклда инсонларнинг қалбига ўрнаштириб қўяди. Бу севги дунёдаги таърифсиз мукофотдир.

Шайх Шомил ҳар бир борган Ислом шаҳарларида шундай муаззам ҳурмат ва севгига дуч келарди. Ўн йиллик асирликдан сўнг Султон Абдулазизнинг воситачилигида Ҳажга кетиш олдидан Истанбулга келганида кўп сонли аҳоли томонидан кутиб олинган ва Доруссаодатда яшаган вақтларида халқ у намоз ўқиган масжидларга оқиб келар эди. Ҳаж сафари давомида Мисрга борганда ҳам меҳр билан қарши олинганди.

Ҳаж амалларини адо этган Шайх Шомил бу хайри-хоҳликни кўрмасди ҳам ҳатто. Унинг кўзи энди Мадина йўлларига тикилганди. Энг катта орзуси Ҳабибуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг оstonаларига юзини суртиш, Оламлар сарварини зиёрат этиш эди.

ҲАҚ ЙЎЛИДА КУРАШ

70 муриди билан бирга Мадина сари йўлга тушган Шайх Шомилнинг ҳаёти кинолента каби кўз олдидан ўтиб борарди. У ниҳоятда хотиржам эди. Аллоҳ танлаган ва мақбул кўрган дин Исломни, Кавказ ўлкаси тупроқларини Рус истилосидан қутқариб, Ислом байроғини кўкка кўтармоқ учун кечани кеча, кундузни кундуз демай ҳаракат қилган, неча бор яраланиб ғозий бўлган, энг яқин инсонлари бу йўлда шаҳид бўлганди.

Унинг ҳаёти дoston бўлишга арзигулик эди. Шайх Шомил 1797 йилда туғилганди. Пурвиқор тоғлар билан ўралган бу юрт Россия томонидан ишғол этилган, Москванинг зулми ортиб борарди.

Мана шундай зулм авж олган 1826 йилда Гимрилик Ғозий Муҳаммад номли бир йигит майдонга чиққан, кўнгилларда умид учқуни пайдо қилганди.

Ғозий Муҳаммад Нақшбандий тариқатига мансуб эди. 1826 – 1829 йилларда Исломнинг ҳақиқатларидан маъруза қилган, жиҳод шуурини кучайтирганди. Шомил билан биргаликда қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар юриб, аскар тўплагач, 1829 йилдан рус қўшинлари билан кураш бошлади. Кавказнинг мустақиллик ва истиқлолга ошиқ

йигитларининг ягона душмани руслар эмасди. Қўйиндаги илон бўлган курдлар руслардан кўпроқ зарар келтирарди. Шайх Шомил кейинроқ уларга “Чор тўппончалари” номини берган эди. Айнан шу “Чор тўппончалари” 1832 йилда Ғозий Муҳаммад ва Шайх Шомил яшаб турган қишлоқларни русларга маълум қилганди. Руслар қишлоқ атрофини қуршаб олди. Шу куни юз берган тўқнашувда Ғозий Муҳаммад шаҳид бўлди. Шайх Шомил золимга кўксини қалқон қилиб курашаркан, кўксига бир найза санчилди ва милтиқ қўндоғидан бир зарб еб, елкаси синди. Шу ҳолида ҳам ерга йиқилмади. Бир сафдошининг ёрдами билан қамални ёриб чиқиб, русларнинг қўлидан қутилди.

Ўрмон ичига кириб, хафвдан холи бўлганларида пешин намози вақти ўтиб кетаётганини кўрган Имом Шомил имо-ишора билан намоз ўқиди.

Иффат, ҳаё ва тақво тимсоли бўлган Шайх Шомил намоз масаласида жуда ҳам инжиқ эди. Олган жароҳатлари натижасида ҳушини йўқотиб, 24 соат давомида ўзига келмай ётди. Кўзини очганда айтган илк гапи эса шундай бўлди: “Пешин намозини ўқиганмидим?”

Шайх Шомил тузалар-тузалмас, Ғозий Муҳаммаддан кейин етакчиликка сайланган Ҳамзатнинг ёнига бориб, у билан бирга русларга қарши жангга кирди. Ҳамзат ҳар сафар: “Мендан кейин имомлик Шомилнинг ҳаққидир!” – деб такрорларди.

Имом Ҳамзат ҳам 1834 йилда шаҳид бўлди. Унинг шаҳодатидан кейин тўпланган уламо ҳайъати келишган ҳолда Шайх Шомилни имомликка сайладилар.

Шайх Шомил бу масъулиятли вазифани қабул қилишни истамаган, ўзидан кўра билимлироқ инсонлар борлигини таъкидлаган. Аммо олимлар келишган ҳолда уни сайлаганларини, Исломга хизмат қилиш учун бу вазифани елкасига олиши кераклигини айтадилар.

Имом Шомил бу вазифани елкасига олганидан кейин, аввало Доғистонни қаричма-қарич кезиб, Ислом ҳақиқатлари ҳақида ваъзлар ўқиди. У Исломга зид фикрларни ва халқ орасида оммалашган бидъатларни ўзига энг катта душман, деб биларди. Ҳар борган манзилида Ислом ҳақиқатларини сўзлаб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлларини кўрсатарди. Исломнинг ҳақиқатларига ихлос қўйган инсонлар билан биргаликда рус қўшинларини ғафлатда қолдириш мумкинлигига ишонарди. Чиндан ҳам шундай бўлди. Имом Шомилнинг атрофида тўпланган мужоҳидлар сони кундан-кунга ортиб борди. Шомил уларга, аввало Исломнинг арконларини ўргатди, ундан сўнг жанг санъатини. Кейинроқ эса бу мужоҳидлар билан бирга руслар эгаллаб олган қалъаларга бирма-бир ҳужум қилиб, у қалъаларни фатҳ этишни бошлади.

Имомликка сайланганидан беш йил ўтиб, Имом Шомил исми бутун Кавказда, Доғистонда, Чеченистонда меҳр билан тилга олинадиган бўлди. Бу ном Чор Россиясининг ва рус қўшинларининг юрагига кўрқув соларди.

Курашда Шайх Шомилнинг энг яқин инсонлари шаҳид бўларди. Шаҳодат мўминлар учун энг буюк унвон эди. У ҳам яқинлари каби шаҳодат шарбатини ичмоқ орзусида курашни давом эттирарди.

1839 йилдаги Аҳулгоҳ жанги Имом Шомилнинг ҳарбий фаолиятида муҳим ўрин тутди. Бу жангда Шомилнинг рафиқаси Жевҳарат билан ўғли, синглиси Нафисет ва амакиси шаҳидлик шарбатини тотди. Жон сақлаб турган қалъаларида ҳар куни кўплаб шаҳид берардилар. Ўқ-дори ва озиқ-овқатларининг таги кўриниб қолди. Рус қўшини эса борган сари кучайиб борарди. Имом Шомил шу аҳволда ҳам таслим бўлиш таклифини қатъиян рад этарди.

Руслар Имом Шомил сафдошларининг оғир аҳволда қолганидан хабардор эди. Вазиятдан фойдаланиб, мак-корона ғояларини илгари сурдилар. Таклифга кўра, Шайх Шомилнинг бир ўғлини гаровга олиш эвазига мужоҳидларнинг қалъадан чиқиб кетишига рухсат берардилар. Шомил: “Бу таклиф ҳийла, холос. Руслар фақатгина ўғлимни олиш билан кифояланмайдилар” - деди. Аммо баъзи сафдошлари бундай ўйламасди. Уларнинг фикрини уққан Шайх Шомил буюк фидокорликни амалга оширди. Сафдошларининг кўнглига шубҳа келмасин, дея ўша вақтда 8 ёшда бўлган ўғли Жамолиддинни гаров сифатида топширди.

Руслар Имом Шомилнинг ўғлини гаровга олгандан сўнг номардлик қилди ва яна ҳужумга ўтди. Бу жангда Шайх Шомил ва ўғли Муҳаммад ҳам яраланди.

Қалъанинг бир тарафи жарлик эди. Омон қолганлар шу жарликка туша бошладилар. Маълум бир нуқтадан на-риги тарафга фақатгина икки ёнга тортилган ипга осил-ган ҳолда ўтиш мумкин эди. Шайх Шомилнинг иккинчи рафиқаси Фотима хоним ипга осилиб, нариги тарафга ўтиб олди. Шайх Шомил ўғли Ғозий Муҳаммадни орқа-сига маҳкам боғлаб, арқонга осилиб, эсон-омон қарши тарафга ўтиб олди.

Бу катта тўқнашув юз берган вақт, яъни 1839 йилда Шайх Шомилнинг Муҳаммад Шофий исмли ўғли дунё-га келди.

Шайх Шомил жароҳатдан тузалар-тузалмас яна йўл-га тушиб, аскар тўплади ва яна русларнинг қаршисига чиқди. Энди у анча тажрибали эди. Ҳатто тўплар қуйди-ришни бошлади.

1839–1859 йиллар орасида нақд йигирма йил ти-нимсиз рус қўшинлари билан курашган ва кимсан рус армиясининг кўзига дунёни тор қилиб қўйган эди. Аммо руслар мардона курашишга қурби етмагач, айёрона так-тикалар билан аҳлини асирга олиш орқали натижага эри-шишга уринган ва бунга муваффақ бўлган. Шайх Шомил қўшинидаги айрим одамларни мўмай пул билан, юқори мартаба ваъда қилиш билан, аёллар билан ўз тарафи-га оғдирган ва улар орқали муҳим маълумотларни қўлга киритган эдилар. 1857, 1858 ва 1859 йиллардаги тўқна-шувларда вазият шу даражага етиб борган эдики, Имом Шомил қаерга ҳужум қилишни режалаштирадиган бўл-са, руслар аввалдан тайёргарлик кўриб қўйган бўларди. Буларнинг ҳаммаси қўйиндаги илонларнинг “беминнат” хизмати натижаси эди.

Шайх Шомилнинг сафдошлари 1859 йилнинг август ойида кўп сонли рус қўшинига қарши жангга кирди. Атрофларини ўн мингларча аскар қуршаб олганди. Мужоҳидлар бирма-бир шаҳид бўлаётган эди. Кураш узоқ муддат давом этди ва Шайх Шомил 1859 йилнинг 6 сентябрида асир олинди.

Мадина сафарига чиққан Имом Шомил йўлдошларига ўша кун ҳаётидаги энг оғир кун бўлгани ҳақида сўзлаб борарди.

Чор Россияси томонидан катта байрам билан кутиб олинган Имом Шомил саройларда азиз меҳмон сифатида қабул қилинарди. Жаноби Ҳақ ўз ҳаққи билан қул бўлганларни душманларининг саройида ҳам азиз қилган ва душманларининг юрагига қўрқув ва титроқ солган эди.

Чор Россияси амалдорларидан бири зиёфат асносида: “Кўрдингизми, қўшинларимизга ҳеч ким бас кела олмайди. Ҳатто сиз ҳам”, деб ғурурланмоқчи бўлганида Имом Шомил шундай жавоб берди: “Бизни сизнинг қўшинингиз мағлуб этмади. Бизни “Чор тўппончалари” мағлуб этди. У хоинлар бўлмаганида, сиз бизни мағлуб эта олмасдингиз”.

Шайх Шомил ўн йил асирликда яшаганидан сўнг Султон Абдулазизга ҳаж қилиш орзусида эканлигини маълум қилиб, Чор Россиясидан рухсат олишга воситачилик қилишини сўради. Шу тариқа Усмонли султони ўртага тушди ва ўғли Ғозий Муҳаммадни гаровда қолдириш шарти билан ҳаж сафарига чиқишга муваффақ бўлди.

МАДИНАИ МУНАВВАРАДА

Мадинаи Мунавварага етиб борган Шайх Шомилнинг бир неча ойдан бери давом этаётган бетоблиги яхшигина ортганди. Аммо у оғрикларга парво қилмай, тўғри Равзаи Мутаҳҳарага борди, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мақбаралари қаршисида қўлларини қовуштириб салом берди, салоту саломни адо эта бошлади. Касаллигининг азобларини ҳис қилмай қолди. Масъуд эди. Жаноби Ҳақ энг катта орзусига эришишни насиб этди. Шайхнинг Мадинаи Мунавварага келганини эшитган аҳоли уни кўриш мақсадида ҳар ёндан кела бошлади.

Шайх Шомил бу фоний дунёдаги вазифаларини ва ҳозирликларини тугатган мусофирга ўхшарди. Аҳоли ва яқинлари билан видолашар, рози-ризолик оларди.

У ихлос билан, ғайрат билан курашди. Ҳар бир ишини Аллоҳ учун, Аллоҳ розилигига эришиш учун бажарганди. Худди Жалолиддин Хоразмшоҳ каби ғалаба ёки мағлубиятни эмас, Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни ўйлаган эди. Ғалаба ёки мағлубиятни Аллоҳ биларди. Унинг иши фақат ва фақат ғайрат кўрсатиб, жиҳод этиш эди.

ШАЙХ ШОМИЛНИНГ ВАФОТИ

1871 йил 17 февраль куни Шайх Шомилнинг орзуси амалга ошгани муносабати билан Шайх Аҳмадуррифаи тақлиф қилинганди. Хонада фақатгина ўғли Муҳаммад Комил ва бу мухтарам инсон бор эди. Шайх Аҳмадуррифаи “видо

вақти” келганини сезиб турарди. Узлуксиз Калимаи шаҳодатни қайтарарди. Шайх Шомил ҳам шаҳодат бармоғини кўтариб, шаҳодат калимасини такрорларди. Мана шу тахлит шом намози азониға 15 дақиқа қолганида шаҳодат калимасини такрорлаб туриб, руҳини Раҳмонға таслим этди.

Шайх Шомилнинг жаноза намози Масжид-ул Набавияда, яъни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам жанозалари ўқилган масжидда Муаззам жамоат иштирокида адо қилинди. Кавказнинг шонли мужоҳиди Аҳлу Байтға, яъни Пайғамбаримизнинг оилаларига мансуб зоти шарифлар ва кўплаб саҳобалар дафн этилган Жаннат-ул Боқийда, Аҳлу Байтнинг ёнгинасида дафн этилди.

74 ёшда Раҳмати Раҳмонға эришган бу Ислом қаҳрамонининг кураши бесамар кетмади. У ёққан истиқлол машъаласи йиллар ўтиб янгидан, қайта сўнмас бўлиб оловланди. Дудаев, Басаев каби қаҳрамонлар майдонга чиқди. Чеченистонда рус қўшинларига қарши жангларға кирдилар ва якунда ғалаба қозондилар.

Шайх Шомил Кавказда эккан истиқлол ва ҳуррият ниҳоли кўркам дарахтға айланди, кенг қулоч ёйди. Орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да мўминлар уни ҳурмат ва муҳаббат билан ёд этишда давом этмоқдалар.

Шарқни севган ғарб дунёсининг даҳоси

ИОГАНН ВОЛЬФГАНГ ФОН ГЁТЕ

Фақатгина Германиянинг эмас, бутун Европанинг энг буюк шоири ва ёзувчиси ҳисобланувчи, ғарб дунёсининг 17 даҳоси устида олиб борилган тадқиқотда, заковат тестида 210 балл билан биринчилиқни қўлга киритган,

150 га яқин асари билан ғарб адабиётига ва турли тилларга таржима қилинган 50 асари билан эса дунё адабиётига таъсир кўрсатган Гёте ўлим тўшагида ётаркан, давомий тарзда бармоқлари билан кўксига бир ҳарф ёзаётган эди. Баъзилар бу ҳарфнинг лотин алифбосидаги “W” эканлигини таъкидлардилар. Аммо якунда Гётенинг давомли тарзда исломий ҳарфлар билан “Аллоҳ” дея ёзганини англаш мумкин эди.

Гёте ёшлик вақтлариданоқ Қуръони Карим ва Исломият устида изланишлар олиб боришни бошлаган, тадқиқотлар давомида Ҳазрат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан қизиқиши ва севгиси ортган эди.

“Ҳазрат Муҳаммаднинг тараннуми” номли шеърида Жаноби Пайғамбаримизга (с.а.в.) севгисини ва унинг сўнгги пайғамбар эканлигини тилга олади. Шеърнинг бир бўлимидан таржима келтирамыз.

... Қардош,

Жудо этма бизни бағрингдан

Бизни кутар буюк Яратган.

Йўқса бизни ютар саҳро қумлари

Қонимиз қуритар қуёш нурлари.

Қардош,

Тоғ ирмоқларини, дашт ирмоғини,

Ҳаммамизни олиб қўйнингга —

Етказ бизни Буюк Раббингга

Манзил Азалий Дарёнинг ёни.

“Хўп” дейди-ю тоғнинг чашмаси

Ўзида тўплайди барча чашмани.
Ва кўрк ила қабарар кўкси, қўллари.
Янги юртлар очар юрган йўллари
Шаҳарлар туғилар оёқлари остида...
Миноралар оловли чўққиларини,
Ва кўркам мраморли саройларини
Орқада қолдириб юрар қисмат йўлида.
Боши устида ҳилпирар мингларча байроқ,
Кўркамлигин шоҳидларини
Фарзандларни Раббига етказиб,
Илоҳий уммонга қўшилар жўшиб!

Гёте 1749 йилда зодагон оиласида дунёга келган. Отаси Империя маслаҳатчиси, адвокат Каспар Гёте, она-си Франкфурт ижроия қўмитаси раҳбарининг қизи Элизабет эди.

Оила ёш Гётега болалигиданоқ мукаммал таълим беришга ҳаракат қилган. У махсус ўқитувчилардан дарс олиб, латин, юнон, италян, инглиз, француз, иброний тилларини ўрганди. Кейинроқ бу тиллар орасига араб тилини ҳам қўшди ва исломий ҳарфлар билан ёзишни ҳам ўрганаркан, Қуръони Каримдан баъзи сураларни кўчириб ёзди.

Хуқуқ соҳасида ўқиш учун 1765 йилда Лейпцигга кетган Гёте доимий изланишлар ичида эди. У “Коинот қаердан пайдо бўлган, қаёққа кетмоқда, нима учун вужудга келган?” каби саволларнинг жавобини изларди.

Болалигиданоқ шеърга ва адабиётга нисбатан меҳр туйиб, асарлар ёзишни бошлаган Гётени ҳеч қандай инсоний муҳаббат қаноатлантирмас эди. Унинг қалби Аллоҳни излаётганди.

1771 йилда ҳуқуқ соҳасидаги ўқишини тугатган Гёте узоқ вақт давомида Веймар шахзодаси Карл Августга ёрдамчи бўлди, давлат ишлари билан шуғулланди.

Йиллар ўтан сари Гётенинг номи тоғу уммонлар ошиб, дунёга танилиб борарди. Франция императори Наполеон каби давлат раҳбарлари ҳам у билан танишиб, суҳбатлашишга муштоқ эдилар. Наполеон Гёте билан суҳбатдош бўлганидан сўнг: “У қанчалар буюк инсон!” дея бақиришдан ўзини тўхтата олмаган эди.

Аввалбошида “Фауст” тилга олинадиган бир қанча асарлари турли-туман тилларга таржима қилинган Гёте адабиётда янги йўналишга асос солди. Ўз ватани Германиядан ташқари яна кўплаб давлатларнинг севимли ижодкорига айланди.

ИЛҲОМ МАНБАИ

Гёте “Илҳом манбаи”нинг Ислом бўлганини очикча эътироф этади ва шундай дейди:

“Ислом ёшимга мос тушган шеър учун илҳом берарди менга: Аллоҳнинг англаб етилмас иродасига таслимият, дунёнинг бир қарорга келмай яшаши қаршисида риндона хатти-ҳаракат, икки дунё ўртасида солланиб турган севги, тиниқлашган ва бир мажозда ифода топган ҳақиқат... Битта қария учун шулар етарли эмасми?”

Олим Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида қуйидагича фикр билдирган:

“Ҳеч кимса Ҳазрат Муҳаммаднинг тамойилларидан олдинга қадам босолмас. Европа эришган шунча муваффақиятга қарамай, бизнинг қабул қилинган барча қонунларимиз Исломиё маданият олдида нотўқисдир.

Биз Европа миллатлари шунча маданий имконимизга қарамай, Ҳазрат Муҳаммад энг юқорисига чиққан наронинг биринчи поғонасида турибмиз. Шубҳасиз, ҳеч ким бу мусобақада ундан ўзиб кета олмайди.”

Ҳар йили Қуръони Карим нозил бўла бошлаган Қадр кечасини бедор ўтказган, “Эришган муваффақиятларим учун Қуръон олдида қарздорман” дея эътироф этган, “Шахсан ўзининг ҳам мусулмон бўлганлиги ҳақидаги гумонларни рад этмаслигини” таъкидлаган Гёте асарлари билан кўплаб ғарб зиёлиларининг зеҳнларида бир эшик очган ва уларнинг исломият билан танишишларига сабабчи бўлганди. Немис мусулмонларидан бўлган Аҳмад Счеменеде бу хусусда шундай дейди:

“... Биз олмон мусулмонлари Ислом жамоати сафига қуруқ қўл билан келмаганимизни, Ислом адабиётига ҳамиша барҳаёт Гётенинг асарлари билан ифтихор ила қириб келганимизни таъкидлашим керак”.

1832 йил 83 ёшида омонатини топширган Гётенинг Веймарда узок йиллар истиқомат қилган уйи билан Франкфуртдаги болалик чоғлари кечган уйи Гёте музейига айлантирилган.

Германия ва Ғарб дунёсининг севимли ва машҳур адиби, мутаффакирининг асарлари устида тадқиқотлар ҳамон давом этмоқда.

Олим ҳаётининг сўнги палласида кўкси устига ёзган ҳарфлар нима эканлиги ҳам тадқиқотлар натижаси ўлароқ секин-секин юзага чиқмоқда. Унинг ўз қўли билан исломий ҳарфларни ёзгани ҳақидаги фикрни илгари сурган профессор Доктор Фритз Степпат каби олимлар: “У ҳеч қандай маъно англатмайдиган “W” ҳарфини эмас, Аллоҳ калимасини ёзган эди” демоқдалар.

Гётенинг иймон-этиқоди ҳақида аниқ бир далил ва маълумот бўлмаса ҳам, унинг Исломиётга нисбатан кучли меҳр туйгани ҳақиқатдир. Ақли ўлмаган, қалби сўнмаган ҳар қандай зиёли у каби тадқиқотлар олиб борадиган бўлса Ислом ҳақиқатига эришади ва нажот дарвозасини излайди. Худди бугунги ғарб дунёсидаги кўпгина зиёлилар каби...

Танасига теккан ўқдан сўнғ соғлиги тикланмаган

ПАПА ИОАНН ПАВЕЛ ИККИНЧИ

Ватикан Италиянинг кичик бир нуқтаси. Майдони 0,44 километр. Дунёнинг энг кичик давлати бўлса-да, сиёсий нуфузи ҳажмига бутунлай қарама-қарши. Жаҳоннинг тўрт тарафидаги энг катта ташкилотларни ўзига тобе қилган. Катта миқдордаги моддий хазинага эга. Ватикан куч ва бойлик билан дунёдаги кўплаб ижтимоий ҳодисаларга таъсир ўтказа олади. Шу сабабдан ҳам католик дунёсининг раҳбари Папа Иоанн Павел Иккинчининг соғлиги масаласи бутун дунё учун қизиқ эди. У эса анчадан

бери ҳушсиз ётар, бурнидаги сонда¹ сабабли ҳамон тирик эди. Зотан Папа ҳаётининг сўнгги 24 йилининг салмоқли қисмини соғлик билан боғлиқ муаммоларга қарши курашиб ўтказганди.

Папа Павел I 1981 йил 13 май куни кома ҳолатида касалхонага олиб келинганда танасига бир неча ўқ текканди. Ўша воқеадан сўнг сира тузалмади. Папанинг Римдаги авлиё Петр майдонида Меҳмед Али Аъжа томонидан отилиши “Дунёнинг энг сирли воқеаларидан бири” сифатида тарих саҳифаларидан жой олди. Бу воқеанинг устидаги сир пардасини ундан аввалги Папанинг қилмишлари ва ўлими, шунингдек Иоанн Павел I нинг суиқасддан сўнг амалга оширган ишларини кўздан кечирган ҳолда очиш мумкин.

1978 йил 26 августда Папаликка сайланган Иоанн Павел I 200 йиллик уринишдан сўнг Папаликка киришга муваффақ бўлган П 2 масон ложасини ва унга аъзо бўлган 121 нафар дин пешволарининг шахсини аниқлаган, шунингдек Ватикан банкидан “ювилган” мафия пуллари ва пулларнинг П 2 билан алоқаси борлигининг тагига етганди. Бу маълумотлар олдида даҳшатга тушган Папа Иоанн Павел I қўлга киритган маълумотларини бутун дунёга маълум қилмоқчи бўлиб турган паллада сайланганига 33 кун ўтиб, заҳарлаб ўлдирилди.

Тарихда папалик сайловлари ҳар доим кучли интригани юзага келтирган. Аммо Иоанн Павел I нинг ўлимидан сўнг ўтказилган янги папанинг сайлови бошқаларидан тубдан фарқ қилади. Парда ортидаги сирли ўйинлар натижаси ўлароқ, 455 йилдан буён давом этиб келаёт-

¹ Сонда – беморлар нафас олиши ва сув ичиши учун қўйиладиган конуссимон жисм.

ган “Папанинг италиялик бўлиши” анъанасига якун ясаш баҳонаси билан польшалик Кароль Жозеф Войла (Wojtyla) папаликка сайланди ва Иоанн Павел I номидан фойдаланиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Павел I 1920 йил 18 майда Польшада, Краковдан 50 километр узоқликдаги Вадовицеда дунёга келган. Иккинчи Жаҳон уруши даврида немисларнинг Польшани ишғол этиши натижасида университетдаги таълими чала қолган ва урушдан сўнггина ўқишини тамомлашга эришган. 1942 йилда 20 ёшида отасининг вафотидан кейин диний илмларга қизиққан Иоанн Павел I 1946 йилда роҳиб даражасини олгач, яна кўплаб унвонларга сазовор бўлди. Улар ичида профессорлик ҳам мавжуд. Охирги унвони папалик бўлиб, унинг қандай маъно касб этиши ва таъсир кучини дунёдаги кўплаб сиёсий кучлар ҳам яхши билар эди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, папанинг отилиши мафиянинг огоҳлик қўнғироғи эди: ўладиган бўлса, унинг ўрнига сайланадиган папа учун, ўлмай қолса, ўзи учун... Маълумотларга кўра, у ўзига берилган огоҳлантиришдан тўғри хулоса чиқарди ва шундан сўнг йўлини ўқ орқали берилган “манзил” томон бурди. 1994 йилда Ватиканнинг Исроилни расман тан олиши, 2000 йилда биринчи марта ва расман “арман геноцидини тан олиши ҳақида тушунтириш бериши, Афғонистон ва Ироқнинг ички ишларига аралашувни зимдан қўллаб-қувватлаши, Евангелистлар илгари сурган БОП лойиҳасини маъқуллаши – барчаси суиқасд таъсирида ўзгарган сиёсатнинг натижаси эди.

Папа Павел I жуда муҳим сиёсий шартномаларга имзо қўйгани кўзга ташланса ҳам аслида ҳаммадан кўпроқ ўзи ҳақида қайғурарди. Остига имзо қўйилган сиёсий ҳуж-

жатларнинг амалга ошиши эса Ватиканнинг ички ташкилоти қўлида эди.

Римда суиқасдга дучор бўлганидан сўнг танасининг кўпгина аъзоларида ўзгаришлар бўй кўрсатди. 1992 йилда йўғон ичагида шиш борлиги аниқланди ва унга кансер¹ ташхиси қўйилди. 1994 йил 28 октябрда душ қабул қилаётганда йиқилиб тушди ва ўнг оёқ сон қисми суягини синдириб олди. Синган суяк тўлиқ тиклангунга қадар оёғига протез тақилди. Шунингдек, 1994 йилда ўнг қўлида қалтироқ бошланди. 1997 йилда бу қалтираш кучайди. Бошқа тарафдан ҳаракатларида сустлашиш кузатила бошлади, юз мимикаларини йўқотди. Паркинсон² касаллигига чалинди. Секин-аста хотираси ҳам йўқолиб борар, танасининг асосий ҳаракатлари чекланиб қолаётганди. 2005 йил 24 февралда нафас олиши қийинлашиб қолгани сабабли трахеотомия (нафас олиш учун тешик очиш) операциясини бошидан ўтказди. Унинг ортидан буйрак ва юрак етишмаслиги муаммоси юзага чиқди.

Ватикан учун унинг кўркам либослар ичида туриб, салом берилганда қўлини кўтариб қўйиши кифоя эди. Папа Павел жон дардига тушиб қолган, энг зарурий йиғилишларга махсус қурилмалар ёрдамида олиб бориларди.

Дунёнинг энг кичик, аммо энг бадавлат ва сиёсий майдондаги таъсири кучли давлатнинг бошида турган бу инсон узоқ вақтдан бери тирик мурда ҳолида яшарди. Кундан кунга ҳолсизланиб борарди.

¹ Кансер – орган ёки тўқима ҳужайраларининг бўлиниб-қўшилиши натижасида юзага келадиган шиш.

² Паркинсон касаллиги – титроқ ва фалаж билан кечувчи марказий нерв тизимининг сурункали касаллиги.

Апрель бошида кўпаядиган инфекция натижасида иситмаси кўтарилди ва бурнига нафас олиши учун махсус восита тақилди. У ўлим оstonасида тураркан, Ватиканнинг ёпиқ эшиклари ортида аллақачон янги папа сайлаш учун сирли ҳаракатлар бошланганди. Фақатгина у ерда эмас, дунёнинг кўплаб муҳим марказларида янги папанинг ким бўлиши ҳақида суҳбатлашилар, тортишиларди.

Ватикан 2005 йил 2 апрель соат 21:37да Папа Иоанн Павел I нинг вафот этгани ҳақида маълумот берди. Сўнг дарҳол жасади мўмиёланди ва майитга яна кўркам либослар кийдирилди.

2005 йил 8 апрель куни ўтказилган дафн маросимида дунёнинг таниқли давлат арбоблари ва кўплаб аҳоли вакиллари иштирок этди. Папа Павел I дан 84 йиллик умр, катта бойлик ва интригалар билан ном қозонган ташкилотларга алоқадор ҳукмдорлик қолди. Борар манзилида эса буларнинг ҳеч қандай қадр-қиммати йўқ эди...

Умрининг 50 йили уруш ичида кечган

ЁСИР АРОФАТ

75 йиллик умрининг 50 йилдан зиёдроғини аёвсиз кураш ичида ўтказган Ёсир Арофат 2004 йил 20 октябрда ошқозонининг қаттиқ оғриши оқибатида қийналиб, тўлғана бошлади. Бу оғриқ шу вақтга қадар бошидан ўтган хасталикларда чеккан оғриқларининг ҳеч бирига ўхшамасди. Ёрдамчилари ва чақирилган шифокорлар ночор қолдилар. Рамаллахдаги қароргоҳи 2002 йил 29 мартдан

бери Исроилнинг қуршови остида эди. Аслида уни қароргоҳ эмас, хароба дейиш тўғрироқ бўларди. Чунки бу ер кўп бора замбарак ўқларига нишон бўлган, бинонинг ташқи майдони ва барча хоналари танк снарядлари билан илма-тешиқ қилинганди. Арофат эса ўша кундан бошлаб ташқарига қадам босишига йўл қўйилмаган ҳолатда уй қамоғида яшаётган эди. Бу жуда ғалати ҳолат, аслида. Сўзда “Давлат раҳбари” мақомига эга бўлган шахс ўз юртида асир эди. Худди ўн минглаб фаластинликлар каби...

Ахволи кундан-кунга ёмонлашавергач, унинг хасталиги ҳақидаги хабар дунёга эълон қилинди. Энди бутун жаҳоннинг кўзи Рамаллах қароргоҳидаги маҳбус Арофатга қаратилди. Арофат ёрдамчиларига даволаниш учун Францияга бормоқчи эканлигини айтди. Бунинг учун керакли музокаралар олиб борилди ва Арофат 2004 йил 29 октябрда Президент Жак Ширакнинг буйруғи билан махсус юборилган самолётда Францияга кетди. Париж яқинидаги Персей ҳарбий госпиталига ётқизилган Арофатнинг қандай касалликка чалингани кун мавзусига айланди. Докторлар берган илк маълумотларга кўра, қонидаги тромбоцит нисбати пасайиб кетган. Баъзи яқинлари ва Хитой матбуоти каби айрим байналмилал манбаларнинг фикрича, Арофат Исроил томонидан заҳарланган. Аввалроқ 3 марта заҳарланиш билан бирга жами 13 та суиқасддан омон чиққан Арофатнинг ахволи бу сафар оғир эди. Паркинсон касаллиги билан ҳам оғирган Арофатнинг янги хасталиги нима экан? Бу савол бутун дунёни қизиқтирарди. Бу орада оммавий ахборот воситалари Арофат билан алоқадор қизиқ маълумотларни эълон қиларди.

Асл исми Абдурраҳмон Абдуррауф Ал-Кудва бўлган Арофат Абу Аммар (Қурувчи) тахаллуси билан танилган. 1929 йил 24 август куни Қоҳирада туғилган. Отаси Усманий давлатининг собиқ зобити эди. Қоҳирада муҳандислик соҳасида ўқиган Арофат 1959 йил тўрт нафар дўсти билан “Ал-Фатҳ” ташкилотига асос солган, 1969 йил Фаластин озодлик ташкилотининг (ФОТ) назорат ҳайъати раҳбари бўлган.

Арофатнинг ҳаёти сургунларда, жанг майдонларида, оловли бир йўлда кечди. ФОТ Арофат етакчилигида Иорданиядаги базалардан Исроил назорати остида бўлган Фаластин ерларига бостириб кирар ва Исроил чегара қароргоҳларига, казармаларига ҳужум қилиб, катта ҳажмда зарар етказарди. Аммо 1970 йил сентябрда асло қутилмаган қарор эълон қилинди. Иордания Қироли Ҳусайн мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилди. Ундан сўнг қўшинларига Фаластин қочоқлар лагерларига ҳужум қилишни буюрди. Натижада фаластинлик 40 минг тинч аҳоли вакили ўлдирилди. Фаластинлик қочоқларнинг барчаси Иорданиядан чиқариб юборилди.

Бу сургун туфайли ФОТнинг муҳим етакчилари ва Ёсир Арофат Ливандан паноҳ топди. Аммо улар бу ерда ҳам кўп қололмадилар. Исроил қўшини Ливанга ҳужум қилди. Арофат ва ёрдамчилари 1982 йил 3 сентябрда Байрутда Исроил қўшинининг исканжасидан сўнгги лаҳзада қочишни ва Тунисга кетишни уддаладилар.

1983 йил сентябрда Сурия қўшинига қарши курашга кирган одамларини қўллаб-қувватлаш учун яширинча Ливанга келган Арофат 1983 йил 20 декабрда 4 минг жангчиси билан бирга Триполи чегарасидан чиқариб юборилди.

Арофатнинг Тунисдаги қароргоҳи 1985 йил октябрда Исроил томонидан бомбардимон қилинди. Бу ҳужумдан ҳам эсон-омон қутилди. 1987 йилда Фаластин ҳудудида бош кўтарган биринчи қаршилик ҳаракатига¹ давлат ташқарисидан туриб раҳбарлик қилди. Шу орқали фаластинликларнинг овозини яна бир карра бутун дунё эшитишига сабаб бўлди. 1991 йил котибаси Суҳа Тавилга уйланди. Бу турмушдан Заҳва исмли қиз дунёга келди.

Арофат 1993 йилда Ослода Исроил бош вазири Ушоқ Рабин ва ташқи ишлар вазири Симон Перез билан учрашди, қўл сиқишди. Бу ҳаракатлари сабабли 1994 йилда тинчлик йўналишида Нобель мукофотига лойиқ кўрилди. 1994 йил 1 июлда 12 йиллик сургундан сўнг Фаластин тупроқларига қайтди. 1996 йилги сайловдан сўнг “Фаластин давлатининг раҳбари” мақомига эга бўлди.

Исроил бош вазири Ариэл Шароннинг кучли қаршилигига қарамай, Қуддусдаги Ҳарамуш шарифни зиёрат қилганидан сўнг, 2000 йил 28 сентябрда иккинчи қаршилик ҳаракатлари бўй кўрсатди. Арофат 2002 йилда Шарон томонидан “Исроил душмани” деб эълон қилинди. Фаластин жойлашув марказлари Исроил танклари, самолёт ва вертолётлари томонидан бомбардимон қилинди, уч мингдан зиёд фаластинлик аҳоли ҳаёт билан видолашди. Исроил қўшини 2002 йил 29 мартда Рамаллаҳга ҳужум қилди ва Арофатнинг қароргоҳини қамал қилди. Ўқлар ёмғири остида бино илма-тешик бўлди. Ўша кундан бошлаб Исроил Арофатнинг қароргоҳдан чиқишига йўл қўймади.

Мана энди Арофат 2004 йил ноябрь ойининг бошларида барча жанг майдонларини ортда қолдирган, энди

¹ Фаластинда олиб борилган бу қаршилик ҳаракатлари тарихга “Интифада” номи билан кирган – тарж.

ҳаётининг сўнги лаҳзаларини яшаётганди. Унинг ёрдамчиси Набил Абу Рудайна 8 ноябрда шундай маълумот берди: “Арофат комада эмас. Ҳамон кучли назорат остида”.

Бир кундан сўнг Арофатнинг соғлиги янада ёмонлашгани ва чуқур комага тушгани айtilди. Фаластин Ташқи ишлар вазири Набил Шаат шундай маълумот берди: “Тунда аҳволи оғирлашди. Аммо танасида ҳеч қандай ўлим белгилари йўқ”.

9 ноябрда ҳаётини асраб турган қурилмалар ичидаги Арофатнинг миясига қон қуйилди. Франция Ташқи ишлар вазири Мишел Барниер Арофат ҳақида “Аҳволи жуда оғир” дея маълумот берди. Бу вақтда Арофатнинг миясида биологик ўлим юз бергани ҳақида гап тарқалди, аммо докторлар буни рад этдилар. Набил Шаат 9 ноябрда Арофатнинг ҳолати ҳақида шундай маълумот берди: “Докторлар вазиятнинг ўзгариши мумкинлиги ҳақида фикр билдиришди. У бугун кўп миқдорда тинчлантирувчи қабул қилди”.

Бутун дунё ҳам бу гапларнинг шунчаки “тинчлантирувчи” эканлигини билар ва ҳар лаҳзада Арофатнинг вафоти ҳақидаги хабарни кутарди. Кутилган ахборот 11 ноябрда эълон қилинди. Персий ҳарбий касалхонаси вакили Ёсир Арофатнинг 2004 йил 11 ноябрь соат 03:30 да ҳаётдан кўз юмганини маълум қилди.

75 ёшида вафот этган Ёсир Арофат ўлимидан бир муддат олдин ўша вақтдаги Шимолий Кипр турк республикаси президенти Рауф Денктошга “Менинг кўмилажак тупроғим йўқ. Сенинг Туркиянг, давлатинг бор” деганди. Бу асл ҳасратнинг ифодаси эди. Ўз тупроқларининг истилодан қутилганини кўра олмай, ҳаётдан кўз юмди.

Арофатнинг жасади кўп куттирмай Қоҳирага олиб берилди. 2004 йил 12 ноябрда Миср пойтахтидаги Галаа

ҳарбий уссунда жаноза маросими ўтказилди. Дунёнинг тўрт тарафидан давлат раҳбарлари ва сиёсий арбоблар етиб келди. Маросим соат 10:00 да бошланди. Фаластин байроғи ёпилган Арофатнинг жасади ҳарбий ташкилотлар томонидан барпо этилган масжидга келтирилди. Бу ерда Ал-Азҳар шайхи Муҳаммад Тантавий имомлигида ўқилган жаноза намозидан сўнг тобут Миср аскарлари томонидан самолётда Ал-Аришга олиб борилди. Бу ерда тобут вертолётга ортилиб, Рамаллаҳга келтирилди. Уч йилдан бери Исроил қамали оқибатида ташқи дунёдан узилган ҳолда яшаган Мукаттага келтириб, дафн этилди.

Арофат учун курашларга тўла бир ҳаёт якунига етди. Унинг учун энди фақатгина Аллоҳ учун бажарилган амалларгина фойда берадиган бир ҳаёт саҳифаси очилди...

Катта бойлик ва оламга сиғмас шуҳратни ташлаб кетди

ЭНТОНИ КУИНН

У бир юз элликдан зиёд фильмларни дубляж қилди. “Вива Запата” ва “Зорба” ҳамда яна кўплаб дунёга машҳур фильмларда роль ижро этди. Аммо бошқа давлатларда истиқомат қиладиган аҳоли учун оддий бир америкалик актёрлардан бири эди. 1977 йилда “Хабар” (“Аллоҳнинг элчиси – Муҳаммад”. Режиссёр – Мустафо Аккад. – тарж.) фильмидаги Ҳазрати Ҳамза ва Ливия халқ қаҳрамони Умар Мухтор (“Саҳро арслони” фильми. 1981 йилда суратга олинган. Режиссёр – Мустафо Аккад) ролларидан кейин кўплаб инсонлар уни ўз яқинидек кўриб қолди.

Холбуки, у олган гонорари ва образини оқлаган яхши савиядаги актёр эди, холос. Ижро этган роллари таъсирига тушиб қолгани, ҳатто мусулмон бўлгани ҳақида гап-сўзлар тарқалган бўлса-да, бу фикрларга далил бўла оладиган бирор маълумот йўқ.

Энтони Куинн шунчаки лоф уриб эмас, чин маънода “Ҳаётимни роман қилса бўлади”, дея оладиган шахслардан бири. Отаси ирландиялик, онаси эса мексикалик эди. Актёр 1915 йилда дунёга келган. Оиласи жуда камбағал эди. Ёш Энтони бойиб кетиш орзусида Мексикадан қочиб, Америкага борди. Болалик ва ёшлик йиллари йўқсиллик аро кечди. Лос-Анжелесдаги докторама мактабида ўқиб юрган вақтлари мактаб харажатларини қоплаш учун ойна тозаловчи ва фаррош бўлиб ишлади. 18 ёшида 45 сониялик бир роль билан кино оламига қадам босди. Кино оламидаги пасту баланд ва ҳамма ўз манфаати учун курашадиган давралардан ўтиб, ниҳоят шуҳрат пиллапоясига кўтарилди. 1940 йилда кино оламига кирган Куинн 60 йилга яқин фаолияти давомида кўплаб фильмларда роль ижро этди ва катта бойликка эга бўлди.

Уч марта уйланган, 13 нафар фарзанди бўлган Энтони Куинн моддий орзуларининг ҳаммасига эришди. Юзлаб миллион долларлик мулки, фахрланишга арзигулик ўтмиши бор эди. Тарихда яшаб ўтган қироллар ҳам ҳавас қиладиган уйда яшарди. Аммо у бахтсиз эди. Мухлислари ва видеокамералар қаршисида жилмайиб турар, бироқ уйида яқинлари билан бирга ўтирганда қовоқларини солиб оларди. Кексалик эшик қоқиб турар, энди у аввалгидек кучли эмасди. Бу бойликларнинг барчасини ташлаб кетишини ўйлаган сари кўзидан уйқу қочарди.

Таниқли актёр пневмониядан даволаниш учун Бостон шаҳридаги касалхонага ётқизилди. У энди фильмлардаги чапдаст одам эмасди, нафас олишга ва бармоғини қимирлатишга ҳам қийналаётган бир бечора эди. Дабдаба-ли кўшклари, миллионлаб долларлари фойда бермасди. Янги туғилган чақалоқдан ҳам ожизроқ аҳволда эди. Бир неча кун тўшакдан қўзғалолмай, нафас олишга қийналиб ётди. Барча эҳтиёжлари ётган жойида бажарилди. 2001 йил 3 июнда нафас етишмаслиги оқибатида жон берди.

Энтони Куинн касбий фаолияти давомида ҳар доим сценарийда ёзилган, ўзига ёдлатилган ролларни зиммасига оларди. Аммо энди йўл олган манзилида “ўз роли”ни қандай ўйнагани муҳим. У ерда на кўшклари, на мукофотлари, на пуллари, на шони-шуҳрати ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Донишманд давлат раҳбари

АЛИ ИЗЗАТБЕГОВИЧ

У 2003 йил 10 сентябрда уйида йиқилиб тушиб, елкасини чиқариб олади ва тўртта қовурға суяги синади. Алиа Иззатбегович касалхонада ётар ва ўша лаҳзадан эътиборан ислом дунёсининг кўзу қулоғи яна бир карра унга қаратилганди. Болаларига “Мана, болажоним, сен ҳам шундай бўл!” дея намуна ўлароқ кўрсатганлари, мукамал бир шахс, қайтмас мужоҳид энди бетоб эди. У эса худди Шайх Шомил ва бамисли неча-неча қаҳрамонлар каби ўз бурчини шараф билан адо этгани учун ҳузур ичида эди. Яқинларига васият қилишни бошлади. Вафот этганидан сўнг шаҳидларнинг ёнбошида дафн этилишни истади.

Алия Иззатбегович номини мусулмонларнинг бир қисми йиллар аввал эшитган. Аммо Тито Югославиясининг парчалана бошлаши ортидан 1990 йилда 44 фоиз овоз билан Босния ва Герцеговинанинг илк президенти этиб сайланганида унинг номи бутун дунёга овоза бўлди. Бир мусулмоннинг давлат раҳбарлигига сайланиши бутун дунёни ҳайратда қолдирди. Христиан дунёси бу сайловни асло ҳазм этолмасди. Хорватлар ва серблар ҳам... Бу икки давлат 1992 йилда ўзини Югославиядан мустақил деб эълон қилганида, Иззатбегович ҳам мусулмон давлатнинг асосчиси ўлароқ ўз позициясини билдириб, “Биз ҳар ишда шариат қоидаларини афзал билдик. Европада мусулмон давлати кўз очади. Мусулмон ўлароқ биз ҳам мустақиллигимизни эълон қиламиз”, деганди. Бу сўзлар Иззатбеговичнинг оғзидан чиқар-чиқмас Босниядаги мусулмонлар устига бомбалар, ўқлар ёғила бошлади.

Серблар Югославия федерация бўлган вақтларда давлатнинг бюрократик ишлари ва ҳарбий техникаларни таъмирлаш бўлимларини қўлга киритдилар. Югославия федерация парчаланганда давлатнинг барча ҳарбий кучи, қуrollарига эга чиқдилар. Бу армия “Дунёнинг олтинчи даражали энг қудратли армияси” сифатида кўрсатилди. Сербларнинг ҳисоб-китобига кўра, икки, узоғи билан уч ҳафтада барча мусулмонлар йўқ қилиниши керак эди. Зеро, улар мусулмонларнинг қўлида қуroll йўқлигини яхши билардилар. Танк у ёқда турсин, замбарак, ҳарбий самолёт, ҳатто автоматлари ҳам йўқ эди. Қўлларида боболаридан қолган ов милтиғи бўлиши мумкин эди, холос. Бундан хабардор серблар дунё тарихида энг даҳшатли қатлиомга киришдилар. Мусулмонларни қўйни бўғиз-

лаган каби ўлдириб, аёлларнинг номусига теғдилар. Серб Четниклари (Четниклар – Иккинчи Жаҳон уруши даврида партизанлик ҳаракати сифатида юзага чиққан, Броз Титонинг тарафдори бўлган коммунистларга қарши курашган радикал миллатчи, монархист серб ҳарбий тўдалари – **тарж.**) фақатгина Босния ва Герцеговинанинг йирик шаҳарларидан Сребренитсада бир кунда 16 минг мусулмонни қатл қилдилар. Режага кўра, шу тахлит уч йил ичида 200 минг мусулмон ўлдирилиши лозим эди.

Иззатбегович ва унинг тарафдорлари бу ваҳшийликлар ҳақида бутун дунёга хабар етказдилар. Улар оғизда “эркин” ва “маданийлашган” Европанинг бу қатлиомнинг томошабини бўлиб қолмасдан, сербларни тўхтатишига умид қилдилар. Аммо тилида “маданийлашган”ларнинг қонхўрликни томоша қилишини даҳшат билан кузатдилар. Бироқ айти дам ёқа ушлаб туриш вақти эмасди, ўзларини қўлга олдилар ва курашга киришдилар. Шу аснода тушга ҳам кирмаган воқеалар юз берди. Дунёнинг тўрт тарафидан мужоҳид ёшлар босниялик қардошларига ёрдам бериш учун оқиб кела бошладилар. Саройбосня (Сарайбосня – Сараево, Босния ва Герцеговина пойтахти) ва бошқа шаҳарлардан кўкларга кўтарилган “Аллоҳу Акбар” садолари сербларнинг тўпи овозларини босди. Мусулмонлар “Иннамал мўъминуна ихватун” (Барча мусулмонлар бир-бирларига қардошдирлар) илоҳий тамойили асосида бир тану бир жон ва бир-бирига елкадош бўлдилар. Барча мусулмонлар босниялик қардошларига ёрдам қўлини чўзди. Аёллар билагузук, сирға, узукларини ёрдам бўлсин дея бердилар. Буюк бирлашув ва қаршилик олдида серблар ва уларни қўллаб-қувватлаётган-

лар батамом ўзларини йўқотиб қўйдилар. Бу вақтда кураш йўлини танлаган Иззатбегович ҳам “Яшил беретлилар” номли мужоҳид армиясини тузди. Бу қўшин бошқа ислом давлатларидан келган мужоҳидлар билан бирга режали тарзда ҳаракатланди. Қисқа вақтда сербларнинг ҳужумлари тўхтатилиб, уларга муносиб жавоб қайтарилди. Христиан дунёси гангиб қолди. Ўзларини қўлга олишга уриниб, шошилиш тарзда “керакли чораларни” кўра бошладилар. Биринчи қилган ишлари босниялик мусулмонларга келаётган ташқи ёрдамни узиб қўйишга уриниш бўлди. БМТнинг “Мовий каскалар”и ва Американинг қаршилигига қарамасдан, ислом олаmidан Боснияга ёрдам келишда давом этаверди. 1992 – 1995 йиллар орасидаги қарийб уч йил давом этган уруш якунида мусулмонлар ғалаба қозониши борган сари аниқ бўлиб борарди. Иззатбегович ва тарафдорларининг мақсади Европанинг марказида ҳур ва мустақил “Босния ислом давлати”ни барпо этиш ҳамда бардавомлигини таъминлаш эди. Бунини кўрган Европа ва Америка вазиятга аралашди. Иззатбегович ва босниялик мусулмонларга: “Ё серблар ва хорватлар билан келишган ҳолда, демократик қоидаларга асосланувчи, президентлик бошқарув тизимини қабул қиласиз, ёки биз барчамиз биргаликда сизга қарши ҳужумга ўтамиз!” дея шарт қўйдилар. Бу вазият олдида ночор қолган Иззатбегович кўзида ёш билан Дайтон тинчлик шартномасига имзо чекди. Аммо бу шартнома шартларини асло ҳазм эта олмаганини дунёга эълон қилишдан қайтмади.

Иззатбегович ёшлик чоғларида ҳам, давлат раҳбари бўлганида ҳам атрофидагиларга, халқига ҳар доим исломга хос тарзда ҳаёт кечиришни таъкидлаб келди. “Та-

рихга гувоҳлигим” номли китобида бу хусусда шундай фикр билдиради: “Мен мусулмонман ва шундайлигимча қоламан. Ўзимни дунёдаги ислом даъвосининг бир вакили сифатида кўраман ва сўнгги кунимга қадар шундай деб ҳис қиламан. Чунки ислом мен учун қадрли ва асл бўлган ҳамма нарсанинг иккинчи номи; дунёдаги мусулмон халқлар учун эртанги кун яхшироқ бўлиши ҳақидаги ваъда ва умиднинг, фахрли ва ҳур ҳаётнинг, қисқа қилиб айтганда, менинг эътиқодимга кўра, умрини у учун кечирмоққа арзирли ҳар нарсанинг номидир”.

Иззатбегович “У учун умр кечиришга ва жон фидо этишга арзирли” деб билгани ислом даъвоси йўлида ҳар қандай машаққатларга тайёр эди. Коммунистларнинг ёлғон ғоялари, серб ва хорват ирқчиларининг оғир босқини остида азобланган мусулмон ёшларга ҳақиқий исломни танитишни мақсад қилган “Ёш мусулмонлар ташкилоти”га аъзо бўлганида ҳали лицей талабаси эди. Ташкилотга 24 ёшида аъзо бўлгани учун қамоққа олиниб, уч йил умрини панжара ортида ўтказди. 1983 йилда эса ёзган китоби ва мусулмонларни бирликка чақиргани учун судланди ва бу сафар 14 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Қарийб 6 йил қамоқда ётганидан сўнг Темир парда (Иккинчи Жаҳон урушининг якуни бўлган 1945 йилдан Совуқ уруш тугаган 1991 йилга қадар Европани икки фронтга бўлиб турган ғоявий кураш майдонларининг чегара чизиқлари – **тарж.**) инқирозга юз тутган бир паллада эълон қилинган афв қарори билан 1988 йилда озодликка чиқди. 1990 йилда Босния ва Герцеговина президентлигига сайланди. 2000 йилга қадар давлат раҳбари сифатида фаолият олиб борган Иззатбегович соғлиғидаги муаммолар сабабли лавозимидан истеъфо берди.

Икки марта юрак хуружини бошидан ўтказган, 2002 йилда юрагига махсус мослама ўрнатилган Иззатбегович шу касал ҳолида ҳам яқин дўстлари ва боснияликлар билан тез-тез кўришар ҳамда уларга исломни маҳкам тутишларини ҳам тавсия, ҳам васият ўлароқ сўзларди.

Уйда йиқилиб тушгани сабабли касалхонага келтирилган Иззатбеговичнинг аҳволи кундан-кунга яхшиланаётган эди. Аммо 2003 йил 19 октябрь куни докторлар боснияликлар ва ислом оламини аламга ғарқ этган хабарни эълон қилдилар. Иззатбегович чап ўпкасидаги қон кетишининг тўхтамагани натижасида вафот этди. 1925 йилда Босниянинг шимолида жойлашган Босански Самажда туғилган Алия Иззатбегович 78 ёшида бу фоний дунё билан видолашди. У азобли ва машаққатли умр кечирди, зулмга бўйин эгмади, шу билан бирга ўзидан шарафли, тарихга дахлдор ҳаёт қолдирди. Баъзиларнинг фикрига кўра, у юксак савияли мутафаккир ва ёзувчи, баъзилар учун эса доно ҳукмдор эди. Аммо боснияликлар учун у меҳрибон “дедо”, яъни “бобо” эди. Ҳамма унга суянган, суйган, ўз бобоси каби яқин кўрган эди.

2003 йил 23 октябрда Сарайбосняда адо этилган жаноза намозига миллиондан зиёд мусулмон қатнашди. Дунёнинг тўрт тарафидан йиғилган жамоат намоз ўқиди ва барча бир овоздан у учун ҳусну шаҳодат айтди. Ўша кун Боснияда кўкдан тушган ёмғир билан кўнгиллардан жўшиб оққан севги кўз ёшлари бир-бирига қоришиб кетди. Жаноза намозидан сўнг Иззатбегович асос солган “Яшил беретлилар” етакчиларининг тобутини елкаларига олдилар ва шаҳид сафдошлари дафн этилган Ковачи Шаҳидлар қабристонига олиб келди-

лар. Ўғли Бакир Алиа Иззатбеговични қабрга қўйди. Юз минглаб инсон ўқилаётган дуоларни жимгина, кўз ёш билан тинглади.

Ҳаёти инсонлар учун ўрناк бўлган Иззатбеговичнинг мамоти, яъни ўлими ҳам ўрнак эди. Юз минглаб инсон расмий маросим учун эмас, юракдан тошиб келган самимий севги сабабли шу ерда эди ва бир лаҳза аввал қабрга қўйилган зот учун чин кўнгилдан дуо қиларди. Бир инсон учун бу қанчалик буюк бахтдир...

Машхур Президент

РОНАЛЬД РЕЙГАН

Нотиқ унинг машхур биографиясини тақдим этгандан сўнг “Хонимлар ва жаноблар! Кутиб олинг! Рональд Рейган!” деди ва собиқ президентни минбарга таклиф этди. Олқишлар остида минбарга яқинлашган Рейган бир муддат ҳеч сўз демай қотиб турди. Орага жимлик чўкди. Нотиқдан бир дона ҳам калима чиқмасди. Ниҳоят тилга кирди ва “гапириши лозим бўлган сўзларни эсдан чиқариб қўйганини” айтиб, дарҳол минбардан тушди. Ҳолбуки, у яхши нотиқ эди. Яхши нутқ сўзларди, аммо 1992 йилдаги йиғилишда бир сўз ҳам айта олмади. Гап нимадалиги кейинроқ маълум бўлди. 1994 йилда унга аниқ ташхис қўйилди: Рейган мияга тузатиб бўлмас даражада зарар берадиган альцгеймер касаллигига чалинганди.

Рейган 83 ёшида бу касаликка чалингунга қадар шонли ҳаёт кечирди. 1911 йил 6 февралда дунёга келган Рейган дастлаб спорт шарҳловчилиги ва актёрлик қилди. Бир

қанча ковбойлар ҳақидаги фильмларда роль ижро этди. У яхши актёр эди. Кейинчалик йўлини сиёсат майдонига бурди. 1967-1974 йиллар орасида Калифорния штати ҳокими сифатида сиёсий масалаларда фаол иштирок этди, янада юқори мақомга эришиш учун туну кун ҳаракат қилди. Медиа ва сиёсат оламида нуфузи баланд бўлган яҳудий ташкилотлар билан “қўлни қўлга берганди.” 1981 йил 20 январда АҚШнинг 40-президенти сифатида олий мақомдаги мансабни эгаллаганида 70 ёшда эди. Шу сабабли у “Энг кекса президент” номига сазовор бўлди. (Айни дамда бу натижа янгиланган. АҚШнинг амалдаги президенти Жо Байден 78 ёшда президентлик лавозими эгаллади. – **тарж.**) Раҳбарлик курсисига ўтирганига кўп бўлмасдан, 1981 йил 30 март санасида суиқасдга учради. Ёлланма қотил олти марта ўқ узди ва Рейганни яралади. Бу воқеадан сўнг Рейганда ғалати одатлар бўй кўрсата бошлади. Баъзида энг муҳим йиғилишлар учун ҳам Оқ Уйни тарк этмайдиган бўлди. Кейинчалик маълум бўлдики, Рейган барча режаларини мунажжимлар томонидан тайёрланган юлдузлар хариталарига қараб бажараётган экан. Рафиқаси Ненси Рейган бу хариталарни жуда аҳамиятли деб ҳисоблар ва юлдузлар харитасида ҳафвли кўринган, устига қизил чизиқ тортилган саналарда ҳар қандай ҳолда ҳам эрининг Оқ Уйдан чиқишига йўл қўймасди.

Рейганнинг яна бир ваҳимаси Армагеддон жанглари билан боғлиқ эди. Ривоятларга кўра, бу жанг Қуддус атрофида бўлиб ўтади, у ерга келган қўшинларнинг катта қисми тор-мор этилади. Шу эътиқод асосида Исроилни қуроллантиришга алоҳида эътибор қаратди ва айниқса, зирҳли қуроллар билан қуролланишни ташвиқ қилар-

ди. Унинг эътиқодига кўра, юз минглаб инсонлар Исроил фойдаланадиган зирҳли қуроллар ёрдамида ҳалок бўлиб, натижада Христиан империяси қурилади.

Рейганнинг президентлик даврида кўплаб муҳим ҳодисалар юз берди. Америка самолётларининг 1986 йил 14 апрелда Ливиянинг икки катта шахри – Бенгази ва Триполини ярим тунда бомбардимон қилиниши шуларнинг биридир. Шунингдек, бу даврда сўзда Америка билан қирпичоқ бўлган Эронга давлат қўли билан 30 миллион долларлик қурол-яроғ сотилган, бу пуллар Никарагуага юборилиб, у ерда давлат тўнтариши уюштириш учун сарфланганди.

1989 йил 20 февралга қадар икки давр кетма-кет АҚШ президенти вазифасини адо этганидан сўнг нафақага чиққан Рейганга 1994 йил 5 ноябрда альянсга (инсонни ақлий қобилиятдан айирувчи касаллик. У айниқса хотирани емиради. Америкада кенг тарқалган. – **тарж.**) ташхиси қўйилди. Шу воқеадан кейин Рейганнинг ҳаётида ибратли давр бошланди. Худди магнитофон кассетаси, СД диск ва компьютер хотирасидаги маълумотлар секин-аста йўқолиб кетгани каби Рейганнинг миёсидаги хотиралар ҳам секин-секин ўчиб борарди.

Рейган бориб-бориб алжирайдиган бўлиб қолди. Энг яқин дўстларини ҳам танимаслик даражасига етди. Машҳур дўстлари тез-тез у билан гольф ўйнаб турардилар, аммо собиқ президент кимлар билан ўйнаганини билмасди. Бир сафар таниқли актёр Кевин Костнер билан гольф ўйнаб бўлганидан сўнг, атрофдагилардан “Бу одам ким?” деб сўраганди. Бора-бора фарзандлари, набираларини ҳам унутиб қўя бошлади. 1998 йилга келиб, рафиқаси Нен-

сидан бошқа ҳеч кимни танисмай қолди. Ҳатто 8 йил Оқ Уйда туриб, давлатни бошқарганини ҳам эслай олмасди. У энди ёш бола, ҳатто чақалоқ каби бўлиб қолди. Пижама ва либосларини рафиқаси кийдириб қўяр, ҳатто ҳожат эҳтиёжини ҳам махсус ясалган курсида рафиқасининг ёрдами билан бажарарди. 1994 йилдан эътиборан аҳоли орасига чиқмай қўйди. Охири рафиқасини ҳам таний олмаслик даражасига етди. Энди барча эҳтиёжларини шифохона ходимлари ва махсус тайинланган хизматчилар ёрдамида бажарадиган бўлди. У энди келишган ковбой, Ливияни яксон қилиш учун буйруқ берган президент эмасди, гўшт ва суякдан иборат қоп эди, холос.

Шу аҳволда туртиниб-суртиниб, паришон ҳолда ҳаёт кечирган Рейган 2004 йил 5 июнда 93 ёшида вафот этди. Ибратли ҳаётга якун ясалди. 2004 йил 12 июнда тупроққа топширилди.

Охирги йилларида доим касалликлари кун тартибида бўлган

БУЛЕНТ ЭЖЕВИТ

2006 йил 18 май куни Кочатепа масжиди яна бир тарихий кунга гувоҳ бўлди. Ўша куни энг машҳур инсонларнинг жаноза намози адо этиладиган бу маконда Даништай II доираси аъзоси (Даништай – Туркиянинг маъмурий суд органи. – тарж.) Мустафо Южел Ўзбилгиннинг жаноза намози ўқилиши лозим эди. Жаноза маросими-га энг юқори қатламга мансуб инсонлар келишди. Улар орасида собиқ Бош вазирлардан Булент Эжевит ҳам бор

эди. Рафиқаси Раҳшан хонимнинг қаршилигига жавобан Булент Эжевит “Бу жанозага боришим шарт!” деди.

Эжевит зўрға қадам босар ва оёқда зўрға турарди. Ҳийла узоқ давом этган жаноза намози давомида жуда қаттиқ чарчагани ҳар қадамидан сезиларди. Қора терга ботиб масжиддан чиқаркан қалқиб кетди, тиззаси ерга тегди, тансоқчиларининг ёрдами билан қайта оёққа турди.

“МУЗҚАЙМОҚ ЕЙЛИК!”

Тансоқчилари Эжевитни тезроқ уйга олиб бориш ниятида эдилар. Йўлда Эжевит “Бирор жойда тўхтаб, музқаймоқ ейлик!” деди. Тансоқчилари “Тезроқ уйга борганимиз яхши” дея эътироз билдирдилар, у эса “Қирқ йилда бир марта музқаймоқ сўрадим, шуни ҳам кўп кўрасизларми?” – дея ёш боладек хафа бўлиб қолди. Охири музқаймоқ-фурушнинг олдига кетдилар. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ўша вазиятда музқаймоқ егани кейинчалик касаллиги авж олишига сабаб бўлган.

Эжевит уйга етиб борганида оёқда туролмас ҳолда эди. Душ қабул қилиб, дам олиш учун хонасига кетган Эжевит қанча уринмасин ухлай олмади. Бора-бора атрофдагиларнинг сўзларига муносабат билдирмай қўйди. Эжевитнинг аҳволи ёмонлашганини сезган Раҳшан хоним дарҳол тансоқчилар мудирларига ва шахсий докторларига телефон қилди.

Тезде уйга етиб келган шахсий доктори Мужаҳид Паҳлавон 18 май оқшоми соат 19 лар атрофида Ор-Ан маҳалласидаги уйида ҳолсизланган Эжевитга биринчи ёрдам кўрсатди. Қон босими 21/11 даражага чиқиб кетган

Эжевитнинг нафас олмаётганини кўрган Паҳлавон мияга қон қуйилиши ва фалаж натижасида беркилиб қолган нафас олиш йўллари очиш учун аспирация усулидан фойдаланди. Бунинг учун қон босимини ўлчовчи ускунанинг шлангини кесди ва бир учини стериллаб, Эжевитнинг бўғзига тикди. Шлангнинг бошқа учини оғзига тикиб, Эжевитнинг бўғзига ҳаво юбориб, ундаги тикинни очишга муваффақ бўлди ва бу муолажа билан Эжевитнинг ГХТА (Гулхона ҳарбий тиббиёт академияси) га етиб боришига сабабчи бўлди. Агар бу муолажа амалга оширилмаганда Эжевит уйидаёқ жон берган бўларди.

Зудлик билан ГХТА олиб келинган Эжевитга ташхис қўйилди. Дарҳол операция қилиниши шарт эди. Бунга сабаб бўлган тиббий маълумотнома шундай эди: ўнг тарафда қарийб тўлиқ фалажлик, гапиролмаслик, кўз қорачиқларининг торайиши, миянинг чап тарафида жиддий зарар етганига ишора қилувчи оёқ бармоқларининг ташқи рефлекси, нафас олишнинг тўхташи.

ОПЕРАЦИЯДАН СЎНГ ҚАЙТА ҲУШИГА КЕЛМАДИ

Докторлар Раҳшан Эжевитга вазият ҳақида маълумот бериб, якунда шундай дейишди: “Агарда операция қилмасак, беморни йўқотамиз. Аммо операция қилсак ҳам ундан айрилиш эҳтимоли мавжуд”. Операция қилиш учун шифокорларга Раҳшан хоним розилик берди ва Эжевит операцияга олиб кирилди. Амалиёт тўрт ярим соатга яқин давом этди. Мияни очиб, тўпланган қонни чиқариб ташла-

ган докторлар кучли қон кетиш юз берганини айтишди. Касалхонада тиббиётнинг барча имкониятларидан фойдаланилган ва докторлар ўз ишларининг усталари эди.

Операция муваффақиятли ўтди. Докторлар беморнинг бир кун ичида ҳушига келишини айтдилар. Оғир кечиши кутилаётган 48 соатдан кейин унинг аҳволи ҳақида якуний хулосага келинади. Операция тугаши билан ГХТА томонидан шундай ахборот берилди: “Ҳурматли Булент Эжевит айна дамда нафас олиш жиҳозларига уланган ҳолда кучли назоратимиз остида бўлиб, тана ҳарорати турғун, аммо умумий аҳволи жиддий”.

Охири вақтларда сурункали касаллиги кун тартибда бўлган, аввалига миастения ташхиси қўйилиб, ундан сўнг “Паркинсон” синдромига чалинган, простата аденомаси билан оғриган Эжевит суякларидаги заифлик туфайли вақти-вақти билан муаммоларга дуч келаётганди. Аммо бу сафарги хасталиги буларнинг ҳеч бирига ўхшамасди. Аҳволи анча жиддий эди. Миясига қон қуйилди. Ўнг томони фалаж бўлиб қолди. Онги батамом қотиб қолган ва тиббий қурилмалар уни ҳаётда тутиб турарди.

19 май тонгги соат 04:45 да операция якунида анестезия дорилари билан ухлатиб қўйилган Эжевитни орадан 66 соат ўтиб, босқичма-босқич уйғотишга ҳаракат қилдилар. Бироқ натижа бўлмади.

Унинг партиядошлари касалхона қаршисида кунига йигирма тўрт соат давомида кутиб турдилар. Кун ўтган сари умид учқунлари сўниб борди. Уч кун, беш кун, етти кун ўтди. Эжевит уйғонмади. Бир ҳафтадан сўнг докторлар шундай ахборот бердилар: “Тана ҳарорати турғун

бўлишига қарамай, кома ҳолати давом этмоқда ва ҳамон ҳаёти хафв остида қолмоқда. Онги қотиб қолганига қарамай, чап қўл ва оёқларида уйғотиш учун ўтказилган таъсирларга жавоб ўлароқ ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Ютиниш рефлекси ва оғиз ҳаракатлари мавжуд. Мия тўқималарига қўйилган қон ортга чекинмоқда. Катта миқдордаги антибиотикларнинг акс таъсири ўлароқ, охириги икки кунда юқори ҳароратли иситма кузатилди. Керакли муолажалар амалга оширилмоқда. Қорнини тўқлаш жараёни ошқозонига ўрнатилган тўқлаш колбаси ёрдамида сингдириш йўли билан амалга оширилмоқда”.

БОШ ВАЗИРЛИК ДАВРИДАГИ ХАСТАЛИКЛАРИ

Эжевит учун илгари ҳам хасталик асосий мавзу сифатида кун тартибидан ўрин олганди. Масалан, Бош вазирлиги даврида касаллиги кунлар, ҳафталар, ҳатто ойлар давомида муҳокама қилинди, охири Бош вазирликдан кетгач, кун тартибидан тушди. Чунки у энди медиа олами учун оддий бир ахборот материалига айланиб қолди.

Эжевит 57-ҳукуматнинг Бош вазири бўлган вақтлари икки марта жиддий бетобликни бошдан кечирди. 2002 йил 4 майда бел оғриғи шикояти билан Башкент университети касалхонасига олиб борилди, шу кундан Эжевитнинг ҳолати махфий сақлана бошлади. Бутун бошли ОАВ Эжевитнинг изидан тушди. Қизик, Эжевитнинг касаллиги нима экан? Аввалига “ичак узунлигига боғлиқ газ сиқилиши” дейилди. Кейинроқ эса уйда йиқилиб тушгани ай-

тилди. Касалхонада икки кун ётганидан сўнг уйга рухсат берилгач, Эжевит нақд 14 кун давомида кўзга ташланмади. Бош вазирнинг бу тарзда ҳеч қандай маълумот бермасдан кўздан ғойиб бўлиши одатий ҳолат эмасди. Нималар бўлмоқда? Эжевитнинг ташхиси нима? Турли хил эҳтимоллар мавжуд эди. Кимлардир Эжевитнинг Паркинсон касаллигига чалингани ҳақида сўзлар, кимдирларнинг фикрига кўра, простата аденомаси билан оғриганди.

Охири Эжевит баёнот берадиган бўлди. Аммо бу баёнот ғалати эди: “Уйга келдим. Бироз ўтиб, деворга қаттиқ урилиб кетдим. Энди шунинг учун даволаняпман”, – деди. Мухбирлар Эжевитнинг баёнотидан сўнг ғала-ғовурни бошлаб юбордилар: “Шундай қилиб ҳам йиқилиш мумкинми? Орқангизни қандай қилиб деворга уриб олдингиз? Буни қандай уддаладингиз?” – деб сўрардилар.

Эжевит Башкент университети касалхонасида муолажа қилинаётганди. Профессор Доктор Меҳмед Хаберал Эжевитнинг аҳволи ҳақида шундай маълумот берди: “Чап қовурғасида синиш ва юмшоқ тўқиманинг эзилиши, чап оёқнинг бошланғич қисмида тромбофлебит аниқланди”.

Эжевит 11 кун даволанганидан сўнг 2002 йил 28 май куни касалхонадан чиқди. Докторларнинг баённомаси билан вазифасидан озод қилинган илк Бош вазир сифатида тарихда қолишни истамасди. Соғлиғи тикланганини исботлаш учун машинасига қадар аравачада олиб боришларини рад этди. Касалхона эшигидан хизмат машинасига юриб борди. Зинадан тушаркан, оёқлари ҳаракат қилмаётгани яққол кўриниб турарди. Сал қолса, думалаб тушадигандек эди.

ТЕЗ-ТЕЗ НОЎРИН СЎЗЛАР АЙТАРДИ

Эжевит Бош вазирлигининг сўнги дамларида тез-тез айтган ноўрин сўзлари билан “кун қаҳрамони”га айланди. Масалан, “маданий қонун” дейиш ўрнига, “маданий хотин” дер, қишлоқ-шаҳар лойихаси ҳақида гапираркан, рақам ёнига иккита нол қўшиб, “Лойиха 300 йилдек қисқа муддат ичида муваффақиятли амалга оширилди” деганди. Коалиция раҳбари Давлат Баҳчелини “Туркаш” деб чақириши, Университет ректорини “Жаноб президент” деб аташи одамлар диққатини жалб этганди.

Эжевитнинг ўтмишда томир тортишиши ва ошқозон яраси билан оғригани ўз асоратини кўрсатди. Аммо бу алжирашлари яна бошқа ва бундан кўра жиддийроқ касалликларга чалинганини билдирмоқда эди. Айниқса, Америкага ташрифи давомида айтган гаплари ҳаммани ҳайрон қолдирганди.

Америкага кетаркан, аэропортда уюштирилган матбуот анжуманида шундай деганди: “30 август Ғалаба байрамида чет элда бўлишимни ҳисобга олиб, Турк қуrollи кучлари ва азиз миллатимизни ҳозирдан муборакбод этмоқчиман.” Бу гапни эшитганлар тахта бўлиб қолдилар. Бош вазир нималар деяпти?! Чунки бу воқеа сентябрь ойида (1999) юз бераётган ва Ғалаба байрами аллақачон ўтиб кетганди.

Америкадалигида АҚШ Мудофаа Вазиридан Истанбулга бориши ёки бормаслиги ҳақида сўради, “Йўқ, бормайман” дея жавоб берган вазирга шу саволни яна икки марта берди. Бу ҳолни кўрган АҚШ вазири Эжевитнинг юзига ҳайрат билан боқиб қолганди.

ҚАЙДАСАН, ҚОРАЎҒЛОН!

Бош Вазирлигининг сўнги кунлари яқинлашиб келаркан, “Қайдасан, Қораўғлон! Қаердан қаёққа кетяпсан?” дейишни бошлади. Эжевитнинг фикрича, бошидан ўтган воқеалар унга уюштирилган суиқасд эди. Беш марта ҳукумат тузган ва Бош вазир вазифасини бажарган Эжевит касалликлари ва алжирашлари билан ўз фаолиятининг охирига етиб келганди. Зеро, 1999 йил 18 апрелда ўтказилган сайловда унинг партияси биринчи ўринга эга чиққан ҳолда, 2002 йил 3 ноябрда бўлиб ўтган сайловда 1% овоз олиб, йирик мағлубиятга учради. АҚШнинг Ироқни ишғол этиши ва Кипрдан кам улуш берилишига эътибор қаратмаган Эжевит бу воқеаларга “Ташқи кучлар орадан 26 йил ўтиб, мenden Кипр учун қасос олдилар”, дея баҳо берганди.

ГҲТА остонасида кутиш фурсатлари давом этаркан, вақти-вақти билан “Эжевит ўлди” деган миш-миш ора-лаб қоларди. Охирги марта 2006 йил 30 майда шундай гап тарқалган, шу сабабли ДСП (Демократик сўл партия) раҳбари Закий Цезар баёнот бериб, Эжевитнинг тирик эканлигини, бармоқларини қимирлатиш ва эснашни бошлаганини, оғиз ҳаракатлари кузатилаётганини маълум қилди. Шунингдек “Темпо” журналида Эжевитнинг касалхонадаги суратлари эълон қилинди.

Агентликлар ва оммавий ахборот воситалари эса аллақачон Эжевит ҳақида маълумотлар ҳамда ҳужжатли дастурлар тайёрлашни бошлагандилар.

Эжевит яқин тарихнинг муҳим сиймоларидан бири эди. Унинг кечмиш ҳаёти касалхонага ётқизилгунга қадар қисқача ҳикоя қилганда қуйидагича:

У 1925 йилда Истанбулда дунёга келди. Отаси со-
биқ депутат доктор Фаҳри Эжевит, онаси рассом Назли
Эжевит эди. 1944 йилда Роберт коллежига ўқишга кир-
ди. Нашр ишлари умуммудирлигида таржимон бўлиб иш
бошлади. 1946 йилда синфдоши Раҳшан Арал билан оила
қурди. 1950 йилда РХПнинг (Республика халқ партияси)
расмий нашри ҳисобланган “Улус газетаси”га ишга кирди
ва 1957 йилда РХП сафида депутатликка сайланди. 1961
йилда Меҳнат вазири бўлди. 12 март воқеалари сабабли
РХП раҳбари Исмат Инъуну билан келишолмай қолди ва
партия бош котиблигидан истеъфо берди. 1972 йилда бў-
либ ўтган умумий РХП конгрессида партия раҳбарлиги-
га сайланди. 1973 йил 14 октябрдаги сайловлар вақтида
МСП (Миллатни сақлаш партияси) билан бирлашиб, коа-
лицион ҳукумат тузди ва Бош вазирлик курсисини эгалла-
ди. Бу ҳукумат даврининг энг муҳим ҳодисаси Кипр тинч-
лик ҳаракатидир. 10 ой ҳукм сурган коалицион ҳукумат-
ни парчалаган Эжевит 1977 йил 5 июндаги сайловларга
“Қораўғлон” шиори билан кирди. Озчилик ҳукуматини қур-
ган Эжевит 1980 йил 12 сентябрда давлат тўнтариши ўт-
казишга урингани учун “фаолияти тақиқланган сиёсатчи”
дея эълон қилинди. Кўп марта судланди ва панжара орти-
га тушди. 1985 йилда рафиқасининг ёрдами билан ДСП-
га асос солди. 1991 йилда ДСП сафида депутатликка сай-
ланди. Бош Вазирлик даражасига эришди. 1999 йил 18
апрелдаги сайлов натижасига кўра, яна Бош вазир мақо-
мига эга бўлди. Дастлабки йилларда юз берган иқтисодий
инқирозлар, суюлтирилган газ, ёғ, шакар учун ҳосил бўлган
турнақатор навбатлар одамларнинг хотиридан кўтарилган-
ди. Эжевитнинг сўнгги Бош вазирлик даврида ҳам Туркия
тарихидаги энг оғир иқтисодий инқирозлардан бири бўй

кўрсатди. Эжевит 2001 йил февралдаги МГК йиғилишида давлат инқирозга юз тутаетганини афкор оммага эълон қилиши катта можароларга сабаб бўлди. Йиғилишда президент Анася рисоласини Эжевитга улоқтирган ва бу ҳолат қизғин тортишувларга сабаб бўлганди. Эжевит инқироз чўққисига чиқаетганини маълум қилганида Туркия кучли иқтисодий инқироз домига тушиб бўлган эди. Кунлик фоизлар бир онда 7000 фоизга кўтарилиб кетди. Биржада қақшатқич пастлашлар кузатилди. Уч кунда беш миллиард пул давлатдан ташқарига чиқиб кетди.

УМИДСИЗ КУТИШ

Касалхона остонасида умидсиз кутиш ҳукм сураккан, тўпланган одамларнинг кўз ўнгидан Эжевитнинг ҳаёти кино лентаси каби ўтди. Бир вақтлар “Умидимиз Эжевитдан” деган шиорни илгари сурган партияларнинг илинжлари сўниб борарди. Эжевитнинг соғлигида кичик бўлса ҳам тузалиш аломати кўзга ташланмасди. Касалхона олдидидаги 171-кун ўтиб бораётган бир паллада Бош комиссар Толга Йилдиз Раҳшан хонимга ушбу хабарни етказди: “Жаноб Эжевитнинг аҳволи оғирлашди, муолажа қилиш лозим. Касалхонага келсангиз, яхши бўларди”.

2006 йил 5 ноябрь куни касалхонага йўл олган Раҳшан Эжевит ҳали эрини кўрмасдан туриб “Эжевит вафот этдими?” – деб сўради. Ичкарига киргач, ҳаммасини тушунди. Нақд 171 кун комада ётган Эжевит соат 22:40 да вафот этганди.

Ўша вақтдаги Туркия президенти Эжевитнинг дафн маросими тезроқ ўтказилиши ҳақида кўрсатма берди. Аммо

Раҳшан Эжевит жанозанинг шанба куні бўлишини талаб қилди. Шундай қилинса, давлат маъмурлари ҳам маросимда иштирок этишлари мумкин бўларди.

Эжевитни қаерга дафн этиш масаласи ҳам биров тортишувларга сабаб бўлди. Якунда давлат қабристони танланди. Аммо бир муаммо бор эди. Бунга қонунан рухсат йўқ эди. Қонун қисқа муддатда “рухсат берадиган” ҳолга келтирилди. Яшин тезлигида тайёрланган ва Мажлис қабул қилган қонун билан собиқ Бош вазирларнинг ва ТБММ (Турк буюк миллат мажлиси) раҳбарларининг ҳам давлат қабристонида дафн этилиш имкони юзага келди. Шу тариқа охириги жараён ҳам якунига етказилди.

Жанозада олдинроқ ҳам шундай маросимларда юз берган провакацион ҳаракатларнинг юз бериши ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлди. Бунга қарши кучли ҳимоя тadbирлари ўйланиб, минглаб полициячи сафарбар қилинди.

“ДАБДАБАЛИ” ДАФН

Эжевитнинг жаноза маросими учун “дабдабали” дастур тайёрланди, нуқта-нуқтасигача кўриб чиқилди. ГХТАда урф-одатлар бажарилганидан сўнг ДСП марказий биноси олдида ва ТБММда маросимлар ўтказилди. Ундан сўнг Кочатепа масжидига олиб келинган тобут пешин намози ортидан адо этилган жаноза намозидан сўнг давлат қабристонида етказилди.

Дафн этишда собиқ президентлар, собиқ Бош вазирлар, Умумий ҳафвсизлик вазири иштирок этди. Эжевитнинг ўн минглаб ихлосмандлари йўл давомида тобут устига чечакларни отганча марҳумга ҳурмат кўрсатдилар.

Анқарада ўша даврга қадар “энг узоқ давом этган маросим” 9 соатга чўзилди. 8 километрлик йўлни босиб ўтиш учун қарийб тўрт соат вақт сарфланди.

Давлат қабристонидаги маросимдан сўнг Эжевит қабрга қўйилди. Уни яхши кўрган инсонлар устига тупроқ ташлади. Рафиқаси мазор тупроғини суғорди.

2006 йил 11 ноябрь шанба куни Анқарада яна бир марта дунёнинг энг ибрат оларлик воқеаларидан бири юз берди. Бир вақтлар майдонларда ўн минглаб, ҳатто юз минглаб инсонларга хитоб қилган, катта бир давлатнинг бошқарувини қўлида тутган сиймо ҳаётдан кўз юмди. У учун катта дафн маросими уюштирилди.

Юнус Эмро: “Дейдилар: Ўлди бир ғариб, уч кундан сўнгра эшитиб” дея таъриф берган ғариб кимса ҳам, номдор Бош вазир ҳам тупроқ остига киргач, қабрда бир хил ҳолатда бўлади.

Ўлим эс-ҳуши жойида бўлган инсонлар учун бир насихатдир. Ортиқча сўзга ҳожат йўқ. Аммо кўз ўнгида бўй кўрсатган бу ҳақиқатдан қанча инсон сабоқ олади?

Можарога тўла ҳаёти қатл супасида якун топган

САДДАМ ҲУСАЙН

Баъзи одамлар гап бошлаётганда “Менинг ҳаётим роман бўлишга арзийди” – дейди. Кўпчиликнинг бу гапига ишониш қийин. Аммо бу гапни Саддам Ҳусайн айтадиган бўлса, ҳеч ким у билан баҳслашмайди. Зеро, унинг

ҳаёти бир романга мавзу бўларлидир. Яна шундай бир романки... Унинг саҳифалари тўла кураш, уруш, сирли муносабатлар, зулмат ичидаги халқаро алоқалар, салтанат, сургун, қамок, ишқ... Яъни нимаики изласангиз, топиладиган роман...

Маҳкаманинг Саддам Ҳусайнни қатл этиш тўғрисидаги қароридан сўнг бутун дунё уни ва унинг можароларга тўла ҳаётини муҳокама қилишни, “қаердан қаерга келди” дея гапиришни бошлади. Унинг ҳаёти ҳамма учун ибратдир. Ростдан ҳам бу инсон қаердан қаерларга келди-я! Муҳташам ва дабдабали умр ортидан зиндонбанд бўлиш ва ердан қатл супасига чиқиш...

ПАСТУ БАЛАНД ЙЎЛЛАРИ

Саддамнинг ҳаёти пасту баландликларга бой, аммо катта қисми сирли муносабатларга ва нима учун амалга оширгани катта сўроқ бўлиб қолган ғалати фармонларга тўла эди. Мана, Саддам Ҳусайн ҳаётининг тошлавҳлари:

1937 йил 28 апрелда Бағдоддан 175 чақирим шимолда жойлашган ва Тикрит шаҳридан 13 чақирим узоқликдаги Авжа қишлоғида чўпонлик билан кун кечирадиган оиланинг фарзанди ўлароқ дунёга келди. Отаси Ҳусайн ал-Мажид Саддам туғилишидан 6 ой аввал бедарак йўқолганди. Бу ҳам Саддамнинг ҳаётидаги сирли нуқталардан бири. Зеро, отасига нима бўлганини ҳеч ким аниқлолмаган. Шунингдек, у туғилишидан бир фурсат олдин 13 ёшли акаси саратон касаллигига чалиниб, вафот этганди. Турмуш ўртоғи бедарак йўқолган, фарзанд доғи-

да куйган онаси Субҳа Тулфаҳ Ал-Мусаллат унга “қарши чиқувчи, кўкси қалқон” маъноларини англатувчи Саддам исмини қўйди.

Туғилганига кўп бўлмай Саддам амакисининг ёнига юборилди, уч ёшига қадар унинг қўлида тарбия топиб, онаси Иброҳим ал-Ҳассанга турмушга чиққанидан сўнг қайтди. Уч нафар ўғай укаси бор эди. Ўғай ота уни тез-тез калтакларди. Саддам бу қийноқ ва босимларга дош беролмайдиган ҳолга келди. 10 ёшида Бағдоддаги амакисининг ёнига кетди ва ўша ерда яшаб қолди.

1957 йилда БААС (Араб уйғониш партияси)га аъзо бўлган Саддамнинг ҳаёти интригаларга тўла даҳшатли детектив фильмга айланиб кетди. 1959 йилда унинг номи генерал Абдулкаримга суиқасд уюштирганлар сафидан ўрин олди, шу йили оёғидан ўқ еди, аввал Тикритга (Ироқдаги шаҳар), ундан Сурияга, кейинроқ Байрутга (Уммон давлати пойтахти) қочди. Қочқинликда МРБ (АҚШнинг Марказий разведка бюроси – **тарж.**) ва Миср разведкасидан ёрдан олди. Мисрга бориб, Қоҳира университетида ҳуқуқ соҳасида ўқиган Саддам 1963 йилда амакисининг қизи Сожида Талфаҳга уйланди. Бу турмушдан уч қиз, икки ўғил – беш нафар фарзанд дунёга келди. Кейинроқ Саддам Самира Шаҳбаҳор ва Нида ал Ҳамданий билан ҳам турмуш қуради, Самирадан Али исмли яна бир ўғил кўради.

1964 йил Ироққа қайтган Саддам ҳибсга олинди. 1967 йил қамоқдан чиққан Саддам қисқа фурсатда БААС партиясининг раҳбарлигини эгаллади ва 1968 йилги давлат тўнтаришида фаоллардан бўлди. Янги ҳукуматда тизимнинг энг кучли номларидан бири бўлди. Кўп ўтмай истиқбол пиллапояларидан яшин тезлигида кўтарила бошлади.

1979 йил 16 июнда соғлигидаги муаммолар сабабли истеъфога чиққан Аҳмад Ҳасан ал-Бакирнинг ўрнини эгаллади. Давлат раҳбарлиги, Бош вазирлик, БААС бош қотиблиги, Инқилоб Қўмитаси Кенгаши раҳбарлиги ва Қўшин қўмондонлиги вазифаларини бирлаштирди ва ҳаммасини ўзи эгаллади. Ундан сўнг БААС партияси ичида тозалов ишларини бошлади ва 23 нафар амалдорни қатл эттирди. Шу тарзда мамлакатда “айтгани-айтган, дегани-деган” шохга айланди.

БИР АКТЁР ТЕАТРИ

Саддам Ҳусайн бошқарувни ўз қўлига олгандан сўнг жуда катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлган яна бир ишни амалга оширди — Эронга ҳужум қилди. Бу урушда Америка бошчилигидаги бир қанча хорижий давлатларнинг ташвиқи ва қўли борлиги ҳақида кўп гаплар тарқалди, тортишувлар келиб чиқди. Уруш давомида ёрдам сифатида ғарб давлатлари ва Америкадан қурол олгани аниқ эди. Саккиз йил давом этган қардошлар урушида ҳар икки томондан қўшиб ҳисоблаганда бир миллион одам ўлди. Моддий зарарнинг эса ҳад-ҳисоби йўқ эди.

Саддам 1988 йил 17–18 мартда тарихда “Ҳалаб қатлиоми” номи билан қолган воқеага – курдларга қарши кимёвий қуролдан фойдаланишга рухсат берди. Шу йили Эрон уруши якунига етди.

Икки йил ўтмай, 1990 йил 2 август куни Қувайтни ишғол этди. Бундан аввал Америка ва Англиянинг ҳужум учун “яшил чироқ ёққани” далиллар билан исботланди.

Қувайт босиб олиниши натижасида Америка 25 йилдан буён устида ишлаётган “Кўрфаз ҳудудларини батамом ишғол этиш ва нефт устидан ҳукмронлик ўрнатиш режаси”ни амалга ошириш учун қулай фурсатга эга бўлди ва шу тарзда 1991 йилда Биринчи Кўрфаз уруши бошланди. Бунда Ироқ катта йўқотишларга дучор бўлди. Окоплардаги минглаб аскарлар Америка томонидан тириклайин кўмиб юборилди. Ироқ тўлалигича Қувайтдан ажралди. Унинг ортидан БМТ Ироққа қарши эмбарго (БМТ томонидан барча ҳуқуқларнинг чекланиши, ташқи иқтисод, савдо – умуман ҳар қандай алоқанинг узилиши – **тарж.**) қарорини чиқарди ва 13 йил қаттиқ тартибда амал қилди. Ҳатто бемор болалар учун дорилар импортига ҳам рухсат берилмади.

Эронга уруш очиш ва Қувайтни ишғол этиш билан Саддам Ҳусайн нимага эришди? Ироқнинг ва Саддамнинг ғалабаси нимада эди? Бу саволлар бутун дунёни ўйлантираркан, Саддам Ҳусайн уларга эътибор қилмас ва Кучли лидер имижи учун ўз давлатида “сценарий асосидаги томошалар”ни уюштирарди. Улардан бири президент сайлови бўлди. 1995 йил 15 октябрда ўтказилган халқ референдуми натижаси билан Саддам Ҳусайн 99,96 фоиз овоз олди ва 7 йил муддатга президентликка сайланди.

Биринчи Кўрфаз урушидан сўнг Америка билан Ироқ, кейинроқ Саддам ўртасида “вақтни чўзиш ўйини” ўйналди. Америка уруш туфайли барча Кўрфаз давлатларидан катта миқдорда товон ундирди ва ундиришда давом этди. Барчаси ҳисоб-китоби эди: “Шунча бомба ташладим, бунча қурол ишлатдим, тўлови мана шунча. Бу ишларни сизни Саддамдан ҳимоя қилиш учун қилдим”. Ҳудуддаги давлатлар ҳам ҳеч қандай эътирозсиз Америкага бел-

гиланган бадал пулини тўладилар. Шунингдек, Америка ҳудуддаги нефтни сувтекинга қўлга киритди. Шу тарзда тобора чўкиб бораётган Америка иқтисоди дадил оёққа туриб олди. Фойдали ғалаба дарвозаси ҳамиша очик туриши учун ўйин давом этиши лозим эди. Бунинг учун Америка вақти-вақти билан Ироққа ракета учирар ва буни Саддамни ўлдириш учун қилганини эълон қиларди. Шу тарзда 1993 ва 1996 йилларда ракеталар учирилди, аммо снарядлар Саддамни тополмади.

Америка “вақтни чўзиш сиёсати”ни анча давом эттирганидан сўнг 1998 йилда “Чўл тулкиси ҳаракати”ни бошлади ва Ироққа уч кечада 500 та ракета учирди.

Бу ҳодисаларнинг ҳеч бири Саддамни қизиқтирмас, у ўз иши билан банд эди. 2002 йил 15 октябрда Ироқда яна бир сайлов томошаси ижро этилди. Саддам Ҳусайн аҳолини тўлиқ қамраб олган ушбу сайловда 100 фоиз овоз олиб, қайтадан президентликка сайланди!..

1990 (1991) йилда СССР парчаланганидан сўнг ўзини ягона, қудратли куч сифатида кўрган Америка бутун дунёга сўзини ўтказиш ва Буюк Ўрта Шарқ лойиҳаси дея тақдим этилган БЎШЛни амалга ошириш учун Кўрфаз ҳудудига жойлашишни ва Ироқни батамом ишғол этишни истади. Бунинг учун эса “Бўри ва кўзичоқ масали”да бўлганидек, бир баҳона бўлиши лозим эди.

2001 йил 11 сентябрда Америкада эгизак биноларнинг ер билан яксон бўлиши ортидан Америка ҳукумати “Террорга қарши кураш” баҳонаси билан Ироққа босим қила бошлади. Ироқнинг қўлида оммавий қирғин қуроллари борлиги ҳақида гап-сўзлар болалади. (Кейинчалик бу иддаоларнинг бутунлай асоссиз эканлиги маълум бўлди).

ИРОҚНИНГ ИШҒОЛИ ВА КЕЙИНГИ ҲОДИСАЛАР

АҚШ президенти Жорж Буш Саддам Ҳусайнга 48 соатда давлатни тарк этиши ҳақида ультиматум қўйди. Агар бу шарт қабул қилинмаса, Ироққа ҳужум қилишини айтди. Саддам Ҳусайн буни қатъиян рад этди.

Америка ва Англия 2003 йил 20 мартда Ироққа қарши ер, ҳаво ва денгиз орқали ҳужумга ўтди. Бутун дунё Саддам ва Ироқ қўшинининг узоқ муддат қаршилиқ қилишидан умид қилгандилар. Аммо 2003 йил 9 апрелда Бағдод бир дона ҳам ўқ узилмасдан таслим этилди. Мана шу воқеа ҳам Саддамнинг ҳаётидаги сирлардан бири сифатида тарихга кирди. 700 минг кишилиқ қўшинни қўя туринг, “Республика ҳимоячилари”га нима бўлди? Юзлаб қирувчи самолётлар, минглаб танк, мингларча замбарак, юз минглаб бомба, катта миқдордаги ўқ-дори захирасидан нима учун фойдаланилмади? Улар ишга солинганда Америка ва Англия қўшинлари бутунича саҳро қумлари остида қолган бўларди. Шунингдек, Саддам нима учун қўшиннинг олд сафида йўқ эди? Нима учун сўнгги томчи қони қолгунча курашиш ўрнига сирли қарорлар қабул қилди?

Ироқ ишғол этилганидан сўнг Саддамдан узоқ муддат хабар бўлмади. 2003 йил 22 июнда Саддам Ҳусайннинг икки ўғли – Удай ва Кусай Америка ҳужуми давомида ўлдирилади. Саддам Ҳусайннинг қаерда эканлиги номаълум эди.

ҚЎЛГА ОЛИНИШИ ВА УМРИНИНГ СЎНГГИ ОНЛАРИ

Саддам Ҳусайн 2003 йил 13 декабрда Америка аскарлари томонидан Бағдод ишғол этилганидан 9 ой ўтиб, Тикритда қўлга олинди. Тўғрироғи, ўша ерда қўлга олингани ҳақида хабар берилди. Дубляж устаси бўлган Америка ўз сценарийсини яхши ёзганди. Соч-соқоли ўсиб кетган, мажнунсифат тоғ одамларига ўхшаб қолган Саддамнинг оғзини очиб, тишлари текширилаётганда тасвирга олинган кадрларни бутун дунё телевидениеларида намоиш этди.

Саддам тутилганидан сўнг, дастлаб, номаълум бир жойга олиб кетилди. 2004 йил 1 июлда биринчи марта суд қилинди.

Ишғолчи кучларнинг қуроллари соясида ўтказилган суд театр томошасининг ўзи эди. Саддам суд давомида қатъиятли ва саботли ҳаракатлари билан одамлар диққатини жалб қилди. Тез-тез суд хайъати билан тортишди.

2005 йил 17 июлда 148 нафар шианинг ўлими ҳақидаги жиноий ишни қўлига олган Дужейлнинг даъвоси билан алоқадор тергов ишлари якунланди. 2006 йил 19 июлда суддан Саддам Ҳусайн, ўғай укаси Барзан Ал-Тикритий ва президент ёрдамчиси Таҳа Ясин Рамазон учун ўлим жазоси талаб қилинди.

2006 йил 5 ноябрда Саддам Ҳусайн, ўғай укаси ҳамда инқилобчи ҳукуматнинг собиқ раҳбари ўлим жазосига ҳукм қилинди. 2006 йил 26 декабрда Темйиз маҳкамаси Саддам Ҳусайннинг қатл этилиши ҳақидаги қарорни тасдиқлади.

Шу кундан бошлаб бутун дунё Саддамнинг ўлдирилишини кута бошлади. У ҳар лаҳзада қатл этилиши мумкин эди. Шу билан бирга ҳукм ижросининг кечиктирилиши ҳақида ҳам гап-сўзлар юрарди. Аммо Саддамнинг сирли алоқаларидан хабардор бўлганлар унинг аниқ қатл этилишини таъкидлардилар. Бу вазият ковбойлар тўғрисидаги бир фильмдаги саҳнани ёдга солади. Ковбой тезкорлик билан қуролини олиб, бир одамни отади. Дўсти “Нима учун отдинг?” деб сўраганида шундай жавоб беради: “Жуда кўп нарсани биларди...” Саддам ҳам кўп нарсани биларди ва Америка бошчилигида ундан фойдаланган ташқи кучларнинг фикрига кўра, овози ўчирилиши лозим эди.

Саддам 2006 йил 30 декабрда тонгги соат 5 атрофида қатл этилди. Ҳукм бажарилгани афкор оммага маълум қилинганидан кўп ўтмай, қатлга алоқадор телефон камерасида тасвирга олинган кадрлар бутун дунё телевидениелари орқали намойиш этилди. Тасвирларга кўра, Саддам юқори даражадаги сокинликда ва виқор билан қатл супасига чиққан, шу билан бирга ўзига гап қотган, ҳақорат қилган жаллодлар билан тортишганди.

СЦЕНАРИЙ БЎЙИЧА ҚИЛИНГАН ҲАҚОРАТЛАР

Саддамнинг қатл этилиш жараёнида олинган кадрлар синчиклаб кўриб чиқилганда “Сунний-шиа можароси учун” махсус сценарий тайёрлангани ва бунинг бироз ажамийча шаклда саҳнага қўйишга уринилгани кўзга ташланади. Юзига ниқоб таққан жаллодларнинг шиалардан эканлиги айтилади. Аммо катта эҳтимол билан улар

МРБ ва МОССАД (Исроилга қарашли халқаро жосуслик ташкилоти – **тарж.**) жосуслари эди. Зеро, ким бўлган тақдирда ҳам мусулмон одам қатл супасидаги инсонни бундай ҳақорат қилмаган бўларди.

Видеотасвирларга кўра, жаллодлардан бири сиртмоқни Саддамнинг бўйнига тақаркан “Муқтадо, Муқтадо” дея такрорлар, бошқалари эса “Умринг узоқ бўлсин, Муқтадо ал-Садоктор” дея бақирардилар. (Бу бўрттирма ҳаракатлар билан жаллодларнинг шиа эканлигига урғу беришни ишташган.)

Жаллодлардан бири “Ироқни маҳв этдингиз!” деганидан сўнг Саддам “Мен Ироқни маҳв этганим йўқ” деди. “Муқтадо!” дея бақираётганга қараб, “Муқтадо дегин?!” деган Саддам, “Жаҳаннамга кет!” дея бақирганга юзланиб, “Сен жаҳаннамга кет! Эркак бўл! Мардлик шуми?” – дер эди.

Бўйнига сиртмоқ кийдирилганда “Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу” деган Саддам Ҳусайн калимаи шаҳодатни иккинчи марта айтаётиб “Муҳаммадан” деган онда у чиқиб турган ёғоч дарча очилди ва Саддам Ҳусайн жумласини яқунлашга улгурмай қолди...

Саддам беш дақиқа осилган ҳолда турганидан сўнг дордан туширилди. Бўйни синган ва қисқа фурсатда жон берганди.

Саддамнинг қўлга олинишидан қатл этилишига қадар маҳкамадаги кечган ҳаёти ҳақида чекланган маълумотларни ҳисобга олмаганда ҳеч нарса маълум эмасди. Кейинроқ америкалик прокурорлар, адвокатлар, қатл этиш жараёнида иштирок этган одамларнинг кўрсатмалари

билан баъзи маълумотлар юзага чиқди. Саддам ҳибсхонадалигида асосий вақтини Қуръон ўқиш ва дуо қилиш билан ўтказган экан. Овқати худди ҳайвонот боғидаги йиртқич ҳайвонларга бергандек эшик ортидан узатилишига қарши чиқиб, уларни ейишдан бош тортган.

Ҳукми ижро этиш вақтидаги ва қатлдан кейин олинган тасвирларда Саддамнинг юзидаги зарба асорати одамлар диққатини жалб қилди. Ҳукм ижро этилишидан бироз аввал ноиб қатл ҳақидаги қарорни ўқиётганда Саддам шундай дея ҳайқирди: “Яшасин халқ, яшасин жиҳод, яшасин миллат, америкаликларга лаънат бўлсин!” Саддам қўлидаги Қуръонни ўзи каби ўлимга маҳкум этилган маҳбус Авад Бендернинг ўғлига етказишларини сўради.

МЕТИН БАРДОШЛИ ЭДИ

Қатлдан икки кун олдин Саддам билан кўришган адвокати Февзи Шамседдин ҳам ҳимоясидаги мижозининг ҳар куни 35 дақиқа машғулот қилганини, буни қатл жараёнида кучли кўриниш мақсадида бажаргани “Буюк ғояларни ҳимоя қилган инсоннинг ўлимга қандай шараф ва виқор билан боришини намойиш этишни истайман” деганини сўзлаб берди. Шамседдин Саддамнинг унга тинчлантирувчи дори бермоқчи бўлган АҚШлик шифокорларга рад жавобини бергани ва “Бунга дош берадиган иймоним бор” дегани, шунингдек, Саддамнинг Рамазон ойи давомида Қуръонни саккиз марта хатм қилгани ҳақида маълумот берди.

НАПОЛЕОН

Муқаддас Еленадаги маҳбус ифлос матрас устида тўлғониб ётар, унинг қаттиқ азоб чекаётгани кўриниб турарди. У бўғилиб йўталар, йўтал тинди дегунча инграниб, оғриқ зўридан бақирарди. Хона нимқоронғи. Ичкарига шифт остидаги темир панжарали дарчадан билинар-билинемас ёруғлик кириб турарди. Хона темир эшигининг уст қисмида ҳам темир панжарали бир дарча бор эди.

Маҳбуснинг ингроқлари ортганини кўрган инглиз аскарлари эшик тирқишидан ичкарига назар солди. Маҳбус оғриқдан букилиб, ғужанак бўлиб олган эди. Навбатчи соч-соқоли ўсган, кийимлари йиртилиб кетган маҳбусга узоқ тикилди. “Бир пайтлар қитъаларни титратган одам шуми?” деб ўйлади. Шунчалар ҳирсли, ғурурли, шон-шуҳратга ўч бўлган одам энди ачинарли ҳолга тушганди. Бир вақтлар ўнг қўлини нимчасининг чўнтагига солиб, мағрурона туриши билан, интизомли аскарлари билан бутун Европани, ҳатто дунёни титратган одам, ҳозир икки букилиб ётарди. Эгнидан на император либоси, на жанг майдонида киядиган нимчали, тилла ип билан зийнатланган либоси бор эди...

Маҳбус тинимсиз ингранавергач, навбатчи эшикни очди, ёнига бориб, бошини кўтарди. Маҳбуснинг ўзига ёлворгандек қараб турганини кўриб, бир муддат жим қолди. Нима қилиши керак? Қучоғидаги шу одам улар билан жанг қилган душман эди. Шу ҳолда ташлаб қўйсинми ёки доктор чақириши керакми? “Яхшиси, қўмондон-

га хабар берай” деди ўзига-ўзи. Маҳбуснинг кичрайиб қолган жуссасини тўшакда қолдириб, ташқарига чиқди.

Номдор йўлбошчининг аҳволини кўрган навбатчи ўйга толди. Ҳозиргина ўзига илтижо билан қараган бу одам бир пайтлар шуҳрат пиллапоясининг энг юқорисига чиққанлардан бири эди. Лейтенантликдан генералликка, кейин эса император даражасига кўтарилганди. Бу қадар тез юксалиш асносида қозонган унвонларининг кўпини ўзи ўзига берганди, аммо шу даражага етгунча нималар қилмади?..

Француз инқилоби даврида Корсикадаги фаолияти билан ном қозонган, ўша йиллардан эътиборан, аста-секин юксала бошлаган эди.

Австрияга қарши жанг қилган Италия армиясига бошчилик қилиб, Венецияни яқсон қилганди. У қаерда тезроқ юксалишига ишонса, ўша ерга кетишдан тап тортмасди. Бу ҳирсли одам Усмонли тупроқларига ҳам кўз тиккан, аммо Аккада оғир зарбага учраши унинг барча режаларини остин-устун қилганди. Жаззор Аҳмед Пошо бошчилигидаги кам сонли Усмонли аскарлари бутун бошли француз армиясини тор-мор этганди.

У 1799 йилнинг 9 ноябрида давлат тўнтариши уюштирган. Аммо муваффақиятсизликка учраган, қўшинни ўзига бўйсундирган ҳолда ҳокимиятни қўлга олиб, мамлакатда ўз диктаторлигини эълон қилган эди. Шу тариқа ўзининг ўн беш йил ҳукм сурган яккаҳокимлигини ўрнатди. У барча бошқарув тизимларини ўз қўлига олган, ҳукумат ва кенгашлар унинг қўлида қўғирчоққа айланган эди. У исталган вақтда, истаган қонунини чиқартирарди. Энди ҳокимиятга эришиш учун ҳеч қандай тўсиқ қолмаган эди. 1804 йилда бош консул этиб тайинлашларига

эришиб, кўп ўтмай 1804 йилнинг 18 майида ўзини император деб эълон қилганди.

Мақсади бутун Европани ўзига бўйсундириш эди. Шу ғоя йўлида кўп юришлар қилди ва ҳаммасида зафар қозонди.

Унинг ҳирсга тўлган кўзи ҳеч тўймасди. Мағлубиятга учраса-да, янгидан оёққа туриб, курашишда давом этарди. Аммо 1813 йилда Пруссия ва Австриянинг бирлашиб, француз қўшинларини мағлубиятга учратиши унинг ҳукмронлигига нуқта қўйди. 1814 йил 11 апрелда тахтдан ағдарилиб, Элба оролига сургун қилинди ва 1814 йил 12 майда жонига қасд қилишга уринди.

Элба оролида сургунда бўлишига қарамай, у ҳамон тақдирга тан бермаган эди. Император қайтадан Франция ҳукмронлигини қўлга киритиш ҳақида режалар тузди ва 1815 йилнинг 1 мартида Францияга қайтиб, мамлакат тахтига ўтирди. Мақсадига эришиш йўлида армия тузиб, юришга отланди. Таҳликага тушган ва бир диктатор ҳукмронлиги остида қолишни хоҳламаган Европа давлатлари бирлашиб, иттифок туздилар. 1815 йил июнь ойида бўлиб ўтган Ватерло жангида бирлашган Европа давлатлари ғалаба қозонди.

Мағлубиятга учраган бир қўмондон сифатида унинг учун ўлканинг барча эшиклари ёпилган эди. Ортиқ ўз мақомини сақлаб қола олмаслигини англаб етгач, 1815 йил 22 июнда тахтдан воз кечди. Сўнгра бу ерда қололмаслигини билиб, Америкага қочишга ҳаракат қилди. Аммо бунинг имкони йўқ эди. Охир-оқибат бошқа чораси йўқлигини тушуниб, 1815 йил 15 июлда инглизларга таслим бўлди...

Қамоқхона навбатчиси бутун Европа таниган бу ҳирсли одамнинг ўтмишини эслади-ю, коридор бўйлаб югурди. Қўмондоннинг хонасига бориб, вазиятни тушунтирди. Тахмин қилгани каби қўмондон маҳбуснинг аҳволига бефарқ қараб турмай, доктор чақиртирди. Навбатчи, қўмондон ва доктор хужрага киришганида маҳбус ерда ётарди. Доктор унинг томирини ушлаб кўрди, қовоқларини очиб қаради. Сўнгра қўмондонга қараб, бошини сарак-сарак қилди. Олти йилдан буён Муқаддас Еленада сақланаётган машҳур маҳбуснинг жони узилган эди. Бу воқеа 1821 йилнинг 5 май куни содир бўлди.

Ғайритабиий хасталикка чалинган

МУСТАФО КАМОЛ

Доктор Фиссингер, профессор Марчионини, профессор доктор Эрик Франк, профессор Бергман, доктор Эппингер, доктор Чаброль, Доктор Чирай каби дунё тан олган тиббиёт олимлари ва Туркиядаги энг машҳур мутахассисларнинг барча муолажаларига қарамай, Мустафо Камолнинг хасталиги ҳеч тузалмас, аксинча, борган сари оғирлашиб борарди. Айниқса, 1937-1938 йилларда унинг дарди янада кучайган эди.

Мустафо Камол йигирма ёшларида “Белсовуқлиги” касаллигига чалинган бўлиб, бу хасталик вақти-вақти билан юзага чиқарди. Дернада эканлигида кўзи операция қилинган ва шу касаллик туфайли бир кўзи ғилай бўлиб қолганди. (Проф. доктор. Бад II Шаҳсуворўғли. Отатуркнинг соғлик ҳаёти. Хуррият хабарлари. Истанбул: 1981, 8-б).

Кейинги йилларда ҳам буйрак ва юрак безовталигини бошдан кечирганди. Аммо бу сафарги касаллик ҳеч бирига ўхшамас эди. Докторлар нима қилсалар ҳам унинг изтироблари озаймас, аксинча кундан-кунга ортиб борарди.

ХАСТАЛИКНИНГ КУЧАЙИШИ

Афсуски, Мустафо Камолнинг “сўнгги лаҳзалари”га доир маълумотлар “цензура” сабаб чеклаб қўйилган. Профессор Шаҳсуворўғли 1923 йилдан сўнгги нафасигача унга ҳакимлик қилган доктор Нэшэт Умар Ирдалпнинг эсдалик ёзган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги эҳтимол якка партия даврининг раҳбарларини хавотирга солганлигини ёзади. Кунларнинг бирида профессор Ирдалп чет элга отланганида бош вазир Исмат Инъону унга шундай деган экан: “Оқ йўл сенга! Лекин сендан бир илтимосим бор, асло хотираларингни ёзма!”

Нашъат Умар Бей унга: “Бундай ниятим йўқ” – деб жавоб беради. Аммо ҳукумат раҳбарлари бу жавобдан қониқмайдилар. 1949-1950 йилларда ўғрилиқ тусини берган ҳолда докторнинг уйини тинтиб, Мустафо Камол ҳақида бирор хотира бор ёки йўқлигини текшириб кўрадилар.

Мустафо Камолнинг охириги кунларида консультант ҳакимлардан бири доктор Меҳмет Комил тутган хотира дафтари ҳам профессор Нашъат Умар томонидан тортиб олинган, кейинроқ бу дафтар ҳам ғойиб бўлган эди.

Шу сабабли, Мустафо Камолнинг сўнгги онларига оид манбалар жуда кам. Биз уларнинг энг ишончлиси бўлган Профессор доктор Бад II Шаҳсуворўғлининг асаридан фойдаланиб, бу манзарага чироқ тутишга ҳаракат қиламиз.

Юқорида ҳам манба сифатида келтирганимиз “Отатуркнинг соғлик ҳаёти” номли китобнинг мавзумизга алоқадор қисмларига кўз югуртирайлик:

1937 йилда Мустафо Камолни энг кўп безовта қилган нарсаси баданидаги, айниқса, оёқларидаги қичишиш эди. 1937 йилнинг октябрида бу қичималарнинг кўзғатувчиси Чанқоя кўшидаги “гўштхўр қизил чумолилар” эканлиги аниқлангач, сафарбарлик эълон қилинди. Заҳарли газлар бўйича мутахассис Нури Рафет Корурнинг тавсияси билан кўшкнинг “Сислон Б” номли сиянидрик асит газидан дезинфекция қилишга қарор берилди. Бу заҳарли газ кемаларда сичқонларга қарши қўлланилар эди. Шу сабабли, Ёвуз кемасидан бир гуруҳ мутахассислар келтирилди. 1938 йил 7 февралда ишга киришиб, саройнинг барча деразаси ва эшиклари бўз ҳамда қоғозлар билан беркитилиб, газ ўтказмайдиган ҳолга келтирилди. Қирқ саккиз соат давомида сарой газ ичида тутиб турилди.

Кўрилган чоралар натижасида кўшк қизил чумолилардан тозаланди, аммо Мустафо Камолнинг қичималари ўтиб кетмади. Чет элдан докторлар келтирилди. Бу пайтга келиб, Мустафо Камолнинг қорнида ҳам кўп миқдорда сув йиғила бошлаган ва бу сув кучли оғриқларга сабаб бўлаётган эди. Докторлар текширув ўтказиб, касалликка ташхис қўйишди. Аломатлар касалликнинг “Цирроз” эканлигига ишора қиларди. Мустафо Камол ҳар кеча бир литрга яқин спиртли ичимлик ичаётганди.

Докторлар беморнинг жигари ўз вазифасини бажармаётганини, заҳарланиш бошланганини, танасидаги ёғлар тамоман эриб битганини, энди эса эти эришни бошлаганини таъкидлашар эди.

1938 йилнинг август ойи... Хасталик кучайган, унинг қорнида кўп миқдорда сув тўпланган эди. Мустафо Камол изтироб исканжасида қолганди. Охири сувни олишга қарор қилинди. Профессор Мим Камол Ўке 1938 йил 7 сентябрда шприц ёрдамида Мустафо Камолнинг қорнидан 12 литр сувни чиқазиб ташлади.

Афсуски, бир неча кундан сўнг қоринда яна сув тўпланди. 1938 йил 22 сентябрда профессор Ўке такроран қориндаги сувни олди. Бу сафар ҳам 12 литрга яқин суюқлик чиқди. Докторлар зўр бериб ҳаракат қилсалар-да, касаллик кундан-кунга зўрайиб борар, қоринда яна сув йиғиларди.

Октябрнинг бошларидаги вазиятни профессор Шахсворўғлининг қаламидан таъқиб қилайлик:

“1938 йил 13 октябрда яна қориндан сув олинди. Тортиб олинган сув шишаларга бўшатилар экан, Мустафо Камол: “Бу сув бўйи бир газ келадиган мешни тўлдиради, шунча сувни қоринда кўтариб юриш мумкинми?”—деб сўради.

Бу сафар ўн ярим литр сув олинганди. Докторлар ишини якунлагач, Мустафо Камол: “Оҳ... жуда енгил тортдим. Энди менга битта сигарет ва қаҳва беринглар,” — деди.

1938 йил 16 октябрь. Якшанба. Доктор Нэшэт Умар Ирдалп Мустафо Камолнинг кечадан бери безовта бўлаётганини ва илгари ҳам бўлгани каби танаббуҳ симптоми: фикрларида чалкашлик, ҳаракатларида ғайритабиий-

лик юзага келганини айтди. Айтишича, у тунни безовта ва уйқусиз ўтказибди. Ора-сира ғазабланиб, атрофдагиларга ташланибди. Тонгда дафъи ҳожат учун бидега чиқибди-ю, ётоқ томонга узала тушибди. Лекин ҳуши ўзида эмас экан. Кунни шундай хуружлар билан ўтказибди. Ора-сира ғазабланиб, яна атрофдагиларга ташланибди. Тинмай ётоқда тўлғонибди, бақирибди, ғазаб сочибди. Бир неча бор қайт қилибди. Соат 18:50 да эса ҳушини бутунлай йўқотибди.

Бир кун аввал хонимлар билан кўришибди ва бошқа баъзи кишиларни қабул қилибди. Толиққан бўлса керак, хонасига кирдик. Мустафо Камол тўшакда ётар, ҳуши ўзида эмасди. Тинимсиз ўнг тиззасини букар, қўлларини ўйнатар, бошини қимирлатар эди. Кўзлари очик, аммо маъносиз боқар, баъзан “уф” тортар эди.”

Бу кунлар ҳақида доктор Ўзқоя шундай ёзади:

“16 октябрь, якшанба куни соат миллари 14:30 ни кўрсатар экан, доктор Нешэт Умар Ирдалп билан профессор доктор М. Камол Ўке Мустафо Камол ётган хонанинг коридорида баъзи дориларни ҳозирлаётган эдилар. Бемор ётоғида ўтириб, тинимсиз ўқчир эди. Бир томондан: “Қўйиб юбор, қўйиб юбор” деб бақирарди. Атрофдагилар уни ётқизишга ҳаракат қилар, бемор эса қаршилик кўрсатар эди. Шунинг учун керакли уколларни ўтирган ҳолида қилишга тўғри келди. Тинмай: “қўйиб юбор, қўйиб юбор, ҳозироқ” каби сўзларни такрорларди. Бироздан сўнг оғзидан сариқ рангли суюқлик келди. Унга кичик муз бўлакларини юттирдилар. Орадан бироз вақт ўтгач, бемор ўқчишдан тўхтади. Сўнгра Мустафо Камол: “Мени турғизинглар” деди. Аслида “ётқизинглар” демоқчи

эди. Уни ётқиздилар. Ҳасан Риза Сояк: “Муз фойда бердими, афандим?” – деб сўради.

Бемор “ҳа” деди-ю, ҳушидан кетди. У комага тушган эди. Тез-тез бошини икки томонга силкитар эди. Бир тарафдан “оҳ” сўзини чўзиб, “оҳ тил, оҳ” деб алаҳсирай бошлади.

18 октябрь, сешанба куни соат 10:30 дан бошлаб тинимсиз “Оҳ тил, оҳ тил”, бу кечадан эса “афандим” сўзларини такрорлади. 17:30 дан эътиборан 65 дақиқа ухлади. 17:37 да тагини ҳўллагани учун унинг ётоғини алмаштирдилар. 19:45 да ҳам шу ҳол такрорланди.

19 октябрь: Беморнинг кийимлари ва чойшабларини янгисига алмаштирдилар. Соат 15:30 да ундан сўралган ҳаракатларни бажара олгани ҳаммани ҳайрон қолдирди. Бирор аъзосини кўрсатишини сўраганларида, у тилини кўрсатди. Ора-сира алаҳсирар ва атрофига олазарак қарарди. Соат 17:00 да хизматчидан шиша сўради ва ҳолатини чиқарди.

21-октябрь: Мустафо Камол кўзларини очди. Ёнида бош ошпазини кўрди ва ундан: “Иброҳим, сен шу ердаямисан? Ётоғимни қачон алмаштирдингиз?” – деб сўради.

Иброҳим Эргуван баъзи сабабларга кўра ётоқни тез-тез алмаштириб турганларини, бир сафарида тўрт кишининг ёрдами билан уни бошқа бир ётоққа кўчирганларини, каравот сингани ва уни янгисига алмаштирганларини айтди.

1938 йил 7 ноябрь, душанба: Бу куннинг илк дақиқаларида Отатурк чалқанчасига ётаркан, қон аралаш туپурди. Борган сари оғриқлари кучайиб борар, ора-сира йўталар эди. Кечаси бир соатгина ухлади. Қўл ва оёқла-

ри борган сари совиб борар, докторлар эса уни иситишга уринар эдилар.

Ўша куни соат 10:30 да докторлар унинг ёнига келдилар. Қорнида йиғилган сув беморни жуда безовта қилар ва бу сувни бугуноқ олишларини сўради.

Мустафо Камол ўша куни доктор Ниҳат Решат Белгерни чақирди ва унга: “Доктор, қорнимдаги сувни олиш вақти келди. Чунки бу сув менинг нафас олишимга халақит беряпти. Жуда ҳолдан тойдим. Сувни тортиб олинг”-деди.

Доктор Ниҳат Решат Белгер: “Амрингизни эртага амалга оширамиз. Сувни тортиб олишдан аввал юракни теткилаштириш учун баъзи чораларни кўришимиз лозим”, - деди. Мустафо Камол: “Буюраман, бу сувни бугуноқ тортиб олинг”, - деди.

Пешин вақти яқинлашди. Мустафо Камол аввалига шахсий доктори профессор Нэшэт Умар Ирдалпни, сўнгра бошқа докторларни ёнига чақирди ва: “Мен жуда азобланыпман, ҳозироқ сувни олинг”,- деб такрорлади.

Профессор Нэшэт Умар Ирдалп: “Афандим, эртага, албатта, оламиз, ҳамма нарсa ҳозирланыпти”, - деб жавоб берди.

Отатурк: “Бугун билан эртанинг орасида нима фарқ бор? Ҳозироқ сувни олинг” - деб туриб олди.

Профессор М. Камол Ўкенинг айна пайтда Гулхонада (Ҳарбий Тиббиёт Академияси) дарс бераётганлиги сабабли саройда эмаслиги ва муолажанинг бир кунга кечиктирилганини айтсалар-да, у: “Мана, доктор Комил (Берк) Бей бор, зотан бу операцияни ҳаммадан яхшироқ қила оладиган ҳам у экан, ўша қилсин”, - деди.

Докторлар ундан узоқлашдилар. Улар ташқарига чиқишлари билан Мустафо Камолнинг қошлари чимирилди ва ғазаб билан бақирди: “Нимани кутишяпти булар? Нима бўлса бўлар”, - деди-ю, қорнини кўрсатиб: “бунга чидаб бўлмайди” – деб қўшиб қўйди.

Ҳозирликлар ниҳоясига етгач, Доктор Комил Берк соат 12:00 да амалиётни бошлади. Мустафо қорнидаги сувнинг ҳаммасини олишларини буюрди ва ҳар-ҳар замонда қанча сув тортиб олинганини сўрар эди. Сувнинг миқдори доктор Ниҳат Решат Белгер томонидан ҳисоблаб бориларди. Аслида олти литр сув олингани ҳолда Отатуркка бунинг икки баробарини айтдилар.

Иккинчи бор сув олингандан кейин Мустафо Камол анча енгил тортди ва кўнгли энгинар тусади. Аммо у вақтда Истанбулда кўкатларни топишнинг иложи бўлмаганидан, Хитойдан олиб келишни буюрдилар. Энгинар олиб келинганида, беморнинг аҳволи оғирлашган эди, ейиш насиб қилмади.

1938 йил 8 ноябрь. Бемор кечаси кўп безовталанди. Фикрлашида, ақлий фаолиятида чалкашликлар кўринди. Тонгда бироз тетиклашди. Соат 18:00 да икки марта қайт қилди. Кечқурун яна димоғи ачишди ва кечаси аҳволи оғирлашди. Тунги 12 гача сокин эди. Соат 12 да атрофидагиларни танимади. 2:10 да уйғонди. Бай Ридванни чақириб, ухлай олмаётганидан шикоят қилди.

Унга “Азизим” деб мурожаат қилди. Сигарета сўради, чекди. Уни тугатмай туриб, яна битта сигарета сўради. Бунисини ҳам ярмигача чекди. Аввалига: “Мени сайрга олиб чиқ”, - деди. Кейин эса: “Мени ўнг томоним билан

ётқиз, устимга кўрпа ёп”, - деб буюрди. Бай Ридван хонадан чиқаркан, “Қаерга кетяпсан? Уф мени турғаз, балки нимадир бўлар” – деди. Уни ётқиздилар. Бироздан сўнг уйқуга кетди. Эрталаб 6:00 да уйғонди. Унга сут бердилар.

“Денгизда бир мотор овози бор. Нима у?” - деб сўради ва яна ухлаб қолди.

7:40. “Ридван” деб бақирди. Юз ифодасидан нимадир хоҳлаётгандек эди. Лекин ҳеч нарса дея олмасди. Ниҳоят, чой сўради. Ўрдек келтирдилар. Хожатини чиқарди. Кейин эса “Мени турғизинглар” деб туриб олди. “Ўрдек бор” – дедилар.

“Уф-ф, уфф” дерди. Нимадир демоқчи бўлар, аммо керакли сўзларни тополмасди.

1938 йил 9 ноябрь кечаси Мустафо Камол яна комага тушди. Секуслар... нафас етишмаслиги... сийдик тута олмаслик... жон талашиш... (Пешоб 560 см”).

1938 йил 10 ноябрь. Аҳволи жуда оғирлашди. Кома давом этарди. Соат 2:00 да ярим баллон кислород берилди.

Соат миллари 8:00 ни кўрсатар экан, Мустафо Камолнинг юзи баттарроқ сўлди: сап-сарик тусга кирди ва бирдан бўғзидан “ҳи... ҳи... ҳи...” деган овозлар чиқа бошлади. Бу вақтда доктор Комил Берк кўзлари ёшли, бир қўли билан ётоққа суянганча бошқа қўлидаги намланган пахта билан Мустафо Камолнинг оғзига сув томизар эди... Қалбан эзилаётганлари сўлғин юзларидан кўриниб турган профессор Сурайё Ҳидоят Сертер ва доктор Абраваё Мармарали беморнинг товонларини кўздан кечирарди.

Соат 9:05... Мустафо Камол бирдан кўзларини очди. Бошини ўнг томонга бурди ва яна шифтга қаради... ва сўнгги нафасини берди.”

“Мустафо Камолнинг соғлик ҳаёти” китобида унинг сўнгги лаҳзаси шундай қайд этилган. Профессор Бад II Шаҳсуворўғлининг бу асари муҳим бир манбадир. Агар Мустафо Камолнинг атрофидаги докторлар ва кишилар ўз хотираларини ёзганларида ёки ёзилган хотираларни нашр қилганларида эди, бу хусусда янада кўпроқ ва тўлиқроқ маълумотга эга бўлар эдик.

Мустамлакачи англизларга қарши “тинч йўл билан кураш” усулини қўллаган

МАҲАТМА ГАНДИ

Очлик эълон қилганлиги учун унинг эти суягига ёпишиб қолди. Аммо у англизларга қарши очлик сиёсатини давом эттирарди. Буюк бир давлатга қарши бош кўтарган бу одам Маҳатма Ганди эди.

Ганди Ҳиндистонда туғилган. Олий таълимни Англияда тамомлаган ва адвокат бўлиб етишган. Англияда эканлигида англизларни яқиндан таниган ва уларнинг сиёсатини яхши билиб олган эди. Ганди англизлар йиллар давомида Ҳиндистоннинг бутун бойликларини ўзлаштириб келаётганлигини биларди. У миллионлаб ҳиндларни кулдек ишлатаётганлигини ҳеч ҳазм қилолмасди. Лондонда эканлигида ўз олдига бир мақсад қўйди: “Англияга қарши курашади ва халқини англиз занжирларидан озод қилмагунча тўхтамайди.”

Ҳиндистонга қайтганидан биров вақт ўтиб, йигирма тўрт ёшли Гандини Африканинг Претория шаҳрига муҳим бир даъво учун чақиришди. Биргина даъво учун кетган

Маҳатма Африкада роппа-роса 21 йил қолди. Чунки у ердаги 150 минг нафар юртдошининг қуллик зулмидан азият чекаётганлигини кўрган ва уларни бу асоратдан қутқариш учун курашганди. Барча ҳиндларни бирлаштириб, уларнинг ҳаётини биров бўлса-да енгиллатишга эришгани Гандига куч берганди. Энди навбат Ҳиндистонга келди.

Юртига қайтган Ганди, аввало, газета нашр қилдириб, халқни уйғотишга уринди. Инглиз мустамлакачилигига қарши очикдан-очик курашишга қарор қилди ва ҳаммани инглизларга нисбатан тинч йўл билан курашишга чорлади. Гандининг протести (норозилик ҳаракати) 1919 йилдан бутун Ҳиндистонга ёйила бошлади. Унга кўра, инглиз маҳкамаларига қарши байкот эълон қилиниши, болалар инглиз мактабларига жўнатилмаслиги, инглиз аскарларига қарши митинглар ўтказилиши, жойларда озодлик учун норозилик ҳаракатлари олиб борилиши керак эди.

Ганди аввалига инглизларни қувиб чиқариш учун муслмонлар билан ҳамкорлик қилди. Муҳаммад Али Жиннаҳ ва Иқбол билан алоқа ўрнатиб, улар билан биргаликда иш кўрди.

1922 йилда инглизлар томонидан ҳибсга олинган Ганди аллақачон халқнинг эътиборини қозонган эди. У кўринишидан заиф ва кучсиз одам эди. Бир кун ўз мақсадига эришишига ишонса-да, Англия кўшинлари, жанговор кемалари ва тўплари қаршисида ожиз эди. Ганди очлик ҳаракатлари орқали ўз номини дунёга танитди. У қуролли инглиз аскарларига қарши ноодатий усулда курашаётган эди. Инглизлар 1930 йилда Гандини ҳибсга олдилар. Аммо бошқа давлатларнинг бунга муносабатини ҳисобга олиб, уни озод қилишга мажбур бўлдилар.

1932-1933 йилларда Ганди яна очлик эълон қилди ва уч марта ҳибсга олинди. Деярли икки йил қамокда ётди. Маҳатма инглизлардан шунчалар нафратланардики, Иккинчи жаҳон урушида Ҳиндистоннинг Япония томонида туриб жанг қилишини таклиф қилишдан ҳам тап тортмади. Сургун, қамок ва босимлар Гандини йўлидан қайтара олмади. Унинг бу уринишлари Англияни бироз ортга чекинишга мажбур қилди. Чунки энди Ганди ёлғиз эмасди. Миллионлаб инсонлар оёққа турганди ва улар ортиқ инглизлар тазйиқи остида яшашни истамас эдилар.

1944 йилдан бошлаб Ҳиндистонга мустақиллик бериш хусусидаги қурултойларда Ганди ҳам иштирок эта бошлади. Узоқ муҳокамалардан сўнг, ниҳоят, Англия Ҳиндистонга мустақиллик беришга қарор қилди ва 1947 йил 15 августда Ҳиндистон мустақил давлат деб эълон қилинди.

Эгнида оддийгина ёпинчиқ, қўлида ҳасса тутган, жуда заиф бир одам тинимсиз курашиш ва ортга чекинмаслик муваффақият йўлини очишини исботлаб берди.

Маҳатма Ганди Ҳиндистоннинг қаҳрамони эди. У бир сўз билан миллионларча инсонни ҳаракатга келтира оларди.

Ганди курашларга тўла ҳаёти кўз олдидан ўтар экан, бир браҳманнинг ўзига яқинлашганини кўрди. Унинг ниятини англаб етганида эса жуда кеч бўлганди.

1948 йилнинг 30 январидида суиқасдга учраган Гандининг ўлими ҳаммадан кўпроқ инглизларни қувонтирган эди.

Оёғидан осиб қўйилган

МУССОЛИНИ

Ўз даврида айтгани-айтган, дегани-деган бўлган раҳбар Бенито Муссолини рафиқаси Клара Петтажи билан Германияга қочди. Иккаласи ҳам немис формасида эдилар.

Муссолини илгариги ҳашаматли ҳаётига қайта олмаслигини биларди. У энди миллионлаб одамларга ўз ҳукмини ўткази оладиган ҳукмдор эмасди. У бунга англаб етган ва бундан буён қандай яшаши ҳақида режалар тузган эди. Рафиқаси билан бирга Германияга икки юз килограмм олтин ва сумкаларни тўлдириб, хориж валюталарини олиб кетаётган эдилар. Бу уларга умрларининг охиригача етарди.

Муссолини йўл юриб бораркан, ўтмиш хотиралари, шон-шухрат пиллапояларидан кўтарилган чоғлари кўз ўнгига жонланди.

Отаси қуйи табақадаги социалист бўлиб, темирчилик қилиб рўзғор тебратарди. У ўғлини ҳам ўзи сингари социализм руҳида тарбиялади. Бир муддат ўқитувчилик қилган Муссолини ҳарбий хизматга бормаслик учун Швейцарияга қочган эди.

Аммо ҳарбий хизматга бориш орқали юксалиш мумкинлигини англаб етгач, 1915 йилда Италия қўшини сафида жангга кирази ва яраланади. Фронтидан қайтганидан кейин газета чиқара бошлади ва давомли суратда миллиятчилик ғояларини илгари сурди. Муссолинининг юлдузи борган сари ёрқинроқ порлар эди. 1921 йилда

Дуче (Фашистлар партияси) раҳбари бўлди. 1922 йилнинг 29 октябрида Бош вазирликка кўтарилгач, барча ишларни ўз қўлига олиш учун ҳаракат қила бошлади.

1922 йил 25 ноябрда Мажлис томонидан унга қонун ва қарорлар қабул қилиш ваколати берилди. 1924 йилда унинг партияси Мажлисида асосий ўринни эгаллагач, диктаторликка томон илгарилай бошлади.

Муссолини сайловда ҳийла ва зўравонлик билан ғалаба қозонди. Унинг найрангларини фош қилишга уринган Маттеоти ўлдирилди.

Бенето ўзига уюштирилган суиқасддан унумли фойдаланиб, 1925 йил 2 январда ўзини диктатор деб эълон қилди.

“Исёнчилар келаётган эмиш, Дуче. Бироз тезроқ юришимиз керак”, — ёнидаги немис офицерининг овози Муссолинини ҳушига келтирди. Демак, келишяпти. Бутун бошли немис кўшини мағлубиятга учраб, қочишга мажбур бўлган эди. Бу вазиятда қандай қаршилиқ кўрсата оларди? Ўз халқи Муссолинига қарши оёққа турган ва уни қўлга олишга уринар эди. Шуларни ўйлаб, ҳайдовчига: “Тезроқ ҳайда, тезроқ”, деб бақирди. Машина шиддат билан юриб бораркан, тинмай “йўқ-йўқ, етиб ололмайдилар, бизни қўлга ололмайдилар”, деб такрорлар эди.

Муссолини яна ўтмиш хаёлларига берилди.

У мамлакатнинг ягона ҳокими бўлиш учун кўп фириб ишлатган, ўзининг социалистик қарашларини илгари суриб, зодагонларнинг қўллаб-қувватлаши оқибатида ҳокимиятни эгаллаган эди. Аллоҳга ишонмаслигини таъкидлаб, черковдан мадад олишга уринар экан, бу саъй-ҳаракатлари натижасида Италиянинг лидери бўлишга эришди.

Энди миллионлаб одамлар унинг биргина сўзи билан ҳаракат қиладиган ҳолга келган эдилар.

1939 йил 22 майда Муссолини Гитлер билан шартнома имзолагач, ўз ҳокимиятининг янада кучайганини ҳис қилди. Энди у бошқа давлатларнинг ички сиёсати-га ҳам аралаша бошлади. Масалан, биргина нуфуз муаммоси сабаб Албания қироли Зоғони тахтдан туширган эди (1939 йил).

Муссолини Африкага юриш қилиб, мингларча қуролсиз, бегуноҳ аҳолининг умрига зомин бўлди. Унинг 24 минг айбсиз инсонни йиғиб, ўққа туттиргани ҳалигача даҳшат билан эсга олинади. Шунингдек, у тозалаш лагерида тўпланган 35 минг одамдан 18 минг нафарини қатл эттирганди.

Муссолини аввалига Иккинчи жаҳон уруши Италияга фойда келтиради, деб ўйлаган ва Гитлернинг сўзларига ишонган эди. 1940 йилларга келиб, Италия деярли Германиянинг мустамлакасига айланиб қолди. 240 минг италян аскарлари СССРга қарши курашга жалб қилинган, 100 минглаб аҳоли эса ишчи кучи сифатида Германияга олиб кетилган эди. Буларнинг барчаси Италияда норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Энди халқ Муссолинининг доҳиёна кучига ишонмай қўйган эди. Устига-устак, Германия қўшини кетма-кет мағлубиятга учрай бошлаганди. Немис аскарлари билан биргаликда италян аскарлари ҳам ҳалок бўлаётган эди. 1943 йилнинг июлида Иттифоқнинг Сицилияга бостириб кириши, Муссолинининг ҳалокатига сабаб бўлди.

Италия қироли Виктор Эммануил Муссолинини ҳибсга олдириди. Бундай ҳолга тушиши Дученинг хаёлига ҳам кел-

маган эди. Бир вақтлар Италияни ўз билганича бошқарган одам энди қўлга олинган ва Абрүззидаги меҳмонхоналардан бирида уй қамоғида сақланаётган эди. Етти ҳафта давомида назоратда сақланган Муссолини немис авиацияси томонидан қутқарилгач, ҳаммасини янгидан бошлади.

У Гарда кўли яқинидаги Сало шаҳрида Гитлернинг ёрдами билан Италия социалистик Республикасини қуради ва ўзининг тарафдорларини жамлаб, “Қора кўйлаклилар” ташкилотини тузади. Бу гуруҳнинг асосий мақсади интиқом олиш эди.

Муссолини 1944 йил 12 январда ўзини тахтдан ағдарганлар сафида бўлган куёви Жианони, кейинроқ эса барча етакчиларни қатл эттиради. Диктатор яна ўзининг яккахокимлигини ўрнатиш арафасида экан, Германия қўшинлари кетма-кет мағлубиятга учрай бошлади. Вазиятнинг қалтислигини англаган Муссолини бир гуруҳ немис аскарлари билан Швейцарияга қочади. Энди тақдирга тан беришдан бошқа чораси йўқлигини биларди. Шу каби хаёллар билан банд экан, ўқ овозлари уни ҳушига келтирди.

Ўқлар тўрт томонидан ёмғирдек ёғиларди. Немис аскарлари чор тарафга қоча бошладилар. Бироздан сўнг қолганлар ҳам таслим бўлишди.

Италян аскарлари Муссолини ҳам немислар орасида эканини билишарди. Кийимларини ўзгартирган бўлишига қарамай, уни осонгина таниб олдилар. Муссолини италянларга ёлворар, ўзини озод қилишлари эвазига ҳамма олтинлари ва пулларини уларга беришини айтар эди. Исёнчилар раҳбари нафрат билан “улар шундоғам бизники, халқимизники” деди.

Муссолини 1945 йил 27 апрелда қўлга олинди. Ўша куни у билан бирга қочган барча хизматкорлари ва аскарлари кўз ўнгида отиб ташланди.

Диктатор ва унинг рафиқаси эса 1945 йил 28 апрелда ўққа тутилди. Ҳар иккисининг ҳам жасади Милан яқинидаги ёнилғи қуйиш шохобчасида оёғидан осиб қўйилди.

Италияда йиллар давомида якка ҳокимлик қилган Муссолинининг жасади, неча кунлардир оёғидан осиб қўйилган ҳолда қолди. Жасадлар бадбўй ҳид таратиб, атрофдагиларни беҳузур қила бошлагач, ечиб олиб, кўмиб ташладилар.

Бир харобада жонига қасд қилган

АДОЛЬФ ГИТЛЕР

Гитлер 1944 йил 20 июлда юз берган суиқасд оқибатида руҳий зўриқишларни бошдан кечирар эди. Унинг қароргоҳига жойлаштирилган бомба портлаши натижасида бино ер билан яксон бўлган эса-да, Гитлер бир неча енгил жароҳат билан қутулиб қолганди.

Фюрер портлашда ҳалок бўлгани ҳақида ёлғон хабар тарқатади. Суиқасдни уюштирганлар бунга ишонадилар ва эмин-эркин ҳаракат қила бошлайдилар. Фурсатдан фойдаланиб, Гитлер уларнинг барчасини ўлдиртириб юборади. Суиқасдга тил бириктирганлардан бири Германияда катта нуфузга эга бўлган Клуге ва Роммеллар ўз жонига қасд қилган, Маршал Вон Витзлебен, генерал Стулпнагел, адмирал Канарислар эса қатл этилганди. Шу тариқа Гитлер яна бир бор ўз рақибларини йўқ қилган эди. Энди ҳокимиятни ўзи хоҳлаганидек бошқара оларди.

Устма-уст мағлубиятлар Гитлерни борган сари заифлаштириб борарди. У ғалаба қозониш учун барча имкониятлардан фойдаланди. Тезлик билан В1, В2 атом бомбаларини тайёрлаш ҳақида буйруқ берди. Немис ҳарбий қисмларини ҳам жангга ҳозирлади.

1944 йилнинг охири 1945 йилнинг бошларида барча ҳарбий қисмлар мағлуб этилгач, Гитлер курашни бой берганини англаб етди. Германия иккига бўлиниш арафасида эди. Бундай вазиятда барча орзулари пучга чиққан Фюрер 1945 йил 20 апрелда қўшинга бошчилик қилиш ваколатини адмирал Донитз Горунгга берди.

Яқинларининг тасалли бериши унга кор қилмасди. Гитлер бир оғиз ҳам гапирмас, кўзларини бир нуқтага қадаганча нималарнидир ўйлар эди. На ейиш-ичишида, на уйқусида ҳаловат бор эди. Хўш, у қаердан қаерга етиб келди? Бўёқчиликдан мансаб чўққисининг энг юқори нуқтасига чиққан эди. Аммо унинг ерга қулаши ҳам кўтарилиши каби тез содир бўлди.

Яқинлари ҳам бир вақтлар миллионларни оёққа турғизган, биргина ишораси билан минглаб инсонларни ўлимга ҳукм қила олган Гитлернинг қай аҳволга тушганини кўриб, унга ачинар эдилар.

ҚАЕРДАН ҚАЕРГА?

Гитлер эрта етим қолгач, кимсасиз ва паришон ҳолда яшай бошлаганди. У ҳар қандай юмушни қилар, шунга қарамай, кўпинча ишсиз қоларди.

Унинг юлдузи 1914 йилда Бавария қўшинига ўнбоши этиб тайинлангандан кейин порлай бошлади.

Адольф 1919 йилда Ишчилар партиясининг бошқарув кенгашига кирган ва ўша йиллардаёқ ўз олдига аниқ бир мақсад қўйган эди. Унинг фикрича, немислар олий ирқ бўлиб, бутун Европанинг ҳақиқий эгаси эди. Шу сабабдан бутун Европа Германияга бўйсунити керак эди.

Гитлер Нацистлар партияси сафларида жўшқин нутқлари билан ўзини танита бошлаган. 1932 йилда канцлерлик сайловига ўз номзодини қўйиши унинг сиёсий фаолиятида катта қадам бўлди. У сайловда ғалаба қозонмаган бўлса-да, ўз мақсадига эришган, номини бутун мамлакатга танитган эди.

1934 йилда канцлер этиб сайланди ва бошқарувчилик қобилияти туфайли Германияда катта обрў қозонди. Гитлернинг фикрича, фақатгина унинг қарашлари Германияни қутқара олар ва ўз хаёлларини ҳақиқатга айлантиришига ҳеч нарса тўсқинлик қила олмасди.

Миллий социализм тарафдори бўлган Гитлер миллатчилик ғояларини ўртага ташлаганди. У жуда мағрур ва эҳтиросли эди. Тинимсиз ташвиқотлари натижасида барча немисларни “йўлбошчи ҳозирлаган келажакка” ишонтиришга эришди. Гитлер халқнинг онгини ўзига бўйсундирган эди. Энди у халқ учун бир “доҳий” эди.

1934 йил 30 июнь Гитлернинг ҳаётида муҳим кун бўлди. Ўша кечаси Гитлер барча рақибларини йўлидан олиб ташлади. “Узун пичоқлар кечаси” номи билан тарихда қолган бу кечадан сўнг, Гитлерга қарши чиқа оладиган ҳеч ким қолмаган эди.

Гитлер Германияда ҳокимиятни эгаллаган ондан эътиборан, ҳарбий саноатга алоҳида аҳамият қаратди. Унинг

ҳаракатлари бекорга эмасди. Гитлер Австрияни ишғол қилди. Чехословакиянинг тўртдан бир қисмини эгаллади. 1939 йилда Польшани босиб олиши, Иккинчи жаҳон урушининг бошланишига туртки бўлди. Дастлабки жангларда қозонилган ғалабалар Гитлернинг ҳирсини ортирган эди. Аммо 1943 йилдан бошлаб вазият бошқача тус олди. Гитлер СССРга ҳужум қилди. Аммо Иттифоқнинг Америка мададига таяниб, қарши ҳужумга ўтиши немис қўшинини пароканда қилиб юборди. Нормандия фронти очилгач, немислар барча фронтларда мағлубиятга учрай бошладилар. Энди Германиядан сас-садо чиқмасди.

Мағлубиятлар ортидан Германияда ички курашлар ҳам авж олганди. Мухолифатчилар Германия бутунлай яксон этилмай туриб, Гитлери тўхтатиш керак, деган фикрда эдилар. Бунинг учун Фюрерни йўқ қилишдан бошқа чора қолмаганди. Улар пухта режа тузиб, Гитлер қароргоҳига бомба ўрнатдилар. У ичкарида эканлигида бомбани портлатмоқчи эдилар. Режа амалга ошди, аммо, афсуски, Гитлери ўлдиролмадилар.

БЕРЛИНДА ЎЛИШНИ ИСТАДИ

Германиянинг қулаши муқаррар эканини англаган Гитлер, даҳшатли ўйлар исканжасида қолганди. Апрель ойининг охирларида эшитган хабаридан сўнг у сўнгги умидини ҳам йўқотди.

Душман қўшинлари Берлинга яқинлашяпти...

Содиқ одамлари Гитлери Бавариядаги қароргоҳига боришга ундадилар. Аммо у Берлиндан кетмайман, дей-

ишдан бошқа бирор сўз айтмасди. Уйқусизликдан шишган кўзларини хос аскарларига тиккан ҳолда, “Гитлерни қўлга ололмайдилар,” деб бақирган эди. Аскарлар тинмай, “Аммо, Фюрер, бу ерда қолсангиз сизни, албатта, топадилар” дейишар, уни кўндиришга уринишар эди. Уринишлар бесамар кетди.

Гитлер аллақачон бир қарорга келган эди. Давлатнинг бутунлай ишқол этилишини кўришни истамасди. Ўлмоқчи, аниқроғи, ўз жонига қасд қилмоқчи эди. Бунинг учун Берлин энг маъқул ва тўғри жой эди.

1945 йил 30 апрель Гитлер ва унинг рафиқаси Эва Брауннинг хонасидан икки марта ўқ овози эшитилгач, хизматкорлар хавотир билан югурдилар. Улар хонага кирганларида Гитлер ва Эва ерда жонсиз ётардилар. Чаккаларидан оқаётган қон гиламга ёйилган эди. Гитлер аввал рафиқасига ўқ узган, уни ўлдиргандан кейин, тўппончани пешонасига тираб, тепкини босган. Сарҳад билмайдиган бир ҳирсга эга бўлган Гитлернинг ҳаётига нуқта қўйган тўппонча ерда ётарди. Гитлернинг васиятига кўра, иккисининг ҳам жасадлари ёқиб юборилган, ҳатто суяклари ҳам қолмаган эди.

Дорга осилиб жон берган уч мазлум

МЕНДЕРЕС, ЗЎРЛУ, ПЎЛАТХОН

Бутун дунё гувоҳ бўлган “Зулм маҳкамалари”дан бири Яссиадада юз берди. Худди инквизиция судлари, Хитой халқ судлари, Франция инқилоби давридаги “Инқилобий судлар”, Демирпир ўлкаларидаги судларга ўхшаш

суд 27 май инқилобидан кейин маҳкумларни “тил учидан” сўроқ қиларди.

Бу ерда ҳамма нарсга ғалати эди. Суд прокурори: “Сизни бу ерга олиб келган куч шуни хоҳлайди” деса, судланувчининг адвокати: “Қарорлар жилд остида тайёр турибди”, дерди. Маҳкумларни жисмонан ва маънан йўқ қилиш учун турли “илмий методлар” қўлланиларди. Бош вазир, вазир ва депутат унвонига эга бўлган шахслар қарғиш, ҳақоратли хатти-ҳаракатларга дучор бўлаётганди.

СУДДАН БИР ЛАВҲА

Туркияда 1960 йилда инқилоб юз берди. Халқ томонидан тайинланаган баъзи кишилар ўша халққа қарши чиқишди. “Биз бу юртни идора этамиз” дейишди. Мамлакат бошқарувини курул кучи билан эгаллаб олишди. Қонунга кўра, уларга ўлим жазоси бериларди. Чиндан ҳам “Муваффақиятсиз инқилобчилар” охир-оқибат қатл этилиши керак эди. Бироқ, инқилобчиларга қарши куч топа олмадилар ва улар ўз кучи билан сайланган халқни ағдариб ташлади. Уларнинг асосий нишони парламентдаги партия аъзолари эди. Мухолифат партияси аъзоларини халқ қадрларди. Уларни Таъсис мажлисига жойлаштириб, ҳокимиятни уларга топширишга ҳаракат қилишарди.

Шундай бир инқилобдан сўнг, Мармара денгизининг ўртасида, “кўздан йироқ” бир маконда олиб кетилган тингловчилар қаттиқ текшириладиган суд ташкил этилди.

Суд тугашига ўн дақиқа қолганда Жазо гуруҳи раҳбари Салим Башолнинг овози эшитилди:

– Пўлатхон, сен кел!

Пўлатхон ўрнидан турди ва яна Башолнинг овози эшитилди:

– Ҳимоянгиз неча саҳифадан иборат?

Пўлатхон шундай жавоб берди:

– Афсуски саҳифалар сонини айта олмайман. У ҳали қоралама шаклида. Лекин суд тугашига ҳали 10 дақиқа бор. Менимча бу вақт ичида тугамайди.

Башол:

– Бўлмайди, қисқа қилинг. Бошқа ҳимояларда ҳам жуда узун ҳимоя бергансиз, — деди.

Пўлатхон:

– Менга ҳаётим ҳақидаги бир масалада сўнгги сўзларимни айтишга ижозат беринг, афандим, — дея жавоб берди.

Башол:

– Сўзингни қисқартириб, кам гапир, — деди.

Бу сўзлардан кейин Пўлатхон:

– Ундай бўлса ҳимоя қилмаслигим керакми? — деди. Башолнинг жавоби шундай бўлди:

– Ҳимоя қилма!

Ҳолбуки, бу “ҳаётӣ” бир суд эди. Энди қарор қабул қилиш керак. Бундай судларда мазлумларга ўзини ҳимоя қилиш учун “охирги сўзни” ҳам айтишга рухсат беришмаган.

Ўлимга ҳукм қилинган маҳкумлардан Аднан Мендереснинг судида ҳам худди шундай ҳолат юз берган. Мендерес гапираётганда Салим Башол унинг гапини бўлди

ва “тўхта” деб бақирди. Мендерес нутқини давом эттирар экан, Башол деди:

– Мен тўхта десам, тўхтайсан, агар тўхтамасанг, мен сени қандай тўхтатишни биламан. (1960 йил, 1 ноябрь, “Миллият”)

Судланувчиларнинг 5-10 дақиқа гапиришига чидай олмаган суд аъзолари соатлаб гаплашишди. Масалан, бош прокурор Ўмер Алтай Эге 4 кун ичида 21 соат гапирди ва 107 кишини қатл этишни талаб қилди. (1960 йил, 15 июль, “Миллият” газетаси)

ЎЛИМ ЖАЗОЛАРИ

Суд жараёни давом этаётган бир пайтда инқилобчилар ва уларнинг фатвочилари: “Агар қатллар 50 дан ошса биз уларни тамомлаймиз” — дер эдилар.

27 май давлат тўнтаришидан кейин ташкил этилган “сохта судлар”да кўрилган ишлар 9 ой 25 кун ичида ўтказилган 202 та суд мажлиси натижасида якунланди. 1961 йил август оyi ўрталарида тузилган судда жами 7701 айбланувчи судланди.

Суд якунида ўша хатжилд остидаги қарорлар эълон қилинди. 15 киши ўлим, 449 киши эса турли хилдаги қамоқ жазосига ҳукм қилинди. МБК 15 ўлимдан 12 тасини умрбод қамоқ жазосига алмаштирди. Адан Мендерес, Ҳасан Пўлатхон ва Фатин Русту Зорлу учун ўлим жазоси тасдиқланди.

УЧ МАЗЛУМНИНГ ЎЛИМИ

Ўлим жазосига ҳукм қилинган бу уч мазлумнинг қатл жараёни кечиктирилмасдан амалга оширилди. Келинг, қурбонларнинг сўнгги онларини биргаликда кўриб чиқайлик.

Биринчи навбатда, Демократик партиянинг фаол аъзоси, Ташқи ишлар вазири Фатин Русту Зорлу лавозимидан четлаштирилиши керак эди. Зорлунинг энг муҳим хизматларидан бири “Лондон шартномаси” ва Кипрда Туркиянинг “кафил давлат” бўлишини таъминлаш эди. Бу келишувлар асосида 1974 йилда Кипр масалаларига аралашар, даҳшатли бир қирғиннинг олди олинарди.

Зорлуга ўлими ҳақида хабар берилганда у бу шартномани эслади ва шундай деди: “Сен мени осиб ўлдиришинг мумкин, аммо Кипрда турк байроғи бор, Меҳметчик бор, уни тарихдан ўчириб ташлай олмайсан.”

ЗОРЛУНИНГ СЎНГГИ ОНЛАРИ

Зорлу учун энг қийин дақиқалар бошланди. “Вақт бўлди” дейилганда у ўзи қамалган камерадан ҳеч қандай шовқинсиз, қаршиликсиз чиқиб, виқор билан дор томон юра бошлади.

Зорлу дорнинг ёнига келганда, прокурорга: “Мен массон эмасман. Аллоҳ билади, мен жуда диндорман. Ижозат беринг, икки ракат намоз ўқиб олай”, – деди. Бу унинг сўнгги орзуси эди.

Рухсат берилгандан сўнг, таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиди. Ибодатда бутун қалби билан Аллоҳга йўналди. Хушуъ билан намоз ўқиганидан сўнг дуо қилди, сўнг: “Ҳа, жаноблар, келинлар”, — деди.

Ўша ерда Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо солалллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини такрорлади ва “Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу” деди.

Қўлларини орқадан боғламоқчи бўлганларида олд томондан боғлашларини талаб қилди, лекин талаби рад этилди.

Бош прокурор Зорлудан: “Айтадиган бирор сўзинг борми?” деб сўради. Зорлу заҳарханда кулиб: “Нима ҳам дердим. Мақсадингизга етдингиз. Бу кеча тинч ухлашингиз мумкин”, — деди.

Кейин паҳлавон келбатига мос келмайдиган бир чаққонлик билан супанинг устига қўйилган курсига чиқди. Зорлу ғоятда сокин бўлгани ҳолда, жаллод ҳаяжондан дир-дир титрарди. Зорлу жаллодга юзланиб: “Дўстим, нега титраяпсан? Сиртмоқ сенинг эмас менинг бўйнимга солинади”, — деди. Кейин эса: “Аллоҳ юртимизни асрасин, миллат завола кўрмасин, барчангизни Аллоҳга омонат қилдик” деди-ю, оёғи остидаги курсини тепиб юборди. Курси ерга тушиб кетди. Атрофдагилар бу манзарани даҳшат ичида кузатар эди. Зорлунинг бўйи узун бўлганлиги учун оёқлари курсига тегиб турарди. Жаллод яна қўллари титраб, Зорлунинг оёғи остидан курсини тортди.

1961 йилнинг 16 июль санаси эди. Саҳар вақти, соат бешлар чамаси... Имралида қаттиқ шамол эса бошлади. Дарахт шохлари синиб кетадигандек эгилар эди.

ПЎЛАТХОННИНГ ҚАТЛ МАРОСИМИ

Зорлунинг қатлидан 15 дадиқа ўтиб, дорга Ҳасан Пўлатхон келтирилиши керак эди. Пўлатхон 46 ёшда эди. Бир вақтлар жуда ёш бўлишига қарамай, Эски шаҳарда Демократик партия бош вакили этиб сайланган, Мендерес ташкил қилган жамиятларда аввалига иш бошқарувчи, кейинчалик молия вазири сифатида фаолият юритган. ДП ҳукумати даврида халқ манфаатини кўзлаб қилинган бир қатор тадбирларда у ҳам иштирок этганди. Фабрика, тўғон ва йўллар қурилишида жонбозлик кўрсатганди.

Уни қатл майдонига олиб кетиш учун келганларида Пўлатхон жуда сокин эди. Кетишдан олдин таҳорат олиб, дуо қилди. Кейин эса вазмин қадамлар билан йўлга тушди. Бутун ҳаёти фильм анонси каби кўз ўнгидан бир-бир ўтди. Дорга чиқишдан олдин шаҳодат келтирди. Сўнгра атрофда йиғилганларга юзланиб: “Беғуноҳлигим борасида виждонан хотиржамман”, — деди.

Жаллод ўзига берилган буйруқни бажарди.

НАВБАТ МЕНДЕРЕСГА

Зорлу ва Пўлатхон қатл этилгандан кейин навбат Аднан Мендересга келди. 1961 йил 17 сентябрда Имрали оролидаги маҳбуслар ғайриоддий ўзгаришлар бўлаётганини ҳис қилишди. Оролдаги амалдорлар шошиб югуришарди. Тилларидан: “операция тайёirmi?”, “операция тайёр... операция тайёр...” жумлалари тушмасди.

Умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар панжарадан ташқарига қарамаслик ҳақида огоҳлантирилди. Тажрибали сиёсатчилар ўзлари севган бош вазиридан айрилиш пайти келганини тушунишди. Мендересни яхши кўрганларнинг баъзилари бир бурчакка бориб жимгина кўз ёш тўкарди. Баъзилари эса абадият оламига ҳижрат қиладиган йўловчига раҳмат бўлсин деб, Қуръони Каримни очиб тиловат қилардилар.

Соат 13:00 га яқин радиолардан: “Операция докторлари келди” деган сўзлар эшитила бошлади. Маҳбуслар бу сўзларнинг маъносини жуда яхши тушуниб турарди.

Аднан Мендерес жуда сокин эди. Ўша кунни эрта тонгда туриб, таҳорат олди. Абадият оламига уюштирилажак сафари учун тайёргарлик кўрди. 1967 йил 27 майдан кейин шундай кунларни бошидан кечирдики, ўлимни афзал билган пайтлари бўлди. Ҳақоратлар, қийноқлар, лаънатлар, заҳарланишлар, маънавий босим... Шундай оғир кунларни бошидан кечирди у. Зиндон ичида зиндон, зулм ичида зулм бўлган бир ҳаёт эди.

МЕНДЕРЕСНИНГ ҚАТЛ ЖАРАЁНИ

Офицерлар унинг ёнига кирганида Аднан Мендерес бошини қўллари орасига олиб, ўйлаб ўтирарди. Бир офицер “Вақт бўлди” деди. Мендерес секин ўрнидан турди. Ўғли Юксел Мендересга атаб ёзган васиятномасини уларга топширди. Кейин: “Мен тайёрман, кетдик!” – деди ва виқорли қадамлар билан юра бошлади.

Бироздан кейин чиқадиган даражаси абадий олам эшиги эди. Бу дунё ташвишларидан қутулиш хабари эди.

У золимларнинг шафқатсизлигидан озод бўлиб, Одили Мутлақ ҳузурига чиқаётганди.

Ҳаво салқин, япроқлар қимирламас, кушлар сайрамасди. Атроф сукунатга чўмган.

Мендерес виқорли қадамлар билан дор остига чиқди. Калимаи Шаҳодатни айтди. Илмоқ бўйнига илинган онда “ё Аллоҳ” деб бақирди. Аини шу пайтда ўша ердаги одамларни даҳшатга солган воқеа юз берди. Мовий осмон бир онда қорайиб кетди. Эндигина осмонда нур соча бошлаган қуёшни булутлар қоплаб олди. Кейин бирданига бўрон бошланди. Дўл аралаш кучли ёмғир ёға бошлади. Энг ажабланарлиси шундаки, ёмғир фақат қатл қилинадиган жойга ёғарди, бошқа томонлар қуруқ эди.

Соат 14:30 ларда руҳи мангулик оламига йўл олган Мендереснинг жасади дордан туширилди. Ёмғир ёғишда давом этарди. Мендереснинг жасади ортилган машина қабр олдига келса ҳамки, булутлар тарқамаган эди. Ёмғир фақат қабр устига ёғар, бошқа ерга ўтмасди.

ЗОЛИМЛАР УНУТИЛДИ, МАЗЛУМЛАР УНУТИЛМАДИ!

Бу уч қатл инқилобчиларни қониктирмади. Улар 33 та инсонни қатл этмоқчи эди. Улар 66 та ҳукм хулосасини тайёрлади. Бу ҳукмнинг биттаси маҳбуснинг бўйнига, биттаси яшаш жойига осиб қўйилиши керак эди.

Инқилобчилар шунчалик қатъиятли эдиларки, Имралидаги Мартитепада 33 та қабр қаздирди, 33 та тобут ясат-

тирди ва кафанликларни ҳам тайёр қилиб қўйди (1961 йил, 25 сентябрь, “Акс”).

Демократик партия 1950 йилда ҳокимият тепасига келганларидан сўнг Азони Муҳаммадийни асл ҳолида ўқитишни бошлаган, буюк ислом олими Бадиуззамон Саид Нурсийнинг Урфадаги қабрини буздириб ташлаган, юзларча инсонларни сохта суд орқали ўлимга, машҳур 3 сиёсатчини қатлга ҳукм қилган инқилобнинг 38 нафар аъзосини ҳеч ким эсламади. Уларнинг номлари тарихдан ўчди. Хотиралардан ўчирилди. Уларнинг қилган ишлари нафрат ила ёдга олинадиган бўлди.

Аксинча, қонунга хилоф тарзда қатл этилган уч мазлумни ҳамиша халқ меҳр билан ёдга олади. Бу уч мазлумнинг қабри Истанбулдаги “Анит мезар”га кўчирилди.

Большевиклар инқилобининг “мияси” миясига берилган зарбадан вафот этди

ТРОЦКИЙ

Ўн икки йилдан бери, бир кун ўлдирилишидан кўрқиб яшаш Троцкийни жуда ҳолдан тойдирганди. Қаерга бормасин ўзини Сталиннинг исканжасида қолгандек ҳис қиларди.

Троцкий истиқомат қиладиган Мексикадаги виллага ҳеч кимни яқин йўлатмас эдилар. Барча эҳтиёт чоралари кўрилганди. Уйнинг эшиги темирдан ясалган, темир панжараларга сигнализация ўрнатилган, ҳовли бетон девор билан ўралган эди. Қурулли аскарлар кеча-ю кундуз дарвоза олдида навбатда турар эдилар.

Россиядаги коммунистик инқилобнинг отаси сифатида танилган Троцкий жуда безовта эди. Айниқса, 23 майдан 24 майга ўтар кечаси (1940 й) йигирма нафар қуролли киши виллага ҳужум қилгач, кўзига уйқу келмай қолди. Троцкий қуролли одамлар Сталиннинг буйруғи билан босқин уюштирганларига амин эди... У Чор Россиясига қарши юзага келган ҳаракатнинг йўлбошчиларидан бири эди. Троцкий икки марта қўлга олинган, аммо қочиб қутулган, ниҳоят 1917 йилда Россияга қайтиб, инқилобни амалга оширишда фаол иштирок этганди.

Ленин бошчилигидаги коммунистик ҳукуматда ўз ўрнига эга эди. Ленин Бош вазир, Троцкий эса ташқи ишлар вазири эди. Қизил армияни ташкил қилганидан, айниқса, қатағон уюштириб, мингларча бегуноҳ инсонларни қатл эттирганидан сўнг мамлакатда катта обрў қозонган эди. Афсуски, бу ҳолат етти йил давом этди, холос. 1924 йилда Лениннинг ўлими ва ҳокимият тепасига Сталиннинг келиши Троцкийнинг юлдузи сўнишига сабаб бўлди.

Давлат бошқарувини тўлиқ қўлга киритишни истган Сталин рақиби ва унинг барча яқинларини йўқ қила бошлаган, нафақат Троцкий, балки Ленин тарафдорларини ҳам ўлдиртираётган эди.

Вазият оғирлигини фаҳмлаган Троцкий Сталинга қарши инқилоб уюштиришга уринган, аммо уддалай олмаганди. 1927 йилда амалга оширган бу инқилоби орқали у ўзига чоҳ қазиганди. Сталин ҳокимиятни ҳануз Троцкийнинг тарафдорларидан бутунлай тозаламаганини ҳисобга олиб, рақибини сургун қилишни ва ўша ерда ўлдириб юборишни режалаштирган эди. Буни фаҳмлаган Троцкий йиллардир ўзи душманлик уруғини сочган мамлакатларга

қочишдан бошқа чора топа олмади. У ҳар борган жойида ўлим таҳликаси билан яшарди.

Троцкий 1937 йилда Мексикага келган ва бу ерда 3 йилдан буён тўрт девор орасида яшаётган эди. Ташқари-га чиқишга жасорати етмасди. Мана, охир-оқибат барибир унинг изини топишди.

Троцкий расмий масалаларни ҳисобга олмаганда, фақат бир нечта киши билан кўришар эди. Булар Сильвия Агеллоф ва унинг бўлажак турмуш ўртоғи Жексон Мержадер эди. Жексон билан танишганларига кўп бўлмаган эса-да, Троцкий унга ишонар эди. Тўғрироғи, Мержадер унинг ишончини қозонган эди.

Жексон ҳам коммунист эди. Аммо Троцкийнинг эмас, Сталиннинг ғояларини тўғри деб билар ва қизил инқилобнинг ғалабаси учун Троцкийни йўқ қилиш кераклигига ишонарди. Шунинг учун ҳам рақибни йўқ қилиш ва-зифаси унга юклатилганди.

1940 йил 20 август куни Жексон ҳар доимгидек бамайлихотир виллага кириб келди. Троцкий билан бироз суҳбатлашди. Троцкий ортига ўгирилар экан, Жексон фурсатдан фойдаланиб, костюми ичига яширган болғасини чиқарди. Болғани икки қўли билан маҳкам ушлаб юқорига кўтарди-ю, зарб билан урди. Троцкийнинг бошидан отилган қон унинг юзига сачради.

Қизил инқилоб асосчисининг бўғзидан бўғиқ бир фарёд чикди. Унинг овозини эшитган навбатчилар ичкарига отилдилар ва Жексонни қўлга олдилар.

Троцкий: “Бу сафар уддалашди” деди-ю, хушини йўқотди ва қайтиб кўзини очмади. Уни касалхонага олиб бор-

дилар. Бош суяги билан бирга мияси ҳам парчаланиб кетганини кўрган докторлар чорасиз қолгандилар...

Икки бешафқат диктатордан бири эртароқ ҳамла қилиб, рақибини йўлидан олиб ташлаган эди.

Ўлиши биланоқ “Қизил китоб”и ва суратлари ахлатга ташланган

МАО ЦЗЕДУН

Мао хасталаниб тўшагида ётаркан, энди ҳеч нарса у истагандек бўлмаётганини кўриб турарди. Гарчи у ақлдан озган, баъзида нима деяётганини билмас эди. Аммо касаллик хуруж қилмаган вақтларда ўйлай оларди.

Бир вақтлар миллиардлаб аҳолига эга бўлган Хитойни титратган инсон ҳозир ётоқда инграб ётибди. У мия томирларидаги қоннинг ивиши натижасида фалаж бўлган эди. Ўрнидан қимирлай олмас, бутунлай ётоққа михланиб қолганди. Шунинг учун ҳамширалар унинг ётоғини тез-тез тозалаб туришар эди.

Мао борган сари кучсизланиб, сўлиб борарди. Хасталиги ривожлангани сари изтироби ортарди. Унинг бу даҳшатли изтироблари тўрт йил давом этди.

1949 йилда коммунистик инқилобни амалга ошириб, ҳокимиятни ўз қўлига олган Мао даҳшатли террор уюштирди. Коммунизмга қарши чиққан ўн минглаб хитойликларни ўлдиришдан ҳам тап тортмади. У ўз эътиқодига эга бўлган инсонларга қарши курашар ва мамлакатдаги барча диний асарларни йўқ қилдирар эди. Айниқса, Шарқий Туркистонлик мусулмон туркларга кўп тазйиқ

ўтказган, у ердаги юзлаб жомеъ масжидларини буздирган, Қуръони Карим китобларини йиғдириб, ёқиб юборишга буюрган эди.

Маданий инқилобни бошлаб берган Мао аҳолини ўзи ёзган “Қизил китоб”ни ёдлашга мажбур қилган.

1959 йилда партиядаги рақиблари ким эканлигини билиш учун ўз лавозимидан истеъфога чиқиб, душманлари ўзларини ошкор қилгач эса даҳшатли тозалашни амалга ошириб, уларнинг ҳаммасини йўқ қилганди. Шу тариқа миллионларча инсонни ўз қўл остида бирлаштирган, барчага зулм қилган одам энди аста-секин чўкиб борарди.

Маонинг хасталиги кучайиб борган сари мия томирларида бузилишлар юз берарди. Бунинг оқибатида ҳаракатлари ва ўзини тутишида ножўя таъсирлар сезила бошлаган эди. Аҳволи оғирлиги учун бошқа давлатлардан келган элчиларни Маонинг ҳузурига киритишмас эдилар. Бошқа томондан Мао ҳали ўлмай туриб, коммунистлар партиясида унинг ўрнини эгаллаш учун кураш бошланганди.

Маонинг аҳволи борган сари оғирлашиб борарди. Мамлакатнинг барча машҳур докторлари биргаликда Хитойнинг ягона диктатори хасталигига даво топишга уринишар, афсуски қўлларида ҳеч нарса келмасди. Улар бу хасталик қаршисида ожиз эдилар. Кундан-кунга Маонинг ҳужайралари ўлиб, тугаб борар, умри охирлаб борган сари азоби янада ортарди.

У узоқ давом этган хасталикдан сўнг 1976 йил 9 июлда вафот этди. Шу билан “Мао даври” якунлади. Чунки Маонинг ўрнини эгаллаганлар унинг рафиқаси ва барча яқинларини қамоққа ташлатган эди. Улар аввалига ўлимга, кейинроқ умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Хитойда тузум жуда тез янгиланган эди. Бир вақтлар бутун мамлакатнинг марказий жойларини, йўллари ва кўчаларини безаб турган Маонинг суратлари ахлатга отилди. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, ҳеч ким бунга қаршилиқ қилмади.

Бошқа золимлар каби минг азобда жон берган

ЛЕНИН

Совет Иттифоқининг биринчи рақамли лидерига қарашли бўлган уйдан эшитилган чинқириклар уй яқинида яшайдиганларни ваҳимага соларди. Бу уй Москвадан 60 чақирим нарида жойлашганди. Ленин бу ерда ҳаётининг сўнгги кунларини яшаётган эди. Охирги йигирма тўрт соат мобайнида тинимсиз ингранар, оғриқ зўридан фарёд чекарди. Атрофдагилар кишининг бошига тушиши мумкин бўлган “ибратли манзара”ни ваҳима ичида кузатардилар.

1917 йилда амалга оширилган “большевиктик инқилоб”нинг раҳбари, 7 йил мобайнида бутун мамлакатни ўз қўли остида бирлаштирган, ўн минглаб “мухолиф”ларни турли йўллар билан йўқ қилдирган Ленин энди ачинарли аҳволда эди. У турли касалликлардан азият чекиш билан бир қаторда ақлдан ҳам озганди. Баъзан одатий “жинни”га, баъзан “росмана жинни”га айланар, кўзлари косасидан чиққудек бўлар, хуруж ўтказар, шовқин соларди. Фалаж бўлмаган ва бошқа касалликлардан изтироб чекмаган бўлсайди, атрофидаги ҳамма нарсани чил-чил қилиши муқаррар эди.

Атеист ва материалист дунёқарашга эга бўлган, коинот соҳиби Аллоҳ таолони инкор этган ва бу ғояларини “расмий идеология” ҳолига келтирган, ҳукмронлик қудратига ишониб, ўзини илоҳийлаштирган Ленин энди кўз илғамас микробларга “асир” бўлганди. У ҳаётининг охириги йилларида тинимсиз оғриқлардан азият чекаётганди. Ленин 1902 йилда Парижда сургунда экан френги касаллигини юктириб олганди. 1918 йилда аксилинқилобчи Фанни Капланнинг тўппончасидан отилган ўқларга нишон бўлган, бу ўқларнинг охиригисини 1922 йилдагина чиқариб олишга эришгандилар.

1922 йилда Лениннинг миясига қон қуйилганди. Унинг “давлат сири” каби сақланадиган касалликлари шулар эди:

– 1922 йилги қон қуйилишидан кейин Лениннинг тана аъзоларида тез-тез фалажлик юз бера бошлади. Кейинчалик тутқаноқ орттириб олган, томир тортишиши ва бош оғриғидан азият чекарди. Бу потологик касалликлар оқибатида Ленин ақлдан оза бошлаганди. Баъзан эс-ҳушини йўқотиб, телбалик қиларди. 1922 йил 16 декабрда юз берган хуруждан кейин хизматчиларидан сиянур (кучли заҳар) сўраган, аммо бунини сир тутишларини буюрган эди.

– 1923 йил март ойидаги фалаждан сўнг Ленин тамоман ақлдан озди. Тинимсиз нималарнидир алжирар эди: “Одамлар... менга ёрдам қилинг... инқилоб... шайтон... шу ерда... шу ерда...”

Лениннинг сўнгги кунларига доир маълумотлар босилган “Ле Фигаро” журналида ёзилишича, Ленин узун-у-

зун увиллайдиган одат чиқарган. Журналдаги бу маълумотларни босиб чиқарган “Замон” газетаси шундай сарлавҳа қўйган эди:

“Ленин ҳам бошқа золимлар каби минг азоб ичида жон берди”.

“Хайвондек яша, увиллаганча ўл!”

Коммунистлар лидерининг чинқириқлари атрофдаги инсонларнинг юракларини эзиб юборарди.

Ленин шу зайлда чинқира-чинқира, француз журналининг таъбири билан айтганда “увиллай-увиллай” ва тамоман ақлдан озган ҳолда 1924 йил 24 январда вафот этди.

Жони узилгач, унинг юзи жуда қўрқинчли тус олганди. Одамлар уни бу ҳолда кўришини истамаган Сталин докторларга уни “гўзаллаштириш”ни буюрди. Докторлар пластик жарроҳлик ва дорилар ёрдамида Лениннинг юзини “одатий кўринишга” келтириб, кейинчалик мумиёладилар.

Лениннинг мумиёланган жасади бир “шиша вакуумга” жойлаштирилган, устига дахма қурилган ва зиёратгоҳга айлантирилганди.

БУТЛАРНИНГ ҚУЛАШИ

Сўнгги лаҳзаларини оғриқлар исканжасида ўтказиб, чинқира-чинқира, ақлдан озган ҳолда ўлим топган Лениннинг ўнлаб ҳайкаллари ясатилиб, собиқ СССРга қарам бўлган барча давлат ва шаҳарларнинг марказий жойларига токи 1990 йилгача “Зулмнинг тошдан ясалган рамзи” сифатида ўрнатилди...

Қизил империянинг дарз кетиши ва қулаши озодликка ташна инсонларни оёққа турғизди. Улар барча диктаторларнинг ҳайкаллари билан бирга Лениннинг, миллионлаб инсоннинг қотили бўлган Сталиннинг ва бошқа коммунизм раҳбарларининг ҳайкалларини қулатдилар, ахлатга ташладилар ёки сотиб юбордилар. Чехословакиянинг Загреб шаҳри масъуллари, шаҳар шифохонасига хайрия қилиш мақсадида Сталиннинг улкан ҳайкалини сотувга қўйишган ва ҳайкалнинг баҳосини 50 минг доллар деб белгилашган эди.

Камаров (Чехословакия) шаҳри аҳолиси ҳам Сталин ҳайкалини хорижга сотишни режалаштирган эди.

Камаров халқи шундай деётган эди: “Энди Сталиннинг бизга ҳеч қандай фойдаси тегмайди. Ҳеч бўлмаса, шаҳар марказига ўрнатилган ҳайкалини сотиб, фойда олайлик.”

Польшаликлар эса бу борада бошқача фикрда эдилар. Улар қизил диктаторларнинг ҳайкалларини тезроқ йўқ қилишни хоҳлашар, ҳатто Гданскда тўпланган ўн минглаб халқ улкан Ленин ҳайкалига ёппасига ташланиб, полициянинг кўз ўнгида ҳайкални ёқиб юборишган эди.

Польша жанубидаги Нова Хута шаҳрига ўрнатилган баландлиги 10 метрни ташкил қиладиган Ленин ҳайкали эса халқнинг икки ҳафта давом этган норозилик чиқишларидан сўнг шаҳар Мажлисининг “одамларнинг тинчини бузяпти” деган баҳона билан чиқарган қарорига мувофиқ жойидан кўчириб олиниб, ахлатхонага ташланди.

Темир парда (чегара ҳудудлар) ўлкаларидаги барча ҳайкаллар, шу жумладан, коммунизм тимсоли бўлган Лениннинг ҳайкаллари бузиб ташланди.

“БУТЛАР ВАЙРОН ҚИЛИНДИ”

Диктаторлар ҳайкалларининг ҳолати ҳақида хабар берган “Бугун” газетасининг 1992 йил 21 февраль сонидида “Бутлар вайрон қилинди” сарлавҳаси қўлланилган эди. Мақолада эски коммунистик давлатларнинг харобалари Маркс, Ленин ва Сталиннинг ҳайкалларига тўлиб кетганлиги айтилади. Уларда суратлар ҳам жой олганди. Суратлардан бирида ерга қулаган Ленин ҳайкалининг халқ томонидан калтакланаётганлиги акс этганди. Расм остига қуйидаги сўзлар ёзилган эди: “Буюк Ленин... Ленин ўз ватанидан қувилгани ҳолда бошқа ерларда тура оладими?..” Эфиопияда аввалига диктатор Менгистунинг, кейин эса Лениннинг ҳайкаллари топтаб ташланди.

Ишчилар синфининг сиёсий ташкилоти ва ишлаб чиқариш техникаларини инқилоб йўли билан қўлга киритиш ғоясини илгари сурган Ленин ишчилар томонидан оёғос-ти қилинмоқда.

Бошқа суратларда бўйнида арқон билан ерга қулаган Сталин ҳайкали, масхарабозга айлантирилган Маркс ҳайкали ва дарахтга осиб қўйилган Чавушеску бюсти тасвирланган эди. Расмлар остида шундай сўзлар келтирилган эди.

“Доҳийларнинг аянчли қисмати: Сталин тупроққа қоришган, Маркс масхарабозга айлантирилган, Чаушеску дарахтга осилган...”

“Коммунист доҳийларнинг энг қонхўри Сталин ҳайкаллари, бошқа доҳийларнинг ҳайкаллари сингари оловда эритилиб, маъдан ҳолига келтирилишини кутарди. Авва-

лига уларга ҳайкал ўрнатиб, сўнгра оёғости қилган инсонларнинг, бу маъданлардан яна янги ҳайкаллар ясамаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.”

Худди Руминия диктатори Чаушеску ҳайкалларининг кун келиб дарахтга осиб қўйилиши кимсанинг хаёлига келмагани каби...

Хўш, коммунизмнинг отаси Карл Маркс-чи? 3 йил аввал унинг бошига картон қутисини кийдириб, масхарабозга айлантиришга кимнинг ҳадди сиғарди?”

Дунё асли шундай. У ҳеч кимга қолмайди. Зулм билан обод бўлганлар, охир-оқибат барбод бўладилар. Азалий қонун ҳануз амалда. Шартлар ўша-ўша, куфр давом этар, аммо зулм давом этмаётган эди...

Қизил диктатуранинг жирканч юзини кўрганлиги ҳаётига зомин бўлган

МАКСИМ ГОРЬКИЙ

Уҳта ва Соловетск концлагерларидаги “қатъий интизом ва тартиб” исми бутун дунёга танилган машҳур романнавис Максим Горькийнинг диққатини тортганди. Бу ер ҳақида баданни жунжиктирувчи миш-мишлар тарқалган, шу ердан қочган Малсагов исмли тузум мухолифининг “Жаҳаннам ороллари” китоби бу борада бутун дунёга жар солганди.

Ёзилган маълумотларга қараганда, минглаб инсонлар бу концлагерларда жон берарди. Коммунизмга қарши чиққанлар ушбу лагерларда асирларга минг турли

жазо чораларини қўллашарди. ЧЕКА ва ГПУ (Давлат сиёсий диктаторлиги) аъзолари асирларнинг устига бензин қуйиб, тириклайин ёқишар, баъзан қояларнинг орасига динамит қўйиб, “аксилинқилобчи” асирларни портлатиб, одамларнинг парчаланишини завқ билан томоша қилишарди.

Александр Солженицын “Қулоқлар қўшма ороллари” асарида бу лагерлардаги ваҳшийликларни мисоллар ёрдамида китобхон кўз онгида жонлантирган.

АЗОБЛАРГА ЙЎЎГРИЛГАН ҲАЁТ

Даҳшатли зулмлар ва Сталин бошчилигидаги қатлиомлар ҳаддан ошиб, озод диёрларнинг эътиборини торта бошлагач, Қизил диктатура катта зарбалар олди, ташқи дунёда ўз эътиборини йўқота борди.

Ленин ҳам юз минглаб инсонларнинг умрига зомин бўлганди. Аммо бу қизил диктатор 1924 йилда фалаж бўлиб, аянчли ҳолда ўлим топгач, ҳийла-найранг йўли билан ҳокимиятни ўз қўлига олган Сталиннинг қилган ишлари ёзувда ҳам, сўзда ҳам ифода этиб бўлмайдиган даражада даҳшатли эди. Профессор Кугановнинг 1964 йил 14 апрелда босилиб чиққан “Новое русское слово” журнали саҳифаларидан жой олган расмий статистик маълумотларга кўра 1917-1950 йиллар орасида Сталиннинг қурбонлари сони 66 миллионни ташкил этган.

Хур дунёда бу жиноятлар ҳақида хабарлар ва китоблар босилиб чиққач, Сталин ва унинг гумашталари танг вазиятда қолдилар. Улар қарши тарафга ўтишлари лозим эди.

Бунинг учун улар исми бутун дунёга танилган ва “коммунизм ғоясининг оталаридан” бўлган Максим Горькийдан фойдаланишга қарор қилишди. Шу мақсадда Горькийни исканжалари билан шуҳрат қозонган концлагерларга жўнатдилар. Аммо олдиндан эҳтиёт чораларини кўрган эдилар. Лагерда азоб чекаётган хаста маҳбусларни узоқ ҳудудларга жўнатиб юборишган, госпиталлардаги асирларни чиқаришган, барча маҳбусларга янги кийимлар кийдиришган, ҳатто лагерга бориладиган йўл четларига қарамай кўчатларини экишган эди.

Аммо буларнинг барчаси Горькийни шубҳага солган эди. Ҳаёти азоб-уқубатлар ичида кечган Горький, “ҳашаматли бинода” ўтириб, хотира ёзадиганлардан эмасди. Унинг ҳаёти бир роман эди. Асл исми Алексей Максимович Пешков бўлган Максим Горький асарларида рус тилида “аччиқ” маъносини англатадиган Горький тахаллусини қўлларди.

Горький беш ёшида отасидан айрилган. Онаси иккинчи марта турмуш қургач, бир муддат бобосининг қарамоғида қолган. Тўққиз ёшидаёқ бир қанча юмушлар билан шуғулланганди. Мактаб кўрмаганлиги сабабли ишлаш билан бирга ўқиш-ёзишни ҳам ўрганган ва бу борада яхши натижага эришганди. Тибилисида таҳририятда ишлай бошлагач, тамоман “ёзувчилик дунёси”га шўнғиган ва 1895 йилда илк ҳикояси босилиб чиққан.

1899 йилда социал демократлар билан алоқа боғлаган Горький, асарларида даромад тақсимотидаги адолатсизликлар, ночор халқнинг оғир аҳволи ҳақида ёзарди. Шу сабабли Чор ҳукумати томонидан таъқибга олинганди. 1905 йилда “инқилоб ҳозирлаётгани” баҳонаси билан чет элга сургун қилиниши, унинг Чор ҳукуматига қарши

нафратини орттиради. 1907 йилда у Капри оролига жойлашган ва Ленин билан дўстлашганди. 1913 йилда Россияга қайтгач, исми аллақачон дунёга танилган ва асарлари Ғарбий давлатлар тилларига таржима қилинган Горькийни Ленин ва унинг дўстлари ўз ҳимояларига олдилар. Ленин унинг халқ наздидаги эътиборидан фойдаланишни истар, саёҳатларда уни ҳам ўзи билан олиб юрар, халқнинг қаршисига у билан бирга чиқишга ҳаракат қиларди.

ШИДДАТГА ҚАРШИ

Большевистик инқилобдан сўнг Горький билан Лениннинг йўллари айрила бошлайди. Чунки энди Лениннинг Горькийга эҳтиёжи қолмаган эди. Унинг танқидлари диктаторни ташвишга соларди.

Горький куч ишлатиш, тазйиқ ва зўравонликка қарши эди. Аммо Ленин ва унинг тарафдорлари ҳокимиятни эгаллагач, мамлакатда террорни авж олдириб юборишди.

Горький Ленинга хат йўллаб, бу зўравонликка барҳам беришни сўраганида, Лениндан кутилмаган бир жавоб олганди.

Ленин Горькийга юборган мактубида шундай ёзади:

“...Аслида Рус зиёлилари бизнинг миямиз эмас, бизнинг нажосатимиздир. Агар кўп жон олаётган бўлсак, бунга рус зиёлилари айбдор. Нега биз билан бирга юрмайдилар?

Қаерда ҳуррият бўлса, у ерда давлат йўқдир. Халқ ҳурриятни истамайди, улар бунинг маъносини ҳам англамайдилар. Халқнинг истаги зўравонликдир. Халқ куч-қудрат, террор ва қон тўкиш йўли билан бўйсундирилишни

истайди. Диктатуранинг қиличи ҳисобланган ЧЕКА инқилобнинг ҳушёр ва ўткир нигоҳидир.

Рус демократияси барбод бўлганмиш, ҳўш, нима бўпти? Бу шунчаки дунё инқилоби йўлида босиб ўтишимиз лозим бўлган бир босқичдир. (Александр Солженицын. “Қулоқлар Қўшма Ороллари. 1/279”)

Горький Лениннинг бу фикрларига қўшилмаслигини билдирди.

Ленин анчагача Горькийдан қутулиш ҳақида ўйлади. Уни ўлдиртирса ёки концлагерга жўнатса, дунё ҳамжамияти унга маломат тошларини ёғдиришини биларди. Энг оқилона йўл Горькийни сургун қилиш эди. Бунинг учун ёзувчининг касаллиги рўқач қилинди ва 1922 йилда Германияга жўнатилади. То 1928 йилгача ўша ерда қолишга мажбур бўлади.

Горькийнинг Россияга қайтишини эса Сталин истади. Чунки СССРга қаратилган оғир тазйиқ ва танқидларга қарши тура олиш учун Горький каби ўткир қалам соҳибига эҳтиёжи бор эди. Шу сабабли уни Россияга қайтариб олиб келиш учун энг ишончли одамларини юборди.

Уҳта ва Соловетик концлагерларига уни юбориш ҳам Сталиннинг фикри эди. Горький ҳозир лагерларни кезар, аммо барчаси сунъий эканлигини билиб турарди.

“ҚУЛОҚ СОЛ, ГОРЬКИЙ ОТА!”

Горький икки қатор сафга тизилган маҳбусларнинг орасидан юриб бораркан, ўн тўрт ёшли бир йигит ўқдек отилиб чиқди-ю, Горькийнинг оёқларига йиқилиб, фарёд қила бошлади:

“Ёлвораман, бир дақиқа менга кулоқ сол, Горький ота! Бу ерда кўрганларингнинг ҳаммаси ёлғон, сенга ҳақиқатларни айтаман. Ёлвораман, мени эшит, ёлвораман, кунлардир сенинг йўлингга кўз тикиб кутяпмиз!”

ЧЕКА назоратчилари ҳам нима қилишни билмай, гангиб қолдилар. Маҳбусни ундан узоқлаштирмақчи бўлдилар, аммо Горький изн бермади.

Йигитни алоҳида хонага олди ва соатларча унинг гапларини эшитди. У йиғлаган кўйи бошидан кечирганларини сўзлаб берарди:

“Биз Киевда яшардик. Ёзуаллиги билан ном таратган бир опам бор эди. Полиция ходимларидан бири зўравонлик билан унга эришмоқчи бўлди. Биз бунга қаршилик қилдик. У бизни осонгина ўзига бўйсундиrolмаслигини билгач, акамни, онамни ва опамни отиб ташлади. Мен оёғимдан, отам эса бошидан яраланди. Ҳеч ким бизга ёрдамга келмади. Кимса ҳолимизни сўрамади. Қайси эшикни тақиллатсам, ҳаммаси юзимга ёпилди ва ҳаммаси бошқа безовта қилмаслигимни уқтириб, таҳдид қилди. Кўп ўтмай, отамдан ҳам айрилдим. Ёлғиз қолгандим... Полиция нон учун талонимни ҳам олиб қўйди. Менга раҳми келган қўшнилари яширинча бир бўлак нон бериб турдилар. Шу билан кун кечирардим.

Бир куни тунда уйимга бостириб кирдилар. Қўлларимга кишан тақиб, шу ерга олиб келдилар. Айбим эса ота-онам, акам ва опамнинг қотили эканман. Яъни улар коммунизм тарафдорлари мен эса антикоммунист бўлганим учун уларни ўлдирган эмишман. Горький ота, бу айбловда мантиқ борми? Бу фожеа учун полициячи жавоб-

гарликка тортилмагани етмагандай, айбни менинг бўй-
нимга қўйишди, жазони мен тортяпман ва бунинг номи
“коммунизм ахлоқи”ми?

Бу ерда чеккан азобларимиз-чи...”

Кейин эса йигит оролдаги мутасаддиларнинг маҳбус-
ларга ўтказаетган чидаб бўлмас тазйиқлари ва аёвсиз
қатлиомлари ҳақида гапира бошлади. Инсонларнинг оч
итларга талатилгани ва муз устида жон берганларини
сўзлаб берар экан, Горький даҳшатдан титрарди. Инсо-
ният тарихида ҳеч кўрилмаган бу ваҳшатлар қаршисида
Горький донг қотиб қолганди. Кўзларида ёш билан йи-
гитнинг ҳикоясини тингларди. (Н. Ҳалид Эртуғрул, Қула-
ган орзу/ 40)

Горький икки кундан сўнг лагернинг асл қиёфасини
очиб берган ўша йигитнинг ўлдирилганлигини эшитиб,
даҳшатга тушди. Коммунизмга қарши ақлини эгаллаган
саволлар борган сари ортиб борарди. Бу борада янада
кўпроқ маълумот олишга уринар ва борган сари қизил
диктатуранинг даҳшатли юзини яқинроқдан кўрарди.
Энди коммунизмдан нафратлана бошлаган эди.

САССИЗ ДЕВ

“Она”, “Болалигим”, “Дунёда”, “Талабалик йилларим”,
“Ёз мусофирлари”, “Артамоновлар” ҳамда бутун дунё бил-
ган ва ўқиган асарларнинг муаллифи Максим Горький бу
даҳшатли зулмларга норозилигини ифодалаш учун бир
йўл топганди. Сукут сақлаш... Дунё аҳли эътироф этган

бу инсоннинг сукунати ёзишдан ва сўзлашдан ҳам таъсирлироқ бўлди.

Унинг сукунати рус халқининг ва бутун дунёнинг диққатини тортганди. Горький энди ҳеч нима ёзмас, ҳеч нарса демас, ҳеч қаерда кўринмас эди.

Сиёсий бюро наздида Горький каби инсоннинг сукут сақлаши ҳам жиноят эди. Жуда катта жиноят. Унинг бу сукунати “тузумга қарши чиқиш” саналарди. Горький ё совет тузумини улуғлаши, ё бутунлай сукут қилиши керак эди.

Сталин Горькийга чора кўриш вазифасини Яширин полиция бошлиғи Ягодага топширди. У бундай ишларни яхши уддаларди.

Генрик Ягода Сталиннинг зарба берувчи кучи эди. У юзминглаб инсонларни ўлдиртирган, сургунга юборган ёки қамоқхоналарда сўроқ қилиб, қийнаб ўлдирган эди. Ягода “жиноят, суиқасд ва қийноқлар устаси” эди. Кимни қайси йўл билан гапиртиришни, кимни қандай усуллар билан йўқ қилишни яхши биларди.

СТАЛИН ГОРЬКИЙГА СУИҚАСД УЮШТИРДИ

Ягода аввалига Горькийга одам юбориб, унга коммунизм учун ёзишни, куйлашни давом эттиришни таклиф қилди. Горький бу таклифни рад этиш билан бирга, бу қонли террорга мутлақо қарши эканлигини билдирди. Бу сўзлари учун Горький уй қамоғига олинди. Дўстлари билан кўришиш тақиқланди.

Ягоданинг нишони Горький ва унинг барча сирларини биладиган ўғли Максим Пешков эди.

Хукумат, аввало ота ва ўғилнинг хаста эканлиги ҳақида ёлғон хабар тарқатди. Давлат уларга жуда яхши “ғамхўрлик” қилаётганди. Ягода “Тозалаш ишини” тўрт нафар докторга топширди. Улар кейинроқ маҳкамада изоҳ берганларидек, Горький ва ўғлини қуйидагича ўлдирган эдилар:

Максим Горький кислородсиз жойда қолдирилиб, пневмония касаллигига дучор қилинган, ўғли Пешков эса маст қилинган, қор устига ётқизиб қўйилган эди. Шу йўл билан ҳеч қандай қурол ва заҳардан фойдаланмасдан, ҳар икки “душман”нинг бедаво касалликка чалинишига эришилди.

Москва радиоси одатий дастурини узиб қўйиб, Максим Горькийнинг ўлганини маълум қилди:

“Совет ҳукумати ва Сиёсий Бюро аъзолари буюк совет фарзанди ва Ленин-Сталин партияси жонкуяр қурувчисининг жасади қаршисида ҳурмат билан бош эгадилар.”

Эртаси куни эса Қизил ҳокимиятнинг расмий органи бўлган “Правда” газетаси саҳифа четларини қора рангда чиқариб, Горькийнинг ўлимини бош ҳарфлар билан ёзиб қўйди. Ўлим сабаби эса шундай изоҳланди:

“Максим Горький юрак хуружи натижасида вафот этди.”

“Правда”нинг бу хабари ҳам Қизил диктатуранинг сон-саноксиз ёлғонларидан бири эди. Ёлғонлар устига қурилган тузум, бор-йўғи 70 йил давом этган ва алдов шами 1990 йилга қадар ёна олган эди.

Ҳаётининг сўнгги йиллари тезлаштирилган фильм каби ўтган

ТУРГУТ ЎЗАЛ

1993 йил 17 апрель. Президент Тургут Ўзалнинг укаси Юсуф Ўзал терга ботган кўйи уйғониб кетди. У тушида ўзининг юрак хуружидан ўлганини кўрган эди. Аёлига “Ёмон туш кўрдим” деб қўя қолди. Бир неча соатдан кейин Хусну Дўған унга қўнғироқ қилди: “Тургут оғанинг юраги хуруж қилди. Ахволи оғир...” Юсуф Ўзал ерга чўккалаб қолди.

“Менинг тушим акамга дахл қилдими”, – дер эди тинмай.

Бу пайтда Ҳожаттепа тиббиёт бўлими оёққа турганди. Касалхонага ётқизилди дегунча, докторлар Тургут Ўзал учун барча имкониятларини ишга солишди. Анқаранинг энг малакали докторлари касалхонага тўпланди.

Беморнинг яқинлари, дўст-ёрлари касалхонада хавотир билан қўл қовуштириб кутишар, хотини эса тонгда юз берган воқеаларни бир-бир айтиб берарди. Ўзал бу тонг ҳам ҳар доимгидек нонуштадан олдин бироз бадан-тарбия қилди. Соат 10:30 лар чамаси. Унинг ёнида фақат рафиқаси Семра Ўзал бор эди. Бир неча дақиқадан сўнг бирдан юзи оқариб кетди ва ерга йиқилди.

Хизматчилар уни ётоғига олиб кирдилар ва дарҳол доктор чақиртирдилар.

Жуда ғалати. Кўшкда бундай шошилишч вазиятлар бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинмаган, керакли чоралар кўрилмаганди.

Ўзал бутунлай ҳушсиз эди. Аҳволи оғирлашгани учун докторларни ҳам кутмасдан, уни кўшкдаги тез ёрдам машинасида касалхонага олиб кетдилар. Буларнинг барчаси шунчалик тез содир бўлдики, хизматчилар шошиб қолдилар. Тез ёрдам машинасини Ўзалнинг шахсий ҳайдовчиси бошқараётган эди. Соат 10:55 да Чанкая кўшидан йўлга чиққан машина Гулхона ҳарбий тиббиёт академияси томон елиб борарди. Аммо беморнинг аҳволи янада оғирлашгани сабабли, уни Ҳожаттепа тиббиёт бўлимига олиб бордилар.

ТЕЗЛАШТИРИЛГАН ФИЛЬМ КАБИ...

Яқин тарихга ўз тамғасини қўйган бир сиёсатчи касалхона камерасида сўнгги кунларини яшар экан, Туркиянинг миллионлаб аҳолиси бу воқеалардан беҳабар эди. Касалхонага йиғилган беморнинг яқинлари жимгина кутишар, шу билан бирга Ўзалнинг охириги йиллари ҳақида ўйлар эдилар. Ўзалнинг сўнгги йиллари тезлаштирилган бир фильмга ўхшарди. Ҳаётидаги воқеалар шиддат билан юз берганидан, нафақат яқинлари, балки ўзи ҳам шошиб қолди.

Ўқишни тамомлагач, ишга жойлашди ва жадал кўтарила бошлади. 1966-1971 йилларда ДПТ котиби лавозимида ишлади. 1971-1973 йилларда Америкага кетиб, Жаҳон Банкида фаолиятини давом эттирди. 1973-1977 йилларда хусусий секторда ишлади. 1977 йилда МСП томонидан Мажлис раҳбарлигига номзоди қўйилди, аммо ғалаба қозонмади. 1979 йилда Сулаймон Демирал ҳукуматида бош вазир ўринбосари ҳамда ДПТ котиби лавозимларини бўйнига олди ва юлдузи порлай бошлади.

Ўзалнинг мартабаси ортиб боришига 12 сентябрь инқилоби ҳам тўсқинлик қила олмади, аксинча, уни янада юксакларга кўтарди. Тўнтаришдан кейин муваққат ҳукуматда Бош вазир ёрдамчиси сифатида молиявий масалаларга масъул этиб тайинланди. 1983 йилда АНАПни тузиб, 1983 йил 6 ноябрда сайловда қатнашди ва Бош вазир лавозимига сайланди. Ўша вақтда Тургут Ўзал кўшқда инқилоб раҳбари билан учрашганида, паҳлавонлардек бир ҳаракат билан уни қучоқлаб, ҳаммани ҳайратга солган эди.

ҲАЙРАТГА СОЛИШДА ДАВОМ ЭТДИ

Ўзал барчани ҳайратга солишда давом этарди. Масалан, аскарларнинг тил бириктириб тузган режаларини кутилмаган вақтда барбод қилди. Воқеа шундай бўлган эди:

Ўша вақтларда Ҳарбий қўшин қўмондони Неждет Уруғ билан иккинчи қўмондон Неждет Ўзтўруннинг режасига кўра, Уруғ муддатидан бир ой аввал истеъфо сўраши, унинг ўрнини эса Ўзтўрун эгаллаши керак эди. Агар бу режа иш берса, 2000 йилгача белгиланган номлар қўзланган лавозимларни эгалларди.

Бу режадан хабар топган Ўзал ғазабланди. “Қўшин бизга ультиматум қўймоқчи ва бизнинг изнимизсиз Бош қўмондонлик ва бошқа лавозимларни тақсимламоқчи. Биз киммиз у ҳолда? Булар эртага ўзбошимчалик билан қўзғолон қиладилар, тўнтариш уюштирадилар...” Ўзал дарҳол зарур чораларни кўрди. Кутилмаганда Неждет Ўзтўрун ва Неждет Уруғни нафақага чиқарди. 1987 йил 29 июнда бу қарорини

Ўқиб эшиттирди ва лавозимнинг янги эгасини ҳам эълон қилди: генерал Нежиб Торунтай... Қарор ўша заҳоти кучга кирди. Торунтай аввалига захирадаги кучлар қўмондонни, кейин эса ҳарбий қўшин қўмондони этиб тайинланди.

Ўзал шу йўл билан қўшин қўмондонларининг яширин режаларини барбод қилди. Аммо бу кўпчиликнинг норозиликка сабаб бўлди.

Ўзалнинг қатъий чекловлари амалдорларни безовта қила бошлади. Ўзал давлатнинг 70 йилдан бери Ягона партия томонидан идора этилганлигини қораларди. “Отатурк илоҳ эмас” деб таъкидлар, расмий сиёсат ҳолига келтиришга ҳаракат қилинган бир хатоликка ойна тўтарди. Телевидениедаги сиёсий дастурларни шахсан назорат қилар, ўзининг талаб ва чекловларини илгари суларди. Буларнинг барчаси ноодатий тадбирлар эди. Бу эса кўпчиликнинг қаршилигини келтириб чиқарди. Бу норозиликларнинг оқибати қандай бўлади? Ҳаммани шу савол қийнар экан, жавоб ҳам кечиктирилмади. АНАПнинг 1988 йилдаги конгрессида Ўзалга суиқасд уюштирилди. Каргал Демирағ исмли ёлланма қотил Ўзалга ўқ узди. Тўппончадан отилган ўқ Ўзалнинг бармоғини яралади. Суиқасд бартараф этилгач, Ўзал шундай деган эди:

“Бу жонни менга Аллоҳ берди, фақат унинг ўзи ололади. Мен ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмайман...”

Суиқасд кейинги йилларда кўп муҳокамаларга сабаб бўлди. Ўзалнинг яқинлари бу суиқасдни разведка ташкилотлари уюштирган, деб ҳисоблардилар. Ўзалнинг укаси Қўрқут Ўзал ҳам шу фикрда эди ва бу ҳақиқатни Тургут Ўзалнинг ўзи ҳам билишига ишончи комил эди.

АНАПнинг Битлисдаги депутати ва нафақадаги аскар, прокурор Фаик Таримжиўғли ўқ узилган қурол катта гулчамбар ичига яширилган ҳолда ичкарига олиб кирилганини ва суиқасддан сўнг кастюми остига милтиқни яшириб қочган бир одамни аниқ кўрганини таъкидлади. Таримжиўғлининг фикрича, бу иккинчи киши Ўзалга ўқ узган Демирағни ўлдириши, шу йўл билан унинг сўроқ қилинишига йўл қўймаслиги керак эди. (1997 йил 20 февраль, “Вақт”)

МУНОЗАРАЛИ ИСЛОҲОТЛАР

Ўзалнинг иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлари кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Айниқса, Кўрфаз уруши вақтида олинган қарзлар атрофдагилар норозиликка сабаб бўлди. У вақтларда Ўзал ҳукумат раҳбари эмас эди. 1989 йил 31 октябрда Президент этиб сайланди. Унинг собиқ партияси вакиллари ичида обрўси баланд эди ва бу истаган қарорини қабул қилишига замин яратди. Ўзал “Бирни қўйиб йигирмани оламиз” деди ва Америкадан яна қарз олди. Аммо оқибат у ўйлагандек бўлиб чиқмади. Ўйламай қилинган бу тадбир ҳам мамлакатнинг, ҳам халқнинг иқтисодий танглик ичида қолишига олиб келди.

СЎНГИ САЁҲАТЛАРИ

Ўзал кейинги пайтларда АҚШ ва Европа давлатларида юз берган тўнтаришлардан безовта бўла бошлади. Болқон саёҳатидан кейин Ўрта Осиё сафарига чиқди. Бу ердаги турк мактабларига эгалик қиларди. Унинг ҳара-

катлари ғарб давлатларининг ғазабини қўзғата бошлади. Арманистонга уюштирилаётган тажовузлар ҳақида сўз борганда “Арман тупроқларига бир нечта бомба тушса ҳам ҳеч нарса қилмайди” деган эди.

Давлат мансабларининг энг юқори поғонасини эгаллаган ва биргина имзоси билан кўплаб қонунлар қабул қилган Ўзал, ҳозир жонлантириш бўлимида ўлим билан олишарди. Қон босими кескин тушиб кетганидан бир неча марта юраги уришдан тўхтади. Докторлар узлуксиз массаж ва электрошок муолажаларини қилардилар.

Ўзалнинг аҳволи дақиқа сайин оғирлашиб борарди. Операцияда юрак жарроҳлари, кардиологлар, неврологлар ва анестезиологлардан ташкил топган гуруҳ иштирок этарди. Ичкарида докторлар медицинанинг барча имкониятларини ишга солишар экан, ташқарида “журналистлар қўшини” бетоқат бўлиб кутардилар.

Ўзалнинг яқин дўстлари эса унинг кейинги вақтлардаги кун тартиби ҳақида суҳбатлашар эдилар. Унинг кундалик юмушлари илгари ҳам Америкада юрак жарроҳлигини бошидан ўтказгани учун оғирлик қиларди. Ўзалнинг ўзи ҳам буни биларди. Ўрта Осиё сафаридан қайтганида жуда ҳорғин эди. Ўшанда у яқинларига “Сафар мени жуда чарчатди. Ўзимни ёмон ҳис қиляпман” деганди. Шунга қарамай, соғлом бир одам ҳам тоқат қилолмайдиган кун тартибини канда қилмасди. Юрак хуружи рўй беришидан бир кун олдинги яъни, 1993 йил 16 апрелдаги кун тартиби қуйидагича эди: соат 10:30 да Қонунчилик маҳкамасининг ҳақиқий аъзолигига сайланган профессор Сажит Адалининг қасамёд қилиш маросимида қатнашган, соат 15:00 да Бош вазир Сулаймон Демирални

Чанкая кўшкига таклиф қилган ва бироз суҳбатлашган. Соат 16:00 да ЮНЕСКО Бош котиби Федерико Майорни қабул қилган. Соат 18:30 да эса болгар рассоми Каменов Захари ва ҳайкалтарош Вежди Рашидовлар томонидан уюштирилган кўргазмани томоша қилиш учун Армани санъат галериясига борган. Чамаси бир соат давомида кўргазмага қўйилган асарларни кузатиб, ижодкорлар билан суҳбатлашган. Анқара ёйли чолғувчилар квартетининг концертида ҳам иштирок этган.

Ўзалнинг хаста юраги бу чарчоқларга дош беролмади. Одам боласи ожизи мутлақ ва фақири мутлаққа тобеъ эканлигини бетоб бўлганида яхшироқ англайди.

Бир сўзи билан миллионлаб инсонларнинг ҳаётига таъсир қиладиган ислохотларни амалга оширган Тургут Ўзал на гапирар, на қимирлай оларди.

СЎНГГИ ЛАҲЗАЛАР

Мухбирларга илк расмий изохни Республика матбуот котиби, бош элчи Қая Топари берди. Давлат раҳбарининг юрак ва қон томир етишмаслиги туфайли қон босимининг кескин тушиши оқибатида юзага келган оғир аҳволи ҳақида хабар қилди.

Топари соат 14:00 да Ўзалнинг аҳволи янада оғирлашганини билдириб, шундай деди:

“Ҳаммамиз биргаликда дуо қилайлик”.

Соат 14:30 да эса барчани чуқур қайғуга солган хабар айтилди:

“Ўзал вафот этди. Аллоҳ раҳматига олсин”.

Бу хабар тез орада бутун Туркияга ёйилди. Шу заҳотиёқ, байроқлар бироз туширилди. Спорт мусобақалари бекор қилинди. Радио ва телевидениенинг одатий дастурлари ўзгартирилди.

ЎЛИМ ҲАҚИҚАТИ

1993 йил 17 апрель куни соат 14:30 да футбол ёки бошқа дастурларни томоша қилиш учун телевизор қаршисига ўтирганлар, бир мисралик хабарни кўриб, эшитиб, ҳайратда қолдилар:

“Турк миллатига Аллоҳ сабр берсин!”

“Нималар бўлди, ким ўлди?” деган саволлар айтилиб улгурмасданоқ, телевидение одатий дастурларни кесиб, қуйидаги хабар эълон қилинди:

“Давлат раҳбари Тургут Ўзал Ҳожаттепа касалхонасида вафот этди!”

Шу дақиқадан эътиборан бутун Туркиянинг нигоҳи Анқарага қадалди. Баъзилар “Бу қандай бўлди? Кечагина жуда хурсанд эди, суҳбатлашди, ҳазил-ҳузул қилди, бу қандай бўлди?” дер эдилар.

Ўлим ҳақиқати қаршисида титраганлар билан бирга уни юракдан севганлар ҳам бир онда чуқур қайғуга ботдилар.

Мусулмонлар учун ўлим йўқлик, ҳечлик эмасди. Шунчаки, бир кўчиш эди, дўстлар билан қовушиш эди. Вазифасини тугатганлик ҳақидаги маълумотнома эди.

Умри давомида ҳаёт неъматини, жисм ва нафасни берган Роббиларининг кўрсатмалари асосида сарфламаганлар, ўзларини яратган Аллоҳни инкор қилганлар учун эса ўлим бир дор кабидир. Шу туфайли ўлимдан кўрқишади, титрашади. Ўлим ҳақида ўйламаслик учун худди туяқуш каби бошларини кайф-сафо ботқоғига ботирадилар. Аммо қаерга қочсалар ҳам, охир-оқибат ажал келиб, уларни ҳам топади. Мана, ҳозир ҳам шу каби инсонлар Ўзалнинг кутилмаган ўлиmidан ҳайратланмоқдалар.

Дунёпарастлар ҳар куни юзларча, мингларча инсоннинг ўлимига гувоҳ бўлишса-да, буларни кўрмаганликка олишади. Аммо ҳозир давлат раҳбарининг ўлими туфайли яширишга ва яширинишга уринганлари ўлим ҳақиқатини яна бир бор англаб етдилар.

ЖАНОЗА МАРОСИМИ

Ўзалнинг вафотидан сўнг оиласи унинг васиятини ўқиб эшиттирди. У ўзини Ватан кўчаси бошига дафн этилган марҳум Аднан Мендерес, Фатин Рушту Зорлу ва Ҳасан Пўлатхонларнинг ёнига кўмишларини васият қилганди.

Ўзал учун дабдабали бир жаноза маросими ўтказилди.

Унинг жасади ўлиmidан уч кун ўтгач, 20 апрелда ТБММ-да катафалкка қўйилди ва бу ерда маросим ўтказилди. 21 апрелда Кўжатепа масжидига олиб борилди. Бу ерда тўпланган гавжум одамлар иштирокида жаноза намози ўқилгач, жасадни самолётда Истанбулга олиб кетдилар.

22 апрель пайшанба куни Ўзалнинг жасади Чапа тиббиёт академиясидан олиниб, Фотиҳ масжидига келти-

рилди. Ҳали тонг отмасданоқ, масжид ичкараси, ҳовлиси, атрофидаги кўчалар одамлар билан гавжум эди. Имом Абдурахмон Гурсес бошчилигида жаноза намози ўқилди. Сўнгра жасадни қабристонга олиб кетдилар.

БАҲСЛАРГА САБАБ БЎЛГАН ЎЛИМ

Тириклигида амалга оширган ислоҳотлари муҳокама қилинган Ўзалнинг ўлими ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Яқинларининг фикрича, Ўзалнинг ўлимида жуда кўп жумбоқ ва сирлар бор эди. Масалан, Ўзалнинг ўлим сабаблари ҳақида экспертиза хулосаси чиқарилдими?

Нега ўлганлиги ҳақида хабар берилгач, Гулхона ҳарбий тиббиёт академияси моргига олиб кетилди? Агар жасад экспертиза учун олиб кетилган бўлса, экспертиза хулосаси қаерда?

Шу каби саволлар билан бир қаторда, америкалик докторлардан шубҳа қилаётганлар ҳам бор эди. Юрак операцияси жуда мураккаб жараён. Юрак амалиётида бемор танасининг маълум қисмидан томир олиниб, беркилиб қолган томирнинг ўрнига кўчирилади. Бу томирнинг инсон танасининг қайси қисмидан олингани ва неча сантиметр эканлиги жуда муҳим. Тиббий билимга эга бўлганларнинг баъзилари, америкаликлар Тургут Ўзалнинг ҳаёти борасида ўзлари қарор қабул қилган бўлишлари мумкинлигини айтардилар.

Хуллас, тириклигида, айниқса, умрининг сўнгги йилларида амалга оширган ислоҳотлари баҳсларга сабаб бўлган Ўзалнинг ўлими ҳам муҳокамаларга сабаб бўлаётганди.

Орадан йиллар ўтгач, 2002 йил апрель ойида Ўзалнинг ўлимига алоқадор тахминлар марҳумнинг оиласи ва яқинлари томонидан такрор ўртага ташланди. Телевидениеда мунозаралар уюштирилди. Тургут Ўзалнинг рафиқаси Семра Ўзал эрининг ўлими ҳақида шундай дейди:

“Тургут Бей соатли бомбага ўхшаган бирор заҳар ёрдамида ўлдирилган бўлиши мумкин. У худди юрагидан ўқ егандек ўлди. Эрим илгари ҳам юрак хуружини бошдан кечирган, аммо бу галгиси бошқача эди. Қандай қилиб давлат раҳбарига экспертиза хулосаси чиқарилмаслиги мумкин. Тургут Бей вафот этганида ундан хотира бўлсин деб, сочидан бир тутам кесгандим. Давлат, Мажлис нега бу соч толаларини АҚШга жўнатиб текширтмади?”

Узоқ вақт давомида Президент Тургут Ўзалнинг ҳафвсизлигига жавобгар бўлган Мусо Ўзтурк Семра Ўзал томонидан шу кунгача сақланган Тургут Ўзалга оид соч толасининг АҚШдаги ЖИА ва ФБИ лабораторияларида текширилишини ва Ўзалнинг ўлдирилганлиги ҳақидаги тахминларни республика прокуратураларида “Жиноий иш” сифатида кўриб чиқилишини сўради.

Ўзалнинг ўғли Аҳмед Ўзал ўз шубҳа-гумонларини шундай ифодалайди:

“Ўйлаб кўринг-а, Ҳожаттепа касалхонасида олинган қон 5 йил мобайнида сақлаб келинган. Мен бу қоннинг ҳалигача сақланаётганини бир теледастурда тасодифан эшитиб қолдим ва 1998 йилда уни беришларини талаб қилдим. Эртасигаёқ ўша қон йўқолиб қолди. Ваҳоланки, мен сўраганимда Ҳожаттепа касалхонаси лаборатория бўлими бошлиғи қон намунаси шу ерда эканлиги-

ни айтганди. Кейин эса қоннинг ҳамширалар томонидан тўкиб юборилганлигини айтдилар. 5 йил сақлаб қўй-да, бир кунда йўқот. Буларнинг барчаси касалхонанинг архив маълумотларида қайд қилинган бўлиши керак эди. Аммо уларни ҳам топа олмадик”.

Ўзалнинг ўлими ҳали анча баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган кўринади. (Китоб нашрга тайёрланыпти ва бизнинг қўлимиздаги маълумотлар шу билан чегараланган.)

Халқ очликдан азият чекаётганда қирқ хонали вилласида маишат қилган

НИКОЛАЙ ЧАУШЕСКУ

1989 йил 21 декабрда Руминияда ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бир ҳодиса рўй берди. Мамлакатнинг ягона диктатори Николай Чаушеску Оқсарой балконида туриб халққа мурожаат қиларкан, аввалига оламон орасида ғала-ғовур кучайди. Кейин эса халқ худди бомба каби портлаб, 70 йиллик ғазабини кўрсатди. Неча йиллардан буён ҳар бир сўзи қонун ҳисобланган диктаторнинг юзи оқарди ва титрай бошлади. Бу нимаси? Қандай қилиб халқ унга қарши чиқиши мумкин? Ахир бу халқ шу кунга қадар унинг буйруқларига сўзсиз итоат қилган, бир соя каби Қизил диктатурага эргашган эди-ку. Майдонлардаги Ленин ва Сталин ҳайкаллари қаршисида ҳурмат билан бош эгган, айниқса, ўзи қатнашган йиғинларда уни алқаган халқ қандай қилиб бундай муносабат кўрсатиши мумкин?

Устига-устак, бутун мамлакат бўйлаб норозилик ҳаракатлари авж олган, Қизил диктатура дарз кетган эди. Чаушеску диктатуранинг жар ёқасида турганини биларди. Сўнгги чора сифатида яширин полиция ташкилоти бўлган ДССни ишга солди. У норозилик ҳаракатларида иштирок этганларни ўққа тутишни буюрди. Ҳарбий қисмларга ҳам қаршилик кўрсатган барчани ўлдириш ҳақида буйруқ берди.

ДАБДАБАЛИ ҲАЁТ

ДССнинг одамларга қарата ўқ узиши, халқни янада ғазаблантирди. Ҳарбий қисмларда эса вазият бутунлай бошқача тус олди. Чунки бу аскарлар Қизил диктатура панжасида азият чекканларнинг фарзандлари эди. Боз устига улар ҳам 70 йиллик ёлғонга ишонтирилган, коммунизм алдовлари келтириб чиқарган оқибатлардан жабр кўрган эдилар. Аскарлар одамларга қарши қилич кўтариш ўрнига, қурол-яроғлари билан бирга халқнинг ёнидан жой ола бошладилар. Офицерлар ҳам аскарларга қўшилди.

Қизил империя кулаш арафасида эди. Чаушеску ва унинг оиласи 21 декабрь кечасининг ҳар сониясини қўрқинчли туш каби ўтказди. Қирқ хонадан иборат ҳашаматли вилла энди уларга зиндондек туюларди. Ахир бу бинода қанчалар дабдабали ва шоҳона бир ҳаёт кечирган эдилар-ку?! Халқ очликдан ўларкан, улар олтин товоқларда олти турли овқат едилар. Чаушеску ва унинг рафиқаси Еленанинг бир одати бор эди: улар бир кий-

ган либосларини бошқа киймасдилар. Николай Чаушескунинг кийим жавонида 85 та шойи пижама бор эди. Уларнинг кийимлари, оёқ кийимларининг ҳад-ҳисобини билиб бўлмасди.

Чаушеску қирқ хонали вилласини безатиш учун музейлардаги бир-биридан чиройли оригинал асарларни келтирганди. Унинг чўмилиши учун ғарбдан маъданли сув олиб келинарди.

Букрешдаги бу саройдан ташқари бошқа кўплаб виллалари, ёзги уйлари бор эди. Буларнинг орасида Нептун шаҳрида Қораденгиз бўйида жойлашган ёзлик уйи тилларда дoston бўлганди. Бу уйнинг ўзгача пляжи бор эди. Пляждаги қумлар махсус ишчи гуруҳ томонидан элакдан ўтказиларди. Бу уйда тиш даволаш учун лозим бўладиган жиҳозлар, сув билан тўлдирилган ҳовуз ва иситиш тизимига эга бўлган яна бир ҳовуз бор эди.

ДИКТАТОРНИНГ ҚОЧИШИ

Қизил империя аллақачон қулаганди. Энди бу саройнинг деворлари Чаушескунинг устига ёпирилиб келаётгандек туюла бошлади. Ягона чора бу ердан қочиш, ўзи ва рафиқасининг жонини сақлаб қолиш эди. Аммо қаерга қочиш кераклигини ҳам билмасдилар.

1989 йил 22 декабрь куни тонг саҳарда, Чаушеску ва Елена ишончли одамлари билан бирга виллани тарк этдилар. Машинада Букреш кўчалари бўйлаб бироз юрдилар. Бу машина эътиборни тортиши аниқ. Уни алмаштириш лозим. Кўчаларнинг бирида машина юваётган, кейинроқ

исми Петрисор эканлиги маълум бўлган бир кишини кўрдилар. ДСС ходими машинадан тушиб, унинг ёнида борди. Машинани ўт олдиришни буюрди. Чаушеску ва Елена унга ўтирдилар. Машина шаҳар кўчалари бўйлаб илгарилаб кетди. Йўл бўйи қаерга бориш кераклиги ҳақида баҳслашдилар. Чаушеску ҳеч қаерга боришни истамасди. Тўғрироғи, оқибатидан кўрқарди. Вақт ўтган сари йиллар мобайнида бутун мамлакатни титратган диктаторнинг кўрқувлари ортиб борарди. Бироз ўйга толгач, йиғлай бошлади. Эрининг ўзини йўқотиб қўйганини кўрган Елена тўппончасини Петрисорнинг бошига тираб, йўлда давом этишни буюрди.

Атрофга тун соя ташлай бошлаганида улар Парк ва боғчалар мудирлигига етиб келдилар. Чаушеску Петрисорга бинога кириб ёрдам сўрашни буюрди. У халқнинг ўзи учун ҳар қандай фидокорликка ҳозир эканлигига ишонарди. Петрисор бинога кирди. Бу ерда ўн-ўн икки нафар киши телевизордан кўз узмай ўтирарди. Петрисор Чаушеску ва унинг рафиқаси ташқарида, машинада эканлигини айтганида ҳамма ҳайрон қолди. Чунки телевизорда диктатуранинг қулаганлиги ҳақида сўз борарди. Ишчилар йиллар мобайнида одамларга қон қустирган диктаторнинг “яланғоч қирол” эканлигини англаган ва ундан қутулиш йўлларини излаётган эдилар. Улар Петрисор билан бирга режа туздилар. Петрисор ташқарига чиқиб, машинада кутаётганларни имлади. Бинога киришлари биланоқ, ишчилар уларни тутиб, хоналардан бирига қамаб қўйдилар ва шу заҳоти уларни таъқиб қилаётган ҳарбий қисмларга хабар бердилар. Аскарлар диктатор ва унинг рафиқасини олиб кетдилар.

Жон талвасаси билан ҳатто Еленанинг онасини ҳам виллада ташлаб кетган диктатор охир-оқибат қўлга олинди.

Миллионлаб инсонларни зир титратган диктатор энди бир нечта аскар қаршисида қўрқувдан қалтирар, қўйиб юборишларини сўраб зорланар, аммо ёлворишлар кор қилмасди.

Уларни казармага олиб бордилар ва зирҳли машинага чиқардилар. Бу машина 3 кун давомида казарма ичида айланиб юрди.

1889 йилнинг 27 декабри. Чаушескуларнинг сўнги куни эди. Суд уларни ўлимга ҳукм қилди. Ҳар иккиси ҳам тирик мурда каби турардилар. Ўша куни улар казарма ҳовлисида отиб ташланди. Бир пайтлар бутун бошли мамлакатга ўз ҳукмини ўтказганлар, энди девор остида ичи бўш икки қоп каби букилиб ётардилар.

ДИКТАТОРЛИКНИНГ ИЗЛАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Халқ Қизил диктатурадан шунчалар нафратланардики, уни эслатадиган энг майда унсурни, изни ҳам йўқ қилишни истарди. Энг аввало, байроқлардаги ўроқ ва болғани қирқиб олдилар. Мамлакатдаги зулмнинг тошдаги рамзи бўлган ҳайкалларни бузиб, ахлатга ташлашди. Йиллар мобайнида халқнинг нафас олишини ҳам назорат қилган ДСС бинолари талон-торож этилиб, яширин ҳужжатлар қўлга киритилди. Бу ҳужжатларни кўрганлар ҳайратдан ёқа ушлашарди.

Хўш, қаердан қаерга етиб келишди? 1989 йил 20 декабрь куни бутун дабдабаси билан оламини титратган, ҳеч

йиқилмайдигандек кўринган, ДСС воситасида мамлакатда кўрқув шабадасини эстирган бир тузум, 24 соат ичида ер билан бир бўлганди. Бу дунё қирқ хонали саройда умргузаронлик қилган Чаушескуларга ҳам вафо қилмади.

“Ёмон қўшни”нинг машҳур одами ойларча азоб чекиб, вафот этди

АНДРЕАС ПАПАНДРЕУ

Ўзидан 36 ёш кичик стюардессага кўнгил қўйгач, унинг ҳаёти бутунлай ўзгариб кетди. Ўша севгилиси учун у тўрт фарзандининг онаси, америкалик хотини Маргарет билан ажрашди. Бу “америкалик рафиқа” эри учун кўп нарсадан воз кечганди.

Андреас Папандреу 1959 йилда Грецияда сиёсатга шўнғиб, ҳоким этиб сайлангунга қадар Америка фуқароси эди. Бир неча давлатларда кезган ва яшаган Андреас олий таълимни Америкада тамомлаб, фуқароликни олган, ҳатто ҳарбий хизматни ҳам ўша давлат қўшинида ўтаган эди.

Папандреу “сиёсий жиҳатдан” Америка фуқаролигидан чиқарилган, аммо Америка билан муносабати ва “илиқ дўстлиги” давом этарди. 1967 йилда Албайлар (полковниклар) хунтаси зўравонлик билан бошқарувни қўлга олишга урингач, Андреас қамоққа олинди. Аммо Американинг аралашуви ва АҚШ Президенти Жонсоннинг “буйруғи” билан озод қилиниб, хорижга юборилди.

ТУРКИЯДАН ҚАРЗДОР

Папандреу сургундан кейин яна сиёсатга қайтгани, 1981-1993 йилги сайловларда бош вазир этиб сайлангани учун Туркиядан қарздор эди. Туркия 1974 йилда Кипрга юриш қилгач, Албайлар хунтаси тарқатиб юборилди. Шу тариқа диктатура тугатилди. Баъзи амалдорлар каби Андреас ҳам ўз юртига қайтди.

Папандреу ота-боболарининг азалий душманлигини давом эттириш йўли билан Туркияга “қарз”ини қайтаришга ҳаракат қилди. Афсуски, унинг заифлашиб қолган юраги бунчалар ғазабни, нафратни, тўзонли севги ҳаётини кўтаролмас эди. 1995 йил 20 ноябрда бирдан касалхонага тушиб қолди. Роппа-роса тўрт ой касалхонада ҳар кун ўлим билан олишиб, даҳшатли оғриқлар ичида ётди. Тузалишига ҳеч қандай умид қолмагани боис вазифасидан ҳам озод қилинди. 1996 йил 21 март куни касалхонадан чиқарилган Папандреунинг соғлиғи доимий тарзда назорат қилинарди. У яна сиёсий ҳаётга шўнғишни истарди. Бу вақтда у 77 ёшда эди.

Папандреу жуда кўп дори ичар, аҳволи жуда оғир эди. 1996 йил 23 июн соат 2:30 да Афина радио каналлари одатий дастурларини тўхтатиб, Папандреунинг “юрак етишмаслигидан вафот этганини” маълум қилдилар.

Бу хабардан юнонлар шошиб қолдилар. Жуда ғалати: 77 ёшли, илгари жигар ва юрак хасталикларини бошидан кечирган, тўрт ой давомида касалхонада ўлим билан олишган инсоннинг вафоти ҳам одамларни ҳайратга

соларди. Бунинг сабаби маълум: одамлар ўлишни истамайдилар. Аммо ҳамма ўлади. Абадийлик эса ўлимдан кейиндир. Ҳашр майдонида уйғонгандан кейин... Аммо иймони йўқлар “Кошки, юз минг карра азоблар исканжасида тўлғониб ўлсайдим ва бугун қайта тирилмасайдим!..” дейдилар. Лекин бу нидолар азалий ва абадий ҳақиқатни ўзгартиролмайди.

Ўлимдан кейинги ҳаётдан жуда қўрққан

АЗИЗ НЕСИН

У ғалати васият қилган эди. “Жасадимдан тажриба ўтказиш учун фойдаланилсин”, “Диний анъаналарга кўра дафн этилишни истамайман”, “Вақф боғчасига кўмилишни истайман” дер эди.

Ҳукумат Несиннинг “Вақф” боғчасига кўмилиши ҳақидаги талабини рад этгач, “Ҳукумат алмашмагунча ўлмайман”, – деди. Аммо вақт бир ип, бир арқон каби унинг бўйнига ўралган, тортқилаб “ажал дори”га етакларди. Ўлимдан қутулиш имконсиз. Ҳаётни “омонат қилиб берган” Аллоҳ таоло вақти келиб уни қайтариб олади. Аммо Азиз Несин вужудини мукамал қилиб яратган, коинотдаги ҳар заррага Тавҳид муҳрини урган Аллоҳ таолога ишонмасди. Исломга ишонмасди. Шу билан бир қаторда, уларга қарши курашарди ҳам. Ҳар ҳаракати билан мусулмонларнинг эътиқодига қарши чиқарди. Айниқса, ҳаёти охирида борган сари, унинг бу туйғуси янада кучайди.

Ҳолбуки, асл исми Меҳмет Нусрат бўлган Азиз Несиннинг отаси Абдулазиз Афанди диндор одам эди. Ўғли-

га ҳам қўлидан келганча диний билимларни ўргатганди. Афсуски, Азиз Несин отасининг уринишларига қарамай, эътиқодсиз бўлиб етишди. Шу сабабли отаси уни “атеист” дер эди. Азиз Несин 23 туманлик қўшинга қўмондонлик қилган чоғларида аскарларнинг маошини ўзлаштирганликда айбланиб, 3 ой-у 10 кун қамокда ётган ва лавозимидан бўшатишган эди.

Ишидан айрилган Азиз Несин энди қаламига суяниб, ўзи билан бир тупроқда яшаётган инсонларнинг диний шеърларига танқид ёғдира бошлади. Унинг бу ҳаракатлари Россия ҳукуматига жуда қўл келди. Қизил идеология қаттиқ татбиқ этилаётган бир пайтда Азиз Несиннинг китоблари Россияда “энг кўп сотилган китоблар” орасидан жой олди.

ИСЁНКОР СЎЗЛАР

Аввалига СССРга қарам бўлган барча мустамлакаларда коммунизм дарз кетиб, бутлари билан биргаликда ерга қулагач, Азиз Несин ўзгариб қолди. Барчанинг диққатини ўзига қаратиш учун ғалати иддаолар қилди. Масалан, кунларнинг бирида “Турк халқининг 60 фоизи аҳмоқ” дер, бошқа кун эса бунга ҳам қаноат қилмай: “Туркларнинг 60 фоизи аҳмоқ дедим. Аммо менимча, бу ҳам камлик қилади. Аслида 1982 йилда конституциянинг қабул қилинишига рози бўлганларнинг ҳаммаси аҳмоқ”, – деди.

Ёши ўтган сари соғлиғида муаммолар кузатила бошлаган, инжиқлиги ҳам кундан-кунга ортиб борарди. 1994 йилнинг ёзида простатит амалиётини бошдан кечирган,

шундан кейин кўзи кўрмай қолган эди. Азиз Несин 1992 йилда ҳам юраги операция қилинганини ва шу амалиётдан сўнг кўриш қобилияти пасайиб кетганлигини таъкидлаган эди.

Газета ва телевидениеларда берган интервьюлари билан барчанинг диққатини тортишга уринган Азиз Несиннинг номи 1993 йил 2 июль куни рўй берган Сивас воқеалари туфайли бир лаҳзада газета ва журналларнинг илк саҳифаларидан жой олди.

СЎНГГИ ЛАҲЗАЛАРИ

1995 йил 6 июль... Фочада бир танишининг уйида суҳбатлашишар экан, унинг аҳволи оғирлашди. “Россияда ортирган касалим хуруж қилди чоғи, ўтиб кетади”, – деди. Ярим кечаси кўзғалиб, ўзи қўним топган меҳмонхонага кетди. У ерда аҳволи янада ёмонлашди. Нафас олишга ва гапиршга қийналди. Атрофидагилар чорасиз қолдилар. Азиз Несин уларнинг кўз олдида секин-аста жон бераётганди.

Докторлар меҳмонхонага етиб келганларида кеч бўлганди. Азиз Несиннинг юзи оқарган, жонсиз танаси эса совий бошлаганди.

ТУБСИЗ ЧУҚУРЛИККА КЎМИЛДИ

Азиз Несиннинг ўлиmidан сўнг Вазирлар кенгаши унинг васиятини амалга оширишга қарор қилди. Президент Сулаймон Демирал ҳам буни маъқуллади. Азиз Не-

син ўз номи билан аталган вақф боғчасига кўмилиши ре-
жалаштирилди, жасади ювилмади, жаноза ўқилмади, ди-
ний маросим ўтказилмади. У яна жасадидан тажриба учун
фойдаланишни васият қилганди. Аммо докторлар унинг
органлари ишдан чиққанлигини, тажриба учун фойдала-
ниб бўлмаслигини айтдилар.

Тажриба учун яроқсиз деб топилган жасад вақф боғ-
часига олиб келинди. Боғчада 8 та лаҳм ковланган эди.
Барчани бу ердан узоқлаштирдилар. Жасад ўша чуқур-
лардан бирига қўйилди. Гўрков ҳамма чуқурларга бир-
ма-бир тупроқ тортди. Азиз Несиннинг васиятига кўра,
унинг мозори ҳам номаълумлигича қолди.

Сўнгги йилларда атеистларга яширин суиқасдлар
уюштирилиб, айбни диндорларнинг бўйнига қўйиш урф
бўлган. Вақт ўтиши билан жиноятнинг асл моҳияти ўр-
тага чиқади. Аммо бунгача кўтарилган ғала-ғовур халқ-
ни паришон этади. Азиз Несин эса “80 фоизини аҳмоқ”
деб ҳисоблаган халқни ранжитувчи сўзларни айтди-ю,
ҳеч қандай қотилга нишон бўлмасдан, бу дунё саҳнаси-
ни тарк этди.

Ўтган аср жаҳонгирларидан бири

ЖАВҲАР ДУДАЕВ

1996 йил 22 апрелда бутун дунёни тўлқинлантирган
бир хабар тарқалди:

“Чечен зиёлиси Дудаев руслар томонидан бомбарди-
мон қилиб ўлдирилди!”

Хабар ўз тасдиғини топгач, мусулмонлар чуқур қай-ғуга ботдилар. Аммо улар Дудаевга нисбатан ғайридинлар каби “ўлди” калимасини қўлламадилар. Зеро, Қуръони Карим бу сўзни ишлатишни ман этади. Аллоҳ таоло “Бақара” сурасининг 154 - оятида шаҳидлар ҳақида шундай дейди:

“Аллоҳ йўлида ўлдирилганларга “ўлик” деманглар. Аксинча, улар тирикдирлар. Фақат сиз буни сезмайсиз”.

Дудаев бутун дунёга “чин иймонга эга бўлганларнинг бутун коинотга қарши тура олишини” исботлаб берган шаҳидлардан бири эди. Чеченистон аҳолиси бор йўғи 1 миллион 200 мингга ташкил этарди. Уларнинг қаршисида эса замонавий курулларга эга бўлган 150 миллионлик Россия қўшини турарди. Аммо бу камчилик мусулмонлар, худди Таълутнинг қўшини каби курашган, куфрнинг бутун қўшинларига қарши чиққанди. Бу дунё тарихида кўрилмаган бир кураш эди.

КУРАШНИНГ БОШЛАНИШИ

Чеченлар неча асрлардан бери рус кофирлари билан курашди. Шайх Шомилнинг 1859 йилгача, роппа-роса 40 йил давом этган шонли кураши тилларда дoston бўлди.

Чеченлар фурсат туғилди дегунча, озодлик учун қўзғолон кўтардилар. Охирги марта Иккинчи жаҳон уруши даврида бош кўтаришган ва бу қўзғолон уларга жуда қимматга тушган эди. Қизил диктатуранинг машхур “қассоби” Сталиннинг буйруғи билан 1944 йилда барча чеченлар бола-чақаси билан бирга Сибирга, Қозоғистонга сургун қилинди.

Дудаев ўша йили дунёга келди. 13 йил сургунда яша-
гач, 1957 йилда оиласи билан бирга Шимолий Кавказга,
яъни ватанига қайтди.

Таҳсилни рус ҳарбий мактабида давом эттирган Ду-
даев, кейинчалик, Тамбов ҳарбий авиация билим юртида
ўқиди. Шундан сўнг катта суръат билан юксала бошлади.

Дудаев кичик ёшларидаёқ оиласидан диний билим-
ларни ўрганди, исломий ақидаларни қалбининг туб-туби-
га жойлади. У бир томондан камолот сари интилар, бир
томондан эса Аллоҳ инъом қиладиган “қулай фурсат”нинг
келишини кутарди.

Қизил диктатура дарз кета бошлаган вақтларда Дуда-
ев Эстонияда Тартус гарнизони қўмондони вазифасини
бажараётганди. Эстонияда озодлик учун кураш бошлан-
гач, собиқ СССР бошқарувчилари Дудаевга уларнинг пар-
ламенти ва телевидение биносини қуршовга олишни бу-
юрди. Аммо Дудаев буйруқни бажаришдан бош тортди.
Бу ҳаракати туфайли барчанинг диққатини ўзига қарат-
ди. Энди у “исёнчи генерал” ҳисобланарди.

Собиқ СССР ҳукумати уни Эстониядаги вазифасидан
озод этиб, бошқа лавозимга тайинламоқчи бўлди. Аммо
Дудаев бу таклифни қабул қилмади ва 1990 йилда Гроз-
нийга қайтди. Бу пайтда у генерал-майор эди.

Шу тариқа таҳсилни тамомлаб, етарли тажриба орт-
тиргач ватанига қайтган Дудаев, қўшиндаги вазифасидан
ҳам истеъфога чиқди. У оддий бир инсон сифатида му-
сулмонлар орасига қўшилди. Чеченлар уни кучоқ очиб
кутиб олдилар. Дудаев аввалига “Чечен Бирлашган Конг-
реси” Бош вазири, 1991 йилда эса давлат раҳбари бўлди.

Дудаев бутун дунёга Чеченистоннинг мустақил давлат эканлигини ва бундан буён диний қоидалар асосида бошқарилишини эълон қилди. Бу шер наъраси дунёдаги барча ғайридин ташкилотларни безовта қилди.

Россия бу овозни тиндириш пайига тушди. 1991 йилнинг ноябрида Чеченистонга қўшин жўнатди. Аммо тез орада улкан бир қояга урилганини англади. Чеченлар майдонларда тўпланиб, жиҳодга шайланардилар. Уч кун давом этган урушдан сўнг Россия чекинишга мажбур бўлди. Худди афғон урушида рўй бергани каби рус қўшинидаги барча мусулмон аскарлар танк ва қурол-яроғлари билан бирга чеченлар томонга ўтиб кетдилар. Бу вазиятда Россия чекинишга мажбур эди.

Чеченистон Кавказ давлатининг “Қувайт”и эди. Жуда катта қазилма бойликларига эга, қулай географик ҳудудда жойлашган. Бу давлат Ўрта Осиёга кирувчи эшик ва Туркияга суянчиқ бўлган бир қоя каби эди. Бу ҳудудда мустақил бир ислом давлатининг ташкил топиши ҳам Россиянинг, ҳам Американинг, ҳамда бутун ғарб давлатларининг тинчини бузди.

Ёпиқ эшиклар ортида ўтказилган мажлислар якунида Россиянинг жангга кириши ҳақида қарор қабул қилинди. Россия 1994 йил 11 декабрда Чеченистонга ҳужум қилди.

Бу урушда томонларнинг ҳарбий қудрати таққослаб бўлмайдиган даражада фарқ қиларди. Россия қўл остида юзлаб жанговор самолётлар, минглаб танклар ва сон-саноксиз бомбалар бор эди. Чеченлар эса жуда озчиликни ташкил қилар ва фақат кескир қуроллар билан қуролланган эдилар. Руслар Чеченистон пойтахти Грознийни

эгаллаб, шахарни вайрон қилдилар. Улар барча марказий шахарларни бомбардимон қилиб, аёллар, болалар, ёш-у қари барчани ваҳшийларча қириб ташладилар.

Чеченлар эса ота-боболари Шайх Шомил ва русларга қон қустирган шахидларнинг услубини қўллаб, тоғли ҳудудларга чекиндилар.

“ЗАРБА БЕР ВА ҚОЧ” ТАКТИКАСИ

1995 йил 14 июнда Шомил Басаев бошчилигидаги чечен операцияси бутун дунёда ҳайрат билан қарши олинди. Чечен мужоҳидлари Россия ҳудудига кириб келиб, Буденновск шахридаги касалхонада мингдан ортиқ аҳолини гаровга олдилар ва ҳеч қандай қурбонларсиз ортга чекиндилар. 1996 йил 9 январда Дудаевнинг куёви Салмон Радуев бошчилигидаги бир гуруҳ мужоҳидлар ҳаракат бошладилар. Доғистоннинг Қизилёр шахрида 2000 аҳолини гаровга олган мужоҳидлар рус қўшинларининг қамалини ёриб, ортга чекиндилар.

Шу каби ҳарбий ҳаракатлар Россияни хавотирга солиб қўйди. Россия ва унинг тарафдорлари Дудаевни йўқ қилмай туриб, чеченларни мағлуб этолмасликларини билардилар. Шу сабабли бутун эътиборни Дудаевга қаратдилар.

ШАҲОДАТ КЕЧАСИ

1996 йил 20 апрелда АҚШ Президенти Клинтон Россия Федерацияси Президенти Елцин билан кўришди. Бу учрашувда “Чеченистон операцияси” борасида муҳокамалар олиб борилди.

21 апрелдан 22 апрелга ўтар кечаси (1996) Дудаев Гекхи-Чу қишлоғидаги телефон станциясида рус сиёсатчиси Константин Боровой билан гаплашди:

Дудаев: — Яқинда Москва жуда исиб кетади. Сиз шаҳар марказида яшайсизми?

Боровой: — Ҳа, Ички ишлар вазирлиги биносининг ёнгинасида.

Дудаев: — Бошқа жойга кўчиб ўтганингиз маъқул.

Боровой: — Менга бундай талаб қўйишга ҳаққингиз йўқ!

Дудаев: — Россия қилмишлари учун пушаймон бўлади!

Суҳбат шу нуқтага етганда қишлоққа устма-уст бомба ёғила бошлади ва алоқа узилиб қолди.

Ҳарбий самолётлар Грознийнинг шимоли-ғарбида, 35 чақирим узоқликда жойлашган Гекхи-Чуга бомбалар ёғдирди. Бу ҳам етмагандек, ракеталар ташланди. Отилатган бомбаларнинг таъсири шунчалар кучли эдики, автомобиллардан бирини эллик метр баландликка учириб кетди. Бомба парчаларидан бири Дудаевнинг бошига тегиб ўтди.

Дудаев бу ўзининг сўнгги лаҳзалари эканлигини тушунди. Аммо ўзини йўқотмади. Атрофидагиларга “Мақсадимиздан воз кечманг, охиригача курашинглар”, деб васият қилди. Сўнгра калимаи шаҳодат келтирди ва кўзлари юмилди.

Дудаевнинг сафдошлари уни Салазшига, онасининг қабри ёнига дафн қилдилар.

СУИҚАСД

Дудаевга уюштирилган суиқасдда АҚШнинг ҳам қўли борлиги кейинчалик маълум бўлди.

Чечен мутасаддиларининг фикрича, бу суиқасд 20 апрелдаги Елцин ва Клинтон ўртасида бўлиб ўтган учрашувда режалаштирилган эди. Дудаевнинг ўлимига сабаб бўлган тизимли ракета Америкага қарашли ИНМАР-САТ сунъий йўлдоши томонидан берилган координатлар асосида нишонга йўналтирилган.

Дудаев шаҳид бўлгач, унинг ўрнини эгаллаган Салимхон Яндарбиев Дудаевнинг телефон станциясида эканлигида рус ракеталари ёрдамида ўлдирилганлигини таъкидлаб, шундай деди:

“Телефон станциясининг жойлашувини аниқлаш учун керак бўладиган маълумотларни Россияга АҚШ берган”.

ДИННИНГ КУЧИ

Дудаев исломга қалбан боғланган эди. Иймоннинг нималарга қодир эканлигини барчага исботлаб берди. Шаҳодатидан олдин берган охириги интервьюсида бир француз мухбирининг “Хаётингизда диннинг ўрни қандай?” деган саволига шундай жавоб қайтарганди:

“Дин ҳаётимизнинг пойдеворидир. Икки йилдан буён эътиқодимиз ва мусулмон эканлигимиз туфайли буюк Аллоҳ бизни қўлагани учун Россия каби қудратли, қўшин ва

қурол-яроғ жиҳатдан биздан минг карра кучли бир давлатнинг зулми ва тажовузига қарши курашиб келмоқдамиз. Динимиз бу қонли урушда адолатли ва қонуnларга мувофиқ йўл тутишимиз учун бизга куч беради”.

Ҳақиқатан руслар, кимёвий қурол ва заҳарли газ билан оддий халқни қириб ташлар, ҳатто аёллар, болалар ва қарияларга ҳам раҳм қилмас эди. Дудаев эса ислом ҳукмларига мувофиқ иш кўрар, асирларга нисбатан шафқатли бўлишни буюрарди.

Бундан ташқари, Дудаев ўз интервьюсида Россия уюштираётган қирғин-баротлар учун ғарб давлатлари ҳам масъул эканини, ғарб давлатлари русларга қарши чиқиш ўрнига уларга ёрдам кўрсатаётганини таъкидлади.

Дудаев жуда шафқатли кўмондон ва халқининг келажаги ҳақида қайғурадиган одил раҳбар эди. У ҳатто уруш йилларида ҳам кўплаб чечен ёшларини бошқа ислом давлатига юбориб, илм олишларини таъминлаган ва бу ёшларни урушга жалб қилмаганди. У биргина йигитни урушда қатнашиш учун чақиртириб олди: ўғлини... Дудаев Швейцарияда таҳсил олаётган ўғлини чақиртириб, урушга жўнатган ва у отасидан аввалроқ жангда шаҳид бўлганди.

Умри сўнгида хушчақчақ эди

АЛПАРСЛОН ТУРКЕШ

1997 йил 4 апрель куни кечқурун телевизор қаршисида ўтирганлар бир неча жумладан иборат хабарни ўқигач, лол бўлиб қолдилар: “Туркеш вафот этди!” Хабар тезда бутун Туркияга тарқалди. Кўп ўтмай, телеканаллар Ал-

парслон Туркеш ётган касалхонани суратга олиб, жонли эфирга узатдилар.

Бу хабарни эшитган Улкужи ёшлари касалхонага шошилдилар. Бу пайтда телевидениеда Туркешнинг ўлими сабаблари изоҳланар эди. Ёшлар Туркешнинг вафот этгани ҳақида хабар берган телеканалларга норозилик билдирдилар. Баъзилар “Кўмондон ўлмаган, ўлди дейишга кимнинг ҳадди сиғади” деса, баъзилар “Ё Аллоҳ, Бисмиллаҳ, Аллоҳу Акбар” каби сўзлар билан муносабат билдирардилар. Йиғилганлар марҳумни дуо қилишар, тун аёзига қарамай сабр билан кутишар, вақти-вақти билан ўқилган Қуръони Каримни тинглар эдилар.

Бу хабар, айниқса, ўша кечада Туркеш билан бирга тўйда иштирок этганларни шошириб қўйди. Жумладан, Туркеш билан бир стол атрофида ўтириб, овқатланган ҳоким Кўксал Топтан унинг ўлганига ҳеч ишонолмасди. Топтан шундай дейди: “У жуда хурсанд эди. Иштаҳа билан овқатланди. Товуқ гўшти ва қисқичбақа еди. Икки стакан апельсин шарбати ичди.”

БЕТАРТИБ ҲАЁТ ТАРЗИ

Туркеш 80 ёшда бўлишига қарамай, кўпгина навқирон йигитлар ҳам бардош қилолмайдиган даражада кўп ишларди. У тиббий кўрикдан ўтиш учун Германияга кетган ва 1997 йил 3 апрель пайшанба куни соат 23:00 да Анқарага қайтганди. Эртасига тонг саҳарлаб партиясининг II Амася конгрессига улгуриш учун шахсий машинасида йўлга отланди. Конгрессда узундан-узоқ нутқ сўз-

лади. Кейин эса яна Анқарага қайтиб кетди. Йўлда ҳам тузукроқ хордиқ чиқармади. У шошилаётганди. Чунки кечқурун яқин бир дўсти қизининг унаштирув маросимига таклиф қилган.

Туркеш 1997 йил 4 апрель жума куни кечқурун Ҳилтон меҳмонхонасидаги маросимга айна вақтида етиб борди. Туркешнинг келиши мезбонларни жуда қувонтирди. Базм ўйин-кулги билан давом этди. Туркеш икки ёшнинг никоҳ узукларини тақаркан, роса ҳазил-мutoйиба қилди.

Туркеш овқатланиш чоғида ҳам ҳамроҳларига кайфият улашди. Аммо шу орада бироз ҳолсизланди. Атрофдагилар бу ҳорғинликни Оф Аман Нолон исми билан машҳур бўлган қўшиқчи аёл куйлаган “Жайрон” қўшиғига нисбат бердилар. Қўшиқда “Ғурбатлардан чарчадинг, оҳ жайрон” дейиларди.

“ОЙНАНИ ОЧИНГ, НАФАС ОЛОЛМАЯПМАН”

Туркеш меҳмонхонадан чиққанида аҳволи жуда яхши эди. У машинасига чиқди ва дам олиш учун уйига йўл олди. Соат 22:30 да ҳали уйига етиб бормай туриб, ҳайдовчига юзланди: “Ўғлим, жуда исиб кетдим. Шу иситгичларни ўчириб, ойнани очинг! Нафас ололмаяпман!”

Бу сўзлар Туркешнинг сўнгги сўzlари эди. Шу ондан эътиборан, у гапиролмай қолди. Тансоқчи Туркешнинг юзи сарғайиб кетганини, нафас олишга қийналаётганини кўрди. Тезда ойнани очди, Туркешнинг кўйлаги тугмасини ечди, ўриндиқни орқага ётқизди.

Машинадагилар Туркешни энг яқин касалхонага – Чанкаяга олиб келдилар. Бу ерда юракка қувват берадиган укол қилинди, массаж ва электрошок муолажалари қўлланди. Булар фойда бермагач, беморни тез ёрдам машинасида Байиндир тиббиёт марказига олиб бордилар.

Кейинроқ докторларнинг изоҳ беришича, Туркеш касалхонага олиб келинганда юраги тўхтаган эди. Докторлар вазиятни шундай изоҳлайдилар:

“Бемор касалхонага келтирилганда, юраги аллақачон тўхтаган эди. Массаж ва электрошок муолажалари қўлланди. Бир лаҳза юраги ура бошлагандек бўлди. Кўрилган чоралар натижа бермагач, беморни жонлантириш бўлимига ўтказдик. Аммо бу ҳам фойда бермади.”

Ҳақиқатан ҳам Туркеш 22:45да жон берди. 23:15да Байиндир тиббий марказига олиб келинди. Докторлар тиббиётда мавжуд бўлган барча усулларни қўлладилар. Юрагини массаж қилдилар, электрошок қилдилар, аммо булар наф бермади. Охир-оқибат соат 2:30 да “биологик ўлим” ҳолатини қайд этдилар.

“Узунқулоқ” мухбирлар бу ўлимдан ўша лаҳзада хабар топиб, ўзлари фаолият олиб борадиган газета ва телеканалларга етказдилар. Телевизор орқали воқеадан бохабар бўлган Улкужилар ўша заҳоти касалхонага югурдилар.

Бу хабар олов бўлиб юракларни ёқди. Ҳар ҳолда инсоннинг яхши кўрган одамидан айрилиши осон эмас. Лекин, бу ҳаёт қонуни. Ҳар нафс ўлим шарбатини тотиб кўради. Аммо юз минглаб, миллионлаб ўлимлар ҳақидаги хабар эмас, бир раҳбарнинг ўлими инсонларга ўлим ҳақлигини эслатади.

Алпарслон Туркешнинг вафот этганини соат 3:15да касалхона остонасида чуқур қайғу ичида кутиб турганларга Улку Ўжаклари раиси Азми Карамахмутўғлу етказди. Тўпланганларнинг кўзларида ёш қалқиди.

МУҲИМ САҲИФА

Алпарслон Туркеш яқин тарихда муҳим ўрин эгаллаган сиймо эди. У 1960 йил 27 май инқилобига катта ҳисса қўшган. Туркеш аввалига инқилобнинг фаол аъзоларидан бири эди. Аммо кейинчалик бошқа инқилобчилар билан келишмовчиликлар юзага келди ва бир гуруҳ инқилобчилар Туркеш ва унинг 14 нафар дўстини сафдан чиқардилар. Дастлаб истеъфога чиқарилган, сўнг Янги Дехлида Элчи маслаҳатчиси лавозимига тайинланган Туркеш учун энди аскарлик ҳаёти тугаганди.

1963 йилда Туркияга қайтган Туркеш Республикачи қишлоқликлар миллат партиясига аъзо бўлди ва партия раҳбарлигига сайланди.

1969 йилда партия номини Миллиятчи ҳаракат партияси (МХП) деб ўзгартирди. 1975-1978 йилларда Биринчи ва Иккинчи Миллиятчи жабҳа ҳукуматларида Бош вазир ўринбосари лавозимига тайинланган Туркеш, 1980 йил 12 сентябрь инқилобидан сўнг ҳибсга олинди.

Ҳаёти давомида Туркешни энг кўп ҳайратга солган воқеа ўзини ҳибсга олишлари бўлди. Инқилобга замин ҳозирлаш мақсадида ёшларнинг ўзаро келишмовчиликларига кўз юмган, ҳатто бу норозилик ҳаракатларининг авж олишига туртки бўлган инқилобчи кучлар, инқилобдан сўнг “ватанпарварлик” туйғулари тимсоли сифатида

ўртага чиққанлар билан “Туркияда рус андозасидаги коммунизм ўрнатилсинми ёки Хитой андозасидаги коммунизмми?” деганларни ва барча диндорларни бир қафасда тутарди. Уларнинг биргина мақсади бор эди: бутун ҳокимиятни қўлга олиш... Бу тўнтариш натижасида 5000 йигит ҳалок бўлган, инқилобчилар мақсадига эришган эдилар.

Туркеш роппа-роса 4 йил, 7 ойю 25 кун қамоқда ётди. Бир вақтлар қўл остида хизмат қилган аскарларнинг ўзига қилган азиятларини дили ўртаниб эслар ва шундай дерди:

“Нуриддин Эрсин ва Кенан Эврэн суд мажлиси бошланишидан аввал “ҳозир ажойиб театр томоша қиламиз. Туркешнинг қандай терга ботишини кўрамиз” дейишибди. Ҳатто менинг судда йиғлашимни, ёлворишимни кутишибди. Бу саҳналарни суратга олиш учун суд залига хусусий телевидение камераларини жойлаштириб, тўғридан-тўғри Чанкая кўшида намоиш қилишибди.” (1997 йил 9 апрель. “Сабаҳ”).

1987 йилда сиёсий тақиқларнинг олиб ташланишидан сўнг Миллиятчи Иш партиясига аъзо бўлиб, партиянинг 1987 йил 4 октябрдаги конгрессида Умумрахбар этиб сайланган Туркеш, кейинроқ партия номини МХП дея ўзгартирди ва шу орқали сиёсий саҳнадаги нуфузини ҳимоя қилди.

Шу тарзда ранг-баранг, тадқиқот ва таҳлилларга сабаб бўлган 80 йиллик умр якунига етди. Ҳолбуки, Туркешнинг режалари ҳали анча узоқ муддатга мўлжалланган эди. Журналист Ҳулуси Тургутга “ДЙП ва МХП менинг раҳбарлигимда бирлашса, Президент сифатида ўн йил хизмат қилишимни кафолатлайман”, деганди. (1997 йил 6 апрель, “Сабаҳ”)

ҒАЛАТИ МАНЗАРА

Туркешнинг ўлиmidан сўнг баъзи инсонларнинг амалга оширган ҳаракатлари кўпчиликни ҳайратда қолдирди. Туркеш ҳаётлигида уни аёвсиз танқид қилган марксист мухбир-ёзувчилар ва у билан ҳар доим баҳслашиб юрган сўл сиёсатчилар ўзларини энг яқин инсонидан айрилгандек тутиб, марсиялар битдилар. Бундан кўзланган мақсад Туркешнинг тарафдорларига яхши кўриниб олиш, аҳолининг нафратига учрамаслик, шу билан бирга келаси сайловда овоз ва нуфузларини йўқотмаслик эдими? Ёки бу ҳаракатлар самимий бўлса, аввал қилган ишларига сабаб нима эди? Нима учун ўтган йилларда сиёсий ва ижтимоий атмосферада тўзон кўтарилган, аҳолини безовта қиладиган серияли ҳаракатларга йўл қўйилганди?.. Шубҳасиз, бу саволларга асосли жавобларни ўтган йиллардан топиш мумкин.

ЖАНОЗА МАРОСИМИ

Алпарслон Туркеш учун у дафн этилган кун – 1997 йил 8 апрелда алоҳида-алоҳида учта маросим ўтказилди. Ўша кун Анқарада фавқулодда бир кун эди. Маҳаллий аҳоли ва хориждан ташриф буюрган ўн минглаб инсон Анқарага оқиб келди. Ўша кун қиш чилласида ҳам кузатилмайдиган ҳаво ҳукмрон эди. Қор тўхтовсиз ёғиб турди. Баҳор фаслида қаҳратон кезиб юрарди. Аммо жанозага келганлар ҳавонинг инжиқлигига эътибор қилмасдилар. Узунлиги 4 чақиримга етган кортеж қалин қор остида 8 чақирим йўл юриши керак эди.

Касалхонадан олиб чиқилган майит аввало, ТБММга олиб келинди. Бу ердаги маросимдан сўнг МХП Марказий биносига олиб борилиб, иккинчи маросимдан сўнг Кожатепа масжиди ҳовлисига келтирилди.

Масжиднинг ичи, ҳовлиси ва ташқариси одамлар билан тўлиб-тошди. Бу текилинчда давлатнинг сиёсий арбоблари ҳам оёқ остида қолиб кетиш хавотири билан қадам босдилар.

Пешин намозидан сўнг адо этилган жаноза намозидан кейин жамоат Туркешни Отатурк Ўрмон Бирлигида дафн этилди.

ИМТИҲОН СИРИ

Воқеаларни рейтинг ва тираж учун ёритган ОАВ дафн маросимининг эртасигаёқ Туркешни унутди. Улар ўлим ҳақлигини унутди. Яна газеталар саҳифалари яланғоч аёлларнинг сурати билан безатилишда, зангори экран бир тийинга қиммат ҳисларни тарғиб этувчи тасвирларни кўрсатишда давом этди. Бир лидернинг ўлими туфайли бир лаҳза шокка тушган одамлар қайтадан бошларига ғафлат ва бузуқлик ёпинчиғини ёпиб яшашда давом этдилар.

Ҳолбуки, инсонлар унутсалар ҳам, ёки ўзини унутгандек тутса ҳам, ўлим ҳақиқати ҳар лаҳза инсоннинг қаршисида туради. Ҳар бир тирик жон ўлим шарбатини то-тади, албат.

Коинот султони бўлган Аллоҳ Таоло яратган дунё саройида бир муддат мусофир бўлган ва имтиҳонга тобе бўлганлар эртами-кечми бу меҳмонхонани тарк этади,

қабр бекатида кутиб, Ҳашр майдонида ҳисоб берганидан сўнг абадий маконига йўл олади.

Одамлар ҳавас қилган машҳурлар ҳам куни келиб вафот этмоқда, дунё эса ўз ўқи атрофида айланмоқда. Аниқки, бир кун келиб бу дунё ҳам, бутун коинот ҳам “вафот этади”, хароб бўлади. Ундан сўнг бу коинотни яратган Зот, ўлим мавжуд бўлмаган ҳаёт саҳифасини очади. Шуур билан Қуръон тиловат қилган, намоз ўқиган, “Аллоҳу Акбар” деганлар буни билиб турибдилар. Улар айрилиқнинг абадий эмаслигини идрок қилиб турадилар.

Ҳузур ва саодатдан бебаҳра қолган

МАЛИКА ДИАНА

Инсон кўриши мумкин бўлган барча имконият эшиклари у учун очик эди. Ҳаддан зиёд бой, давлатининг миқдорини ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам билмасди. Кўз қамаштирувчи, қимматбаҳо жавоҳиротларга эга эди. Гардероблари лира ҳисоби билан ҳар бирининг нархи миллиарддан баландроқ турадиган либосларга тўлиб-тошганди. Малика энг юксак дунёвий унвон соҳибаси эдию, аммо бахтсиз эди. Жуда ҳам бахтсиз... Миллионлаб аёллар унга ҳавас билан, яна бир қанчаси ҳасад билан боқарди. Ҳолбуки, у содда, номсиз, фақир, фақатгина фарзандлари ва турмуш ўртоғи билан яшовчи, эридан меҳр кўрадиган аёлларга ҳавас қиларди. Ўлиmidан бироз олдин шундай сўзларни айтганди:

“Миллионлаб аёлларнинг менинг ўрнимда бўлиш учун жон беришга ҳам тайёр эканликларини биламан. Аслида улар қанчалик омадли эканликларини билмайдилар.”

“Золушка”

Бу сўзларни айтган ва 16 йил саройда яшаб “бахт топа олмаган”ини таъкидлаган инсон малика Диана эди.

Диана 1961 йил 1 июлда Дук Спенсернинг саккизинчи фарзанди бўлиб дунёга келди. Бадавлат, машҳур ва аслзода оиланинг ерга қўймай катта қилинган қизи эди. Шунингдек, бу қиз худди эртаклардаги каби улғайгач, шахзодага турмушга чиқди. Келажакда Англия тахтига ўтириши лозим бўлган шахзода Чарлзга... 1981 йил 29 июлда дабдабали тўй маросими ўтказилди. Диана ўша куни ўзини “Золушка” эртаги қаҳрамонидек ҳис қилди. Тўйни миллионлаб инсонлар кузатди. Бу турмушдан икки фарзанд дунёга келди: Виллиам (1982) ва Гарри (1984).

Гарчи фарзандлари бўлса ҳам Диана бахтли эмасди. Асло ортларидан қолмайдиган журналистларнинг, “калла овчилари” дея ном чиқарган папараццилар¹ олдида бахтли аёл ролини ўйнашдан чарчади.

Турмуш ўртоғининг хиёнатини билиб қолган Диананинг барча орзулари чилпарчин бўлди. 1992 йил 15 июнда шу сабабдан ўз жонига қасд қилишга уринди. Ўша кундан бошлаб, зўраки турмушни давом эттирмаслигини айтди. Зотан, у қиролликнинг қаттиқ, совуқ, сохта қоидаларидан, принципларидан тўйганди. У халқ билан мулоқот қилишни севарди. Ҳолбуки, сарой аҳли халққа паст назар билан қарарди.

Бир оролдан иборат давлат бўлишига қарамай, сиёсати билан узоқ вақт дунёни бармоғи учида ўйнатган, буюк Усмонли давлатини парчалаган, Ислом бирлигини қулатиш учун турли фитналар уюштирган Англия, аслида бутун оламга паст

¹ Папарацци – маълум пул эвазига матбуотга машҳурларнинг шахсий суратларини сотувчи фотографлар.

назар билан боқарди. Аммо Диана ундай эмасди. Фақирлар, ночорлар, урушларда ноҳақликка учраганлар билан бирга эди. Бу эса саройдагиларнинг тинчини бузаётганди.

ЭРТАКНИНГ ЯКУНИ

Эрининг хиёнатидан хабар топганидан сўнг саройдан бутунлай совуган Диана ўз дунёсига чекинди. Энди у “Сарой мухолифат гуруҳи”дек кўриниб қолди. Ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзи саройнинг ғазабини келтирарди. Замонавий эртақ айрилиқ билан якун топди. 1996 йил 28 августда Чарлз ва Диана расман ажрашдилар.

Диана яна камералар ва объективларнинг доимий нишонига айланди. Малика бундан безиб кетганди. “Ле Монде”га баёнотида шундай деганди:

“Матбуот менинг ҳаётимга катта бахтсизлик олиб келди. Агар қўлимда бўлганида, мамлакатдан бош олиб чиқиб кетардим. Мени Англияга боғлаб турган ягона нарса – фарзандларим...”

ЗАМОНАВИЙ “КАЛЛА ОВЧИЛАРИ”

Асли мисрлик бўлган тадбиркор Муҳаммад ал Фаеднинг ўғли Доди ал Фаед билан танишуви Малика Диананинг ҳаётида янги саҳифа очди. Бахтини қайта учратганини, 16 йиллик сарой ҳаётидан сўнг орзу ҳам этолмаган хузурга эришганини баён этди. “Дэйли Маил” газетаси мухбирига берган сўнгги баёнотида ҳаётини тубдан ўзгартирмоқчи эканлиги ҳақида гапирди.

Афсуски, қадим замондаги калла овчилари ёки ҳиндулар бош териси учун мукофот олган ковбойлар каби ишлайдиган папараццилардан қутила олмас эди. Папараццилар Диана ва Додини суратга тушириш орқали 1 триллион лирага яқин пул ишлагандилар. Улар учун бу жуфтлик ажойиб “материал” ва тенгсиз даромад манбаи эди.

ЎЛИМ КЕЧАСИ

Доди билан Диана папараццилардан қутулиш учун Сардиния оролидан Парижга учдилар. Аслида бу шунчаки қочиш эмас, ажалнинг чақирувига жавоб бериш, руҳ бадандан чиқадиган маконга жўнаш эди.

1997 йил 31 август кечаси соат 21:50 да Муҳаммад ал Фаедга тегишли Париждаги Ритз меҳмонхонасига келган Доди ва Диана шу ерда овқатланиб, 00:19 да меҳмонхонадан чиқиб кетдилар.

Барча эҳтиёт чоралари кўрилган, деб ҳисоблардилар. Меҳмонхонанинг орқа эшигидан яширин тарзда чиқиб, сўнгги моделдаги “Мерседес”га ўтирдилар. Машина жойидан кўзғалган ҳам эдики, камераларнинг чироқлари кўзларига тушди ва яна папараццилар ўлжасига айлангандларини билиб, шошиб қолдилар.

Машинада тўрт киши эди. Рулни меҳмонхона соқчиси Генри Павел бошқарди. Инглиз яширин хизмати агенти, тансоқчи Тревор Рис Жонс эса олд ўриндикда, Доди билан Диана эса орқа ўриндикда ўтирдилар.

Мотоциклга миниб олган папараццилар машина ортидан таъқиб эта бошладилар. Париж кўчаларида худди ов бўлаётгандек эди.

“Мерседес”нинг тезлиги 130-200 орасида айланарди. Автомобиль шу тарзда Эйфел минораси яқинидаги Сена дарёси устидаги Алма кўприги ости туннелга катта тезликда кириб борди. Назоратдан чиққан машина аввал туннелдаги бетон тиргаклардан бирига, сўнг думалаб бориб, бетон деворга урилди. Бу тўқнашув натижасида машина мажақланиб кетди. Худдики, машина радиатори ҳайдовчи ўриндиғига қадар кириб боргандек эди.

Доди ва ҳайдовчи автоҳалокат вақтидаёқ жон берди. Тансоқчи ва Диана оғир жароҳат олди. Автоҳалокатга гувоҳ бўлган доктор Фредик Маиллез қўли синган ва оёғидан қаттиқ жароҳат олган Дианага биринчи тиббий ёрдамни кўрсатди. Ўша лаҳза ҳақида у шундай дейди:

“Аёл нафас олиши учун муолажа қилдим. Унинг Диана эканини кейин билдим. У инграр, қўлларини у ёқдан бу ёққа силкитарди”.

Папараццилар ўша аҳволда ҳам деразага ёпишиб олиб, суратга олишда давом этар, устига-устак, воқеа жойига етиб келган полиция ходимларини у ёқ-бу ёққа итарар ва тез ёрдам гуруҳига вазифасини бажариш учун ҳалал берардилар.

Ўт ўчирувчилар жасадларни чиқариб олиш учун автомобилни кесишга мажбур бўлдилар. Шу тарзда Диананинг машинадан чиқарилишига ҳам қарийб бир соат вақт сарфланган ва оғир жароҳатлар билан касалхонага етказилганди. Шифокорлар 5 соат давомида уринган бўлишларига қарамай, Диана ўпкадан қон кетиши натижасида вафот этди.

“Тиме” журналида ёзилишича, Дианани операция қилган доктор шундай кўрсатма берди:

“Диана ўша куни биринчи даражали комада эди. Вақти-вақти билан ҳушига келар ва яна ўзидан кетарди. Ҳушига келганда қорнини ушлаб, “6 ҳафталик ҳомиласи борлигини” айтиб яна ҳушини йўқотди.”

ДУНЁНИНГ ЭЪТИБОРИ

Автоҳалокат ҳақидаги хабарлар қисқа фурсатда агентликлар орқали ҳамма ерга овоза қилинди. Ўша лаҳзадан бошлаб, бутун дунёнинг эътибори шу воқеага қаратилди. Юзлаб ТВ каналлар жонли эфир олиб борар, газеталар нашр устига нашр қилар ва шу тарзда тезкор хабарлар одамларга етиб бораётганди.

Ҳамманинг кўзи Дианага қадалди. Додининг жасади эса Лондон Марказий масжидида ўқилган жаноза намозидан сўнг оламга жар солмасдан дафн этилди. ОАВ учун энди Додининг қизиғи йўқ эди. Улар учун “Мукофот келтирувчи материал” энди фақатгина Диана бўлиб қолди. Соғ-саломат юрганида унинг соясида яхшигина даромадга эришдилар. Энди бу манфаатли материал оламдан ўтар экан, шундан ҳам “улуш” олишни истардилар.

ОАВнинг бу ҳаракатига нисбатан жамиятда норозилик ҳолати пайдо бўлди. Диананинг акаси Дук Чарлз Спенсер ҳиссиётларини яширмай, синглизининг ўлимида матбуотни айбдор деб билиб, шундай фикр билдирди:

“Папарацциларга катта миқдорда пул тўлаган муҳаррир ва редакторларнинг қўли қонга беланди. Матбуот синглимни ўлдиришни истарди. Аммо ўлимида бевосита роль ўйнашларини тасаввур ҳам қилмагандим”.

БУ ҚОТИЛЛИК ЭДИМИ?

Диананинг ўлими ортидан “бу ўлим оддий автоҳалокат натижаси эмас, пухта ўйланган жиноят эканлиги” ҳақидаги фаразлар илгари сурилди. Фикрларга кўра, “автоҳалокат кўринишидаги жиноят”ни ташкилотчиси инглиз разведка бошқармаси эди.

Диананинг ўлими билан боғлиқ сир пардасини ечишга уринганлардан бири америкалик машҳур ёзувчи Патрик Корнвелл бўлди. Олти ой давом этган текширувларини “Ҳеч қандай тормоз изи йўқ, жиноят эҳтимоли ҳақиқат бўлиши мумкин” дея хулосалаган Корнвеллнинг бу тадқиқотлари 2003 йил 22 октябрда Англиянинг юқори тиражли газеталаридан бири бўлган “Даилӣ Экспресс”нинг муқова қисмида чоп этилди.

Корнвелл кўрқув ичида яшаган Дианани жосуслар кузатиб юрганини ва франциялик ҳайдовчи Генри Павелнинг автоҳалокат вақтида тормозни умуман босмагани аниқланганини ва бу сирли автоҳалокатнинг ортида ҳафвсизлик хизмати турган бўлиши мумкинлигини маълум қилиб, шундай баёнот берди: “Бу ҳолатнинг оддий автоҳалокат эканлигига ишонишни истаганлар шундай ўйлашда давом этсинлар. Диананинг қотиллик қурбони бўлгани ҳақидаги фикрни илгари сурганлар эса, бу фикрга ҳар доимгидан кўра кўпроқ ишонишлари мумкин. Диана бир умр кўрқиб яшади. Уни жосуслар таъқиб этганми? Ҳа...”

Воқеа жойидаги резина изларини текширган ёзувчи шундай фикр билдирди: “Резина изларини текши-

риб, улар автомобилнинг тойишидан ҳосил бўлганлигини аниқладим. Булар бошқарув йўқотилиши натижасида йўлдан чиқиб кетиб, ўнг-чапга чайқалиб кетиш натижасида юзага келган излар. Катта тезликда кетаётганда бошқарувни қўлга олишга уринишдан ҳосил бўлган излар. Катта эҳтимол билан Генри Павел (франциялик ҳайдовчи) умуман тормоз босмаган. Тормозлар умуман ишлатилмаган дея олмайман. Ёки умуман тормоз босмаган, ёки тормоз ишламаган.”

Бир тарафдан 1987-1993 йиллар орасида Диананинг шахсий хафвсизлиги учун жавобгар бўлган Кен Варфнинг 2003 йил 22 октябрда “Зе Гуардиан” газетасидан ўрин олган интервьюси ҳам дунё бўйлаб акс-садо берди. Кен Варф маликанинг хафвсизлигига доир кўрсатмалар Қиролича Елизавета тарафидан бекор қилинганини ва Диананинг хизматкорига ёзган мактубида уни ўлдирмоқчи бўлаётган одам қайнотаси Филип эканлигини айтганини маълум қилди.

ҚИРОЛЛИК БЕЗОВТА

Диананинг ўлимига сабаб бўлган автоҳалокат устидаги туман пардасининг тарқалиши ёки тарқалмаслиги маълум эмас. Аммо аён бир масала бор. У ҳам бўлса, бу ўлим Англия қироллигини безовта қилиб қўйганидир, ҳамда сарой ва халқ ўртасида чуқур жарлик пайдо бўлганини яққол намоён этди.

1952 йилда тахтга ўтирган Қиролича Елизавета II маликанинг ўлимига эътиборсиздек кўриниши инглиз халқининг ғазабланишига сабаб бўлди. Кунлик матбуот қироличани “тошбағирликда” айблади.

Халқнинг катта қисми Диананинг ўлими монархиянинг якунланишига олиб келади, деб ҳисоблади. Англиянинг мустамлакаларидан бўлган Австралияда бўлиб ўтган референдум натижаларига кўра, халқ Англия монархиясига боғлаб турган сўнгги толаларни ҳам узиш тарафдори бўлди.

Қироличанинг тахти қимирлаб қолди. Ўзига қарши муносабатнинг борган сари ортиб бораётганини кўргач, орта чекинишга мажбур бўлди ва 1997 йил 5 сентябрда ТВ эфирда “таъсирли” нутқ сўзлади, собиқ келинини мақтади. Шунингдек, қиролича саройдаги байроқларни мотам рамзи ўлароқ, ярим баландликда пастлатишни буюрди.

КЎЧИРИЛГАН МАРОСИМ

Ўлими билан бир лаҳзада дунёнинг диққат марказига тушган Диана 1997 йил 6 сентябрда ўтказилган катта маросим билан тупроққа қўйилди. Бу маросим “Асрнинг энг дабдабали тўйи” дея таърифланган маросимларни ҳам сояда қолдирди. 1981 йилдаги тўйини дунёда 200 миллион киши кузатган бўлса, дафн этиш маросимини ТВ орқали уч миллиардга яқин одам томоша қилди. Шунингдек, Лондондаги дафн маросимида олти миллион киши иштирок этди.

Диананинг жасади оиласига тегишли бўлган Нортгемптонширда маликанинг боғидаги кўлнинг ўртасида жойлашган оролга дафн этилди. Шу тарзда “замонавий эртак” якунига етди.

ҚИССАДАН ҲИССА

Ҳар бир эртак ва қиссада бўлгани каби бу “замонавий эртак”нинг ҳам бир “ҳиссаси” бўлиши лозим. Аммо афсуски, ҳозирги вақтда гиёҳванд моддалар ҳамда фақат бугунини ўйлаш орқали муҳокама қилишга қодир ақлдан мосуво бўлган ва билиб туриб, дунё ҳаётини охира-т ҳаётидан устун қўйган “замонавий одамлар” бу ўлимдан ҳам керакли хулосани чиқармадилар.

Бир инсон ҳад-ҳисобсиз бойликка, салтанат-у шуҳратга, кўшқларга, саройларга эга бўлса ҳам, яқунда ўлим келиб уни топмоқда. Ўлим билан ким қачон юзлашиши номаълум.

Ўлганидан кейин эса хоҳ муҳташам дафн маросими ташкил этилсин, хоҳ қабри устига 100 минг гул қўйилсин, нима қилинса ҳам унга ҳеч фойдаси йўқ.

Бор этганини йўқ этиш Коинот султони бўлган Аллоҳу таолонинг ҳукмидир. Бу ҳукмни Илоҳий китоблар восита-сида ва 124 минг пайғамбарнинг тили билан баён этган.

“Энг гўзал шаклда яратгани, коинотнинг хотира даф-тари ҳолига келтиргани, ер юзида халифа деб тайинла-гани инсонни абадий ҳаётда бор этажакдир. Унга “кириш эшиги” ҳамда “кутиш зали” бўлган қабр ҳаётида ундан сўнг ҳам амал қилувчи “билет” фақат ва фақат иймон-у амалдир. Шон-шуҳрат, пул, бойлик ҳамма бир кун йўл оладиган у оламда амал қилмас ва беш тийинлик қий-мати йўқ.

Бугун малика Диана кетган бўлса, эртага бутун дунёнинг машҳурлари ҳам боқий оламга йўл олади, тупроқ остидан жой олади. “Ўлим овчиси”дан қочиб қолишнинг имкони йўқ. Туяқушга ўхшаб боши “ғафлат тупроғи”га кўмилган бўлса ҳам...

МУНДАРИЖА

Илк инсон ва илк Пайғамбар ҲАЗРАТИ ОДАМ	3
Пашшага енгилган “худо” НАМРУД.....	4
Дунёси билан мағрурланган ҚОРУН.....	7
Завқланиш учун номдор шаҳарга ўт қўйган НЕРОН	9
Халқнинг елкасини босиб, юксалишни истаган диктатор ЦЕЗАРЬ	11

Босқинчи аскарнинг қиличи остида ҳаёт билан видолашган АРХИМЕД	15
Шароб таъсири остида қийнала-қийнала жон берган ИСКАНДАР	17
Каъбани вайрон қилиш учун келаётганда Абобил қушларига дуч келган АБРАҲА	19
Асрлар мобайнида куфрнинг рамзи бўлиб келаётган АБУ ЖАҲЛ	26
Зиндонни писанд этмаган АҲМАД ИБН ҲАНБАЛ	31
Қамчи зарбалари остида вафот этган ИМОМИ АЪЗАМ АБУ ҲАНИФА.....	32
Ҳужжат ул-Ислом ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ.....	35
Орифлар шоҳи БАҲОУДДИН НАҚШБАНД	36

Қуддусни озод этган қаҳрамон САЛОҲИДДИН АЙҲУБИЙ.....	39
Қалблар султони МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ	41
Византиянинг мағрур императори РОМАН ДИОГЕН	44
Анадўлини Ислом юртига айлантирган мард қўмондон АЛПАРСЛОН.....	48
Мамлакатни илм билан юксалтирган доно вазир НИЗОМУЛМУЛК	50
ЧИНҒИЗХОН ҚАЕРДА ВА ҚАНДАЙ ЎЛГАН?	52
Улуғ салтанат асосчиси УСМОН ҒОЗИЙ.....	58
Истанбул фотиҳининг жаҳонгир падари СУЛТОН МУРОД II.....	61
Жаҳонгир подшоҳ ЁВУЗ СУЛТОН САЛИМ	66

Кўп ва хўб зафарларга эришган ҳукмдор СУЛТОН СУЛАЙМОН ҚОНУНИЙ.....	70
Ҳаёти жангда кечган баҳодир ШАЙХ ШОМИЛ.....	75
Шарқни севган ғарб дунёсининг дахоси ИОГАНН ВОЛЬФГАНГ ФОН ГЁТЕ	83
Танасига теккан ўқдан сўнг соғлиги тикланмаган ПАПА ИОАНН ПАВЕЛ ИККИНЧИ	88
Умрининг 50 йили уруш ичида кечган ЁСИР АРОФАТ	92
Катта бойлик ва оламга сиғмас шуҳратни ташлаб кетди ЭНТОНИ КУИНН	97
Донишманд давлат раҳбари	99
АЛИ ИЗЗАТБЕГОВИЧ	99
Машҳур Президент РОНАЛЬД РЕЙГАН	105

Охирги йилларида доим касалликлари кун тартибида бўлган БУЛЕНТ ЭЖЕВИТ	108
Можарога тўла ҳаёти қатл супасида якун топган САДДАМ ҲУСАЙН	119
Дунёни паришон ҳолда тарк этган НАПОЛЕОН.....	130
Ғайритабиий хасталикка чалинган МУСТАФО КАМОЛ.....	133
Мустамлакачи инглизларга қарши “тинч йўл билан кураш” усулини қўллаган МАҲАТМА ГАНДИ	142
Оёғидан осиб қўйилган МУССОЛИНИ	145
Бир харобада жонига қасд қилган АДОЛЬФ ГИТЛЕР	149

Дорга осилиб жон берган уч мазлум МЕНДЕРЕС, ЗЎРЛУ, ПЎЛАТХОН	153
МЕНДЕРЕСНИНГ ҚАТЛ ЖАРАЁНИ	160
Большевиклар инқилобининг “мяси” мясига берилган зарбадан вафот этди ТРОЦКИЙ	162
МАО ЦЗЕДУН.....	165
Бошқа золимлар каби минг азобда жон берган ЛЕНИН	167
“БУТЛАР ВАЙРОН ҚИЛИНДИ”	171
Қизил диктатуранинг жирканч юзини кўрганлиги ҳаётига зомин бўлган МАКСИМ ГОРЬКИЙ	172
Ҳаётининг сўнгги йиллари езлаштирилган фильм каби ўтган ТУРГУТ ЎЗАЛ	181

Халқ очликдан азият чекаётганда қирқ хонали вилласида маишат қилган НИКОЛАЙ ЧАУШЕСКУ	192
“Ёмон қўшни” нинг машҳур одами ойларча азоб чекиб, вафот этди АНДРЕАС ПАПАНДРЕУ	197
Ўлимдан кейинги ҳаётдан жуда қўрққан АЗИЗ НЕСИН	199
Ўтган аср жаҳонгирларидан бири ЖАВҲАР ДУДАЕВ	202
Умри сўнгида хушчақчақ эди.....	209
АЛПАРСЛОН ТУРКЕШ	209
Ҳузур ва саодатдан бебаҳра қолган	217
МАЛИКА ДИАНА	217

МАШҲУРЛАРНИНГ

СЎНГТИ ЛАҲЗАЛАРИ

Муҳаррир **Маъмура Дусиярова**

Бадиий муҳаррир **Иброҳим Икромов**

Техник муҳаррир **Екатерина Сибаева**

Мусахҳиҳ **Асолат Шербекова**

Саҳифаловчи ва дизайнер **Мирализ Маҳкамов**

Тасдиқнома рақами 7069. 22.10.2020 й.

Босишга 2022 йил 16 майда рухсат этилди.

Қоғоз бичими 58х84 $\frac{1}{16}$. Гарнитура Times New Roman.

Офсет босма. Шартли бос. таб. 13,5. Нашр. бос. таб. 8,57.

Адади: I-завод 3000 нусха. 107-сонли буюртма.

“ZUKKO KITOBXON BOSMAXONASI” МЧЖ

нашриёт-матбаа уйида чоп этилди..

Тошкент шаҳри, Лангар кўчаси, 78-уй.

Машхурларнинг / таржимон ва нашрга тайёрловчилар
Комил Муҳаммад, Элмира Мадаминова. – Тошкент: ZUKKO
KITOVXON нашриёт-матбаа уйи, 2022. – 240 б.

УЎК 94(100)(092)
КБК 63.3г(0)

ҚАЙДЛАР УЧУН

Қайділар учун


ҚАЙДЛАР УЧУН



ZUKKO KITOVBXON



550000



Энтони Куинн



Наполеон



Иоганн Вольфганг
Фон Гете




Шайх Шомали



Ленин



Цезарь



Рональд Рейган



Адольф Гитлер



Мустафа Камол



Чингизхон



Маҳатма
Ганди



Муссолини



Арх



Азиз
Несин

Тошкент шаҳар, Лангар кўчаси, 78-уй.

ISBN 978-9943-8221-8-4



9 789943 822184



t.me/ZukkoKitobxon

f Zukko-Kitobxon

@zulkko_kitobxon

+ (998) 97 157-51-55